

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД НОРМАТИВ-  
ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ХАЛҚАРО  
ШАРТНОМАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент - 2020**

**Тузувчилар:**

**Д.Х. Набиев, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири,  
Иқтисод фанлари доктори**

**М.Р. Болтабаев, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори,  
Иқтисод фанлари доктори, профессор**

**Б.Ю. Сирожов, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти,  
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори**

**Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга  
оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва халқаро шартномалар тўплами,  
2020 йил 1 март ҳолатига. – Тошкент 2020. – 955 бет**

Мазкур тўплам жисмоний тарбия ва спорт олий ўқув юрти, қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази ўқув дастурларига асосан, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий асослари ўқув курсини ўрганиш учун қўлланма вазифасини ўтайди. Ушбу тўпламда жисмоний тарбия ва спортга оид барча муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи назаридан амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ёритилган.

Жисмоний тарбия ва спорт олий ўқув юртлари ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча ўқув муассасаларида жисмоний тарбия спортнинг ҳуқуқий асосларини ўрганувчи талабалар, тингловчилар ва ўқитувчилар, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳаси барча мутахассилари учун мўлжалланган.

Жамоа тузувчилар,  
2020

Тошкент, 2020

## Кириш

Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш давлат сиёсатининг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир инсоннинг соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сонини кўпайтириш, юқори натижаларга эришадиган спортнинг барча турларини ривожлантириш масалаларини самарали норматив-ҳуқуқий базани яратиш билан ҳал қилиш мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ва бир қатор қонун ости ҳужжатлари 1992 йилдан бошлаб қабул қилинган ва бундай жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Натижада, юридик фанларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг ютуқлари асосида янги ўқув фанларининг яратилиши намоён бўлмоқда. Айниқса, жисмоний тарбия ва спортни тартибга солувчи қонун ости ҳужжатларининг кўплаб қабул қилиниши, ушбу соҳани тартибга солувчи янги ҳуқуқ тармоғини яратилишига замин яратди.

Спорт ҳуқуқи - бу Ўзбекистон юриспруденциясининг янги ҳуқуқ тармоғи бўлиб, у жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши натижасида спортни ҳуқуқий тартибга солиш механизми янада аҳамиятли бўлиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик жадал ривожланмоқда, ушбу соҳадаги қонун ва қонун ости ҳужжатларини қўллашнинг маъмурий ва суд амалиёти эса босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда.

Бироқ, бугунги кунга қадар жисмоний тарбия ва спортни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юридик адабиётларда деярли ўрганилмаган, жисмоний тарбия ва спортнинг барча соҳалари ҳақида зарур назарий ҳуқуқий тушунчага эга бўлиш учун, ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчилик базаси тизимли равишда баён қилинмаган ва юридик адабиётларда шарҳланмаган.

Ҳозирги вақтда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори ютуқларга эришишнинг асосий шартларидан бири - бу спорт соҳасида фаолият олиб бораётган барча мутахассисларни жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шарномалар бўйича чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлиши ва бу билимларни ўз фаолиятларида қўллаш қобилиятидир. Шу муносабат билан, мазкур тўплам жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият олиб борувчи бошқа шахсларни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ ўрганишлари учун муҳим аҳамиятга эга.

Тақдим этилаётган тўплам олтига бўлимга бўлинган бўлиб: биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга оид қонуни; иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга оид фармонлари ва қарорлари; учинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга оид қарорлари; тўртинчи бўлимда жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган низомлар; бешинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат идораларининг ўзаро ҳамкорликдаги жисмоний тарбия ва спортга оид буйруқ ва қарорлари ҳамда ушбу буйруқ ва қарорлар билан тасдиқланган низомлар, қоидалар; олтинчи бўлимда жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга оид халқаро шартномалар акс эттирилган.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан чекланиб қолинмайди - бу ҳужжатлар фақат ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асосдир. Мазкур соҳани чуқур ўрганиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш ва илмий изланишлар олиб бориш лозим.

Тўплам жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритувчи юристлар, юридик ва жисмоний тарбия ва спорт олий ўқув юртлари талабалари, магистрантлар, докторантлар ва мустақил изланувчилар, малака ошириш марказлари тингловчилари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқарувчи давлат органлари, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, муассасалари барча ходимлари, юридик ва спорт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, турли спорт

ташкilotларининг раҳбарлари, спорт судялари, тренерлар ва спортчилар, шунингдек барча даражадаги давлат органлари ходимлари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний тарбия ва спорт олий ўқув юрларида Спорт ҳуқуқи (жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий асослари") фанини ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур тўплам ушбу соҳада дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш учун муҳим манбаа ҳисобланади.

Буларнинг барчаси спорт қонунчилигини Ўзбекистон юриспруденциясининг энг муҳим ва амал қиладиган соҳасига айлантириб, уни чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ва такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

**Биринчи бўлим.**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга оид қонунлари**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

**"ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТЎҒРИСИДА" ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ  
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 24 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган**

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги 513-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 76-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 147-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2015 йил 4 сентябрь,

ЎРҚ-394-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида  
(янги таҳрири)**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2015 й., 36-сон, 473-модда)

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жисмоний реабилитация** - одам организмнинг бузилган ёки вақтинча йўқотилган функцияларини ҳамда ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг

ижтимоий ҳамда касбий фаолиятга бўлган қобилиятларини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация қилиш);

**жисмоний тарбия** - маданиятнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яратиладиган ҳамда фойдаланиладиган қадриятлар, нормалар ва билимлар йиғиндисидан иборат бўлган қисми;

**жисмоний тарбиялаш** - юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида шахсни тарбиялашга, инсоннинг жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, унинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган жараён;

**жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси** - ўз ташаббуси билан жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ўтказётган ва (ёки) бундай тадбирни тайёрлаш ҳамда ўтказишни ташкилий, молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлашни амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс;

**жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншооти** - оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очик типдаги иншоот;

**оммавий жисмоний тарбия тадбирлари** - аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар;

**оммавий спорт** - спортнинг ташкил этилган ва (ёки) мустақил машғулотлар, шунингдек оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш орқали аҳолини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш, камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этишга доир қисми;

**профессионал спорт** - спортнинг спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга доир қисми бўлиб, спортчилар уларда ўзининг асосий фаолияти сифатида иштирок этганлиги ва уларга тайёргарлик кўрганлиги учун мукофот ва (ёки) иш ҳақи олади;

**спорт** - одамларнинг муайян қоидалар бўйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараёнида одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар;

**спортчи** - танлаган спорт тури ёки спорт турлари билан мунтазам шуғулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс;

**спорт бўйича агент** - спортчи номидан ва унинг манфаатлари учун шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, тузилган шартномалар шартларига ва спортчининг ҳуқуқларига риоя этилишини кузатиб борадиган шахс;

**спорт мусобақаси** - спортчилар ўртасида ёки спортчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари (спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш мақсадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган беллашув;

**спорт иншооти** - спорт тадбирлари ва оммавий спорт тадбирларини, спорт турлари бўйича ўқув-машқ машғулотлари ва ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очик типдаги ихтисослаштирилган иншоот;

**спортчининг спорт дисквалификацияси** - спорт тури қоидаларини ёки спорт мусобақалари тўғрисидаги низомларни (регламентларни) ёхуд халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган допингга қарши қоидаларни ёки республика спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган нормаларни бузганлик учун спортчини спорт мусобақаларида иштирок этишдан спортнинг тегишли тури бўйича халқаро спорт федерацияси (уюшмаси) ёки спортнинг тегишли тури бўйича республика спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан амалга ошириладиган четлаштириш;

**спорт турининг тармоғи (дисциплинаси)** - фарқловчи белгиларга эга бўлган ҳамда битта ёки бир нечта спорт мусобақалари дастурлари турларини ўз ичига оладиган спорт турининг қисми;

**спорт тадбирлари** - спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

**спорт тури** - жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

**спорт федерацияси (уюшмаси)** - бир ёки бир нечта спорт турини ривожлантириш, оммалаштириш, шунингдек спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ҳамда спортчиларни - Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзоларини спортнинг тегишли тури бўйича тайёрлаш учун аъзолик асосида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган нодавлат ноижорат ташкилоти;

**спорт ҳаками** - спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлаш учун жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси томонидан ваколат берилган, махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс;

**спортнинг техник ва амалий турлари** — спорт натижаларига эришиш учун спортчи томонидан умумий жисмоний машқлар мажмуасидан ташқари, спорт техникасидан, мосламаларидан ёки техникавий воситалардан фойдалана билиш ва уларни бошқариш соҳасидаги кўникмалар ва маҳорат қўлланиладиган, шунингдек ҳар хил спорт турларидан олинган, амалий аҳамиятга эга бўлган машқлар бирикмасидан фойдаланиладиган спорт турлари. Спортнинг техник ва амалий турлари ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлашнинг таркибий қисмидир;

**тренер** - тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;

**Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари** - миллий ижтимоий-маданий йўналишга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ривожланаётган спорт ва ўйин турлари;

**Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари** - халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш учун турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислар жамоалари;

**хаваскорлик спорти** — спортнинг аҳолини ихтиёрийлик асосида оммавий спортга жалб қилиш орқали одамлар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган қисми;

**спортнинг ҳарбий-амалий турлари** — асоси ҳарбий хизматчилар ҳамда махсус хизматни ўтаётган шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ махсус ҳаракатлардан (шу жумладан усуллардан) иборат бўлган спорт турлари.

#### **4-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;  
ҳар кимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ҳамда жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;  
фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқларининг давлат кафолатларини белгилаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камситишга ҳамда зўравонликка йўл қўймаслик;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсларнинг, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари иштирокчилари ҳамда томошабинларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш;

спортнинг барча турлари ва таркибий қисмларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар, шунингдек юкори даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

фуқароларни жисмоний тарбиялашнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;

халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

### **5-модда. Жисмоний тарбия ва спорт субъектлари**

Жисмоний тарбия ва спорт субъектлари жумласига куйидагилар киради:

жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шу жумладан спорт-техника ташкилотлари, жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, спорт клублари, спорт тайёргарлиги марказлари;

спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари;

спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирувчи ташкилотлар;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи таълим муассасалари;

ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалари;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширувчи илмий ташкилотлар;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи фуқаролар, спортчилар, спорт ҳакамлари, тренерлар, спорт бўйича агентлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассислар, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг иштирокчилари ҳамда томошабинлари;

ушбу Қонунга мувофиқ бошқа органлар ва ташкилотлар.

### **2-боб. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

#### **6-модда. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш:

спортчиларнинг спорт тадбирларида иштирок этишини таъминлаш;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан моддий-техника ва ахборот ресурсларидан, шунингдек илмий-тадқиқотга оид ва техник ишланмалар ҳамда технологиялардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

давлат мулкида бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини сақлаш;

спорт тайёргарлиги бўйича янги базалар ва марказларни, спорт-таълим муассасаларини, шу жумладан ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларини, шунингдек жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини қуриш ҳамда ишлаб турганларини реконструкция қилиш;

спорт клублари ва мактаблари, спорт-таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалари, спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари, тиббий-жисмоний тарбия диспансерлари фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

жисмоний тарбия ва спорт воситаларидан аҳолининг, шу жумладан аёллар ва ёшларнинг, шунингдек ногиронларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг паралимпия ҳамда сурдлимпия ўйинларида, ногиронлар ўртасидаги махсус олимпиадалар ва бошқа спорт тадбирларида иштирок этишини ривожлантириш ҳамда таъминлашга кўмаклашиш;

спорт тадбирларини, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг халқаро ҳамкорлигига кўмаклашиш;



жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги дастурларни, илмий-услубий тизимларни ва комплекс илмий тадқиқотларни молиялаштириш йўли билан амалга оширилади.

#### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда мақсадли дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди;

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини, шунингдек спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш тартибини белгилайди;

халқаро ҳамда республика миқёсидаги Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини, шунингдек Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини тасдиқлайди;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг, бошқа давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **8-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари**

Махсус ваколатли давлат органи:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда мақсадли дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан мониторинг ва назоратни, шунингдек жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши таҳлилини амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек спорт нормативларини ишлаб чиқишни амалга оширади ҳамда уларни тасдиқлайди;

спорт марказларини ва допингга қарши марказларни, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини ҳамда илмий ташкилотларни ташкил этиш бўйича таклифлар киритади ва уларнинг фаолияти ташкил этилишини таъминлайди;

Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифини, шунингдек у тўғрисидаги низомни, спорт турларини ва спорт турларининг тармоқларини эътироф этиш, уларнинг реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритади, уни юритиш тартибини белгилайди;

халқаро ва республика миқёсидаги Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари-нинг календарь режасини шакллантиради ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан бирга-ликда уларнинг молиялаштирилиши ва ўтказилишини таъминлайди;

спорт унвонлари, спорт разрядлари ва малака тоифаларини бериш тартибини тасдиқлайди;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома беради;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди, шунингдек уларнинг паспортларини беради;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари таркибларини ва уларнинг яқин захирасини тасдиқлайди, Ўзбекистон спорт делегацияларини жамлайди, уларнинг тайёргарлик кўришини ҳамда халқаро спорт мусобақаларида ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларида иштирок этишини таъминлайди;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарилишини ташкил этишга кўмаклашади;

янги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари қурилишини ҳамда ишлаб турганлари реконструкция қилинишини ташкил этишга кўмаклашади;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича илмий, ўқув, илмий-оммабоп ва оммавий адабиётлар тайёрланиши ва нашр этилишини, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фото- ва видеоматериаллар чиқарилишини ташкил этади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари оммалаштирилишини ташкил этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **9-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

жисмоний тарбиядан соғлиқни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш воситаси сифатида фойдаланади;

мамлакатда спорт тиббиётини ўрганиш ва ривожлантириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб боради, дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

аҳолининг жисмоний жиҳатдан камол топиши ҳолати таҳлилинини ўтказиши ва тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган шахсларнинг тиббий мониторингини ташкил этади;

спортчиларнинг спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришини тиббий жиҳатдан таъминлашда иштирок этади;

спорт тиббиёти соҳасидаги ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

спортчилар ва бошқа мутахассислар спорт жароҳатларини олганда уларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади, шунингдек уларни жисмоний реабилитация қилиш бўйича тадбирлар ўтказиши;

аҳолининг жинси ва ёши тоифасига қараб, жисмоний машқлар дастурини шакллантиришга доир услубий тавсияларни ишлаб чиқади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

соғломлаштириш марказларини, даволаш-жисмоний тарбия диспансерларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга йўналтирилган бўлишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шарт-шароитларни таъминлайди;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этади;  
ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ("Баркамол авлод") ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ("Универсиада") ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этишда иштирок этади;

олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда ташкилотлари спорт объектларининг моддий-техника ва ресурс базаси сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлайди;

ўқувчилар ва талабаларга соғлом турмуш тарзини, спорт билан шуғулланишнинг муҳимлиги, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш тушунчасини сингдиришга, уларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ҳамда зарарли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ўқувчилар ва талабаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усулларини, жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ҳамда жорий этишга кўмаклашишни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **11-модда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантиришни ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлашни таъминлайди;

болалар ва ўқувчи ёшлар ўртасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ташкил этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этади;

халқ таълими тизимининг таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида спорт мусобақаларини ("Умид ниҳоллари") ташкил этишда иштирок этади;

болалар спортининг моддий-техника ва ресурс базасини ривожлантириш чораларини кўради;

болаларга спортга муҳаббатни сингдириш, ўсиб келаётган авлодда спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш муҳимлиги тушунчасини шакллантириш, болаларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ва зарарли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усулларини, болаларнинг жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спортга қобилиятли болаларни ихтисослаштирилган спорт таълим муассасаларида ўқитиш учун танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ҳамда жорий этишга кўмаклашишни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **12-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тадбирларнинг маҳаллий бюджетдан молиялаштирилишини таъминлайди;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларини ташкил этишга кўмаклашади ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди;

аҳоли ўртасида спорт нормативларини топшириш бўйича ишларни ташкил этади;

оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминлайди;

ҳаваскорлик жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини ривожлантириш учун фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида шарт-шароитлар яратади;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарилишини ташкил этишга кўмаклашади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари билан биргаликда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади.

### **3-боб. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни ташкил этиш**

#### **14-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар**

Спорт турлари бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касблари ва лавозимларига доир малака талаблари махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларнинг касблари ва лавозимларига доир малака талаблари эса қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **15-модда. Ҳаваскорлик спорти ва профессионал спорт**

Фуқаролар ҳаваскорлик спорти, шунингдек профессионал спорт билан спортчи, тренер ёки спорт ҳаками сифатида шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Ҳаваскорлик спорти ва профессионал спорт соҳасидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиши тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **16-модда. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги якка тартибдаги тадбиркорлик**

Фаолиятнинг асосий тури сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ёки бошқа юридик шахснинг таркибий бўлинмаси жисмоний тарбия-спорт ташкилотидир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилишда иштирок этади, спортчиларни ва спорт мусобақаларида ҳамда ўқув-машқ тадбирларида иштирок этувчи бошқа мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратади, спортчилар ва

тренерларга машғулотлар учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди, шунингдек ушбу мутахассисларга спорт натижаларига эришиши учун бошқача тарзда кўмаклашади.

Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар халқаро спорт ташкилотларининг аъзоси бўлиши мумкин.

Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари чет давлатларнинг спорт ташкилотлари билан муносабатларда халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган низомлар (регламентлар), қоидалар ва талабларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига риоя этади.

### **17-модда. Ўзбекистон олимпия ҳаракати. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси**

Ўзбекистон олимпия ҳаракати Халқаро олимпия ҳаракатининг таркибий қисми бўлиб, унинг мақсади олимпия ҳаракати принципларини оммалаштириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш, спорт соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Олимпия ўйинларида ҳамда Халқаро олимпия қўмитаси бошчилигида ўтказиладиган бошқа халқаро спорт тадбирларида иштирок этишдан иборатдир.

Ўзбекистон олимпия ҳаракати Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси - республика нодавлат ноижорат ташкилоти томонидан бошқарилади, ушбу қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Халқаро олимпия қўмитасининг Олимпия хартиясига ҳамда ўз уставига мувофиқ амалга оширади. Давлат Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига ўз уставида белгиланган мақсадларини амалга оширишига ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда, Ўзбекистон олимпия ҳаракатини тан олади ва қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси:

олимпия ҳаракати принципларини оммалаштиради, юксак ютуқларга эришиладиган спортни ва оммавий спортни ривожлантиришга кўмаклашади;

Халқаро олимпия қўмитасининг Олимпия хартиясига мувофиқ Олимпия ўйинларида ҳамда Халқаро Олимпия қўмитаси бошчилигида ўтказиладиган бошқа халқаро спорт тадбирларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритади;

спортчиларни Олимпия ўйинларида ҳамда Халқаро Олимпия қўмитаси бошчилигида ўтказиладиган бошқа халқаро спорт тадбирларида иштирок этишга тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

спортда допингнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишга, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камситиш ва зўравонликнинг ҳар қандай шакллари юзага келишига йўл қўймасликка кўмаклашади;

Халқаро олимпия қўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг олимпия рамзлари, шиори, байроғи, мадҳиясидан, "олимпия", "олимпиада" номларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳимоя қилиш чораларини таъминлайди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ўз ваколатларини махсус ваколатли давлат органи, спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **18-модда. Спорт федерациялари (уюшмалари)**

Спорт федерацияси (уюшмаси) мамлакатда спорт турини ёки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштиришни амалга оширади ҳамда республика ва халқаро миқёсдаги барча тадбирлар ва мусобақаларда спортчилар ва бошқа мутахассислар номидан иш юритади.

Спорт федерациясининг (уюшмасининг) расмий номи нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши ҳамда унда спорт федерацияси (уюшмаси) фаолиятининг ҳудудий соҳаси, шунингдек спорт федерацияси (уюшмаси) қайси спорт турини ёки спорт турларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлса, ўша спорт тури ёки спорт турлари кўрсатилиши лозим.

Спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, ушбу Қонунда назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **19-модда. Спорт федерациялари (уюшмалари) реестри**

Спорт федерациялари (уюшмалари) тўғрисидаги маълумотлар улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин спорт федерациялари (уюшмалари) реестрига киритилиши керак. Махсус ваколатли давлат органи спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритишни амалга оширади.

Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

тегишли спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) номлари;

тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) қайси спорт турини ёки спорт турларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ўша спорт тури ёки спорт турлари;

тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) халқаро спорт ташкилотларига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар.

Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрида кўрсатилган маълумотлар очик бўлади ва улардан ҳамма фойдаланиши мумкин, бундан тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар, агар бу маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ очик бўлмаса ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаса, мустасно.

Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

### **20-модда. Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари**

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маданий меросининг ажралмас қисми, аҳолида ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат, халқаро майдонда мамлакатнинг обрў-эътиборини юксалтиришга интилиш туйғуларини тарбиялаш пойдеворидир.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шунингдек бошқа ташкилотлар:

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади ҳамда уларни аҳоли ўртасида ёйиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **21-модда. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш**

Жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчилари бу тадбирларни ўтказиш шартларини, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишни молиялаштириш шартларини белгилайди, бундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлади, ушбу тадбирларни тўхтатиш ва бекор қилиш, уларни ўтказиш вақтини ўзгартириш ва уларнинг яқунларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчилари қуйидаги мутлақ ҳуқуқларга эга:

жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг номи ва рамзларидан фойдаланиш;

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш жойида товарлар, ишлар ва хизматлар рекламасини жойлаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларида фойдаланиладиган спорт экипировкаси, спорт ускуналари ва анжомларини ишлаб чиқарувчиларни белгилаш;

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини уларнинг тасвири ва (ёки) овозини ҳар қандай усуллар билан ва (ёки) турли технологиялар ёрдамида трансляция қилиш орқали, шунингдек мазкур трансляцияни ёзиб олишни ва (ёки) тадбирни фотосуратга ҳамда видеотасвирга туширишни амалга ошириш орқали ёритиш.

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг номларидан, улар асосида тузилган сўз бирикмаларидан ҳамда мазкур тадбирлар рамзларидан учинчи шахсларнинг фойдаланиши жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчилари билан ёзма шаклда тузиладиган келишувлар асосида амалга оширилади, бундай номлардан, улар асосида тузилган сўз бирикмаларидан ва мазкур тадбирлар рамзларидан ахборот мақсадида ёхуд оммавий ахборот воситаларида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ёритиш ҳуқуқини олган учинчи шахслар томонидан ушбу ҳуқуқларнинг фойдаланиш ҳоллари бундан мустасно.

Оммавий ахборот воситаларида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчилари томонидан тасдиқланган, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг тўғри кўрсатилган номларидан фойдаланилиши керак. Бунда мазкур номлар реклама ҳисобланмайди.

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ёритиш ҳуқуқидан учинчи шахслар фақат жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчиларининг ёзма рухсатлари билан ёхуд учинчи шахслар томонидан ушбу ҳуқуқларнинг бундай тадбирлар ташкилотчиларидан сотиб олинганлиги тўғрисидаги ёзма шаклдаги келишувлар асосида фойдаланиши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари тўғрисидаги қоидаларнинг, низомларнинг (регламентларнинг) мазмунига доир алоҳида спорт турларининг хусусиятларини назарда тутадиган умумий талаблар махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Фақат расмий спорт мусобақаларигина Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги ёки биринчилиги мақомига ва номига эга бўлиши мумкин.

Расмий спорт мусобақаларини ўтказишга ушбу Қонун **26-моддасига** мувофиқ тасдиқланган спорт турларининг қоидалари асосидагина йўл қўйилади.

Халқаро спорт тадбирлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат бундай тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг тегишли спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда махсус ваколатли давлат органи билан келишиб олинishi шарти билан ўтказилиши мумкин.

## **22-модда. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш. Спорт турларининг реестри**

Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда эътироф этилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари спорт турлари реестрига киритилади.

Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш ҳамда уларни спорт турлари реестрига киритиш тартиби, шунингдек ушбу реестрни юритиш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

## **23-модда. Спорт унвонлари, спорт разрядлари, малака тоифалари. Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи**

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги спорт унвонлари, спорт разрядлари, малака тоифалари белгиланади:

а) спорт унвонлари:

Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси ёки халқаро гроссмейстер;

Ўзбекистон спорт устаси ёки Ўзбекистон гроссмейстери;

б) спорт разрядлари:

Ўзбекистон спорт усталигига ёки Ўзбекистон гроссмейстерлигига номзод;

биринчи спорт разряди;

иккинчи спорт разряди;

учинчи спорт разряди;

ўсмирлар учун биринчи спорт разряди;

ўсмирлар учун иккинчи спорт разряди;

ўсмирлар учун учинчи спорт разряди;

в) спорт ҳакамларининг малака тоифалари:

халқаро тоифали спорт ҳаками;  
миллий тоифали спорт ҳаками;  
биринчи тоифали спорт ҳаками;  
иккинчи тоифали спорт ҳаками;  
учинчи тоифали спорт ҳаками;  
спорт бўйича ҳакам;

г) тренерларнинг малака тоифалари:

халқаро тоифали тренер;  
олий тоифали тренер;  
биринчи тоифали тренер;  
иккинчи тоифали тренер;

д) йўриқчи-услубчиларнинг малака тоифалари:

олий тоифали йўриқчи-услубчи;  
биринчи тоифали йўриқчи-услубчи;  
иккинчи тоифали йўриқчи-услубчи.

Спорт унвонлари, спорт разрядлари ҳамда малака тоифаларини бериш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи спорт турлари реестрига киритилган спорт турлари бўйича тегишли спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш учун бажарилиши зарур бўлган нормалар ҳамда талабларни, шунингдек уларни бажариш шартларини белгилайди. Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомда мазкур нормалар, талаблар ва шартларнинг мазмуни, шунингдек спорт турлари бўйича спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш тартиби белгиланади.

Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи ва у тўғрисидаги низом махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

#### **24-модда. Халқаро ва республика миқёсидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси**

Халқаро ва республика миқёсидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва республика миқёсидаги расмий спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирлари рўйхатини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини халқаро спорт тадбирларига тайёрлаш ва уларнинг иштирок этишини таъминлаш бўйича тадбирлар рўйхатини белгиловчи ҳужжатдир.

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари халқаро ва республика миқёсидаги Спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига спорт турларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Халқаро ва республика миқёсидаги Спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси тегишли календарь йил бошлангунига қадар тасдиқланади.

Халқаро ва республика миқёсидаги Спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари расмий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларидир.

#### **25-модда. Спортчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Спортчи:

спорт тури ёки спорт турларини танлаш;

танланган спорт тури ёки спорт турлари бўйича спорт мусобақаларида ушбу спорт турлари қоидалари ҳамда спорт мусобақалари ҳақидаги низомларда (регламентларда) белгиланган тартибда иштирок этиш;

Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи нормалари ва талабларини бажарганда спорт унвонлари ва спорт разрядларини олиш;



қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан меҳнат шартномаларини тузиш;

танланган спорт тури ёки спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органлар ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Спортчиларнинг айрим тоифалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Давлат бошқаруви органлари, жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари, спорт марказлари, бошқа жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари спортчиларга зарур ижтимоий-маиший шароитлар яратиши ва уларнинг соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Спортчи:

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларида иштирок этиш ҳамда ўқув-машқ машғулотлари пайтида, шунингдек спорт объектларида бўлганда хавфсизлик талабларига риоя этиши;

ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган допингга қарши қоидаларга риоя этиши; допинг назоратини ўтказиш мақсадида допингга қарши қоидаларга мувофиқ ўзининг турган жойи ҳақида ахборот тақдим этиши;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги одоб нормаларига риоя этиши;

ўзи иштирок этаётган жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари тўғрисидаги қоидаларга, низомларга (регламентларга) ҳамда жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчиларининг талабларига риоя этиши;

санитария-гигиена, тиббий талабларга риоя этиши, мунтазам равишда тиббий текширувлардан ўтиши шарт.

Спортчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **26-модда. Спорт турлари қоидалари**

Спорт турлари реестрига киритилган спорт турларининг қоидалари халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қўлланилади, бундан ҳарбий-амалий, Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари мустасно.

Ҳарбий-амалий, Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари қоидалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади.

## **27-модда. Спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш**

Допингга қарши қонданнинг бузилиши, шу жумладан спортда фойдаланиш тақиқланган субстанциялар ва (ёки) усуллар (бундан буён матнда тақиқланган субстанция ва (ёки) тақиқланган усул деб юритилади) рўйхатига киритилган субстанциядан ва (ёки) усулдан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш спортда допинг деб эътироф этилади.

Спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш допингга қарши халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланган допингга қарши қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Қуйидаги бир ёки бир нечта қоидабузарлик допингга қарши халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланган допингга қарши қоидаларнинг бузилиши деб эътироф этилади:

спортчининг тақиқланган субстанциядан ва (ёки) тақиқланган усулдан фойдаланганлиги ёки фойдаланишга уринганлиги;

мусобақа пайтида ёки мусобақадан ташқари пайтда спортчи организмидан, шунингдек спорт мусобақасида иштирок этаётган жонивор организмидан олинган намунада тақиқланган субстанцияларнинг ёхуд улар метаболитларининг ёки маркерларининг мавжуд бўлиши;

спортчининг намуна олиниши учун келишдан бош тортганлиги, спортчининг допингга қарши қоидаларга мувофиқ хабардор қилингандан кейин намуна олинишига узрли сабабларсиз келмаганлиги ёки спортчининг намуна олинишидан бошқача тарзда бўйин товлаганлиги;

спортчидан мусобақадан ташқари пайтда намуна олиниши имкониятига тааллуқли допингга қарши талабларнинг бузилганлиги, шу жумладан ўзининг турган жойи ҳақидаги ахборотни тақдим этмаганлиги ҳамда унинг тестлашда иштирок этиш учун келмаганлиги;

допинг назорати элементини сохталаштириш ёки сохталаштиришга уриниш;

Жаҳон допингга қарши агентлигининг Тақиқланган субстанциялардан терапевтик фойдаланиш учун халқаро стандартга мувофиқ бериладиган рухсатномасиз терапевтик фойдаланиш учун тақиқланган субстанцияларга ва (ёки) тақиқланган усулларга эга бўлиш;

тақиқланган субстанция ва (ёки) тақиқланган усулни тарқатиш.

Спортчилар, шунингдек тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассислар томонидан спортчиларга нисбатан допингга қарши қоидаларнинг бузилишига, спорт мусобақасида қатнашаётган жониворларга нисбатан тақиқланган субстанция ва (ёки) тақиқланган усулнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Спортчи томонидан, шунингдек спорт мусобақасида қатнашаётган жониворга нисбатан тақиқланган субстанция ва (ёки) тақиқланган усулдан фойдаланилганлиги факти фақат Жаҳон допингга қарши агентлиги томонидан аккредитация қилинган лабораторияларда ўтказилган текширувлар натижалари билан тасдиқланади.

Допинг назорати тестларни ўтказишни режалаштириш, намуналарни олиш, сақлаш, ташиш, лабораторияда таҳлил қилиш, тестдан кейинги муолажалар, шунингдек тегишли эшитувларни ўтказиш ва апелляцияларни кўриб чиқишни ўз ичига оладиган жараёнدير.

Допингга қарши таъминот спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган тадбирларни ўтказишдан иборат.

Тестлаш допинг назоратининг элементлари бўлиб, тестларни ўтказишни режалаштириш, намуналарни олиш, сақлаш ва Жаҳон допингга қарши агентлиги томонидан аккредитация қилинган лабораторияга ташишни ўз ичига олади.

Тестлаш мусобақа пайтида ёки мусобақадан ташқари пайтда амалга оширилади. Мусобақа пайти деганда, агар тегишли спорт тури бўйича халқаро спорт федерацияси (уюшмаси) қоидаларида ёки допингга қарши халқаро ташкилот томонидан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, спортчининг ва (ёки) жониворнинг муайян мусобақада иштирок этиши билан боғлиқ пайт тушунилади. Мусобақа пайтига киритилмаган вақт мусобақадан ташқари пайтдир.

Спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

допинг назоратини ўтказиш;

спортчиларнинг, тренерларнинг, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларнинг допингга қарши қоидаларни бузганлик учун жавобгарлигини белгилаш;

тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усуллар қўлланилишининг олдини олиш;

допинг назоратини ўтказувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи таълим муассасаларининг қўшимча таълим дастурларига допингга қарши қоидалар, спортда допингнинг спортчилар соғлиги учун оқибатлари, допингга қарши қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги бўлимларни киритиш;

оммавий ахборот воситаларида допингга қарши тарғибот олиб бориш;

спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

спортчиларнинг иш қобилиятини тиклаш воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

допинг назоратини ўтказиш тартибида назарда тутилган допинг назоратини ўтказиш шартларини бузганлик учун жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг жавобгарлигини белгилаш;

спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

## **28-модда. Спорт паспорти**

Спорт паспорти ягона намунадаги ҳужжат бўлиб, спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублигини ва унинг спорт малакасини тасдиқлайди.

Спорт паспортида қуйидагилар кўрсатилади:  
спортчининг фамилияси, исми, отасининг исми;  
жинси;  
туғилган санаси;  
спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублиги;  
танланган спорт тури ёки спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари;  
спорт унвонлари ва спорт разрядлари берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;  
спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш учун зарур нормалар ҳамда талаблар бажарилганлигини тасдиқловчи маълумотлар;  
спортчи тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисидаги белги;  
спорт мусобақаларида эришилган натижалар;  
спортчининг спорт дисквалификацияси тўғрисидаги маълумотлар;  
давлат мукофотлари ва бошқа шаклдаги рағбатлантиришлар тўғрисидаги маълумотлар;  
тренернинг фамилияси, исми, отасининг исми;  
танланган спорт тури ёки спорт турларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа маълумотлар.

Спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублиги спортчи ва жисмоний тарбия-спорт ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси асосида ва (ёки) спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига аъзолиги асосида аниқланади.

Спорт паспортларини юритиш, бериш ва алмаштириш, уларни ҳисобга олиш ягона тизимининг амал қилиш тартиби Спорт паспорти тўғрисидаги низомда белгиланади. Спорт паспорти тўғрисидаги низом ва спорт паспортининг намунаси махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

#### **4-боб. Таълим тизимида, фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида жисмоний тарбия ва спорт**

##### **29-модда. Таълим тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш**

Таълим тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади:  
асосий таълим дастурлари доирасида давлат таълим стандартлари билан белгиланган ҳажмларда жисмоний тарбия ва спорт бўйича мажбурий машғулотларни, шунингдек қўшимча таълим дастурлари доирасида қўшимча (факультатив) жисмоний машқлар ва спорт машғулотларини ўтказиш;

таълим олувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ёшларнинг жисмоний тарбия-спорт тайёргарлиги бўйича тадбирлар мажмуини ўтказиш учун спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш;

таълим олувчиларда индивидуал қобилятлари ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт кўникмаларини шакллантириш;

ўқув машғулотлари пайтида жисмоний тарбия тадбирларини амалга ошириш;

таълим олувчиларнинг жисмоний тарбияси ташкил этилиши устидан тиббий назорат олиб бориш;

ота-оналарда ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларда болаларининг соғлиғи ва уларнинг жисмоний тарбиясига нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш;

болалар ва ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини ҳамда жисмоний ривожланишини ҳар йили мониторинг қилиш;

таълим олувчилар иштирокида спорт тадбирларини, шу жумладан халқ таълими тизимининг таълим муассасалари ўқувчилари ("Умид ниҳоллари"), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ("Баркамол авлод") ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ("Универсиада") иштирокида уч босқичли спорт мусобақалари ташкил этилиши ва ўтказилишига кўмаклашиш.

##### **30-модда. Фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш**

Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари ва ходимлар ёки уларнинг вакиллик органлари ўртасидаги жамоа шартномалари, келишувлари ва меҳнат шартномаларига:

ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия, спорт, реабилитация қилувчи ҳамда ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни ўтказиш учун шароитлар яратиш ҳақидаги;

ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига ушбу қисмнинг **иккинчи хатбошиси** даназарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун спорт объектлари, спорт жиҳозлари ва анжомларидан фойдаланиш имкониятини бериш ҳақидаги;

спорт объектларига, спорт жиҳозлари ва анжомларига лозим даражада хизмат кўрсатилиши ҳамда уларнинг таъмирланишини таъминлаш, бундай объектлар, жиҳозлар ва анжомларни сақлашни, уларга хизмат кўрсатишни ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳақидаги қоидалар киритилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг яшаш жойи ва дам олиш жойи бўйича жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш учун шароитлар яратади, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни жалб этиш йўли билан шароитлар яратади.

Санаторий-курорт муассасалари, дам олиш уйлари ва туристик базалар раҳбарлари фуқароларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида фуқароларнинг даволаниши ҳамда дам олиши жараёнида жисмоний тарбия компонентларидан фойдаланиш учун шароитлар яратади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари касаба уюшмалари кўмиталари билан биргаликда ходимларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга, шу жумладан иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикасини ташкил этиш ҳамда ўтказишга жалб этиш мақсадида ихтиёрий равишдаги мунтазам жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари ва спорт тадбирлари ўтказиш бўйича шароитлар яратиши ҳамда ишларни ташкил этиши мумкин.

### **31-модда. Мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт. Ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилиш**

Мослаштирувчи жисмоний тарбия жисмоний тарбиянинг ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилишнинг комплекс воситаларидан фойдаланувчи қисмидир.

Мослаштирувчи спорт ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилишга ҳамда ижтимоий мослаштиришга қаратилгандир.

Ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг мослаштирувчи спортини ривожлантириш спорт билан шуғулланишнинг устуворлиги, оммалашуви ва очиқлиги принципларига асосланади.

Ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт усулларидан фойдаланган ҳолда жисмоний реабилитация қилиш ҳамда ижтимоий мослаштириш жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида, шу жумладан реабилитация марказларида, ногиронларнинг жисмоний тарбия-спорт клубларида амалга оширилади.

Тегишли таълим муассасаларида таълим олаётган ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар учун машғулотлар бундай таълим олувчиларнинг шахсий қобилиятлари ва соғлиғи ҳолати ҳисобга олинган, мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт воситаларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилади.

Махсус ваколатли давлат органи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ногиронларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ногиронларнинг ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари воситасида жисмоний тарбия, жисмоний камол топтириш ва жисмоний тайёргарлик тизимига уйғунлашувига кўмаклашади.

Махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шунингдек ногиронларнинг

жисмоний тарбия-спорт бирлашмалари ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар иштирокида жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ўтказилишини ташкил этади, болалар-ўсмирлар спорт-мослаштирувчи мактабларини, мослаштирувчи болалар-ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клубларини ташкил қилади.

### **5-боб. Спорт захирасини тайёрлаш**

#### **32-модда. Юқори малакали спортчиларни ва спорт захирасини тайёрлаш**

Юқори малакали спортчиларни ва спорт захирасини тегишли спорт кийим-боши, спорт экипировкаси, спорт жиҳози ва анжоми, биологик ва тиббий-тикловчи препаратлар билан таъминлаш, шунингдек уларнинг куч-қувват сарфини ҳамда жисмоний ресурсларини компенсация қилиш, тиббий хизмат кўрсатишни (профилактика, даволаш) таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланишини молиялаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юқори малакали спортчиларни ва спорт захирасини спорт турларининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ҳолда тайёрлаш мазкур спорт тури бўйича тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

#### **33-модда. Спорт захирасини тайёрлаш босқичлари**

Спорт захирасини тайёрлашда спортчиларни тайёрлашнинг қуйидаги босқичлари белгиланади:

спорт-соғломлаштириш босқичи;

бошланғич тайёргарлик босқичи;

ўқув-машқ босқичи;

спорт маҳоратини такомиллаштириш босқичи;

олий спорт маҳорати босқичи.

Ушбу модданинг **биринчи қисмида** кўрсатилган босқичлар таркиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

#### **34-модда. Спортчилар тайёрлашни амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва таълим муассасалари**

Спортчилар тайёрлаш мақсадида ўқув-машқ жараёни бўйича, шу жумладан юқори малакали спортчиларни ва спорт захирасини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва таълим муассасалари фаолият кўрсатади. Ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш ўқув-машқ ва бошқа спорт тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт тадбирларида спорт экипировкаси, спорт жиҳози ва анжоми, тиббий хизмат, йўлқира ҳамда овқат билан таъминлашни ўз ичига олади.

Ўқув-машқ жараёнини, юқори малакали спортчиларни ва спорт захирасини тайёрлашни амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари жумласига спорт тайёргарлиги марказлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар киради.

Ушбу модданинг **учинчи қисмида** кўрсатилган таълим муассасалари жумласига кирмайдиган таълим муассасаларида спортчиларни тайёрлаш мақсадида спорт турлари бўйича шундай тайёргарликни чуқурлаштирилган ўқув-машқ жараёни асосида амалга оширадиган таркибий бўлинмалар, ихтисослаштирилган синфлар ва гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

#### **35-модда. Ҳар хил спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлашга доир ўқув дастурлари**

Ҳар хил спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлашнинг намунавий ўқув дастурлари ўқув-машқ жараёнини амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт муассасалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тегишли илмий тадқиқотлар натижаларига ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш амалиётига асосланади. Ҳар хил спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлашнинг намунавий ўқув дастурлари махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

### **36-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги педагогик фаолият**

Тегишли маълумотга ва касбий тайёргарликка эга бўлган шахсларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, шу жумладан даволаш жисмоний тарбияси соҳасида педагогик фаолият билан шуғулланишига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

#### **6-боб. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари ва уларни шакллантириш**

### **37-модда. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари**

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий ва захира таркибларидан ташкил топиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари таркибига кирувчи жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг рўйхати тегишли спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) билан келишилган ҳолда махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини республика бюджети маблағлари ҳисобидан моддий-техникавий таъминлаш, шу жумладан спорт экипировкаси билан таъминлаш, илмий-услубий, тиббий-биологик, тиббий, допингга қарши таъминлаш махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

### **38-модда. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш**

Спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатлари ҳар йили спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан шакллантирилади ва махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишга тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодларнинг тегишли рўйхатига киритилган шахслар орасидан спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан шакллантирилади.

#### **7-боб. Жисмоний тарбия ва спортнинг моддий, тиббий, молиявий ҳамда бошқа таъминоти**

### **39-модда. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари**

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари хусусий ёки оммавий мулк бўлиши мумкин.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини хусусийлаштириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларининг режалаштирилиши, лойиҳалаштирилиши, қурилиши, фойдаланишга топширилиши ҳамда улардан берилган тоифаларига мувофиқ мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш шартлари, нормалари, талаблари ҳамда қоидалари, шунингдек уларга тегишли тоифаларни бериш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида фуқароларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли асосда хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Таълим муассасаларини, турар жой даҳаларини зарур жисмоний тарбия-соғломлаш-тириш ва спорт иншоотлари мажмуини барпо этмасдан қуришга ва реконструкция қилишга, шунингдек жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини шу ҳудуд доирасида уларга тенг иншоотларни барпо этмасдан тугатишга йўл қўйилмайди.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларининг намунавий штат бирликларини белгилаш нормалари ҳамда талаблари, ижара ҳақини ҳисоблаш услуби ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Спорт объектлари бўлмаган айрим ер ва сув ҳудуди участкаларида, шунингдек ҳаво ҳудуди участкаларида спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишга бу участкаларни вақтинчалик спорт объектлари (трассалари) сифатида расмийлаштирган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

#### **40-модда. Жисмоний тарбия ёки спорт тадбирларининг тиббий таъминоти**

Жисмоний тарбия ёки спорт тадбирларининг ташкилотчилари бу тадбирлар иштирокчиларини тиббий ёрдам билан таъминлашни амалга ошириши шарт.

#### **41-модда. Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш**

Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари;  
тадбиркорлик фаолияти ва бошқа хўжалик фаолиятидан тушадиган даромадлар;  
аҳолига пуллик жисмоний тарбия-спорт ва соғломлаштириш хизматлари кўрсатишдан тушадиган маблағлар;  
юридик ва жисмоний шахсларнинг бегараз ёрдами;  
жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари иштирокчиларининг аъзолик бадаллари;  
спорт турлари бўйича махсус жамғармаларнинг маблағлари;  
спорт рамзлари, тимсолларидан фойдаланганлик учун корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари;  
чет эл инвестициялари маблағлари;  
халқаро ташкилотлардан келадиган тушумлар;  
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

#### **42-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хавфсизлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини, фуқароларнинг соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати муҳофаза қилинишини таъминлаш**

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказадиган ташкилотлар жисмоний тарбия ва спорт машғулоти ҳамда спорт мусобақалари ўтказиладиган жойларнинг хавфсизлик техникаси қоидаларига ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ лозим даражада техник жиҳозланишини таъминлайди.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти ҳамда спорт мусобақалари улар иштирокчиларининг ва томошабинларнинг соғлиғига, шаъни ва кадр-қимматига зиён етказилмайдиган тарзда ўтказилиши керак.

Спортчиларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига олиб келадиган, шунингдек уларнинг спорт жароҳатлари олишига сабаб бўладиган тайёргарлик услубларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Жисмоний тарбия ёки спорт тадбирларида иштирок этиши вақтида соғлиғига зиён етказилган спортчилар, тренерлар ва спорт ҳакамларига қонун ҳужжатларига мувофиқ тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация берилади.

Муассасалар ва ташкилотларнинг вояга етмаган спортчилар билан ўзаро муносабатлари белгиланган тартибда фақат уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ёхуд улар тарбияланаётган ихтисослаштирилган муассасаларнинг розилиғи ва иштирокида амалга оширилади.

Спорт мусобақаларида иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта полисига эга бўлиши шарт.

#### **43-модда. Спорт жиҳози, анжومي ва спорт кийим-боши**

Спорт жиҳози, анжومي ва спорт кийим-боши халқаро ва (ёки) давлат стандартлари, нормалари ҳамда талабларига мувофиқ бўлиши керак.

#### **44-модда. Жисмоний тарбия ва спортнинг илмий-услубий ҳамда техник таъминоти**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишни таълим муассасалари ва таркибида илмий марказлар ташкил этиладиган бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, белгиланган тартибда ташкил этилган ҳамда ўз фаолиятини давлат буюртмалари ва бошқа буюртмалар асосида олиб борадиган

Таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар жисмоний тарбия воситалари билан аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалиётга жорий этади, спорт захираларини ва Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини халқаро спорт тадбирларига тайёрлашни илмий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштиради.

Махсус ваколатли давлат органи, бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари таълим муассасалари ва ташкилотларига жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек долзарб илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмалари ҳамда бошқа буюртмаларни шакллантиришда кўмаклашади, илмий-тадқиқот ишларининг яқунларини таҳлил қилади ва уларнинг фаолиятига ёрдам кўрсатади.

#### **8-боб. Яқунловчи қондалар**

#### **45-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро ҳамкорлик халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

#### **46-модда. Низоларни ҳал этиш**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **47-модда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



**Иккинчи бўлим.**  
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг жисмоний тарбия**  
**ва спортни тартибга солишга оид фармонлари ва қарорлари**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ФАРМОНИ**

**ХАЛҚАРО «КУРАШ» АССОЦИАЦИЯСИНИ**  
**Қўллаб-қувватлаш тўғрисида**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
1999 й., 2-сон, 49-модда)

Миллий қадриятларни, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олинганлиги муносабати билан Халқаро «Кураш» Ассоциациясининг жаҳон миқёсидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жаҳоннинг 28 мамлакати вакилларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ташкил этилганлиги эътироф этилсин.

Кураш бўйича миллий ва қитъа федерациялари фаолиятини мувофиқлаштириш, ваколатхоналар ишини йўлга қўйиш, қитъа ва жаҳон биринчиликларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш Ассоциациянинг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги эътиборга олинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Халқаро «Кураш» Ассоциацияси Бош қароргоҳини жойлаштириш учун алоҳида бино ажратиш уни Ассоциация балансига ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқаро «Кураш» Ассоциациясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан унинг ҳисоб рақамига 10 (ўн) миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

4. Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ва унинг Ўзбекистон ҳудудидаги бўлимлари ва корхоналари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлардан, божхона тўловларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Имтиёзли солиқ олинishi муносабати билан бўшайдиган маблағлардан кураш спорт турини ривожлантириш ҳамда Ассоциациянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга фойдаланиш белгилаб қўйилсин.

Курашни ривожлантириш ҳомийларининг фойдадан тўлайдиган солиқ базаси уларнинг Ассоциация ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдорида мувофиқ равишда қисқартирилсин.

5. Ўзбек курашини, унинг халқаро анъаналарини, ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Кураш» ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик, ахборот-реклама журнали таъсис этилсин.

6. Оммавий ахборот воситаларига Ассоциация фаолияти билан боғлиқ барча тадбирларни кенг жамоатчиликка етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 1 февраль,  
ПФ-2211-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА**  
**ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида**

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 й., 18-сон, 148-модда)

Мустақиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чоратadbирлар Ўзбекистон футбол жамоаларига халқаро майдонда сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, «Пахтакор» (Тошкент), «Нефтчи» (Фарғона), «Насаф» (Қарши) клублари шулар жумласидандир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига Спорт иншоотларини куриш ва реконструкция қилиш дастурининг амалга оширилиши туфайли республикада ҳар йили замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стадионлар сони кўпаймоқда. Энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали футболчилар тарбиялаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда миллий чемпионат нуфузини ва мақомини ошириш, юқори классли футболчиларни ва спорт захирасини тайёрлашни ташкил этиш ва таъминот ишлари сусайди, Ўзбекистон футбол жамоаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомийлари ва донорларининг фаоллиги пасайди. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) ва МХСК (Тошкент) футбол клублари фаолиятини тўхтатди. Кўп йиллик тарихга эга бўлган «Кўқон-1912», «Сурхон» (Термиз), «Зарафшон» (Навой) футбол жамоалари машҳурлигини йўқотмоқда.

Мазкур камчиликлар ҳозирги вақтда етарли моддий-техника базасига, маблағ билан таъминлаш манбаларига, шунингдек, малакали ходимларга эга бўлмаган бир қатор вилоят футбол федерациялари ишларининг суствлиги оқибатидир. Вилоятларда болалар-ўсмирлар жамоалари ўртасида ўқув машғулотлари жараёнининг ва мусобақаларнинг паст савияда ташкил этилаётганлиги тегишли футбол федерациялари ишларининг суствлиги, айрим минтақаларда эса — уларнинг ишдан ўзини четга олишлари ҳамда бунга вилоят, шаҳар ҳокимликлари томонидан эътибор берилмаётгани билан бевосита боғлиқдир.

Футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Футбол федерациясини ва футбол клубларини ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, жаҳон ва Осиё китъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори классли футболчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг:

фаолият кўрсатаётган футбол клубларини қайта ташкил этиш йўли билан мулкчиликнинг турли шаклларидаги профессионал футбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги;

захира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий деб ҳисоблаш ҳақидаги;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш, шунингдек Тошкент шаҳрида Россия тренерлар олий мактаби филиалини очиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги;

Ўзбекистон Футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасини унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллари билан бирга ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, профессионал футбол клублари томонидан ташкил этилиши ва у қуйидагиларни таъминлаши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин:

мамлакатимиз оммавий ва профессионал футболини ривожлантиришга, профессионал футбол клубларини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

футбол жамоаларининг алоҳида намуна кўрсатган иқтидорли ўйинчиларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини яратиш, қобилиятли ёшларни футболга жалб этиш, футболчилар янги авлодининг ишончли захирасини шакллантириш;

тажриба алмашишда ҳамда Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратларини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори классли футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишда кўмаклашиш;

мамлакатимиз футболни ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва хорижий ҳомийларни, манфаатдор корхоналар ва жамоат ташкилотларини ҳамкорлик қилишга жалб этиш.

3. Белгилансинки, профессионал футбол клубини ташкил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек, тижорат тузилмалари, юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан уларнинг шакллантирилаётган клублар ташкилий ва молиявий масалаларини ҳал этишдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабини, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон Футбол федерацияси тасарруфига ўтказсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларининг ишларини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этсин.

5. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги ПФ-5787-сонли фармони билан ўз кучини йўқотган).

6. Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Пахтакор» ОАЖнинг эркин сотиш учун мўлжалланган акцияларининг 49 фоизини «Пахтакор» Футбол клуби» қўшма корхонасига унинг томонидан стадионни ҳамда комплекснинг бошқа спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда белгиланган тартибда топшириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлашдан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшайдиган маблағларни футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтирган ҳолда озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мамлакатда оммавий футбол ҳаракати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, мутахассислар ва тренерлар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсин, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб этсин ва реклама қилсин.

Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон чемпионати ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўйинларини трансляция қилиш учун телевизион ҳуқуқларга эга бўлиш юзасидан шартнома тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 май,  
ПҚ-338-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг  
Ахборотномаси, 2007 й., 5-сон, 242-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги ПҚ-338-сонли **Қарорининг** ижроси юзасидан ва «Пахтакор» футбол клуби» қўшма корхонаси футбол бўйича Ўзбекистоннинг миллий терма ва ёшлар олимпия жамоаларини ўйинчилар билан тўлдирувчи асосий база эканлигини инобатга олган ҳолда, шунингдек «Пахтакор» спорт-машғулот ўқув мажмуасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

«Пахтакор» ОАЖ» спорт-машғулот ўқув маркази («Пахтакор» СМЎМ» ОАЖ) акциялари давлат улушининг 51 фоизи Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳисобида сақланиб қолиши;

муддати икки йил бўлган, «Пахтакор» мажмуаси спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлашга йўналтирилган 5 млн. АҚШ долларига тенг инвестиция мажбуриятларини олган ҳолда «Пахтакор» СМЎМ» ОАЖ акциялари пакетининг 49 фоизини «Пахтакор» футбол клуби» қўшма корхонасига текинга бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

текинга берилган акциялар пакетининг 49 фоизини тасарруф этиш ҳукуқи «Пахтакор» футбол клуби» қўшма корхонасига, унинг томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарганидан сўнг берилади;

«Пахтакор» футбол клуби» қўшма корхонаси томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмай қолганда, давлат активларининг олди-сотди бўйича тузилган шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинади ва кейинчалик улар Тошкент шаҳар ҳокимлигига топширилади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси, «Пахтакор» СМЎМ» ОАЖ, «Пахтакор» футбол клуби» қўшма корхонаси билан биргаликда уч ой муддатда «Пахтакор» мажмуаси спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича бизнес-режа, лойиҳа ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси «Пахтакор» мажмуаси спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида экспертиза қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси инвестор томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, шунингдек, қурилишда ишлатиладиган материаллар, импорт қилинадиган жиҳозлар ҳамда бажариладиган ишлар қийматининг асослилиги устидан назорат ўрнатсин.

5. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 28 май,  
ПҚ-643-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 18-сон, 148-модда)

Юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўла оладиган мамлакат терма жамоалари захирасини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Теннис федерациясининг Тошкент шаҳрида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Республика теннис мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:  
юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техника базасини ва малакали мураббийлар таркибини яратиш;  
зарур ҳолларда хориждан мураббий-мутахассисларни таклиф этиб, ўқув-машғулот жараёнларини теннис соҳасидаги энг янги ўқув-методик тавсияномалар асосида ташкил этиш;  
назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, теннисчиларнинг касбий сифатларини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон терма жамоалари тайёргарлиги даражасини замонавий теннисни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ошириш;  
теннисчилар ва мураббийлар таркибининг касб маҳоратини ошириш бўйича тажриба алмашиш борасида хорижий теннис мактаблари, академиялари ва клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент теннис маркази» ОАЖ спорт мажмуасини белгиланган тартибда Республика теннис мактаби балансига бепул ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Теннис федерацияси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда бутун мажмуани 2008-2009 ўқув йили бошида ишга туширишни назарда тутган ҳолда Республика теннис мактаби ўқувчиларининг яшаши ва овқатланишига, ўқув-машғулот жараёнлари учун мўлжалланган бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга оид зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрласин;

2008 йилнинг 1 августигача Республика теннис мактабининг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ яқунланишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

Республика теннис мактабига фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт аломатларига ва юқори даражали теннисчиларни тайёрлаш учун тегишли салоҳиятга эга бўлган иқтидорли йигит ва қизлар орасидан қабул қилинади;

Республика теннис мактаби ўқувчилари юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш махсус дастури бўйича, теннисчиларни тайёрлаш кенг халқаро тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқитилади;

Республика теннис мактаби ўқувчиларнинг бадаллари, ҳомийлар ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Республика олимпия захиралари теннис мактабининг Васийлик кенгаши иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг биргаликдаги тақдимномаси бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига янгитдан ташкил

этилатган Республика теннис мактаби бинолари ва иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ҳамда уларни жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмларини қайта тақсимлаш йўли билан қўшимча капитал қўйилмалар ажратилишини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2008 йилда ўқувчиларни овқат, спорт буюмлари, форма, асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Республика теннис мактаби таъминоти учун маблағларни излаб топсин, 2009 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Васийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда:

Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисида Низом, унинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони;

ўқувчиларни Республика теннис мактабига танлов асосида саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби;

Республика теннис мактаби ўқувчиларини яшаш, овқатланиш, спорт буюмлари ва формаси билан таъминлаш нормативлари;

Республика теннис мактабини 2008-2009 ўқув йили бошланишигача зарур ўқув, машғулот ва маиший асбоб-ускуналар, ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун замонавий компьютер техникаси ва ахборот-ресурс маркази билан жиҳозлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Республика теннис мактаби 2013 йилнинг 1 январигача:

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган олиб келинадиган спорт анжомлари, асбоб-ускуналар ва материалларга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

бўшайдиган маблағларни Республика теннис мактабининг устав вазифаларини бажаришга мақсадли йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилсин.

Белгилансинки, юридик ва жисмоний шахслар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиққа тортиш базаси 5 йил муддатга Республика теннис мактабини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам сифатида ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтирилади.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 29 апрель,  
ПҚ-848-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

### **ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАНИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,  
2008 й., 11-сон, 613-модда)

Ўзбекистон спортчиларига бир йўла бериладиган пул мукофотларини тўлаш тартибини такомиллаштириш, Олимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича улар томонидан юқори натижаларга эришишни янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси спортчилари Олимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорларига бир йўла бериладиган пул мукофотлари қуйидаги миқдорларда белгилансин:

олтин медаль — 12 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль — 6 000 АҚШ доллари;

бронза медали — 3 000 АҚШ доллари.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги спортчиларга жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун бир йўла бериладиган пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг тегишли йил учун спорт-оммавий тадбирлар календарь режасида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан тўланишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Марказий банки билан биргаликда икки ҳафта муддатда жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир йўла бериладиган пул мукофотларини тўлаш тартибини тасдиқласин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан спортчиларни мукофотлаш тўғрисида» 1992 йил 28 августдаги ПФ-465-сонли Фармонининг 3-банди;

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги ПФ-465-сонли Фармонининг 3-бандига қисман ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 12 апрелдаги ПФ-821-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2008 йил 25 ноябрь,

ПФ-4056-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ БЮДЖЕТИНИ ҲАМДА 2010 ЙИЛДА БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИ, СУЗИШ ҲАВЗАЛАРИ ВА БОЛАЛАР МУСИҚА ҲАМДА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШНИНГ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,  
2010 й., 3-сон, 127-модда)

Ўсиб келаётган авлод ўртасида оммавий физкультура ва спортни янада авж олдириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларнинг қобилияти ва иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш, маданий савиясини ошириш, шунингдек болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурлари 3, 3а ва 3б-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ва ҳудудий ташкилотлар ҳамда корхоналар, шунингдек хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 4 — 6-иловаларга мувофиқ прогноз ҳажмларда ихтиёрий ҳомийлик ёрдамини йўллаш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

3. Қуйидагилар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин:

ижтимоий соҳа объектлари қурилиши бўйича ихтисослашган пудрат ташкилотлари ўртасида болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларига киритилган объектлар бўйича танлов савдоларини 2010 йилнинг 20 мартигача якунлаш;

танлов савдолари натижалари тасдиқлангач танлов ғолиблари билан ўн кун муддатда пудрат шартномаларини тузиш ҳамда объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни ўз вақтида молиялаштира бошлаш;

қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда намунавий лойиҳаларга, шунингдек тасдиқланган қурилиш нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилиш;

болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг тасдиқланган параметрларини белгиланган муддатларда самарали ҳамда сифатли бажариш;

болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини, уларни молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, намунавий лойиҳалар қўлланилмаган ва тасдиқланган қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига, шунингдек эксплуатация хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳолатларига йўл қўймаслик.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда, болалар спорт объектларида, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларида тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ бажарилаётган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатига нисбатан қўйилаётган талабларга қатъий риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда, буюртмачилар билан пудратчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда ишга тушириладиган болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини белгиланган нормалар ва стандартларга мувофиқ зарур ускуналар ва анжомлар билан ўз вақтида жиҳозланишини, шунингдек ўқувчиларга, айниқса кам таъминланган оилалардаги қиз болаларга, уларни спортнинг оммавий турлари билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида спорт формалари ва буюмлари харид қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010 йилнинг II чорагидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ғазначилик ижроси механизмининг жорий этиш чоралари амалга оширилишини таъминласин;



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамига маблағлар ўз вақтида келиб тушишини таъминласин;

2010 йилнинг ҳар чораги яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳудудий филиаллари томонидан болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактаблари қурилиши объектларига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ва смета харажатларига рия этилиши устидан текширувларни амалга оширсин ҳамда бажарилган ишларнинг натижалари бўйича Жамғарма Васийлик кенгашига ахборот бериб борсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) ҳар чоракдаги йиғилишларида мазкур қарор билан тасдиқланган болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурлари амалга оширилишини кўриб чиқсин, уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши ва зарур ускуна ҳамда анжомлар билан жиҳозланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

8. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2010 йил 15 март,

ПҚ-1302-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДА БАНД БЎЛГАН АЁЛ СПОРТ УСТОЗЛАРИ МЕХНАТИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 13-сон, 95-модда)

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ ҳамда қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, болалар спорти объектларида болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг меҳнатини моддий раъбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва болалар — ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт устозлари бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда кўшиб бериладиган устама ҳақ белгиланиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий органлари бир ой муддатда қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва болалар — ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметаларини мазкур қарор талаблари билан мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2010 йил 1 апрель,

ПҚ-1315-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 18-19-сон, 138-модда)

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ, республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорт объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кенг миқёсда текширувдан ўтказилди.

2003 — 2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорт объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82%) қишлоқ жойлардадир. Фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари тасдиқланган нормативлар бўйича спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натижада мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалиниш анча камайди, уларнинг фаоллиги ва жисмоний маданияти ошди.

Шу билан бирга, текшириш яқунларига кўра, бир қанча жиддий нуқсон ва камчиликлар аниқланди.

Фойдаланишга топширилган болалар спорт объектлари, айниқса, алоҳида жойлашган объектлардан ҳали етарлича самарали фойдаланилмаяпти, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Эскирган спорт анжомлари ва ускуналарини янгилаш ҳамда алмаштириш ўз вақтида таъминланмаяпти. Барпо этилган сузиш ҳавзалари имкониятларидан паст даражада фойдаланилмоқда.

Болалар спорт объектларини тренерлар, айниқса, хотин-қиз тренерлар билан таъминлаш ишлари етарлича олиб борилмаяпти. Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида шундай ҳоллар мавжуд.

Ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга, аввало, Андижон, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кенг жалб этиш бўйича тушунтириш ишлари султ олиб борилмоқда. Қизларни, айниқса, қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланишга жалб этиш борасидаги ишлар ҳали-ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорт объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини кенг миқёсда текширувдан ўтказган махсус комиссиянинг хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

Ўн кун муддатда республиканинг барча хуудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилаётган минтақавий филиаллари Ҳомийлик кенгашларининг мажлисларида текшириш натижалари танқидий муҳокама қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбарлари текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрсинлар, бунда мазкур ишлар тизимли, мунтазам асосда ўтказилиши лозимлиги назарда тутилсин.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2010 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

3. Ишга туширилган болалар спорт объектларидан самарали фойдаланиш биринчи даражали вазифа деб ҳисоблансин, болалар ва ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий равишда жалб этиш борасида қилинаётган барча ишларнинг натижалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси олдида қўйилган мақсадларга эришиш тўлиқ даражада мазкур вазифани амалга оширишга боғлиқдир.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг, таълим органларининг, республика ва вилоят спорт федерацияларининг, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда мазкур иш учун жавобгар бўлган бошқа жамоат тузилмаларининг фаолиятига болалар спорт объектларидан фойдаланишнинг ҳолатига қараб баҳо берилсин.

4. Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, спорт билан шуғулланишнинг оммавийлиги — умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишга қамраб олинishi даражасининг ўзгариши;

иккинчидан, ўрнатилган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, болалар спорт объектларининг спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиш даражаси;

учинчидан, болалар спорт объектларининг, тасдиқланган нормативларга мувофиқ, таълим муассасаларида юқори малакали, профессионал тайёрланган тренер кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу жумладан, хотин-қиз тренерлар билан таъминланганлиги;

тўртинчидан, спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — сутка ва ҳафта мобайнида ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказиладиган мунтазам машғулотлар соати миқдори, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

бешинчидан, спорт билан шуғулланиш самарадорлиги — 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлар орасидан етишиб чиққан республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари сони.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иловага мувофиқ алоҳида жойлашган болалар спорт объектларини Халқ таълими вазирлиги органлари балансига топшириш, уларнинг зиммасига мазкур объектларни бундан кейин тегишли даражада сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун жавобгарлик юклаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, таълим муассасалари ҳамда спорт иншоотларининг раҳбарлари зиммасига болалар спорт объектларининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши, уларнинг замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиши, малакали тренер кадрлар билан таъминланиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир алоҳида жойлашган болалар спорт объектининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир ой муддатда спорт секциялари ва тўғаракларидаги машғулотлар жадвалларини мақбуллаштириш, ҳар хил спорт турлари, энг аввало, бадий ва спорт гимнастикаси, спортнинг ўйин турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш ҳисобига болалар спорти объектларидан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

болалар спорти иншоотларининг тренерлар билан таъминланганлигини танқидий таҳлил қилиш натижалари бўйича уч ой муддатда болалар спорти объектларини тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ, малакали тренер кадрлар билан тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин, қишлоқ болалар спорти объектларини хотин-қиз тренерлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамда базавий олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетлари негизда тренерлар малакасини ошириш тизимини ташкил қилсин, ҳар бир тренер камида 2 йилда бир марта шу тизимдан ўтадиган бўлсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда мутахассис тренерларнинг тарбияланувчилари спорт маҳоратига эришганлиги, республика ва халқаро мусобақалардаги чиқишларининг самарадорлиги учун улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорликда болалар спорти объектларининг спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланишининг батафсил инвентаризацияси асосида ишлаб чиқилган нормативларга мувофиқ, уларни янада тўлиқ жиҳозлаш, эскирган ашёларни ўз вақтида янгилаш ва алмаштириш бўйича аниқ таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига, Спорт турлари бўйича республика федерациялари Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларда, тизимли асосда болалар спорти иншоотлари негизда республиканинг етакчи спортчилари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақалар чемпионлари ҳамда совриндорлари иштирокида кўرғазмали маҳорат сабоқлари ўтказилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналари билан ҳамкорликда 2010 йилнинг 1 сентябригача болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис коптоклари, бадий ҳамда спорт гимнастикаси учун спорт ашёларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун республикада уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ишлаб чиқарилаётган спорт товарларининг, шу жумладан, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи буюмларнинг сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жойлардаги болалар спорти объектларини сақлаб туриш, анжомларни янгилаш, штат жадвалига риоя қилиш, тренер-мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли ҳамда қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин. Айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликка биноан қатъий жазо чоралари қўлланилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 5 май,  
ПҚ-1332-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2012 й., 39-сон, 448-модда)

Республикада кучли мактабга эга бўлган ҳамда Олимпия ўйинлари ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спорт курашини олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда тренер кадрларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу асосда мамлакатимиз терма жамоалари учун ишончли захирани шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг Тошкент шаҳрида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги идоровий спорт комплексига тегишли бинолар ва иншоотларнинг бир қисми негизида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш истеъдодли курашчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш билан шуғулланидиган ўз интернатига эга бўлган спорт-соғломлаштириш муассасаси сифатида ташкил қилинади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг умумий контингенти 60 нафар ўқувчини ташкил қилади, улар тураржой, тўрт маҳал овқат, спорт экипировкаси ҳамда махсус кийим-бош, спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминланадилар.

3. Қуйидагилар Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур бўлган тақдирда спорт кураши бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда, курашчиларни спорт кураши соҳасидаги энг янги илмий-методик тавсияномалар асосида тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини юқори даражада ташкил қилиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг профессионал қобилиятини ривожлантириш, шунингдек замонавий спорт курашини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

ўқувчи-курашчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун тажриба алмашиш борасида спорт кураши бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари;

Спорт курашлари ассоциацияси маблағлари;

ҳомийлар маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчасида жойлашган спорт комплексининг тегишли бинолари ва иншоотларини, бошқа мулкларини, «Динамо» стадионини Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг балансига белгиланган тартибда бепул ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг тузилмасини ва мактабга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартибини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, озиқ-овқат, шунингдек спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш нормативларини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот, спорт ва хўжалик ускуналари, жиҳозлар, замонавий компьютер техникаси, техник ҳамда транспорт воситалари, шунингдек бошқа мулкларнинг зарур рўйхатини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот корпусининг қурилишини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг Низоми тасдиқланишини, шунингдек унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг юқори малакали мутахассислар билан таъминланишини, ўқув хоналарининг зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозланишини;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчилари тайёргарлигининг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши ва зарур ҳолларда тайёргарлик жараёнига тегишли тузатишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

икки ой муддатда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини керакли ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебель ва анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техник ва транспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулк билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ҳомийлар билан биргаликда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқув-машғулот жараёнига Федерациянинг кадрлар ва ўқув-методик салоҳияти жалб этилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорга мувофиқ, 2013 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджети параметрларида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг жорий таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин;

3 та хизмат автотранспорти, шу жумладан, битта автобус таъминоти учун лимит белгиласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2012 йил 24 сентябрь,

ПҚ-1822-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИА  
ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДА РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2013 й., 30-сон, 383-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги ПҚ-1923-сон қарорига мувофиқ ва республикада спорт тиббиётини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда унинг илғор ютуқларини мамлакат терма жамоалари спортчи-аъзоларининг Олимпия, Осиё ўйинларига, жаҳон ва Осиё чемпионатларига, бошқа халқаро мусобақаларга комплекс жисмоний ва психологик тайёргарлик кўриш жараёнига кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини (кейинги ўринларда Спорт тиббиёти маркази деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, Спорт тиббиёти маркази спортчиларнинг — мамлакат терма жамоалари аъзоларини мусобақаларга тиббий-биологик ва тиббий — психологик тайёргарлигини таъминловчи бош тиббиёт муассасаси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Спорт тиббиёти марказининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

спорт тиббиёти соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, спорт турининг хусусиятини, йўл қўйиладиган жисмоний юкламани, спорт патологиясини даволаш ва олдини олишнинг илғор услубларини, мусобақаларга тайёргарлик кўришда спортчиларнинг тиббий назоратини ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг функционал аҳволини диагностика ва коррекция қилиш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

иктидорли ёш ва истиқболли спортчиларни, уларнинг индивидуал генетик ва фенотипик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлашнинг замонавий тиббий-биологик услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

спортчиларни спорт турлари бўйича тайёрлашнинг яқка тартибдаги дастурларини ишлаб чиққан ҳолда мусобақаларга тайёрлашнинг турли даврларида дори воситаларининг, овқатланиш тартиби ва рационининг спортчиларнинг физиологик ҳолатига таъсирини тадқиқ қилиш;

мусобақа ва машғулотларни режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда спортчининг индивидуал спорт жисмоний юкламасини текшириш ва мақбуллаштириш;

спортчи организмнинг жисмоний тайёргарлиги ўсишига ва масъулиятли халқаро мусобақаларга энг юқори функционал тайёргарлигини таъминлашга қаратилган улар саломатлиги даражасининг муттасил ўсишини назорат ва коррекция қилиш;

спортчиларнинг халқаро мусобақаларда қатнашишга психологик тайёргарлигини, шунингдек зарур психологик коррекционий ўтказишни таъминлаш;

спортчиларда спорт жароҳатлари, патологиялари ва синдромларини, шу жумладан республиканинг бошқа ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари даволаш-диагностика базаларидан фойдаланган ҳолда, олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш;

мамлакатда спорт тиббиёти ва антидопинг назорат соҳасидаги илғор методика ва технологияларни алмашиш ва жорий қилиш учун бу соҳадаги етакчи хорижий муассасалар билан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

спорт федерациялари, клублари ва жамоалари тиббий ходимларининг малакасини оширишга қўмаклашиш, уларга илмий-ташқилий, маслаҳат-диагностика, даволаш-профилактика ва реабилитация ишлари масаласида услубий ёрдам кўрсатиш.

### 3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг бошқарув ходимлари чекланган сони 19 нафар бўлган тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг фаолиятини ташкил этиш Комиссияси таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг фаолиятини ташкил этиш Комиссияси (А.И. Икромов) бир ойлик муддатда:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази тўғрисидаги низомни;

Спорт тиббиёти маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича, шу жумладан юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ва энг замонавий тиббий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, спортчиларнинг улар томонидан хизмат кўрсатиладиган контингентини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритсин.

5. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ижро этувчи аппарати ва Спорт тиббиёти марказини жойлаштириш учун янги бино қурилиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

### 6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда тўрт ойлик муддатда бино қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин;

бино қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилишини таъминласин ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя қилиниши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафталик муддатда янги бино қурилишини молиялаштириш ва Спорт тиббиёти марказини сақлаш манбалари юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимияти икки ойлик муддатда бино қурилиши учун зарур бўлган ер майдонини белгиланган тартибда ажратсин.

9. Янги бино қурилиши учун республикага олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш материаллари ва конструкциялари, шунингдек Спорт тиббиёти марказининг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун тиббиёт анжомлари ва жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва унинг учун сарфланадиган материаллар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2016 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 3 июль,  
ПҚ-1994-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сонли қарорига  
**1-ИЛОВА**



**Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги  
Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Маъмурий-бошқарув ходимларининг чекланган сони — 19 нафар.

Тиббиёт ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони хизмат кўрсатиладиган кишилар сони ва ўрнатилган нормативларга мувофиқ белгиланади.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**

**ОЛИЙ МАҲОРАТ СПОРТ МАКТАБЛАРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2015 й., 47-сон, 595-модда)

Мамлакатимизда Ўзбекистон шарафини жаҳон спорт майдонлари — Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, бошқа халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш бўйича самарали тизимни яратиш, бунинг учун халқаро стандартларга жавоб берадиган, замонавий спорт ускуналари билан жиҳозланган ўқув-машқ базаларини шакллантириш, спортчиларни тайёрлаш жараёнига энг янги илмий-методик технологияларни эгаллаган юқори малакали мураббий-ўқитувчи кадрларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг 2016 — 2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техник ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро мусобақаларда — жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинлари, Универсиадалар ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий мусобақаларда Ўзбекистоннинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлашда ушбу базалардан самарали фойдаланиш;

халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш учун юқори малакали мутахассисларни — мураббийлар, психологлар ва услубчиларни, шу жумладан хорижий давлатлардан етакчи мутахассисларни кенг жалб этиш орқали олий маҳорат спорт мактаблари мураббий-ўқитувчилари таркибини мустаҳкамлаш;

спортчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан уларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

ёш истиқболли спортчиларни танлаб олиш ва тарбиялаш масалалари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш, уларга ўқув-услубий ҳамда меъёрий-ахборот ёрдами кўрсатишни таъминлаш;

олий маҳорат спорт мактаблари базасида миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, республика ва минтақавий спорт беллашувларини ташкил этиш ва мунтазам равишда ўтказиб бориш, мураббийлар ҳамда спортчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш мақсадида хорижий спорт мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

### 3. Қуйидагилар:

2016 — 2020 йилларда республика минтақаларида ташкил этиладиган олий маҳорат спорт мактаблари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

спорт турлари бўйича тасдиқланган ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қурилиш вазирлиги лойиҳалаш ташкилотлари ўртасида танлов ўтказсин ва мазкур қарорнинг 1-иловасида тасдиқланган қурилиш муддатларига мувофиқ спорт турлари бўйича ихтисослашувни ҳамда жойлаштиришнинг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда олий маҳорат спорт мактабларининг аниқ лойиҳаларини тайёрласин. Бунда, шунга ўхшаш объектлар қуриб бўлинган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси албатта ўрганиб чиқилсин.

### 5. Белгилансинки,

олий маҳорат спорт мактаблари юридик шахс мақомига эга спорт-таълим муассасалари ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига ҳисобот беради, уларнинг ихтисослашуви эса минтақаларда шаклланган спорт мактаблари ва анъаналари, мураббий-ўқитувчилар таркиби ҳамда эришилган спорт ютуқлари билан белгиланади;

олий маҳорат спорт мактабларининг контингентини спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг асосий таркиби ва уларнинг захирадаги спортчилари ташкил этади, улар бепул яшаб, тўрт маҳал овқат, шунингдек спорт формаси ва анжомлари билан таъминланади.

### 6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида, 2016 йилдан бошлаб, олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш бўйича тадбирлар Режасида назарда тутилган лойиҳалаштириш, қуриш ва бошқа харажатларга кетадиган зарур молиявий маблағларни топсин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини тасдиқлашда, мазкур қарорга мувофиқ, олий маҳорат спорт мактаблари қурилиши, жорий таъминоти ва уларни жиҳозлаш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш учун бюджет маблағлари мақсадли ажратилишини назарда тутсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йилнинг 1 январигача мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган олий маҳорат спорт мактабларини қура бошлаш муддатларига мувофиқ уларни қуриш учун ер майдонларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган олий маҳорат спорт мактаблари фойдаланишга топширилганидан сўнг бир ой муддатда уларнинг тузилмасини тасдиқлашни, жумладан, етакчи хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда уларни юқори малакали мураббий-ўқитувчилар таркиби билан тўлдиришни, спорт мактабларининг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ўқув-машқ хоналарини зарур моддий-техник база билан, шунингдек тегишли ўқув-услубий адабиётлар ҳамда ўқув-машқ дастурлари билан таъминласин.

### 9. Спорт турлари бўйича федерацияларга (уюшмаларга):

олий маҳорат спорт мактабларининг ўқув-машқ жараёнини такомиллаштиришда тизимли асосда ташкилий-кадрлар ва ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, юқори малакали мураббий-ўқитувчилар таркиби билан таъминлашда, халқаро спорт ҳамкорлигини ривожлантиришда, мусобақалар ва ўқув-машқ йиғинларини ўтказишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро спорт ташкилотлари мураббийларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда олий маҳорат спорт мактабларининг мураббийлари учун ўқув семинарлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш, шунингдек ўқув-машғулот жараёнига спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)нинг кадрлари ва илмий-услубий салоҳиятини жалб этиш тавсия қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин, қарорда олий маҳорат спорт мактаблари тўғрисидаги низомни, шунингдек спорт мактаблари спортчиларини яшаш жиҳозлари, овқатланиш, спорт формаси ва анжомлари билан таъминлаш меъёрларини, молиялаштириш манбаларини тасдиқлаш назарда тутилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. ҚАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2015 йил 23 ноябрь,

ПҚ-2438-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СПОРТНИНГ ГИМНАСТИКА ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2016 й., 47-сон, 538-модда)

Спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш, гимнаст-спортчиларнинг маҳорат ва малака даражасини муттасил ошириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, республика аҳолисининг кенг қатламлари, айниқса ёшлар ва қизлар ўртасида спортнинг гимнастика турларини фаол тарғиб этиш ҳамда оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Гимнастика федерациясининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадий гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаби номини Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаби деб ўзгартириш;

Ўзбекистон Гимнастика федерацияси ҳузурида Спортнинг гимнастика турлари бўйича мураббийлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабининг янгиланган тузилмаси **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабида — 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган таълим олувчи ўқувчи-спортчиларнинг умумий контингенти 60 нафарни ташкил этгани ҳолда, ўқиш муддати 5 йил бўлиб, ҳар йили 12 нафар иқтидорли ўқувчи-спортчилар қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

4. Қуйидагилар Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамполин билан шуғулланиш учун зарур спорт маҳоратига эга истеъдодли ва истикболли болаларни пухта танлаб олиш, улар танлаган спорт турида уларнинг қобилиятлари, спортдаги салоҳияти, касбий кўникмалари ва маҳоратини ривожлантириш;

бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамполин соҳасида энг янги илмий-методик тавсия ҳамда ютуқлар асосида республиканинг терма жамоалари учун спорт захираси ва юқори даражали спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёнини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш;

юқори даражали спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган замонавий моддий-техник базани яратиш ва малакали ҳакамлар таркибини шакллантириш;

спортчилар ва ҳакамлар таркибининг касбий маҳоратини ошириш соҳасида мунтазам асосда тажриба алмашишни ташкил этиш орқали хорижий гимнастика мактаблари, академиялари ва клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

5. Белгилансинки, Спортнинг гимнастика турлари бўйича мураббийлар ва ҳакамлар республика мактаби:

нодавлат спорт ўқув-методик таълим муассасаси ҳисобланади;

таълим жараёнида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг кадрлар, илмий-методик ва ресурс салоҳияти, шунингдек спортчиларни тайёрлашнинг такомиллаштирилган методикасидан максимал равишда фойдаланади;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Гимнастика федерациясининг ҳудудий бўлинмалари, спортнинг гимнастика турларини оммалаштираётган спорт мактаблари, шунингдек профессионал спорт клубларининг буюртмаларига кўра спортнинг гимнастика турлари бўйича мураббийлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек уларни ўқитишни амалга оширади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш ҳамда Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни пухта ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бадий гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 27 августдаги ПҚ-1608-сонли [қарорига2-иловага](#) мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Икрамов ва У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2016 йил 7 ноябрь,

ПҚ-2654-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 ноябрдаги ПҚ-2654-сонли [қарорига](#)  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги  
хузуридаги Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган  
болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабининг  
ЯНГИЛАНГАН ТУЗИЛМАСИ**



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2017 й., 23-сон, 455-модда)

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакилларининг Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада ошаётгани, республикамиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, мамлакатимизда бу борада яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш натижадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш;

таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш;

оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга ошириш жараёни тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Н. Арипов) вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Дастурда назарда тутилган барча чора-тадбирларни тўлиқ амалга оширилиши юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Дастур ижросини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилишини таъминлаш;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан ушбу қарор ва дастурдан келиб чиққан ҳолда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқилишини таъминлаш;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган барча спорт турлари бўйича тегишли республика ва ҳудудий спорт федерацияларига (уюшмаларига) бириктириладиган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш бўйича таклифлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир барча масалаларни ҳал этилишини таъминлаш;

икки ой муддатда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкиллаштириш ва назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Республика комиссияси томонидан амалга оширилган ишларнинг натижалари мунтазам равишда ҳукуматнинг ярим йиллик мажлисларида муҳокама қилиб борилсин.

3. Дастурнинг молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, жамғармалар, спорт федерациялари (уюшмалари), клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари аҳоли, ўқувчи ва талабаларни спорт мусобақаларига, республика спорт тадбирларига юбориш учун маблағлар Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар доирасида асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

спорт иншоотларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин;

Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган лойиҳавий ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин ҳамда буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан тузилган шартномалар шартлари бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан билдирилган ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида спорт тиббиёти бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифлар маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига:

Дастур ва унинг асосида ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларда белгиланган барча чоратадбирларни ижросини ўз муддатида сифатли амалга оширилиши юзасидан тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳудудий ишчи гуруҳларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон терма жамоалари спортчиларининг ўқув-машғулот йиғинлари, жаҳон биринчиликлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш мақсадида мусобақалар яқунларида эришилган натижаларни чуқур таҳлил қилиш ва тизимли мониторингини олиб бориш;

ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган спорт мактабларига, таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни қабул қилиш жараёнларининг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш юзасидан доимий равишда таъсирчан чоралар кўриш ҳамда ҳар чорак яқунлари бўйича қўмитанинг мажлисларида танқидий-таҳлилий муҳокамадан ўтказиш вазифалари юклансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

спорт иншоотлари йил давомида узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эҳтиёжга кўра спорт иншоотларини муқобил энергия манбалари билан жиҳозлаш чораларини кўрсин;

тегишли ҳудудда спорт федерацияларига (уюшмаларига) бириктириладиган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш турлари (бино ва иншоотлардан бепул фойдаланиш, маблағлар ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш ва ҳ.к.) бўйича таклифлари ва ташаббусларини кўллаб-қувватлашга доир барча масалалар ҳал этилишини таъминласин;

спорт таълим муассасалари ва мажмуалари ихтиёридаги ер майдонларини (очиқ ва ёпиқ турдаги спорт иншоотларини) тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида амалга оширилишига қатъий риоя қилинсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг доирасида ташкиллаштириладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғи орқали аҳоли орасида мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2017 йил 3 июнь,

ПҚ-3031-сон

**Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия  
ва оммавий спортни янада ривожлантириш  
ДАСТУРИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молия-лаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
<b>I. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш</b>				
1.	Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Кенгашини ташкил этиш, унинг Низомини тасдиқлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш.	2017 йил III чорак	-	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
2.	Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини ва мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш.	2017 йил IV чорак	-	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ма-ҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик ва идоралар
3.	Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва Республика спорт мактабларининг штатлар жадвалига «Спортчи» лавозимини жорий этиш ва лавозим мажбуриятларини белгилаш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси
4.	Республика ҳудудларида жойлашган маҳаллаларда жамоатчилик асосида Жисмоний тарбия ва спорт тарғиботчи-лари фаолиятини йўлга қўйишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2017 йил III чорак	-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи
5.	Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари спорт иншоотлари ва сузиш	2017 йил IV чорак	-	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия



	ҳавзаларини спорт мактабларига бириктириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.			вазирлиги
6.	Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари, идора ва ташкилотларда ҳамда маҳаллаларда спорт клублари фаолиятини йўлга қўйиш тизимини жорий этиш.	2017 йил IV чорак	ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамонат фонди, Ёшлар иттифоқи, «Ёшлик, Баркамол авлод, Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари
7.	Барча таълим муассасалари спорт иншоотларида дарсдан сўнг ўқувчигалабалар учун спорт тўғараклари ва клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларида «Спорт тўғараги ва селекция бўйича тренер» лавозимини жорий этиш ва лавозим мажбуриятларини белгилаш.	2017-2018 ўқув йилидан бошлаб	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Ёшлик», Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги «Баркамол авлод», Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятларини бошқариш ва молиялаштириш (ҳомий ташкилотларни бириктириш) тизимини такомиллаштириш.	2017 йил III чорак	-	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ҳомий ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган Республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва бошқа ташкилотларнинг спорт иншоотлари ва мажмуалари, стадионлари, болалар спорт объектлари ва сузиш ҳавзаларини эксплуатацияси жараёнларига масъул ходимлар лавозимларини (сузиш ҳавзаларини филтровкачиси, дезинфектор, стадиондаги	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	чим ўтларини ўстириш, дренаж устаси ва ҳ. к.) штатлар жадвалига киритиш ва лавозим мажбуриятларини тасдиқлаш.			
10.	Худудий Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар ва тадбирлар доирасида асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ маблағлар ажратилишини таъминлаш.	2017 йил III чорак, доимий	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет-ти, ҳомий ташкилотлар ва иж-рочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Спорт федерациялари (ассоциациялари), ҳомий ташкилотлар
11.	Жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт клублари фаолиятини олимпия, миллий ва нолимпия спорт турлари кесимида рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш. Бунда қуйидаги мезонларни асос қилиб олиш: республика ва халқаро спорт мусобақаларида қўлга киритилган медаллар (олтин, кумуш, бронза), лицензиялар, иштирок этганлар сони; мавжуд шароитлар (очиқ ва ёпиқ турдаги спорт иншоотлари сони) ва моддий-техника базасини ҳолати; жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчиларнинг сони ва шуғулланиш давомийлиги.	2017 йилдан бошлаб ҳар йил яқунида	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
12.	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг «Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси» кўкрак нишонини жорий этиш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет-ти маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
<b>II. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш</b>				
13.	Спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида жами 90 та спорт иншоотларини, 77 та сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш. Жумладан, 2017 йилда 24 та спорт мажмуалари ва 15 та сузиш ҳавзалари;	2017 - 2021 йиллар	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғарма-симаблағлари	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	<p>2018 йилда 14 та спорт мажмуалари ва 19 та сузиш ҳавзалари;</p> <p>2019 йилда 13 та спорт мажмуалари ва 22 та сузиш ҳавзалари;</p> <p>2020 йилда 10 та спорт мажмуалари ва 13 та сузиш ҳавзалари;</p> <p>2021 йилда 29 та спорт мажмуалари ва 8 та сузиш ҳавзалари.</p>			
14.	<p>Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш учун мўлжалланган Универсал спорт мажмуаларини Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Тошкент шаҳарларида ва Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманида янги қуриш, Нукус ва Урганч шаҳарларида қурилиш ишларини якунлаш.</p>	2017-2018 йиллар	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
15.	<p>Республиканинг барча ҳудудларида (дам олиш хиёбонлари ва соғломлаштириш оромгоҳларида, таълим муассасаларида, аҳоли яшаш жойларида) югуриш ва велосипед йўлакчалари, жисмоний машқлар бажариш учун тренажёрлар, ёшлар қизиқишларига кўра (ролик ва скейтларда ҳаракатланиш учун йўлакчалар, сунъий қоя ва ҳ. к.) махсус иншоотлар ва сунъий қопламали спорт майдончаларини барпо этиш.</p>	2018 - 2021 йиллар	ҳомий ташкилотлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди
16.	<p>Олимпия захиралари коллежларини мавжуд муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш, уларни халқаро талабларга мос спорт анжомлари ва ускуналари билан эҳтиёжга кўра таъминлаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2017 йил IV чорак	-	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
17.	<p>Хусусий тадбиркорларга, идора ва ташкилотларга ўрнатилган тартибда жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш мажмуалари ва спорт иншоотларини қуриш учун бино ва ер ажратиш ва имтиёзлар яратиш бериш.</p>	2017 - 2021 йиллар	-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
18.	<p>Спорт иншоотларини, очик ва ёпиқ турдаги спорт майдончаларини тунги пайтларда узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида муқобил энергия манбалари (генератор ва ҳ. к.) билан таъминлаш.</p>	2018 - 2021 йиллар	ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ҳомий ташкилотлар, «Ўзбекэнерго» АЖ
19.	<p>Ихтисослаштирилган болалар-</p>	2018 -	Жисмоний	Қорақалпоғистон Республикаси

	Ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган Республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-Ўсмирлар спорт мактабларининг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, уларни зарур шарт-шароитлар (бино ва спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, ётоқхона, ошхона ва ҳ. к.) билан таъминлаш, қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари ҳамда моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чораларини амалга ошириш.	2021 йиллар	тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
20.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш.	2018 йил I чорак	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
22.	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази худудидаги қурилишнинг 2-босқич қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш.	2018 йил	Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
23.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид хусусий секторнинг хизмат кўрсатиш турларини ва тартибини ишлаб чиқиш. Спорт соҳасида пуллик хизматлар кўрсатаётган ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга ижара, электр энергия ва коммунал (газ, сув ва ҳ. к.) хизматлар учун тўланадиган тўловларнинг ягона ижара ҳақини белгилаш, мавжуд ставкалар миқдорини камайтириш ҳамда имтиёзлар белгилаш.	2018 йил I чорак	-	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
24.	Янгидан қуриладиган ва капитал таъмирланаётган йирик спорт иншоотларини (стадионлар, спорт мажмуалари ва ҳ. к.) лойиҳалаштириш жараёнида халқаро мусобақаларни	2017 - 2021 йиллар	-	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўз-

	ўтказиш талаби ва қоидаларига риоя қилиш ҳамда телевизион трансляция ишларини амалга оширишнинг техник шартларига амал қилиш.			бекистон миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
25.	Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларини спорт анжомлари ва ускуналари билан эҳтиёжга кўра таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	2018 - 2021 йиллар	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, ижрочилар маблағлари	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
26.	Таълим муассасалари спорт залларини ва иншоотларини, болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзалари, олимпия захиралари коллежлари, спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган Республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларини халқаро талабларга мос спорт анжомлари ва ускуналари билан эҳтиёжга кўра таъминлаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	2017 йил IV чорак	-	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси
27.	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган барча спорт турлари бўйича тегишли республика ва ҳудудий спорт федерация (ассоциация)ларининг марказларини ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини куриш, уларни халқаро талабларга мос спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш.	2017 - 2021 йиллар	ҳомий ташкилотлар ва ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ҳомий ташкилотлар, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Спорт федерациялари (уюшмалари)
28.	Спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзалари йил давомида, айниқса кузқиш мавсумларида узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, улардан са-	2017 - 2021 йиллар	ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт

	марали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, эҳтиёжга кўра спорт иншоотларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш чораларини амалга ошириш.			вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, Ҳомий ташкилотлар
<b>III. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш</b>				
29.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш масалаларини Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Кенгашининг чорак мажлисларида танқидий-таҳлилий муҳокамадан ўтказиш.	2017 йил IV чорагидан бошлаб ҳар чорақда	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
30.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети битирувчиларининг салоҳиятини ошириш мақсадида талабаларнинг доимий яшаш жойлари-да жойлашган ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, их-тисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ва болалар-ўс-мирлар спорт мактабларида битирув олди амалиётларини ўтказиш ва амалиёт хулосаларини тақдим этишни тизимли асосда йўлга қўйиш орқали му-тахассисларни иш билан таъминлаш даражасини ошириш.	2017-2018 ўқув йилидан бошлаб доимий	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
31.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказига ҳар йили нуфузли хорижий спорт-таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш, улар иш-тироқида анжуманлар, амалий маҳорат сабоқлари ва намунали ўқув дарсларини ўтказиш ҳамда ўқув, спорт ва ил-мий-тадқиқот ишлари юзасидан ҳам-корлик ишларини амалга ошириш.	2017 - 2021 йиллар давомида доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологиялар агентлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
32.	Жисмоний тарбия ва спорт вазир-	2017 -	ижрочилар	Жисмоний тарбия ва спорт

	лиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг ўқув жараёнига халқаро тажрибаларни татбиқ этиш, Ўзбекистон спорт терма жамоалари ўқув машғулотларига ва тайёргарлик жараёнларига оид видео ва кўргазмали материаллар билан таъминлаш.	2021 йиллар давомида доимий	маблағлари	вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
33.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг ихтисослик кафедраларини замонавий техник воситалар ва махсус лаборатория ускуналари (анжомлари) билан жиҳозлаш, халқаро талабларга мос спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш.	2018 йил I чорак, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, ҳомий ташкилотлар
34.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар салоҳиятини ошириш ва хорижий ҳамкорликни талаб даражасига кўтариш мақсадида хорижий мутахассисларни (профессор-ўқитувчилар, номдор спортчилар ва мураббийларни) таклиф қилиш, улар иштирокида Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар, амалий маҳорат сабоқлари ва намунали ўқув дарсларини ўтказиш.	2017 - 2021 йиллар	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
35.	Ихтисослаштирилган олимпия захи-ралари мактаб-интернатлари, ихтисос-лаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаш-тирилган Республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларига иқтидорли спортчиларни саралаш ва қабул қилиш жараёнларининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш юза-сидан услубий семинар ва амалий маҳорат сабоқларини ўтказиш.	2017 - 2021 йилларда, доимий	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
36.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси-даги мутахассисларни иш билан таъ-минлаш ва салоҳиятини	2017 йил IV чорак, доимий	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон

	янада ошириш, айниқса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаш-тириш даражасини кўтариш.			давлат жисмоний тарбия институти
37.	<p>Спорт таълим муассасаларини жами 60 мингдан зиёд замонавий ўқув ада-биётлари билан таъминлаш.</p> <p>Жумладан:</p> <p>2018 йилда 7500 дона дарслик, 3500 дона ўқув-методик комплекс, 4000 дона дастур, 7500 дона ўқув қўлланма,</p> <p>350 дона хорижий адабиётлар;</p> <p>2019 йилда 6000 дона дарслик, 3000 дона ўқув-методик комплекс, 3000 дона дастур, 6000 дона ўқув қўлланма,</p> <p>200 дона хорижий адабиётлар;</p> <p>2020 йилда 3000 дона дарслик, 2000 дона ўқув-методик комплекс, 2000 дона дастур, 3000 дона ўқув қўлланма,</p> <p>200 дона хорижий адабиётлар;</p> <p>2021 йилда 2000 дона дарслик, 1500 дона ўқув-методик комплекс, 1000 дона дастур, 2000 дона ўқув қўлланма,</p> <p>150 дона хорижий адабиётлар билан таъминлаш.</p>	2017 - 2021 йиллар	Ўзбекистон Республика -си давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
38.	Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказувчи ташкилотчиларга (ижарага берилган спорт иншоотларидан фойдаланишда ва х. к.) имтиёзлар бериш тартибини жорий этиш ҳамда тегишли давлат идоралари хизматидан беғараз фойдаланиш, мусобақаларнинг юқори савияда ўтишида масъул ходимларнинг ҳамкорлигини таъминлаш.	2017 йил III чорак, доимий	ҳомий ташкилотлар ва ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ҳомий ташкилотлар, спорт федерациялари (уюшмалари)
39.	Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларида тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббиёт хонала-	2017 йил IV чорак, доимий	ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси



	рини талаб даражасида жиҳозлаш ҳамда спорт муассасаларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш.			
40.	Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи аҳолининг сонини аниқлаш, айниқса спорт турлари бўйича мунтазам равишда шуғулланувчиларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва махсус компьютер дастурларини яратиш асосида спорт турлари кесимида Ўзбекистон терма жамоалари спортчиларининг ўқув-машғулот йиғинлари, жаҳон биринчиликлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари, халқаро мусобақалар яқунларида олинган натижаларни чуқур таҳлил қилиш ва ягона мониторингини олиб бориш.	2018 йил I чорак, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари)
41.	Мусобақаларга тайёргарлик босқичларида спортчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, диагностика натижаларига кўра маслаҳат бериш ва даволаш, жарроҳлик ва даволаш ишларини ўтказиш учун хорижий спорт тиббиёти мутахассисларини ишга таклиф этиш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.	2018 йил I чорак, доимий	ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
42.	Ўзбекистон терма жамоалари спортчиларининг ўқув-машғулот йиғинлари, жаҳон биринчиликлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш мақсадида спортчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва тизимли мониторингини юритиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
43.	Спорт таълим муассасалари ихтиёри-даги спорт иншоотлари ва сузиш ҳав-заларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, спорт таълим муассасаларида эҳтиёжга кўра қўшимча спорт турлари ва гуруҳларини очиш, юқори малакали ва тажрибали мураббийларни жалб этиш, спорт натижадорлигини кўтариш. Республика ва халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган спортчиларни таълим муассасаларига мақсадли қабул қилиш ва уларга зарур шарт-	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	шароитлар яратиш.			
44.	Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларини спорт турлари бўйича мусобақа ўтказиш қоидалари, дастурлар ва махсус адабиётлар билан таъминлаш.	2017 - 2021 йиллар	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, спорт федерациялари (уюшмалари)
<b>IV. Таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш</b>				
<b>а) Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар</b>				
45.	Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Қувнок стартлар» спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш: 1-босқич — таълим муассасаси миқёсида; 2-босқич — туман (шаҳар) миқёсида; 3-босқич — ҳудудлар миқёсида; 4-босқич — республика миқёсида (финал).	2017 - 2021 йиллар, доимий	«Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
46.	Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Ёшлик спорт жамоалари» мусобақаларини ўтказиш: 1-босқич - таълим муассасаси миқёсида; 2-босқич - туман (шаҳар) миқёсида; 3-босқич - ҳудудлар миқёсида; 4-босқич — республика миқёсида (финал).	2017 - 2021 йиллар, доимий	«Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
47.	Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш: 1-босқич — таълим муассасаси миқёсида;	Тасдиқланган режага асосан	«Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси	Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари

	2-босқич — туман (шаҳар) миқёсида; 3-босқич — худудлар миқёсида; 4-босқич — республика миқёсида (финал).		давлат бюджети, Ижрочилар маблағлари	(уюшмалари)
48.	Ёзги таътил даврида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Ёзги таътилни спорт билан ўтказамиз» шиори остида спортнинг футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, регби, велоспорт, бокс, таэквондо, енгил атлетика, сузиш, теннис, гимнастика, акробатика, кураш, каратэ, армрестлинг, стол тенниси, бадминтон, камондан ўқ отиш, дзюдо, эркин ва юнон рим кураши, шахмат, шашка каби турлари бўйича спорт мусобақалари, ўқув машғулотлари ва тадбирларини ўтказиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	«Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, Ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Спорт федерациялари (уюшмалари)
49.	Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида умумхалқ ва халқаро байрамларга бағишланган спорт мусобақаларини ўтказиш. Жумладан: 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрамига бағишлаб қизлар ўртасида «Нафосат олами» шиори остида; «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишлаб «Миллий қадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз» шиори остида; 1 июнь «Халқаро болалар куни»га бағишлаб «Соғлом бола» шиори остида; 1 сентябрь «Мустақиллик куни»га бағишлаб «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича спорт тадбирларини ўтказиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	«Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
б) Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар				
50.	Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод спорт жамоалари» мусобақаларини ўтказиш: 1-босқич — таълим муассасаси миқёсида;	2017-2018 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили	«Баркамол авлод» Жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбе-	Касб-хунар таълими маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, «Баркамол авлод» спорт жамияти, спорт федерациялари (уюшмалари)

	<p>2-босқич — туман (шаҳар) миқёсида;  3-босқич — ҳудудлар миқёсида;  4-босқич — республика миқёсида (финал).</p>		<p>кистон Республикаси давлат бюд-жети, ижро-чилар маб-лағлари</p>	
51.	<p>Ёз мавсуми давомида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Ёзни спорт билан ўтказамиз» шиори остида спортнинг футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, регби, велоспорт, бокс, таэквондо, енгил атлетика, сузиш, теннис, гимнастика, акробатика, кураш, каратэ, армрестлинг, стол тенниси, бадминтон, камондан ўқ отиш, дзюдо, эркин ва юнон рим кураши, шахмат, шашка кабитурлари бўйича спорт мусобақалари, ўқув машғулотлари ва тадбирларини ўтказиш.</p>	<p>2017 — 2021 йиллар, доимий</p>	<p>«Баркамол авлод» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Касб-хунар таълими маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, спорт федерациялари (уюшмалари)</p>
52.	<p>Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Бар-камол авлод» спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш:  1-босқич — таълим муассасаси миқёсида;  2-босқич — туман (шаҳар) миқёсида;  3-босқич — ҳудудлар миқёсида;  4-босқич — республика миқёсида (финал).</p>	<p>Тасдиқ-ланган режага асосан</p>	<p>«Баркамол авлод» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Касб-хунар таълими маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, «Баркамол авлод» спорт жамияти, спорт федерациялари (уюшмалари)</p>
53.	<p>Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида умум-халқ ва халқаро байрамларга бағиш-ланган спорт мусобақаларини ўтказиш:  Жумладан:  14 январь — «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишлаб;  8 март — «Халқаро хотин-қизлар куни»га бағишлаб қизлар ўртасида «Нафосат олами» шиори остида;  «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишлаб «Миллий кадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз» шиори</p>	<p>2017 - 2021 йиллар, доимий</p>	<p>«Баркамол авлод» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Касб-хунар таълими маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, «Баркамол авлод» спорт жамияти, «Маҳалла» жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)</p>

	<p>остида; 1 сентябрь «Мустақиллик куни»га бағишлаб «Биз истиқлол фарзандлари-миз» шиори остида спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича спорт тадбирла-рини ўтказиш.</p>			
в) Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар				
54.	<p>Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Талаба спорт жамоалари» мусобақаларини ўтказиш: 1-босқич — таълим муассасаси миқёсида; 2-босқич — ҳудудлар миқёсида; 3-босқич — республика миқёсида (финал).</p>	2017 - 2021 йиллар, доимий	«Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, «Талаба» спорт жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
55.	<p>Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Универсиада» спорт мусобақалари ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш: 1-босқич — таълим муассасаси миқёсида; 2-босқич — ҳудудлар миқёсида; 3-босқич — республика миқёсида (финал).</p>	Тасдиқланган режага асосан	«Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, «Талаба» спорт жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
56.	<p>Талабалар ўртасида умумхалқ ва халқаро байрамларга бағишланган спорт мусобақаларини ўтказиш. Жумладан: 14 январь — «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишлаб; 8 март — «Халқаро хотин-қизлар куни»га бағишлаб қизлар ўртасида «Нафосат олами» шиори остида; «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишлаб «Миллий кадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз» шиори остида; 1 сентябрь «Мустақиллик куни»га бағишлаб «Биз истиқлол фарзандлари-миз» шиори остида спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича спорт тадбирла-рини ўтказиш.</p>	2017 - 2021 йиллар, доимий	«Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ижрочилар маблағлари	Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, «Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
57.	Олий таълим муассасалари талабала-ри ўртасида «Спорт билан	2017 2021	«Талаба» жисмоний	Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва

	шуғуллана-миз» шиори остида спортнинг футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, регби, велоспорт, бокс, таэквондо, енгил ат-летика, сузиш, теннис, гимнастика, ак-робатика, кураш, каратэ, армрестлинг, стол тенниси, бадминтон, камондан ўқ отиш, дзюдо, эркин ва юнон рим кура-ши, шахмат, шашка каби турлари бўйича спорт мусобақалари, ўқув машғу-лотлари ва тадбирларини ўтказиш.	йиллар, доимий	тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ижрочилар маблағлари	спорт вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, «Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
Аҳоли ўртасида соғломлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар				
58.	Аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар, вояга етмаган ёшлар, ўқувчилар ва талаба ёшлар, хотин-қизлар, фахрийларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, спорт иншоотларида ва клубларида спорт билан шуғулланиш жадвалини тасдиқлаш. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи аҳолининг сонини аниқлаш ва мунтазам шуғулланувчиларнинг ҳисобини олиб бориш. Мазкур соҳанинг хусусий секторида ва спорт иншоотларида шуғулланувчи аҳолини ҳисобини олиб боришнинг ягона электрон базасини яратиш ва жорий этиш.	2017 йил, ҳар йили	«Ёшлик, Баркамол авлод, Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар, спорт федерациялари (уюшмалари)
59.	Маҳалла ҳудудида жойлашган спорт иншоотларида аҳоли, айниқса ёшлар ва кам таъминланган оилалар учун бепул шуғулланиш тартибини белгилаш. Идора ва ташкилотларда спорт иншоотларини ва спорт-соғломлаштириш клубларини ташкил этиш, ишчи-ҳодимлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	«Ёшлик, Баркамол авлод, Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, вазирлик, идора ва ташкилотлар, спорт федерациялари (уюшмалари)
60.	Давлат идоралари ва ташкилотлари ходимлари ва аҳоли ўртасида спортнинг футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, регби,	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла»

	велоспорт, бокс, таэквондо, енгил атлетика, сузиш, теннис, гимнастика, акробатика, кураш, каратэ, армрестлинг, стол тенниси, бадминтон, камондан ўқ отиш, дзюдо, эркин ва юнон рим кураши, шахмат, шашка каби турлари бўйича спорт мусобақалари, ўқув-машғулоти ва тадбирларни ташкил этиш.			хайрия жамоат фонди, вазирлик, идора ва ташкилотлар, спорт федерациялари (уюшмалари)
61.	8 март — «Халқаро хотин-қизлар куни» байрамига бағишлаб «Аёллар спорт фестивали»ни 4 босқичда ўтказишни жорий этиш: 1-босқич: маҳалла миқёсида; 2-босқич: туман (шаҳар) миқёсида; 3-босқич: ҳудудлар миқёсида; 4-босқич: республика миқёсида (финал).	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вазирлик ва идоралар, Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
62.	Фахрийлар ва кексалар ўртасида спортнинг футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, регби, велоспорт, бокс, таэквондо, енгил атлетика, сузиш, теннис, гимнастика, акробатика, кураш, каратэ, армрестлинг, стол тенниси, бадминтон, камондан ўқ отиш, дзюдо, эркин ва юнон рим кураши, шахмат, шашка каби турлари бўйича спорт мусобақалари ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
63.	Оилавий спорт жамоалари ўртасида «Отам, онам ва мен — соғлом оиламиз» шиори остида спорт мусобақаларини ўтказиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
64.	Маҳалла спорт жамоалари ўртасида спортнинг футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, регби, велоспорт, бокс, таэквондо, енгил атлетика, сузиш, теннис, гимнастика, акробатика, кураш, каратэ, армрестлинг, стол тенниси, бадминтон, камондан ўқ отиш, дзюдо, эркин ва юнон рим кураши, шахмат, шашка каби турлари бўйича спорт мусобақалари, халқ ўйинлари	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	ва тадбирларини ўтказиш.			
65.	Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини муваффақиятли топширган-лар учун гувоҳнома ва уч даражадаги нишонлар билан мусобақа ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
д) Иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) ишларини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар				
66.	Иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) масалаларини республика комиссияси мажлисларида танқидий-таҳлилий муҳокамадан ўтказиш.	2017 йил IV чоракдан бошлаб	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари)
67.	Иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни мақсадли тайёрлаш иш-ларини тизимли ташкиллаштириш ва назорат қилиш бўйича республика ва ҳудудий Кенгашлар фаолиятини таш-кил этиш, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган спорт мактабларига, таълим муассасалари ва спорт клубла-рига иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш жараёнида шаффофлик ва холисликни таъминлаш чораларини амалга ошириш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)
68.	Спорт турлари бўйича «Ўзбекистон чемпионати» мусобақаларини ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш: 1-босқич — маҳалла миқёсида; 2-босқич — туман (шаҳар) миқёсида; 3-босқич — ҳудудлар миқёсида; 4-босқич — республика миқёсида (финал).	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, «Ёшлик, Баркамол авлод, Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ҳомий ташкилотлар, спорт федерациялари (уюшмалари)
69.	Ёшлар орасидан иқтидорли спортчи-ларни саралаб олиш,	2017 - 2021	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус



	<p>жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган спорт мак-таблари, таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни қабул қилиш жараёнларининг шаффоф-лиги ва холислигини таъминлаш юзаси-дан узлуксиз равишда видео кузатув ва ёзувларни жорий этиш ва сақланишини таъминлаш.</p>	<p>йиллар, доимий</p>		<p>таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети</p>
70.	<p>Жисмоний тарбия ва спортга ихти-сослашган спорт мактаблари, таълим муассасалари ва спорт клублари спорт-чилари ўртасида ҳудудий, республика ва халқаро ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш. Спорт турлари бўйича «Ўзбекистон чемпионати» мусобақалари ғолиб ва совриндорларини жаҳон би-ринчиликлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш чораларини кўриш.</p>	<p>2017 - 2021 йиллар, доимий</p>	<p>ижрочилар маблағлари</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Ҳомий ташкилотлар, спорт федерациялари (уюшмалари)</p>
71.	<p>Спорт таълим муассасалари ўртасида спорт турлари бўйича куйидаги рес-публика спорт мусобақаларини ўтқа-зиш орқали энг кучли спортчиларни аниқлаш:          Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида «Ёш чемпион-лар»;          Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида «Олимпия умидлари»;          Ихтисослаштирилган олимпия захи-ралари мактаб-интернатлари ўқувчи-лари ўртасида «Олимпия чўққилари»;          Футбол бўйича давлат ихтисослаш-тирилган мактаб-интернатлари ўқувчи-лари ўртасида «Футболимиз юлдуз-лари».</p>	<p>2017 - 2021 йиллар, доимий</p>	<p>ижрочилар маблағлари</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси,          Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, спорт федерациялари (уюшмалари)</p>
72.	<p>Ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари дастурига кураш спорт турини қайта киритиш, нуфузли халқаро спорт мусобақалари дастурларига кураш спорт турини киритиш ва</p>	<p>2018 йилдан бошлаб</p>	<p>ижрочилар маблағлари</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, вазирлик ва идоралар</p>

	ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб бориш.			
Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари ҳамда мусобақалар ғолибларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар				
73.	Таълим муассасаларининг ўқувчи ва талаба ёшлари ўртасида ўтказиладиган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларининг ғолиб ва совриндор спортчилари, уларнинг мураббийлари, тегишли таълим муассасалари раҳбарлари ва ҳудудлардаги масъул ходимларни тақдирлаш ва рағбатлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш чораларини амалга ошириш.	2018 йил II чорак	Ўзбекистон Республика -си Давлат бюджети маблағлари , ижрочилар ва ҳомий ташкилотлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
74.	Ўқувчи ва талабалар ўртасида ўтказиладиган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари нуфузини янада ошириш мақсадида спорт мусобақалари дастурларига қўшимча оммавий спорт турларини киритиш чораларини кўриш.	2018 йилдан бошлаб	ижрочилар ва ҳомий ташкилотлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
75.	Таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини самарадорлигини ошириш мақсадида халқаро мусобақаларни ўтказиш тақвими ва Олимпия ўйинларининг тўрт йиллик циклига мос равишда мамлакатимизда якуний тўртинчи босқич ўйинларини жорий этиш чораларини амалга ошириш.	2019 йилдан бошлаб	Ўзбекистон Республика -си Давлат бюджети маблағлари , ижрочилар ва ҳомий ташкилотлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
76.	Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб қилиш, уларни салоҳиятидан ёш авлодни тарбиялашда ҳамда халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш ва муносиб рағбатлантириш чораларини амалга ошириш.	2017 йил III чоракдан бошлаб доимий	ижрочилар ва ҳомий ташкилотлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
V. Оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга ошириш жараёни тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш				
77.	Оммавий ахборот воситалари, шу	2017 -	ижрочилар	Жисмоний тарбия ва спорт

	жумладан Интернет жаҳон тармоғи орқали жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш чораларини амалга ошириш.	2021 йиллар, доимий	маблағлари	вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Гасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
78.	Машҳур спортчилар билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ва маҳорат сабоқларини ўтказиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Миллий олимпия қўмитаси, Ёшлар иттифоқи
79.	«Олимпия ҳаракати» мавзусида семинарлар ва конференциялар ташкил этиш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
80.	Олимпия ва Осиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ва кубокларини тўлиқ ёритилишини таъминлаш.	2017 - 2021 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, спорт федерациялари (уюшмалари)
81.	Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ижтимоий рекламали ахборот сифатида бепул жойлаштириш тизимини ва тартибини жорий этиш.	2017 - 2019 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Гасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
82.	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлари, спорт таълими муассасалари ва спорт турлари бўйича федерацияларининг веб-сайтларини яратиш ва янгилаб бориш.	2017 - 2019 йиллар, доимий	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, айниқса, жойларда жисмоний тарбия ва спорт бошқарувининг самарали яхлит тизими мавжуд эмаслиги ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштиришни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва тарғиб қилишни таъминламаяпти;

иккинчидан, мамлакатимизда ҳам оммавий спорт, ҳам олий спорт ютуқлари соҳасида аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгилаган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмаган;

учинчидан, давлат-хусусий шериклик шартларида спортнинг замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмасини яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларнинг паст даражада эканлиги ушбу соҳада мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга имкон бермаяпти;

тўртинчидан, жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги терма жамоалар таркибини сифатли тўлдириш учун спорт захирасини шакллантириш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда;

бешинчидан, спорт кадрларини, айниқса бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини бермаяпти;

олтинчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини қўллаб-қувватлашнинг фақат алоҳида спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилган, нооқилона тизими бошқа оммавий олимпия спорт турларини, энг аввало, спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаслигига олиб келган;

еттинчидан, спортчиларни тайёрлаш ва улар тиббий таъминотининг инновацион тадқиқотлари ва услубий ишланмалари, замонавий талабларга жавоб берадиган стандартларининг мавжуд эмаслиги сифатли ўқув-машқ жараёнининг йўлга қўйилишини таъминламаяпти;

саккизинчидан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган молиявий маблағлар сарфланишининг асослилиги ва ҳаққонийлиги устидан назоратнинг, энг аввало, ички назоратнинг молиявий маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ва ушбу соҳада суиистеъмолчиликларни бартараф этишга қаратилган самарали механизми шакллантирилмаган;

тўққизинчидан, халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳаллий спорт асбоб-ускуналари ва инвентарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизми назарда тутилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегияси](#) ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар [концепциясида](#) белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ташкил этиш;

Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида спорт фаолиятини ташкил қилишда асослилик, объективлик ва шаффофликни таъминлашга, шу жумладан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган давлат молиявий маблағларидан оқилона фойдаланилишини таҳлил қилиш, аҳолининг спорт хизматларидан қониқиш даражаси ва спорт хизматларидан фойдалана олиш шарт-шароитларини баҳолаш, шунингдек, коррупция ва бошқа суистеъмолчилик ҳолатларини аниқлаш учун масъул бўлган Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига бўйсинадиган ва Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) Вазирлик тасарруфига бериш, уни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча Дарвоза кўчаси, 27-уй манзилда жойлаштириш, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида унинг филиалларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти негизида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш;

жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда спорт кийими, анжомлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар фаолиятини ташкил этиш учун пойтахт минтақасида «Спорт» эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидаги нуфузини оширишда алоҳида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда бошқа шахсларни тақдирлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

## 2. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

вазирликлар ва идоралар жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва инструкторлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокни таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли

спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга кўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

### 3. Белгилансинки:

Университет жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа мутахассисларини ўқитиш ҳамда тайёрлашнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича республиканинг базавий олий таълим, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий муассасаси ҳисобланади;

Марказ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструкторлари), кафедра мудирлари, таълим муассасалари ва спорт ташкилотлари тренерлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни амалга оширади.

4. Қуйидагилар оммавий спортни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни саралаш (селекция) соҳасида таълим муассасаларининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

мактабгача таълим муассасаларида — бошланғич гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориш орқали жисмоний ривожлантириш ҳамда саломатликни мустаҳкамлаш учун тарбияланувчиларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш;

умумтаълим мактабларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун синфдан ташқари спорт тўғарақлари ва секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 4 соатдан);

ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт тури бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий ҳамда республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўғарақлари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 6 соатдан);

олий таълим муассасаларида — истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этиш.

### 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси ва кафедра мудирлари лавозимларига халқаро даражадаги спорт мусобақалари ғолиблари тайинланиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструкторлари) туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари билан келишган ҳолда тегишли таълим муассасалари раҳбарлари томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (кафедра мудирлари) олий таълим муассасалари раҳбарлари томонидан Вазирлик вакили иштирокида белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов натижаларига кўра лавозимига тайинлади ва лавозимидан озод этилади;

жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор ва кафедра мудирлари)нинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўқувчи (талаба)ларни жисмоний ва касбий тайёргарлиги ҳамда улар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаш (селекция)да, энг аввало, эришилган аниқ натижаларни ҳисобга олган рейтинг тизими асосида амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор ва кафедра мудирлари)ни моддий рағбатлантириш улар фаолиятининг шахсий кўрсаткичларини рейтинг тизимида баҳолашга асосан амалга оширилади;

туман (шаҳар) спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларининг ягона календарь режалари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади;

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлилиги бўйича «Ёшлик», «Баркамол авлод» ва «Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси олимпия спорт турлари бўйича спортчилар, тренерлар ва бошқа спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш қисми бўйича жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, шу жумладан Вазирликнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Вазирликнинг олимпия спорт турларини ривожлантиришга масъул бўлинмалари раҳбарлигига номзодлар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси билан мажбурий равишда келишилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вакиллари олимпия захиралари махсус мактаб-интернатлари раҳбарларини танлаш, тайинлаш ва аттестация қилишда, мазкур мактабларга йўналишлар бўйича қабул қилиш квоталарини келишишда ҳамда спортчиларни халқаро спорт мусобақаларига юборишда иштирок этади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш доирасида спорт федерация (ассоциация)лари учун ажратилаётган ҳомийлик маблағлари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида жамланади ҳамда спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини мақсадли молиялаштиришга, шу жумладан етук хорижий спортчи ва тренерларни жалб қилиш учун сарфланади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Вазирлик билан ҳамкорликда юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни олимпия тайёрлаш марказлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа спорт ташкилотларининг ўқув-машғулот жараёнларига кенг жалб қилишни таъминлайди.

7. Қуйидагилар ташкил этилсин:

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Азия-Чимган» меҳмонхонаси негизда миллий терма жамоалар учун универсал олимпия тайёргарлиги маркази;

Жиззах вилояти Зомин туманида «Алоқачи» соғломлаштириш оромгоҳи негизда гимнастика спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Наманган вилояти Чортоқ туманида сержантлар тайёрлаш мактаби негизида спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида «Гулнора» соғломлаштириш оромгоҳи негизида спорт жаккаурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилаётган марказлар тасарруфида бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу объектларни барча бино ва иншоот мажмуалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси тасарруфига беғараз ўтказилишини таъминласин.

#### 8. Белгилаб қўйилсинки:

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари совриндор спортчилари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлардаги жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари шунингдек, тегишли спорт федерациялари(ассоциациялари) тавсияномаларига асосан тренерлик фаолияти бўйича содалаштирилган тартибда аттестациядан ўтиб, спорт мактабларида тренер сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли;

спорт ташкилотлари (идоралари) раҳбарлиги лавозимига аввал шуғулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ҳамда бошқарув соҳасида амалий кўникмага эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома муддати тугаган тренерлар кўпи билан тўрт ой муддатдан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда янги рухсатнома олинишига қадар меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳақли.

9. Олимпия спорт турларини 2018 — 2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш учун вазирлик, муассаса ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгилансин.

#### 10. Вазирлик:

икки ой муддатда жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни узоқ муддатли истиқболга ривожлантириш концепцияси лойиҳасини халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқсин ва киритсин;

уч ой муддатда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан ихтисослаштирилган мактабларнинг ишлаш тартибини ташкил этиш тизимини танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш, ташкилий-штат тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш тизимини тартибга солиш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда уч ой муддатда спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, йўриқчилари ҳақидаги маълумотларни ҳамда таълим муассасаларида спорт турлари бўйича имтиҳон қилиш тизими таҳлиллари натижаларини ўз ичига олган Ягона ахборот тизими яратилишини таъминласин;

уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва ўқув тайёргарлик машқлари давомида спортчиларни тиббий таъминлашни ташкил этиш ва қузатиб бориш тартибини, шу жумладан спорт тиббиёт муассасалари тармоқларини яратишни ўз ичига олган ҳолда, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасалари қошида спорт клубларини ташкил этиш, фаолият олиб бориши ҳамда молиялаштирилиши тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда республика ҳудудида жисмоний тайёргарликни ташкил этишнинг ягона талабларини белгилашни таъминловчи, олимпия спорт турлари бўйича тайёргарликнинг ягона меъёрларини спорт таълими муассасалари фаолиятига татбиқ этишни таъминласин;



Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда 2018 йил 1 июнга қадар спортнинг қишки ва ўйин турларининг ривожланиши ва оммалашининг амалдаги ҳолатини ҳар томонлама ва танқидий таҳлилни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида спортнинг қишки ва ўйин турларини янада ривожланиши юзасидан тақлифлар тайёрласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда республика олимпия захиралари мактаб-интернатлари қошида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш тақлифини киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази низомини, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари контингентини тўлиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини қамраб олган ҳолда уларнинг ташкилий-штат тузилмасини тасдиқласин;

икки ой муддатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча турдаги таълим муассасаларида таълим стандартлари қайта кўриб чиқилсин, таълимнинг ҳар бир босқичида умумий таълим юкласидан ошмаган ҳолда, дарс соатларини ошириш ёрдамида, спорт тармоқлари бўйича баҳолаш тизимини жорий қилиш, натижаларни тизимли таҳлил қилиш ишлари олиб борилсин;

икки ой муддатда қурилиш-монтаж ишлари, замонавий спорт жиҳозлари, техникаси ва инвентарлар билан таъминлаш, узлуксиз ўқув-машғулот жараёни ва спортчилар, тренер ҳамда бошқа мутахассис ва ишчилар яшаши учун шароит яратишни инобатга олган ҳолда олимпия тайёргарлик марказлари фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинсин;

уч ой муддатда олимпия захиралари мактаб-интернатлари қабул квоталарини спорт турлари бўйича энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган самарали таълим тизими ташкил этилсин;

уч ой муддатда тренерлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича аттестациядан ўтиш ва рухсатнома олиш тартибини содалаштиришга йўналтирилган ҳукумат қарори қабул қилинсин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг спорт инфратузилмасини ташкил этиш ва тизимли тарзда ишчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш амалиётини жорий этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси икки ой муддатда Мудофаа вазирлигининг спорт клуби, «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш ва касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятини тиклаш, шунингдек, идоравий спорт базаларини модернизация қилиш, улар қошида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун барчанинг шуғулланишига имкони бўлган секция ва тўғарақлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

14. Вазирлик ҳамда Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4956-сон Фармони биринчи банди **учинчи хатбошиси** ва **учинчи банди** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 5 март,

ПФ-5368-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
06.03.2018 й., 07/18/3583/0850-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5368-сон **Фармони** ижроси юзасидан:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 55 нафар бўлган тузилмаси **2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг намунавий тузилмаси **3** ва **4-иловаларга** мувофиқ;

туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг намунавий тузилмаси **5-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони **6-иловага** мувофиқ;

жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан келиб чиққан ҳолда, тоифаланган шаҳарлар-вилоят марказлари, туман (шаҳар)лар рўйхати **7-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларини шакллантириш учун спортчиларни танлаб олиш бўйича фаолиятни ташкил этиш схемаси **8-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирига, зарур ҳолларда, жисмоний тарбия ва спорт органларининг ташкилий-штат тузилмасига белгиланган сон доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади, унинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг штатлар сони, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўйича бош мутахассислари сонини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги республика ҳудудида давлат спорт объектлари қурилишининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан эксперт хулосасини беради ва улардан самарали фойдаланилишини мониторинг қилади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

хайрия ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар, жисмоний ва юридик шахслар, жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ўтказиладиган ҳомийлик ўтказмалари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

2018 йил 1 июндан бошлаб, тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестациядан ўтказиш ва рухсатномалар бериш, шунингдек, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштириш ҳисобидан тушадиган маблағларнинг бир қисми;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш, унинг даромадлари ва харажатлари параметрларини, жумладан болалар спорти объектларини, хусусан ҳомийлар маблағларидан куриш, қайта куриш ва капитал таъмирлаш ишларини молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаб берган ҳолда тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 10 апрелга қадар муддатда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлансин;

Жисмоний тарбия ва спорт жамғармасига 2018 йил бошида республика бюджетининг бўш қолдиқ маблағлари ҳисобидан 20 млрд. сўм ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини оптималлаштириш натижасида бўшатиладиган бино ва иншоотлар, инвентар ва ускуналарнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари балансига ўтказилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларнинг доимий асосда ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини назарда тутган ҳолда, тегишлича маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларнинг ҳудудий, туман (шаҳар) календарь режалари ҳар йили тасдиқланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари учун амалдаги қурилиш норма ва қоидаларини ушбу иншоотларга, жумладан ногиронлиги бўлган шахслар учун фойдаланиш имкониятини яратиш бўйича қўйиладиган замонавий талаб ва нормаларга мувофиқлаштириш мақсадида уларни қайта кўриб чиқишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаб туриш ва моддий-техник жиҳозлаш учун маблағларни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги:

умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари ва турнирларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига хайрия ёрдамини кўрсатаётган ташкилотлар иштирокида ижтимоий роликлар яратиш орқали оммавий спорт турларини халқ орасида кенг ёйишга кўмаклашин.

11. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги икки ой муддатда:

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартибини тасдиқласин;

Молия вазирлиги билан биргаликда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларга бириктириладиган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган хизмат енгил автомобилларининг чекланган умумий сонини тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудий бўлинмалари жойлаштирилишини, уларнинг мебель, компьютер техникаси, алоқа ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозланишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2779-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент ш.,


2018 йил 5 март,

ПҚ-3583-сон

**Ш. МИРЗИЁЕВ**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига  
2-ИЛОВА


### Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони — 55 нафар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига  
3-ИЛОВА


### Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони — 14 нафар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига 4-ИЛОВА


### Вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг жами штатлар сони 11 — 13 нафар кишини ташкил этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига 5-ИЛОВА

### Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони — 3-4 нафар

\* ушбу қарорнинг 7-иловасига мувофиқ 1-тоифали туман (шаҳар)ларда Оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўйича бош инспектор лавозими назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига  
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги  
худудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг  
**ЧЕКЛАНГАН СОНИ**

Т/р	Худудлар	Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони	жумладан:	
			Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларида	Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	70	14	56
2.	Андижон вилояти	66	11	55
3.	Бухоро вилояти	55	11	44
4.	Жиззах вилояти	55	11	44
5.	Қашқадарё вилояти	66	11	55
6.	Навоий вилояти	47	11	36
7.	Наманган вилояти	54	11	43
8.	Самарқанд вилояти	70	12	58
9.	Сирдарё вилояти	49	11	38
10.	Сурхондарё вилояти	60	11	49
11.	Тошкент вилояти	89	13	76
12.	Фарғона вилояти	78	12	66
13.	Хоразм вилояти	53	11	42
14.	Тошкент шаҳри	57	13	44
<b>Жами:</b>		<b>869</b>	<b>163</b>	<b>706</b>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига  
7-ИЛОВА

Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан келиб  
чиққан ҳолда, тоифаланган шаҳарлар — вилоят марказлари, туман (шаҳар)лар  
**РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар	Туманлар ва шаҳарлар	
		1-тоифа	2-тоифа
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри Кўнғирот тумани Хўжайли тумани Беруний тумани Тўрткўл тумани Чимбой тумани Элликқалъа тумани Амударё тумани	Шуманай тумани Қонликўл тумани Кегейли тумани Мўйноқ тумани Қораўзак тумани Тахтакўпир тумани Нукус тумани Тахياتош тумани
2.	Андижон вилояти	Андижон шаҳри Қўрғонтепа тумани Шаҳрихон тумани Андижон тумани Жалакудук тумани Избоскан тумани Марҳамат тумани Хўжаобод тумани	Хонобод шаҳри Асака тумани Балиқчи тумани Бўз тумани Булоқбоши тумани Пахтаобод тумани Олтинкўл тумани Улуғнор тумани

3.	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри Ғиждувон тумани Ромитан тумани Қорақўл тумани Шофиркон тумани Вобкент тумани Когон тумани	Когон шаҳри Жондор тумани Пешку тумани Олот тумани Бухоро тумани Қоровулбозор тумани
4.	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри Зомин тумани Дўстлик тумани Ғаллаорол тумани Фориш тумани Зафаробод тумани	Бахмал тумани Ш.Рашидов тумани Пахтакор тумани Мирзачўл тумани Арнасой тумани Зарбдор тумани Янгиобод тумани
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри Шахрисабз тумани Нишон тумани Муборак тумани Миришкор тумани Чироқчи тумани Косон тумани Қамаши тумани	Шахрисабз шаҳри Қарши тумани Китоб тумани Дехқонобод тумани Касби тумани Ғузор тумани Яккабоғ тумани
6.	Навоий вилояти	Навоий шаҳри Зарафшон шаҳри Учкудук тумани Қизилтепа тумани Кармана тумани	Конимех тумани Навбахор тумани Нурота тумани Томди тумани Хатирчи тумани
7.	Наманган вилояти	Наманган шаҳри Косонсой тумани Норин тумани Учқўрғон тумани Чуст тумани Тўрақўрғон тумани	Чортоқ тумани Мингбулоқ тумани Наманган тумани Уйчи тумани Янгиқўрғон тумани Поп тумани
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри Каттақўрғон шаҳри Ургут тумани Нарпай тумани Жомбой тумани Самарқанд тумани Иштихон тумани Пайариқ тумани	Булунғур тумани Нуробод тумани Пахтачи тумани Оқдарё тумани Қўшробод тумани Тайлоқ тумани Пастдарғом тумани Каттақўрғон тумани
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри Сирдарё тумани Боёвут тумани Сайхунобод тумани Ховос тумани	Ширин шаҳри Янгиер шаҳри Сардоба тумани Оқолтин тумани Гулистон тумани Мирзаобод тумани
10.	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри Денов тумани Шўрчи тумани Шеробод тумани Жарқўрғон тумани Сариосиё тумани Музробод тумани	Қумқўрғон тумани Узун тумани Ангор тумани Бойсун тумани Қизирик тумани Олтинсой тумани Термиз тумани
11.	Тошкент вилояти	Нурафшон шаҳри Олмалиқ шаҳри	Оҳангарон шаҳри Янгийўл шаҳри



		Ангрен шаҳри Бекобод шаҳри Чирчиқ шаҳри Бўстонлик тумани Қибрай тумани Зангиота тумани Ўртачирчиқ тумани Янгийўл тумани Юқоричирчиқ тумани	Оҳангарон тумани Оққўрғон тумани Бекобод тумани Бўка тумани Куйичирчиқ тумани Паркент тумани Пскент тумани Чиноз тумани Тошкент тумани
12.	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри Кўкон шаҳри Марғилон шаҳри Кува тумани Боғдод тумани Бешариқ тумани Ўзбекистон тумани Тошлоқ тумани Учкўприк тумани	Кувасой шаҳри Бувайда тумани Данғара тумани Олтиариқ тумани Кўштепа тумани Риштон тумани Фарғона тумани Ёзёвон тумани Сўх тумани Фурқат тумани
13.	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри Хозарасп тумани Хива тумани Ҳонқа тумани Боғот тумани Шовот тумани	Хива шаҳри Урганч тумани Кўшкўпир тумани Гурлан тумани Янгиариқ тумани Янгибозор тумани
14.	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани Бектемир тумани Миробод тумани М.Улуғбек тумани Сергели тумани Чилонзор тумани	Шайхонтохур тумани Юнусобод тумани Яккасарой тумани Учтепа тумани Яшнобод тумани
<b>Жами</b>		<b>106</b>	<b>94</b>

**1-тоифа** — 4 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ — 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор — 1, оммавий спортнири вожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўйича бош инспектор — 1, бош бухгалтер — 1);

**2-тоифа** — 3 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ — 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор — 1, бош бухгалтер — 1);

**жами** 706 штат бирлиги (бошлиқ — 200 нафар, спортни ривожлантириш в саралаш (селекция) бўйича бош инспектор — 200 нафар, оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўйича бош инспектор — 106 нафар, бош бухгалтер — 200 нафар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларини шакллантириш учун  
спортчиларни танлаб олиш бўйича фаолиятни ташкил этиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
I-босқич	Туман (шахар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими	Туман (шахарда) иқтидорли ёшларни саралаш (селекция) ишларини ташкиллаштириш	Йил давомида
		Спорт тадбирларининг туман босқичи ғолиб ва совриндорларини спорт тадбирларининг ҳудудий босқичларида иштирок этиш учун йўналтириш	Туман (шахар) мусобақаларининг якуний натижаларига мувофик
II-босқич	Ҳудудий жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари	Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг ҳудудий бўлиналари билан ишларни ташкиллаштириш	Йил давомида
		Ҳудудий календарь режани амалга ошириш бўйича спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичларини ўтказиш ва иқтидорли ёш спортчиларни саралаш (селекция)	Ҳудудий мусобақалар натижаларига мувофик
III-босқич	Ҳудудий жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари	Ҳудудий мусобақаларининг ғолиб ва совриндор спортчилари сафидан ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия захиралари мактаб-интернатларини тўддириш ва фаолиятини ташкил этиш	Ўқув йили бошида
IV-босқич	Ҳудудий Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари	Спорт турлари бўйича ҳудудий терма жамоалар таркибини шакллантириш, спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорларини республика босқичига йўналтириш	Январь
V-босқич	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	Спорт турлари бўйича идоровий жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, вазирликлар, ташкилотлар, спорт федерация (ассоциация)лари билан спорт тадбирларини ташкиллаштириш	Йил давомида
		Республика календарь режани амалга ошириш бўйича спорт мусобақаларининг республика босқичларини ўтказиш ва иқтидорли ёш спортчиларни саралаш (селекция)	Республика мусобақалари натижаларига мувофик
VI-босқич	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида спортчиларининг профессионал тайёргарлигини таъминлаш	Йил давомида
		Спорт турлари бўйича миллий терма жамоалари таркибини тасдиқлаш	Январь
		Энг аввало, жойларга чиқиб ўрганиш орқали спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, спортда иқтидорли ва истеъдодли таълим муассасалари ўқувчилари ва уларнинг ютуқлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган Ягона ахборот тизими яратиш ва юритиш	Доимо
		Спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг халқаро спорт мусобақалари ва тадбирларида иштирокни ташкиллаштириш	Халқаро спорт тадбирлари календарь режасига мувофик
VII-босқич	Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси	Спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг Олимпия, Паралимпия ва Осие ўйинларида иштирокни ташкиллаштириш	Ўтказиладиган ўйинлар дастурига мувофик

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОИ

### ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
17.03.2018 й., 07/18/3610/0912-сон)

Истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини

шакллантириш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5368-сон **Фармони**га мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва «Ўзбекнефтегаз» АЖнинг:

«Бунёдкор» стадионини барча бино ва иншоотлари мажмуаси билан бирга (кейинги ўринларда «Бунёдкор» стадиони деб юритилади) футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини ташкил қилиш ва спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон футбол ассоциациясининг асосий базаси этиб белгилаш;

истиқболли ёш футболчиларни кейинчалик профессионал тарзда тайёрлаш ҳамда футбол бўйича миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини яратиш мақсадида жойларда уларни танлаб олиш (селекция) ишларини амалга оширувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар футбол академиялари, шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини ташкил қилиш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинадиган футбол бўйича тренерлар номзодларини Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан мажбурий келишиш тартибини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш республика мактабини тугатиб, футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифасини Ўзбекистон футбол ассоциациясига юклаш;

Ўзбекистон Футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиалларини тугатиш ҳамда бўшаган маблағларни Ўзбекистон футбол ассоциациясига йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш дастури **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:

фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси раҳбарлари вазифасини фуқаролар йиғинлари раислари ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига юклаш;

фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, фуқаролар йиғинларининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари:

футбол ва бошқа спорт турларини оммалаштириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, маҳаллаларда истиқомат қилувчилар орасидан истиқболли ва иқтидорли болалар ва ёшларни танлаб олиш (селекция) ишларини ташкил этиш масалаларида туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ва ўсмирлар футбол академиялари, спорт федерация (ассоциация)ларининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади;

маҳаллаларда футбол майдонлари ва бошқа спорт иншоотларини ободонлаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмаларига қўмаклашади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон

ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда:

маҳаллаларда футбол майдонлари қурилишини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартларида қурилишини назарда тутувчи «Хар бир маҳаллада футбол майдони» дастурини;

фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг:

ҳомийлик маблағлари ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини молиялаштириш манбаси этиб белгилаган ҳолда, ўзбек футболининг 105 йиллигига бағишлаб Фарғона вилояти Кўқон шаҳрида замонавий футбол стадиони қуриш;

ҳомийлик маблағлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ва Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини молиялаштириш манбаси этиб белгилаган ҳолда, суд томонидан давлат даромадига ўтказилган Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Сижжак» дам олиш маскани негизида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот базасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Кўқон шаҳрида футбол стадиони қурилишини ва Бўстонлик туманида ўқув-машғулот базасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари фаолиятини танқидий ўргансин ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

уларнинг негизида 14 та ҳудудий болалар ва ўсмирлар футбол академиялари ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини ташкил қилиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидан Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфига ўтказиш ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолишни;

футбол бўйича бошқа давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларини ҳудудларда спорт турларини ривожлантириш зарурати ва устуворлигини инобатга олган ҳолда, бошқа олимпия ва миллий спорт турлари, шу жумладан спортнинг ўйин турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига қайта ихтисослаштиришни;

болалар ва ўсмирлар футбол академияларига, шунингдек, қайта ихтисослаштирилаётган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига бериладиган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни босқичма-босқич амалга ошириш дастурини тасдиқлашни;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларидаги футбол бўлимларини қисқартириш ва бўшаётган ўқувчи қабул қилиш квоталарини олимпия ва миллий спорт турларига, шу жумладан спортнинг ўйин турларига йўналтиришни;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини «Бунёдкор» стадионига жойлаштиришни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

«Бунёдкор» стадиони бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш дирекцияси» МЧЖ «Бунёдкор» стадионидан фойдаланувчи ташкилот ҳисобланади;

«Бунёдкор» стадиони бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш дирекцияси» МЧЖни (кейинги ўринларда — Дирекция), шунингдек, «Бунёдкор» стадионини сақлаш ва ундан фойдаланиш харажатларини молиялаштириш манбалари «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва Дирекция маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ бир ой муддатда «Бунёдкор» стадиони бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш дирекцияси» МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига Дирекция Ўзбекистон футбол

ассоциацияси хузурида фаолият юритишини назарда тутган ҳолда тегишли ўзгартишлар киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Молия вазирлигининг қуйидаги маблағларни:

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар республика Календарь режасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларини;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағларини;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағларини;

ҳомийлар ва хайрия қилувчиларнинг маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағларни Ўзбекистон футбол ассоциацияси фаолиятини ва унга юклатилган вазифаларни молиялаштириш манбалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. 2023 йил 1 январга қадар қуйидагилар:

Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, «Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси» жамоат бирлашмаси ва профессионал футбол клублари — барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, «Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси» жамоат бирлашмаси ва профессионал футбол клублари — белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ футбол бўйича спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари ва махсус профессионал спорт кийимлари, транспорт воситалари, шу жумладан махсус транспорт воситаларини олиб кирганлик учун божхона тўловларини (божхона йиғимларидан ташқари);

Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, «Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси» жамоат бирлашмаси ва профессионал футбол клублари томонидан жалб қилинадиган хорижий мутахассислар — жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

foyda солиғини ҳисоблашда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, «Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси» жамоат бирлашмаси ва профессионал футбол клубларининг фаолиятини молиялаштиришга йўналтириладиган ҳомийлик ва хайрия ёрдами шаклидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади;

футбол бўйича машғулот ва йиғинларни ўтказиш вақтида футболчилар ва бошқа мутахассислар (тренер, ҳакам, инструктор), шу жумладан хорижий мутахассисларнинг спорт озиқ-овқатлари билан овқатланишини, шунингдек, уларни мукофотлаш (рағбатлантириш)ни ташкил этишга сарфланадиган маблағлар жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳисобланмайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра хориждан жалб этиладиган мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда кириш визаларининг расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра хориждан жалб этиладиган мутахассисларга давлат божи ундирмаган ҳолда кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилиши ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра ўрнатилган тўловларни ундирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасига чет эл мутахассисларини жалб этишга рухсатномалар берилиши (узайтирилиши)ни, шунингдек, кўрсатилган чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини

амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилиши (узайтирилиши)ни белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Бунёдкор» стадионининг Ўзбекистон футбол ассоциацияси балансига ўтказилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Адлия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарияти ва маъмурий таркиби (аппарати)нинг намунавий тузилмасини янгилаш, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исраилов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси У.М. Ахматжанов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2018 йил 16 март,

ПҚ-3610-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3610-сон қарорига  
ИЛОВА

### 2018 - 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирнинг номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
<b>I. Футбол соҳасида истеъдодли спортчи ёшларни танлаб олиш (селекция) фаолияти самарадорлигини ошириш ва ўқув-машғулотлар жараёнини сифатли ташкил қилиш</b>				
1.	Маҳаллада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги фаолият натижасига кўра, фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш	2018 йил май	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш. Жавлонов), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (У. Ахматджанов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
2.	Ҳар бир ҳудудда футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари негизида болалар ва ўсмирлар футбол академияларини, шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида «Бунёдкор» стадионига жойлаштириладиган Республика болалар ва ўсмирлар футбол акаде-	2018 йил июль	ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Халқ таълими вазирлиги (У. Иноятов), «Ўзбекнефтгаз» АЖ (А. Султанов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)

	миясини ташкил қилиш			
3.	Футбол бўлинмалари бўлган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинадиган футбол бўйича тренерлар номзодларини Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан мажбурий келишиш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	2018 йил июль	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
4.	Инновацион илмий-методик ишланмалар ва илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда аёллар футбол, пляж футбол ва футзал (мини-футбол) бўйича тайёргарлик дастурини ишлаб чиқиш	2018 йил июль	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ўзбекистон давлатжисмоний тарбия ва спорт университети, Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
5.	Инновацион илмий-методик ишланмалар ва илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда футбол бўйича селекционерларни тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш	2018 йил сентябрь	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
6.	Футбол бўйича спорт таълим муассасаларида ўқув-машғулот жараёнини ташкил қилишнинг самарадорлигини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш	2018 йил октябрь	ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
7.	Футбол бўйича селекционерларни моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш механизмни ишлаб чиқиш ва жорий этиш	2018 йил ноябрь	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
8.	Футбол бўйича профессионал футбол клублари ва миллий терма жамоалар учун захирани самарали тайёрлашни таъминлаш мақсадида илмий-услубий қўлланмаларни тайёрлаш	2019 йил февраль	ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
9.	Иқтидорли ёш футболчиларни танлаб олиш (селекция) мақсадида спорт таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол мусобақаларини тизимли ташкил қилиш	тақвим режага мувофиқ	маҳаллий бюджет, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
10.	Машҳур маҳаллий ва хорижий футболчилар, тренерларни жалб қилган ҳолда ёш футболчилар учун футбол бўйича фестиваллар ва мастер-класслар ўтказиш	тақвим режага мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов)
11.	Иқтидорли футболчиларни танлаб олиш (селекция) мақсадида умум таълим мактаблари ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлири талабалари ўртасида	тақвим режага мувофиқ	маҳаллий бюджет, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Халқ таълими вазирлиги (У. Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), Қорақалпоғистон Республикаси

	футбол мусобақаларини ташкил этиш		хамда хомийлар маблағлари	Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
12.	Ёшлар, айниқса уларнинг уюлмаган қисми ўртасида танлаб олиш (селекция)ни амалга ошириш мақсадида «Чарм тўп» турнирлари ва бошқа мусобақаларни тизимли асосда ўтказиш	тақвим режага мувофиқ	маҳаллий бюджет, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси хамда хомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
13.	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш соҳасида фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ишини самарали ташкил қилиш	доимий	—	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш. Жавлонов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов), вазирлик ва идоралар
<b>II. Тренерлар, ҳакамлар ва футбол соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</b>				
14.	Футбол бўйича ҳудудий техник директорлар лавозимларига хорижий мутахассисларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	2018 йил июль	—	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
15.	Футбол бўйича ҳудудий техник директорлар лавозимларини тўлдириш учун хорижий мутахассислардан номзодларни танлаб олишни ташкил этиш	ҳар йили	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва хомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
16.	Ўзбекистон Республикасида футбол бўйича тренерлик таълими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш	2018 йил март	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
17.	Малакали тренер кадрларни тайёрлаш мақсадида футбол бўйича тренерлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган шахслар учун жойларда тренерлик курсларини ўтказиш	Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари талабномаларига мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
18.	Осиё футбол конфедерациясининг «В» ва «А» дипломлари дастури бўйича халқаро тренерлик курсларини ўтказиш	Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари талабномаларига мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
19.	FIFA ва AFC инструкторларини жалб қилган ҳолда Осиё футбол конфедерациясининг «PRO» дастури бўйича халқаро тренерлик курсларини	Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳу-	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)



	Ўтказиш	дудий бў- линмалари талабнома- ларига мувофиқ		
20.	FIFA ва AFC инструкторларини жалб қилган ҳолда Осиё футбол конфедерациясининг бошқа дастурлари бўйича (аёллар футбол, фўтзал (мини футбол), пляж футбол, дарвозабонлар ва жисмоний тайёргарлик бўйича тренерлар) халқаро тренерлик курсларини ўтказиш.	Ўзбекистон футбол ассоциациясининг худудий бў- линмалари талабнома- ларига мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
21.	FIFA, UEFA ва ОФК мутахассисларини жалб қилган ҳолда тренерлик таълими бўйича инструкторларни тайёрлаш юзасидан ихтисослаштирилган курсларни ўтказиш	Ўзбекистон футбол ассоциациясининг иш режалари доирасида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов)
22.	Футболнинг турли йўналишлари (фўтзал (мини футбол) ва пляж футбол) бўйича тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислар учун FIFAнинг ихтисослаштирилган семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш	хар йили	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
23.	Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларнинг хорижий мамлакатларда малака оширишини (стажировкасини) ташкил этиш	режа- жадвалга мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов)
24.	Етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда футбол бўйича фаолият юритаётган тренерлар ва ҳакамлар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш	режа- жадвалга мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов)
25.	Ўзбекистон Республикасида футбол бўйича ҳакамларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	2018 йил март	–	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
26.	Ҳакамларни тайёрлаш бўйича инструкторлар учун FIFAнинг ихтисослаштирилган курсларини ташкил этиш ва ўтказиш	хар йили	Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов)
27.	Ҳар йили футболчилар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб масалалари юзасидан етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда футбол бўйича илмий-услубий ва илмий-амалий	режа- жадвалга мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Раматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов)

	конференциялар ўтказиш		хамда ҳомийлар маблағлари	
28.	FIFA, UEFA ва AFCнинг тренерлар тайёрлаш бўйича етакчи хорижий марказларида Ўзбекистон футбол ассоциацияси вакилларининг стажировкасини ташкил этиш	режа-жадвалга мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси хамда ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> ), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Ш. Исраилов</i> )
<b>III. 2022 йилда Қатарда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасидаги саралаш турнирларида иштирок этиш учун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг сифатли ва самарали тайёргарлик кўришини таъминлаш</b>				
29.	Истикболли футболчиларни жалб қилган ҳолда футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янгиланган таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш	2018 йил декабрь		Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> ), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Ш. Исраилов</i> ), Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ( <i>У. Ахматджанов</i> )
30.	Футбол бўйича миллий терма жамоанинг жаҳондаги етакчи футбол жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини тизимли асосда ташкил этиш	2018 - 2022 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> )
31.	Футбол инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда ўқув-машқ йиғинларини ташкил этиш	2018 - 2022 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> )
32.	Футбол бўйича миллий терма жамоа футболчилари учун чет тилларни ўрганиш курсларини ташкил этиш	режа-жадвалга мувофиқ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> )
<b>IV. Футболни ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инфратузилмасини такомиллаштириш</b>				
33.	Маҳаллаларда футбол майдонлари қурилишини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартларида қурилишини назарда тутувчи «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастурини ишлаб чиқиш	2018 йил май	ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Ш. Исраилов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
34.	«Бунёдкор» стадионини барча бино ва иншоотлари мажмуаси билан бирга Ўзбекистон футбол ассоциациясининг балансига ўтказишни таъминлаш	2018 йил май	—	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ( <i>А. Абдуллаев</i> ), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ( <i>Р. Гулямов</i> ), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ( <i>Р. Усманов</i> ), «Ўзбекнефтегаз» АЖ ( <i>А. Султанов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> ), вазирлик ва идоралар
35.	Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот базасини ташкил этиш	2019 йил июнь	ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ( <i>К. Акмалов</i> ), Тошкент вилоят ҳокимлиги ( <i>Г. Ибрагимов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Раматов</i> ), Ўз-

				Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси (У. Ахматджанов)
36.	Ўзбек футболнинг 105 йиллигига бағишлаб Фарғона вилояти Кўқон шаҳрида замонавий футбол стадиони куриш	2019 йил декабрь	ҳомийлар ва маҳаллий бюджет маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К. Акмалов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ш. Ганиев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
37.	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида сунъий қопламали замонавий футбол стадиони куриш	2020 йил май	маҳаллий бюджет, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К. Акмалов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (К. Сариев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
38.	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида замонавий футбол стадиони куриш	2021 йил март	маҳаллий бюджет, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К. Акмалов), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Э. Турдимов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
39.	Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида замонавий футбол стадиони куриш	2022 йил февраль	маҳаллий бюджет, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К. Акмалов), Сирдарё вилоят ҳокимлиги (Г. Мирзаев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
40.	Футзал (мини-футбол) бўйича мусобақаларни ўтказиш учун асбоб-ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган замонавий спорт заллари тармоғини куриш	2022 йил декабрь	маҳаллий бюджет, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Ш. Исраилов)
41.	Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати иштирокчилари — профессионал футбол клублари стадионларини замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ реконструкция қилиш	2022 йил декабрь	маҳаллий бюджет, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)
42.	Ҳар бир ҳудудда пляж футболни билан шуғулланиш учун кумли майдончаларни куриш	2022 йил декабрь	маҳаллий бюджет, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳомийлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Рамамов)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISIDA ШАХМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
10.08.2018 й., 07/18/3906/1689-сон)

Юқори малакали мураббий кадрларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёш шахматчиларни тайёрлаш, шахмат бўйича миллий терма жамоанинг амалдаги аъзолари билан доимий алоқани таъминлаш, шунингдек, шахматни инсоннинг ақл ва тафаккур жараёнини ривожлантирувчи спорт тури сифатида янада оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг:

мажбурий мактаб дастурлари доирасида иловага мувофиқ 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Ўзбекистон шахмат федерацияси тасарруфига бериш;

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шахмат клублари ҳамда шахматга ўқитиш ва шахматчилар тайёрлашни амалга оширувчи бошқа спорт муассасалари (кейинги ўринларда шахмат клублари деб юритилади) Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказилиши тартибини белгилаш;

шахмат клублари томонидан ўзларининг фаолиятлари ҳақида ҳар чорақда Ўзбекистон шахмат федерациясига ҳисоботлар тақдим қилиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон шахмат федерациясига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда:

шахмат клубларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни;

республикадаги барча умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитишни босқичма-босқич камраб олиш, юқори малакали мураббий кадрларни тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат синфларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини;

шахмат клублари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Белгилансинки:

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўз фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида олиб боради, хўжалик ва молиявий фаолият масалаларини мустақил равишда ҳал қилади;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини молиялаштириш унинг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2018 йил 20 августга қадар умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

барча шахмат клубларининг паспортлаштиришдан ўтказилишини таъминласин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва кўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 9 август,

ПҚ-3906-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОҲ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда йилқичилик ва от спортини оммалаштириш учун шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мазкур спорт тури бўйича юртимизни халқаро спорт майдонларида муносиб равишда танитиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси ташкил этилди, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича мажмуалар фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятида Ахалтака зотли ва спорт отларини етиштириш ва кўпайтириш от заводини қуриш, шунингдек Тошкент шаҳрида «Марказий ипподром» акциядорлик жамиятини Халқаро от спорти федерацияси талабларини инобатга олган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада йилқичилик ва от спортининг янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Жумладан, от спорти клублари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги ўқув-машғулот жараёнини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, иқтидорли чавандозларни аниқлаш ва танлаб олиш имконини бермаяпти.

Моддий-техник база ва от спорти инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган, от спорти билан шуғулланиш ва ушбу спорт турини оммалаштириш учун спорт базалари ва шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўрилмаяпти.

Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек от спорти бўйича миллий ва халқаро мусобақаларда юқори спорт натижаларига эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг:

2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини (кейинги ўринларда — болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари) босқичма-босқич ташкил этиш;

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси қошида юридик шахс мақомига эга Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш;

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раисининг ўринбосари — Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика маркази директори лавозимини жорий этиш;

Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича «Қорабайир отчилик мажмуаси» УКни «Шўртангазимё мажмуаси» МЧЖ тасарруфидан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфига бериш;

Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича «Қорабайир отчилик мажмуаси» УК ва «Водий тулпорлари» МЧЖ мажмуаларини, улар таъминотини молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда ва йиллик харажатлари кўрсаткичларини Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси (кейинги ўринларда — Федерация) билан мажбурий келишиш шarti билан, Федерация таркибига киритиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Федерация билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда аниқ ер участкалари ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари ҳудудида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш, шунингдек тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-

ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига топшириш учун уларнинг рўйхатини шакллантирсин;

бир ой муддатда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш истагини билдирган салоҳиятли тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий инвесторларни (кейинги ўринларда — ташаббускорлар) аниқласин;

уч ой муддатда энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида ер участкалари ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ташаббускорларга тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун, шу жумладан уларнинг бир қисмида ёки алоҳида ажратилган ҳудудда болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш бўйича ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда тақдим этилишини таъминласин.

3. Белгилаб, кўйилсинки:

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари биринчи навбатда ипподромлар ҳудудида ташкил этилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техник базасини дастлабки мустаҳкамлаш, жумладан техника, анжомлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ташаббускорлар томонидан амалга оширилади;

спорт отларини сотиб олиш бўйича харажатлар, шунингдек болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техник базасини кейинчалик мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг балансига ўтказилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг жорий фаолиятини ташкил этиш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал хизматлар, спорт отларига озуқа ва дори-дармонлар сотиб олиш ҳамда бошқалар бўйича харажатлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари ва спорт якка курашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг от спорти бўлинмалари фаолиятини ташкилий-методик таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Федерация билан биргаликда амалга оширилади.

4. Марказ ҳузурида лаборатория ташкил этилсин ва унга отларнинг қон гуруҳини аниқлаш ва маълумотлар базасини яратиш бўйича вазифалар юклансин.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг мазкур қарорга мувофиқ Қашқадарё вилоятида ташкил этилаётган болалар-ўсмирлар от спорти мактаби ҳамда Фарғона шаҳар спорт якка курашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг от спорти бўлинмаси ўқувчилари кейинчалик бепул фойдаланишлари учун «Қорабайир отчилик мажмуаси» УК ва «Водий тулпорлари» МЧЖнинг Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш мажмуаларига спорт отларини тегишлича «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда «Kvarts» АЖнинг маблағлари ҳисобидан сотиб олиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда от спорти клубларини ташкил этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига бепул фойдаланиш учун зарур бинолар ва иншоотларни тақдим этиш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда мазкур бандни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади Федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтириладиган хайрия ёрдами кўринишидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтиради.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация:

Марказ лабораториясини замонавий ускуна ва малакали мутахассислар билан жамланишини таъминласин;

мутахассис-чавандозлар, Марказ лабораторияси мутахассислари, кавалер-инструкторлар, шунингдек манфаатдор идоралар ходимларини хорижда ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этсин;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини малакали мутахассислар, зарур ўқув-методик адабиётлар билан жамлаш, шунингдек ўқув-машқ жараёнини лозим даражада ташкил этиш учун ўқув биноларини жиҳозлашнинг зарур чора-тадбирларини таъминласин;

икки ҳафта муддатда 2019 йилда от спорти бўйича ҳудудлар ва республика биринчилиги мусобақаларини ўтказиш, шунингдек кейинчалик Спорт ва жисмоний-оммавий тадбирлар календарь режасига киритиш учун мазкур спорт тури бўйича халқаро турнирларда иштирок этиш режасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш тартибини, жумладан мазкур хизматлар ҳажмини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда «Марказий ипподром» АЖнинг қурилиш-монтаж ишларини яқунлаш, шунингдек кейинчалик илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиши учун молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация билан биргаликда ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни иппотерапия услуги ёрдамида тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу қарор доирасида ташкил этиладиган болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари таъминоти ҳамда уларни моддий-техник жиҳозлаш, шу жумладан спорт отларини парваришлаш учун зарур бўлган бюджет маблағларини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги 2019-2020 йилларда Федерация қўмагида от спорти мактаблари ҳамда клубларини ташкил этиш ва ўз тасарруфида бўлганларини такомиллаштириш чораларини кўрсин, шунингдек идоровий мансуб йилқичилик ва спорт базаларини уларда ёшларни от спорти билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида барча учун очиқ бўлган секциялар ҳамда тўғарақларни ташкил этган ҳолда модернизация қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда олий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар ва мутахассис-йилқичилар тайёрлаш ўқув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштиришни таъминласин, шунингдек хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3057-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2019 йил 18 февраль,

**Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси ижро этувчи аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 30 нафар.»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕГБИ СПОРТ ТУРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
30.10.2019 й., 07/19/4500/3973-сон)

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, спортнинг ҳар хил турларини, шу жумладан регбини янада оммалаштириш, спорт билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар ва инфратузилма яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда регби республикамызда жадал ривожланаётган спорт турларидан биридир. Ўзбекистон регби федерацияси ва унинг худудий бўлинмалари ташкил этилди ҳамда фаолият кўрсатмоқда, регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси нуфузли халқаро мусобақаларда («Asian Olympic Pre-Qualifier», «Asian 7's») фаол иштирок этиб, шарафли ўринларни эгаллаб келмоқда, ушбу жамоа Осиё минтақасидаги давлатлар орасида кучли саккизликка киради.

Шу билан бирга, моддий-техник база ва инфратузилманинг етарли эмаслиги, регби бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг уйғун тизими яратилмаганлиги соҳанинг янада ривожланишига ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Регбини янада ривожлантириш, уни республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш, юқори сифатли ўқув-машқ жараёнини таъминлаш, регбичилар, тренерлар ва ҳакамларнинг маҳорат даражаси ва малакасини доимий ошириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, регбичи-спортчиларни тайёрлаш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон регби федерациясининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) ҳар бир ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлимларини очиш;

б) болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинаётган регби бўйича мураббийлар номзодларини Ўзбекистон регби федерацияси билан мажбурий келишиш тартибини жорий қилиш;



в) қуйидагиларни назарда тутувчи регби бўйича спорт мусобақаларини ўтказишнинг тўрт босқичли тизимини жорий этиш:

биринчи босқичда — спорт клублари, секциялари жамоалари ўртасидаги спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

иккинчи босқичда — спорт клублари, секциялари ўртасидаги мусобақаларда ғолиб чиққан жамоалар ўртасида туман (шаҳар) спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

учинчи босқичда — туман (шаҳар) спорт мусобақаларида ғолиб чиққан жамоалар ўртасида ҳудудий спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

тўртинчи босқичда — ҳудудий спорт мусобақаларида ғолиб чиққан жамоалар ўртасида республика спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок).

2. 2019 — 2022 йилларда республикада регбининг янада комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Чора-тадбирлар дастурининг амалга ошириш доирасида қуйидаги устувор йўналишлар ва вазифалар белгилансин:

иктидорли спортчи ёшларни танлаб олиш (селекция ишлари) фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва регби бўйича ўқув-машқ жараёнининг сифатли ташкил этиш;

регбининг оммалаштириш, ёшларни спорт клублари, секциялар ва тўғарақларга фаол жалб қилиш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

тренерлар, ҳакамлар ва регби бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун унинг сифатли ва самарали тайёргарлигини таъминлаш;

халқаро мусобақаларнинг ғолиблари ва совриндорларининг рағбатлантириш, шунингдек, тренерлар, ҳакамлар ва регби бўйича бошқа мутахассисларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

регбининг моддий-техник базасининг мустаҳкамлаш ва инфратузилмасининг такомиллаштириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

ҳудудий регби федерацияларининг молиявий ва моддий-техник базасининг мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

тегишли ҳудудларнинг раҳбар кадрлари орасидан номзодларни ҳудудий регби федерациялари раиси лавозимига тавсия этиш;

тегишли ҳудудда профессионал регбининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишининг таъминлаш, камида битта профессионал регби клубининг ташкил этиш, регби машғулотларининг ўтказиш учун стадионлар, шунингдек, тегишли ҳудудий регби федерацияларининг жойлаштириш учун бинолар ажратиш.

4. Ўзбекистон регби федерацияси фаолиятининг ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишни молиялаштириш манбалари қуйидагилар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси маблағлари;

ҳомийлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг спорт клублари стадионларида мунтазам равишда регби бўйича ўқув-машғулотлар ва мусобақалар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш берилишининг беғараз асосда таъминласин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони билан тасдиқланган Олимпия спорт турларини 2018 — 2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари **дастурининг** 21-бандига мувофиқ Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ қишлоғида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари томонидан ўқув-машқ жараёнини ўтказиш учун Ўзбекистон регби федерациясининг спорт базасини қуриш кўзда тутилган; спорт базасини сақлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш Ўзбекистон регби федерацияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ қишлоғида Ўзбекистон регби федерациясининг спорт базаси қурилишини 2020 йилга мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастурига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон регби федерацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, профессионал регби клублари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга мувофиқ олиб кириладиган, регби бўйича спорт объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт ускуналари, инвентарь ва махсус профессионал спорт анжомлари учун 2023 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ҳамда божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиди ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетиди регби бўйича мутахассисларни тайёрловчи йўналишлар очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу бандни амалга ошириш бўйича чоралар кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон регби федерацияси билан биргаликда:

мамлакатимизда регбини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, фуқароларнинг ушбу спорт турига қизиқишини шакллантириш чоралари кўрилиши;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган спорт жиҳозлари ва инвентарь, регби учун спорт кийимлари ва пойабзал билан таъминланиши;

регби инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда ўқув-машғулот йиғинларининг ташкил этилиши;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлимларини очиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон регби федерациясининг буюртманомасига биноан жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон регби федерациясининг буюртманомасига биноан жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божини ундирмасдан кўп марталик визаларни бериш ва уларни узайтириш ҳамда вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштириш ва уни узайтиришни белгиланган тартибда таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон регби федерациясининг буюртманомаларига биноан хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этиш учун руҳсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, мазкур хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўрнатилган тўловлар ундирилмасдан берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида регбининг ривожланишини, регби жамоалари, тренерлар ва регби бўйича бошқа мутахассислар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритиб бориш ҳамда регби бўйича расмий мусобақалар ўтказилишини тарғиб қилиш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2019 йил 29 октябрь,

ПҚ-4500-сон

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 29 октябрдаги ПҚ-4500-сон қарорига**

**ИЛОВА**

**2019 — 2022 йилларда республикада регбини янада  
комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Иқтидорли спортчи ёшларни танлаш (селекциялаш) ва регби бўйича ўқув-машғулот жараёнини сифатли ташкил қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш</b>				
1.	Таълим ва спорт-таълим муассасаларида, шунингдек, идоравий мансублигидан қатъи назар, республиканинг бошқа ташкилотларида регби бўйича бўлимлар, секциялар, тўғаракларни хатловдан ўтказиш.	2019 йил декабрь	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Ўзбекистон регби федерацияси ( <i>С. Сафоев</i> )
2.	Инновацион илмий-услубий ишланмалар ва илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда регби-7 ва регби-15 бўйича тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш.	2019 йил декабрь	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ( <i>М. Болтабоев</i> ), Ўзбекистон регби федерацияси ( <i>С. Сафоев</i> )
3.	Инновацион илмий-услубий ишланмалар ва илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда регби бўйича селекционерларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш.	2019 йил декабрь	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ( <i>М. Болтабоев</i> ), Ўзбекистон регби федерацияси ( <i>С. Сафоев</i> )
4.	Спорт мактабларининг регби бўйича бўлимларида ўқув-машғулот жараёнининг самарали ташкиллаштирилишини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш.	2019 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ( <i>М. Болтабоев</i> ), Ўзбекистон регби федерацияси ( <i>С. Сафоев</i> )

5.	Регби бўйича селекционерларни моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2020 йил январь	Ўзбекистон регби федерацияси маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
6.	Регби бўйича иқтидорли ўсмир спортчиларни саралаш (селекциялаш) мақсадида спорт таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида тизимли асосда мусобақаларни ташкиллаштириш.	Календарь режага мувофик	Маҳаллий бюджет, Ўзбекистон регби федерацияси ва хомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
7.	Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинаётган регби бўйича тренерлар номзодларини Ўзбекистон регби федерацияси билан келишиш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.	2020 йил январь	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
8.	Регби бўйича таниқли маҳаллий ҳамда хорижий спортчи ва тренерларни жалб қилган ҳолда, ёш спортчилар учун фестиваллар, шунингдек, маҳорат дарсларини ўтказиш.	Календарь режага мувофик	Ўзбекистон регби федерацияси маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
9.	Иқтидорли регбичиларни саралаш (селекциялаш) мақсадида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида регби мусобақаларини ташкиллаштириш.	Календарь режага мувофик	Маҳаллий бюджет ва хомийлар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Регби бўйича саралаш (селекция) ишларини амалга ошириш мақсадида ёшлар, айниқса унинг уюлмаган қисми ўртасида «Олтин овал» турнирини ва бошқа мусобақаларни тизимли асосда ўтказиш.	Календарь режага мувофик	Маҳаллий бюджет ва хомийлар маблағлари	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи (А. Саъдуллаев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
<b>II. Регбининг омалаштириш, ёшларни спорт клубларига, секцияларга ва тўғарақларга фаол жалб қилиш, уларда кенг шугулланиш имкониятларини яратиш</b>				
11.	Мамлакатда регбининг ривожланиши, аҳоли турли қатламлари, энг аввало ёшлар ўртасида ушбу спорт турига	2019 йил ноябрь	-	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)

	бўлган талаб ва таклифларнинг мутаносиблиги мониторингини ўтказиш.			
12.	Мамлакатда регбини оммалаштириш ва тарғиб қилиш медиа режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш.	2019 йил ноябрь	Ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов), Миллий телерадиокомпания (А. Ходжаев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
13.	Регбини ривожлантираётган ташкилотлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, босма нашрлар ва интернет-ресурсларда мақолалар эълон қилиш, шунингдек, телекўрсатувлар туркумини тайёрлаш ва видеороликларни жойлаштириш.	Доимий	Ижрочилар маблағлари	Миллий телерадиокомпания (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
14.	Регби бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳужжатларини, шунингдек, регби мусобақалари ўтказиладиган стадионга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш.	2019 йил октябрь	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
15.	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, умумтаълим мактаблари, республика олимпия захиралари коллежлари қошида қўшимча секция ва тўғрақларни ташкил этиш орқали болалар ва ёшларни, меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек, вояга етмаганларни регби билан шуғулланишга жалб қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил қилиш.	Доимий	-	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
16.	Мавжуд спорт салоҳияти, спорт захиралари, тренерлар таркиби ва моддий-техник базадан келиб чиққан ҳолда республиканинг ҳар бир ҳудудда регбини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил октябрь	-	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
17.	Ёшлар, талабалар, ўқувчилар ва аҳолининг бошқа	2019 — 2022 йиллар	Ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев),

	қатламларини регби билан шуғулланишга жалб қилиш, таълим муассасалари, спорт жамиятлари, ташкилотлар, маҳаллаларда регби тўғарақлари ва секцияларини ташкил қилиш, туман, ҳудудий ва республика мусобақаларини ўтказиш.	давомида		Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Мажидов</i> ), Мудофаа вазирлиги ( <i>Б. Қурбонов</i> ), Ички ишлар вазирлиги ( <i>П. Бобожонов</i> ), Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ( <i>Қ. Рафиқов</i> ), «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ( <i>Х. Хосилов</i> ), Ўзбекистон регби федерацияси ( <i>С. Сафоев</i> )
18.	«Ёшлик», «Талаба», «МХСК», «Динамо», «Локомотив», «Қасаба уюшмалари» ва бошқа жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг регби бўйича клубларини ташкил этиш.	2020 йил февраль	Ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Мажидов</i> ), Мудофаа вазирлиги ( <i>Б. Қурбонов</i> ), Ички ишлар вазирлиги ( <i>П. Бобожонов</i> ), Миллий гвардия ( <i>Б. Тошматов</i> ), Давлат хавфсизлик хизмати ( <i>А. Азизов</i> ), Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ( <i>Қ. Рафиқов</i> ), «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ( <i>Х. Хосилов</i> ), Ўзбекистон регби федерацияси ( <i>С. Сафоев</i> ), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> )
<b>III. Регби бўйича тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</b>				
19.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қошидаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-услубий таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази базасида регбининг ривожлантираётган тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни шартнома асосида қайта тайёрлаш ва уларнинг малака оширишларини ташкил қилиш.	Доимий	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Ўзбекистон регби федерацияси ( <i>С. Сафоев</i> )
20.	Регби бўйича терма жамоалар ва спорт мактаблари бўлимлари учун захира	2020 йил январь	Ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Ўзбекистон давлат жисмоний

	таркибини самарали тайёрлашни таъминлаш мақсадида илмий-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.			тарбия ва спорт универси-тети (М. Болтабаев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
21.	Регби бўйича малакали тренер кадрларни тайёрлаш мақсадида тренерлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган шахслар учун локал тренерлик курсларини ўтказиш.	Худудий регби федерациялари талабномаларига мувофиқ	Ўзбекистон регби федерацияси маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
22.	Регбининг ривожлантираётган тренерлар, спортчилар ва ташкилотларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.	2019 йил ноябрь	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
23.	Таниқли маҳаллий ва хорижий тренерлар ҳамда мутахассисларни жалб қилган ҳолда, худудий жамоалар тренерлари учун республика тренерлик курсларини ташкил қилиш ва ўтказиш.	Худудий регби федерациялари талабномаларига мувофиқ	Ўзбекистон регби федерацияси маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
24.	Регби бўйича тренер ва ҳакамларнинг хорижий мамлакатларда малакасини оширишни (стажировкасини) ташкил қилиш.	График-режага мувофиқ	Ўзбекистон регби федерацияси ва хомийлар маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
25.	Таниқли маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, фаолият юритаётган тренер ва ҳакамлар учун малака ошириш курсларини ўтказиш.	График-режага мувофиқ	Ўзбекистон регби федерацияси ва хомийлар маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
26.	Ўзбекистон Республикасида регби бўйича ҳакамларни танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.	2020 йил январь	-	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
27.	Етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, регбичилар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб масалалари бўйича ҳар йилги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларни ўтказиш.	График-режага мувофиқ	Ўзбекистон регби федерацияси ва хомийлар маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
28.	Ўзбекистон регби федерацияси вакилларининг етакчи хорижий марказларда стажировкаларини ташкил қилиш.	График-режага мувофиқ	Ўзбекистон регби федерацияси ва хомийлар маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)

IV. Регби бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун Ўзбекистон миллий терма жамоасининг сифатли ва самарали тайёргарлигини таъминлаш				
29.	Истиқболли ўйинчиларни жалб қилган ҳолда регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янгиланган таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш.	2020 йил февраль	-	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Миллий олимпия кўмитаси (Р. Шаабдурахманов)
30.	2024 ва 2028 йилларда ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон регби спортчиларини халқаро малакавий мусобақаларда иштирок этиш учун тайёрлаш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил февраль	-	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Миллий олимпия кўмитаси (Р. Шаабдурахманов)
31.	Марказий Осиё, МДХ мамлакатлари, Осиё ва Европа жамоалари билан Ўзбекистон миллий терма жамоасининг регби бўйича ўртоклик учрашувларини тизимли асосда ташкил этиш.	2019 — 2022 йиллар давомида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон регби федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Миллий олимпия кўмитаси (Р. Шаабдурахманов)
32.	Регби бўйича терма жамоалар аъзоларининг (ўсмирлар, ёшлар, катталар) ҳар йили 3 - 6 та ўқув-машқ йиғинларида ва 4 - 8 та халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш.	2019 — 2022 йиллар давомида	Ўзбекистон регби федерацияси, Миллий олимпия кўмитаси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Миллий олимпия кўмитаси (Р. Шаабдурахманов)
33.	Регби инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда ўқув-машқ йиғинларини ташкил этиш.	2019 — 2022 йиллар давомида	Ўзбекистон регби федерацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Миллий олимпия кўмитаси (Р. Шаабдурахманов)
34.	Регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2022 йилда Ханчжоу шаҳри (Хитой)да ўтказиладиган Осиё ўйинларида иштирокини таъминлаш.	2022 йил сентябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон регби федерацияси, Миллий олимпия кўмитаси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Миллий олимпия кўмитаси (Р. Шаабдурахманов)



**V. Миллий ва халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш, шунингдек, регби бўйича тренерлар ва мутахассисларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш**

35.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи регби бўйича спорт мусобақаларини ўтказишнинг тўрт босқичли тизимини жорий этиш:</p> <p>I босқичда — спорт клублари, секциялари жамоалари ўртасидаги спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);</p> <p>II босқичда — спорт клублари, секциялари ўртасидаги спорт мусобақаларида ғолиб чиққан жамоалар ўртасида туман (шаҳар) спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);</p> <p>III босқичда — туман (шаҳар) спорт мусобақаларида ғолиб чиққан жамоалар ўртасида ҳудудий спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);</p> <p>IV босқичда — ҳудудий спорт мусобақаларида ғолиб чиққан жамоалар ўртасида республика спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок).</p>	Календарь режага мувофиқ доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон регби федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
36.	<p>Регби бўйича терма жамоалар таркибига киритиш учун танлаб олинган миллий ва халқаро мусобақаларнинг ғолиблари ва совриндорларини — мамлакат ҳудудларидаги иқтидорли ўсмир спортчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш.</p>	2020 йил февраль	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон регби федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
37.	<p>Регби бўйича юқори натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси миллий спорт терма жамоаси ва уларнинг захираси спортчилари ва тренерларига энергия сарфланишининг ўрнини тўлдириш ва жисмоний ресурсларни тиклаш маблағлари тўланишини таъминлаш.</p>	Доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)

38.	Энг яхши тренер, спортчи, спорт хаками ва бошқа мутахассислар, шу жумладан регбининг ривожлантирувчи ташкилот раҳбари ва ҳомий номига эга бўлиш учун республика танлови ўтказилишини ташкил этиш.	Йил якунлари бўйича	Ўзбекистон регби федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
39.	Регби бўйича тренер ва мутахассисларнинг ижтимоий-маиший ва моддий шарт-шароитларини янада яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.	2020 йил февраль	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
<b>VI. Регбининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва инфратузилмасини такомиллаштириш</b>				
40.	Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг регби бўлимларини замонавий талабларга жавоб берадиган спорт жиҳозлари ва инвентарь, спорт кийимлари ва пойабзали билан таъминлаш.	Доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон регби федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
41.	2020 йилга мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастурига Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Чорвоқ қишлоғида Ўзбекистон регби федерациясининг спорт базаси қурилишини киритиш.	2019 йил ноябрь	Давлат бюджети ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Хўжаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
42.	Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўйича ўқув-машғулот базасини ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2020 йил февраль	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
43.	Қуйидаги спорт базаларини Ўзбекистон регби федерациясига бириктириш: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги спорт клуби стадиони; Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши стадиони;	2019 — 2022 йиллар давомида	-	Мудофаа вазирлиги (Б. Қурбонов), Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (Қ. Рафиқов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Мажидов)

	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети стадиони; «Тўқимачи» стадиони.			
44.	Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлимларини очиш учун керакли шарт-шароитларни яратиш.	2020 йил сентябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон регби федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)
45.	Куйидаги спорт бўлимларини халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган замонавий регби инвентари ва ускуналари билан жиҳозлаш ва қўшимча жиҳозлаш: Самарқанд шаҳридаги олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаб-интернатини; Фарғонадаги спортнинг ўйин турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабини; худудлардаги регби бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини.	2020 йил август	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон регби федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон регби федерацияси (С. Сафоев)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
18.12.2019 й., 07/19/4500/3973-сон)

Сўнги йилларда халқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган спортнинг футбол турига аҳолини, айниқса ёшларни кенг жалб этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш (селекция) тизими ва футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш, футбол бўйича спорт мактаблари фаолиятини янги bosқичга кўтариш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш, ўтказилаётган мусобақалар савиясини юксалтириш каби масалалар долзарб вазибалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда футболни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турига айланттириш, юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мамлакат футболини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш, футбол клублари фаолиятини ривожлантириш, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш, мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро

мусобақалар, жумладан, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликларини ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг қуйидагиларни Ўзбекистон Республикасида профессионал футболни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

болалар ва ўсмирларни футбол билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, ҳаваскор футболни оммавийлаштириш, бу борада умумтаълим мактаблари, бошқа таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларда футбол бўйича мусобақаларни мунтазам равишда ташкил этиш;

юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тизимини тубдан такомиллаштириш, уларни босқичма-босқич профессионал тайёргарликдан ўтказиб бориш орқали футболни ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига «футболчилар экспорти»ни амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш;

футбол соҳасига хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш ва уларни рағбатлантириш, футбол соҳасини бозор механизмлари асосида бошқариш, футбол клубларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда улар орасида соғлом спорт рақобати муҳитини яратиш;

футбол мусобақалари томошабоплигини ошириш ҳамда футболни ривожлантиришнинг янги тизимини самарали йўлга қўйиш орқали «ўзбек футболни» мактабини яратиш;

футбол соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга илғор илмий-методик ва инновацион технологияларни жорий этиш;

футбол соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистонда профессионал футболни ривожлантириш схемаси [1-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқиш концепцияси [2-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқиш концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харита» [3-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари «Йўл харита»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари [4-иловага](#) мувофиқ (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) тасдиқлансин ва унда шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

умумий аҳолига нисбатан футбол билан мунтазам шуғулланувчилар сонини камида 5 фоизгача етказиш орқали республикада футболнинг оммавийлигини таъминлаш;

Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерациясининг миллий терма жамоалар рейтингига Ўзбекистон миллий терма жамоасини кучли 50 таликка киришига эришиш;

хусусий футбол мактаблари ва хусусий профессионал футбол мактаблари сонини босқичма-босқич ошириш;

Ўзбекистон Республикасида Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси таснифига кирувчи чемпионатлар ва расмий халқаро турнирларни ташкил қилиш ва ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мақсадли кўрсаткичларга эришиш, белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали бажариш учун масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг:

профессионал футбол клублари қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар-ўсмирлар футбол мактаблари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактаблари (кейинги ўринларда — футбол маҳорат мактаблари) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда аҳоли сонидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча футбол маҳорат мактабларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги болалар ва ўсмирлар футбол академияларини футбол маҳорат мактаблари этиб қайта ташкил этиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфига ўтказиш;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари негизида олимпия захиралари коллежларини ҳамда уларга ажратилган қабул квотаси доирасида футбол бўлимларини ташкил этиш ва уларда футбол бўйича мутахассисларни (спортчилардан ташқари) тайёрлаш;

футбол маҳорат мактабларининг раҳбарлари, тренерлари ва бошқа ходимларига олимпия захиралари коллежлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини қўллаш;

футбол маҳорат мактабларини тегишлича ҳудудий профессионал футбол клубларига бириктириш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли таълим муассасаларида футбол клублари, спорт таълим муассасалари учун спорт шифокори, спорт психологи, спорт фармакологи, спорт ҳуқуқшуноси ва спорт диетологи йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилиш;

замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тренер, селекционер (скаут), таҳлилчи, ҳакам, маркетолог ва футбол менежери йўналишлари бўйича юқори малакали футбол мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш орқали Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Футбол мутахассисларини тайёрлаш марказини ташкил этиш;

халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига мувофиқ, 2021 йилги футбол мавсумидан бошлаб Суперлига жамоалари ўртасидаги учрашувларда адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимини жорий этиш;

халқаро талаблардан келиб чиқиб, салоҳияти юқори футболчиларни профессионал даражада тайёрлаш, уларни хорижий давлатларнинг нуфузли футбол клубларида профессионал фаолият олиб боришини таъминлаш, шунингдек, футболчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида футбол бўйича агентлар (воситачилар)нинг фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш ваколатини Ўзбекистон футбол ассоциациясига юклаш;

2021 йил 1 январдан бошлаб халқаро тажрибадан келиб чиқиб спорт соҳасини, айниқса, футболни янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида букмекерлик фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясининг тузилмасига қўшимча иккита селекционер штат бирлигини киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар шахслар томонидан букмекерлик фаолиятини амалга оширишни бузиш, шунингдек, тотализатор ўйнаш, ўйинга ёки унинг натижасига таъсир ўтказиш мақсадида келишилган ўйинлар ўтказиш, уларда иштирок этиш юзасидан жавобгарликни белгилаш бўйича Жиноят [кодекси](#) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги [кодексга](#) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва спорт таълим муассасаларида футбол бўйича ўқув, ўқув-машқ, тарбияланувчи ва ўқувчиларни саралаб олиш (селекция) ҳамда уларда мусобақаларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан белгиланади ва мувофиқлаштириб борилади;

футбол маҳорат мактаблари директорлари ва спорт бўйича директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш Ўзбекистон футбол ассоциациясининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

6. 2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактабларини ташкил этиш, уларда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш жадвали [5-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2020 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан футбол маҳорат мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун марказлашган капитал қуйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги футбол маҳорат мактабларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

#### 7. Белгилаб қўйилсинки:

##### а) умумтаълим мактаблари ўртасида:

хар бир туман (шаҳар)да доимий равишда йилига камида икки маротаба «Мактаблар футбол лигаси» мусобақалари ўтказиб борилади;

«Мактаблар футбол лигаси» мусобақалари туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ҳамда Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича иқтидорли ўқувчилар туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўлинмалари ҳамда хусусий футбол мактабларига саралаб олинади (селекция);

б) туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий футбол мактаблари ўртасида:

ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда республика миқёсида «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақалари ўтказиб борилади;

«Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларига футболчилар саралаб олинади (селекция);

в) футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари ўртасида:

ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақалари ўтказиб борилади;

«Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича ҳудудий профессионал футбол клубларига футболчилар саралаб олинади (селекция);

«Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари футболчилари республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этади;

г) Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясида футбол бўйича турли ёш тоифасидаги терма жамоалар тайёргарлик кўрадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан молиялаштирилладиган профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат ва давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари улушларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш орқали хусусий инвесторларга сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиладиган профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат ва давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари рўйхати [6-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

Қайд этилсинки:

профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари улушлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат улуши ва хўжалик жамиятларининг улушларини баланс кийматида камайтириш ҳисобига берилади;

мазкур Фармоннинг [6-илувасида](#) кўзда тутилган профессионал футбол клубларининг устав фондидаги давлат улушлари Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига асосан белгиланган тартибда сотилади.

10. Профессионал футбол клубларига давлат корхоналари ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан ажратилаётган молиявий маблағларнинг самарали фойдаланилиши устидан Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан мониторинг ўтказиш амалиёти жорий қилинсин.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси:

мониторинг натижалари юзасидан давлат корхоналари ва ташкилотларига, шунингдек, юқори турувчи органларга таклиф ва тавсиялар киритиб борсин;

профессионал футбол клубларидаги спортчи ва бошқа мутахассисларни рағбатлантириш тизими шаффофлигини таъминлаш мақсадида икки ой муддатда ягона тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий футбол ассоциациялари фаолиятини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг 2020-2021 йилларда:

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони ҳудудида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот марказини ташкил этиш;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида функционал диагностика, спортчиларни соғломлаштириш ва реабилитацияси учун замонавий спорт тиббий марказини ташкил қилиш ва зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йилги Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг марказлашган капитал қуйилмалар лимитлари доирасида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот марказини куриш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ

қўмитаси, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар букмекерлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва уларда шу жумладан қуйидагиларни:

букмекерлик фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилишини;

букмекерлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет тармоғи провайдерларида хизматлар кўрсатилишини тартибга солишни;

букмекерлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари даромадларининг бир қисмини спорт турлари, шу жумладан футболни ривожлантириш учун йўналтиришни;

букмекерлик фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш механизмлари жорий этилишини назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги футбол маҳорат мактаблари фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, уларни футболни ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш харажатлари учун зарур маблағларни 2020 йилда Давлат бюджетининг «Маданият ва спорт» соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2020 йил 1 февралга қадар тегишли ҳудудларда стадион ва футбол майдонларини хатловдан ўтказсин ва хатлов натижаси бўйича эгаси номаълум стадион ва футбол майдонларини қонунчиликда белгиланган тартибда жойлардаги туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ўтказилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига [7-иловага](#) мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Адлия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2019 йил 4 декабрь,

ПФ-5887-сон

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
4 декабрдаги ПФ-5887-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА**

**Ўзбекистонда профессионал футболни ривожлантириш  
СХЕМАСИ**

Тайёргарлик даражалари	Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат	Ёш	Мақсад
<b>Биринчи йўналиш:</b> футбол машғулотларига болалар ва ўсмирларни жалб қилиш.	I-босқич	Мактабгача таълим муассасалари	1. Мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларини футболга қизиқтириш учун футбол бўйича ўйин шаклида кўргазмали	Жадвал асосида ҳафта-сига камида бир маро-	3 - 6 ёш	Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тарбия ва спортга, шу жумладан футболга



<p>Футбол билан шуғулланишга қизиқишни тизимли ошириб бориш</p>			<p>дарсларни ташкил этиш. 2. Мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ўртасида доимий тарзда футбол бўйича фестиваллар ва қизиқарли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш.</p>	<p>таба</p>		<p>бўлган қизиқишини уйғотиш.</p>
	<p>II-босқич</p>	<p>Умумтаълим мактаблари</p>	<p>1. Ҳар бир туман (шаҳар) умумтаълим мактаблари ўртасида доимий равишда «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш. 2. «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига, шунингдек, Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириш. 3. «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича иқтидорли ўқувчиларни туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўлинмалари ҳамда хусусий футбол мактабларига саралаб олиш (селекция).</p>	<p>Йилига камида икки мартаба</p>	<p>7 - 17 ёш</p>	<p>Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан, шу жумладан футбол билан мунтазам шуғулланиш. Футбол орқали инсоннинг шахсини шакллантириш ва ундан индивидуал қобилиятларни рўёбга чиқарувчи ижтимоий лойиҳа сифатида фойдаланиш.</p>
<p><b>Иккинчи йўналиш:</b> хаваскор футболни оммавийлаштириш</p>	<p>III-босқич</p>	<p>Туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий</p>	<p>1. Туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий футбол мактаблари ўртасида ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида</p>	<p>Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг</p>	<p>10 — 14 ёш</p>	<p>Футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессиона</p>

		футбол мактаблари	<p>«Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш.</p> <p>2. «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақаларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режалари доирасида молиялаштириш.</p> <p>3. «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақалари ўтказиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактаблари (кейинги ўринларда — футбол маҳорат мактаблари), хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларига футболчиларни саралаб олиш (селекция).</p>	календарь режалари ва мувофиқ		л футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари да иқтидорли ва қобилиятли футболчиларнинг таркибини шакллантириш.
<p><b>Учинчи йўналиш:</b> ҳаваскор футболдан бошланғич профессионал футбол билан шуғулланишга ўтиш</p>	IV-босқич	Футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари	<p>1. Футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларида ёш тоифасидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрлар асосида «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш.</p> <p>2. «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақалари ўтказиш натижалари</p>	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режалари ва мувофиқ	11 — 17 ёш	Профессионал футболчиларни профессионал футбол клублари учун ягона дастур асосида тайёрлаш.

			<p>бўйича худудий профессионал футбол клубларига футболчиларни саралаб олиш (селекция).</p> <p>3. «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режалари доирасида молиялаштириш.</p> <p>4. Футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари футболчилари томонидан республика ҳамда халқаро миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш.</p>			
<p><b>Тўртинчи йўналиш:</b> профессионал футбол билан шугулланиш</p>	V-босқич	Профессионал футбол клублари	Футбол бўйича профессионал фаолиятни олиб бориш.	Шартнома асосида	16 ёшдан юқори	Футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш.
	VI-босқич	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академияси	Футбол бўйича турли ёш тоифасидаги терма жамоалар таркибини шакллантириш.	Режага асосан	16 ёшдан юқори	
	VII-босқич	Хорижий футбол клублари	Чет давлатларда футбол фаолияти билан шугулланиш.	Шартнома асосида	16 ёшдан юқори	Халқаро даражадаги футбол ўйинларига тайёргарлик кўриш. Ўзбекистон терма жамоалари учун сифатли захирани шакллантириш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
4 декабрдаги ПФ-5887-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА**

**Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг  
янги босқичга олиб чиқиш концепцияси**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқиш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) футболни янада оммавийлаштириш ҳамда мазкур спорт турини тизимли ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Концепция Ўзбекистонда футбол тизимини ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси, устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда футбол спорт турини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Футбол соҳасида йиллар давомида тўпланиб қолган камчиликларни бартараф этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш доирасида янгиланаётган Ўзбекистоннинг спорт ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камол топтириш ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда «футбол омили»ни янада ривожлантириш Концепциянинг туб моҳиятини белгилаб беради.

**2-боб. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш ҳолати ва соҳадаги тизимли муаммолар**

Сўнги йилларда халқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган спортнинг футбол турига аҳолини, айниқса ёшларни кенг жалб этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга йўналтирилган 255 та спорт таълим муассасалари фаолият юритади, улардан:

209 таси болалар-ўсмирлар спорт мактаблари;

14 таси болалар ва ўсмирлар футбол академиялари;

15 таси профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари;

17 таси хусусий футбол мактаблари.

Республика аҳолиси 33,6 миллион кишидан зиёд, шундан футбол билан шуғулланувчилар сони 327 291 (аёллар — 11 884) нафарни ташкил этади. Шундан 297 та спорт таълим муассасаларида футбол билан 7 — 18 ёшдаги шуғулланувчилар сони 45 919 (шундан аёллар 610) нафар, профессионал футболчилар 2 220 (аёллар 400) нафар. Аҳолининг 0,14% мунтазам равишда футбол билан шуғулланиб келмоқда.

2019 йил давомида ташкил этилган оммавий ва ҳаваскор футбол турнирларида 7 — 18 ёшгача 161 000 дан ортиқ ёшлар ва ўсмирлар иштирок этди, 18 ёшдан юқори ёшлар ўртасида «Чарм тўп», «Мустақиллик кубоги», «Ҳаваскорлар лигаси», «Фахрийлар чемпионати» мусобақаларида 200 000 дан зиёд киши футбол баҳсларида иштирок этди.

Ўзбекистон Профессионал футбол лигасида 37 та профессионал футбол клублари иштирокида уч тоифадаги мусобақалар ўтказиб келинмоқда: Суперлига, А Пролига, Б Пролига.

Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари футболчиларининг жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилганда куйидаги натижалар қайд этилган:

тезкор куч қобилияти миллий терма жамоада 47%, олимпия терма жамоасида 53%;

старт тезлиги даражаси бўйича миллий терма жамоада 8%, олимпия терма жамоасида 17%;

масофа тезлиги даражаси миллий терма жамоада 61%, олимпия терма жамоасида 68%;

тезлик-чидамкорлик даражаси миллий терма жамоада 65%, олимпия терма жамоасида 70%.

Бугунги кунда Ўзбекистонда футбол бўйича тренерлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар сони 1 750 нафарни ташкил этади. Шундан Сирдарё вилоятида 850 мингга яқин аҳоли сонига нисбатан 78 та (0,1%) тренер, Қашқадарё вилоятида 3,3 миллион аҳоли сонига нисбатан 77 та (0,003%) тренер, Самарқанд вилоятида 3,8 миллион аҳоли сонига нисбатан 79 та (0,002%) тренер тўғри келмоқда.

Республикада ўқув-машғулотларни ўтказиш учун мўлжалланган 380 та футбол майдони, 1 830 та мини-футбол (сунъий қопламали) майдони мавжуд. 65 та стадиондан 18 тасида халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин.

Бу борада Навоий вилоятида 913 минг аҳоли сонига нисбатан бир футбол майдонига кунига 9 318 нафар киши, Самарқанд вилоятида 3,8 миллион аҳоли сонига нисбатан бир футбол майдонига кунига 14 047 нафар киши тўғри келмоқда.

Халқаро футбол тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, Буюк Британияда болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари ҳамда академиялари сони 39 812 тани ташкил қилади, жами 65 миллион аҳолидан 11,5 миллион (20,9%) нафари футбол билан мунтазам шуғулланади.

Германияда 27 336 та футбол мактаб ва академиялари фаолият юритиб, 81 миллион аҳолидан 16,3 миллион (20%) нафари футбол билан мунтазам шуғулланади. Россияда футболга ихтисослаштирилган 2 245 та мактаб мавжуд бўлиб, 146 миллион аҳолидан 5,8 миллион (4,1%) нафари футбол билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 1994 йил Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларидаги ғалабаси халқаро даражада эришилган энг катта муваффақият бўлиб турибди.

Футболнинг бугунги ривожланиш тенденцияси ҳар бир мамлакатда яратилган футбол инфратузилмасини юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни профессионал даражада тайёрлаш ҳамда футбол соҳасида юқори малакали спорт менежерларини тайёрлаш тизимига мослаштиришни талаб қилмоқда.

Мамлакатда футболни ривожлантиришга қуйидаги тизимли муаммолар тўсқинлик қилмоқда:

биринчидан, иқтидорли болалар ва ўсмирларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тизими замон талабларига жавоб бермаслиги, миллий терма жамоаларимизда сифатли спорт захирасининг мавжуд эмаслиги;

иккинчидан, футболчиларнинг жисмоний тайёргарлик ҳолати паст даражада бўлганлиги ва халқаро талабларга жавоб бермаслиги. Масалан, махсус чидамлилиқ ва тикланиш тезлигини баҳолаш бўйича «YoYo» тестидан миллий ва олимпия терма жамоасининг бирорта ҳам футболчиси ўта олмаган;

учинчидан, футболни ривожлантириш ва бошқарув тизимида маркетинг ва замонавий бошқарув механизмларидан самарали фойдаланиш ҳолати қониқарсизлиги;

тўртинчидан, малакали кадрлар билан таъминлаш тизимида, замонавий футбол талаблари асосида «футбол таҳлилчиси», «спорт селекционери» (скаут), «спорт менежери», «спорт маркетинги», «спорт шифокори», «спорт психологи», «спорт фармакологи», «спорт диетологи», «спорт ҳуқуқшуноси» каби мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги;

бешинчидан, ҳудудларда болалар ва ўсмирлар футбол жамоалари ўртасида ўқув-машғулот жараёнлари ва мусобақалар паст савияда ташкил этилаётганлиги;

олтинчидан, болалар ва ўсмирлар футболдаги тренерларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги;

еттинчидан, футболни ривожлантириш, футбол бўйича тадбирларни ташкиллаштириш, ёшларни футболга жалб қилиш, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш борасида ҳудудий футбол ассоциациялари фаолияти сустлиги;

саккизинчидан, футбол инфратузилмасининг ҳолати (футбол майдонларининг қопламалари, ёритиш тизимлари, мультимедиа анжомлари билан таъминлаш даражаси, мухлислар учун мўлжалланган трибуналар) бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги ҳамда ўқув-машғулот ўтказиш учун мўлжалланган спорт инвентарлари меъёрлари эскирганлиги;

тўққизинчидан, футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини ва мусобақаларни марказлаштирилган ҳолда ўтказиш имкониятини берувчи ягона ўқув-машғулот маркази мавжуд эмаслиги;

ўнинчидан, футболчиларнинг функционал диагностикаси ва реабилитацияси марказлари, фармакология таъминоти ҳамда илмий асосланган методологияси тизими мавжуд эмаслиги;

ўн биринчидан, футбол клубларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда миллий чемпионатимиздаги футбол учрашувларининг шаффофлигини таъминловчи механизмнинг белгиланмаганлиги, келишилган ўйинлар ўтказиш каби ҳолатларнинг мавжудлиги;

ўн иккинчидан, аксарият профессионал футбол клубларининг фаолияти Осиё Футбол Конфедерацияси ва бошқа халқаро талабларга жавоб бермаслиги;

ўн учинчидан, футболни ривожлантириш учун ажратилаётган пул маблағлардан самарали фойдаланилмаслиги;

ўн тўртинчидан, халқаро ва миллий даражадаги футбол мусобақаларида қатнашувчи спортчиларнинг биологик ёшини сунъий кичрайтириш каби салбий ҳолатларнинг мавжудлиги;

ўн бешинчидан, футболда коррупцион схемалар ва келишилган ўйинлар мавжудлиги, фаолият устидан шаффоф назорат тизими йўлга қўйилмаганлиги.

Ўзбекистонда футболни аҳолининг энг оммавий спорт турига айлантириш, юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мамлакат футболни ривожланган мамлакатлар билан рақобат қиладиган даражага етказиш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш, футбол клублари фаолиятини ривожлантириш, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил қилиш, мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақалар, жумладан, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликларини ташкил этиш асосий вазифа ҳисобланади.

### **3-боб. Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва вазифалари**

Замонавий футболнинг бугунги ривожланиш тенденцияси унга фақатгина оммалашган спорт тури сифатида эмас, балки мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатувчи, рухий-маънавий жиҳатдан она Ватанга садоқат туйғуларини шакллантирувчи ноёб восита, кенг кўламли ислохотлар даврида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичини белгиловчи муҳим омил сифатида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Футболи ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинганда, аксарият ҳолларда, ёшларни профессионал футболчи сифатида тайёрлаш орқали футбол клубларининг бизнес тузилма сифатида шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Мисол учун, футбол ривожланиш истикболлари жиҳатидан Ўзбекистонга яқин бўлган Хорватия сўнги ўн йилликда футбол соҳасида шиддатли ўзгаришларни амалга ошириб, Англия, Франция, Италия, Испания, Германия каби футболни йўлга қўйилган мамлакатлар билан рақобатлашиш даражасига чиқди.

Хорватия футбол академияларида тарбияланган маҳоратли спортчилар айнан юқорида номлари келтирилган футболни ривожланган мамлакатларнинг футбол клублари сафини тўлдирди. Бу эса Хорватия томонидан футбол академияларини тубдан ривожлантириш орқали маҳоратли футболчиларни тарбиялаб, мамлакат даромадларини оширишга ҳамда футболчилар ва уларнинг оила аъзолари манфаатдорлиги ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон шароитида салоҳияти юқори, муайян тажриба ва кўникмаларга эга бўлган футболчиларни тайёрлаш, уларни инновацион ёндашувлар асосида илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, футболни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида куйидаги муҳим йўналишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчидан, мамлакатимизда бешта муҳим ташаббус ҳамда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар орқали ёшларимизни жисмоний чиниқтириш ва спортга фаол жалб қилиш, жумладан Ўзбекистонда футболни умуммиллий спорт турига айлантириш;

иккинчидан, юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тизимини тубдан такомиллаштириш;

учинчидан, иқтидорли футболчиларни саралаб олиш, уларни босқичма-босқич профессионал тайёргарликдан ўтказиб бориш орқали футболни ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига «футболчилар экспорти»ни амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш;

тўртинчидан, аёллар футболни, фўтзал (мини-футбол) ва соҳил футболни оммавийлаштириш ва ривожлантириш;

бешинчидан, футбол соҳасига хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш ва уларни рағбатлантириш;

олтинчидан, футбол бўйича ҳакамлик фаолиятида эришган муваффақиятли тажрибани оммалаштириш, уни янги поғонага кўтариш орқали футбол соҳасида Ўзбекистон тренерлик ва ҳакамлик мактабини такомиллаштириш;

еттинчидан, салоҳияти юқори футболчиларни профессионал даражада тайёрлаш, уларни хорижий давлатларнинг нуфузли футбол клубларида профессионал фаолият олиб боришини таъминлаш, шунингдек, футболчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «футбол бўйича агентлар» (воситачилар) профессионал фаолиятини йўлга қўйиш;

саққизинчидан, республиканинг ҳар бир ҳудудида фаолият олиб бораётган футбол клубларини Осиё Футбол Конфедерацияси талаблари асосида фаолият юритишини таъминлаш, молиялаштириш бўйича самарадорликка эришиш мақсадида футбол соҳасида монетизация тамойилларини йўлга қўйиш;

тўққизинчидан, профессионал футбол клубларининг аксарияти давлат улуши мавжуд бўлган йирик корхона ва ташкилотлар томонидан молиялаштирилишини қисқартириб бориш ва клубларда

боқимондалик кайфиятига барҳам бериш мақсадида футбол соҳасини бозор механизмлари асосида бошқариш, футбол клубларини хусусий секторга босқичма босқич ўтказиш;

ўнинчидан, футбол мусобақалари томошабоплигини ошириш ҳамда футболни ривожлантиришнинг янги тизимини самарали йўлга қўйиш орқали «ўзбек футболни» мактабини яратиш;

ўн биринчидан, профессионал футбол клубларининг захирасини тайёрлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги футбол маҳорат мактабларини тегишлича ҳудудий профессионал футбол клубларига бириктириш.

Ушбу Концепциянинг мақсади — Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача янада оммалаштириш ҳамда мазкур спорт турини тизимли ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади:

биринчиси, оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

иккинчиси, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция), уларни профессионал даражада тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

учинчиси, футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш;

тўртинчиси, давлат таълим муассасалари, шу жумладан спорт таълим муассасаларини футбол учун зарур бўлган анжомлар ва жиҳозлар билан таъминлаш, спорт анжомлари ва жиҳозлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

бешинчиси, футбол соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга илғор илмий-методик ва инновацион технологияларни жорий этиш;

олтинчиси, футбол соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

еттинчиси, футболни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва тижоратлашув механизмларини жорий этиш;

саккизинчиси, футбол бўйича терма жамоалар ва уларнинг захирасини шакллантиришда замонавий ёндашувлар ва қатъий регламент талабларини жорий этиш.

## **§ 1. Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш**

Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

маҳалла ёшлари ўртасида «Маҳаллада футбол», «Футболимиз келажаги», «Чарм тўп» футбол мусобақаларини мунтазам ва юқори савияда ўтказиш тизимини йўлга қўйиш;

ҳудудлар кесимида барча корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари ходимлари ўртасида футбол бўйича «Бош вазир кубоги», «Ҳоким кубоги», «Раҳбар кубоги» каби тизим мусобақаларини кенг қамровда ва мунтазам ташкил этиш;

профессионал футбол клублари қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар-ўсмирлар футбол мактаблари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги футбол маҳорат мактаблари (кейинги ўринларда — футбол маҳорат мактаблари) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда аҳоли сонидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча футбол маҳорат мактабларини ташкил этиш;

футбол маҳорат мактабларининг раҳбар, тренерлари ва бошқа ходимларига олимпия захиралари коллежлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини қўллаш;

мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларини футболга қизиқтириш учун футбол бўйича ўйин шаклида кўргазмали дарсларни ташкил этиш;

мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ўртасида доимий тарзда футбол бўйича фестиваллар ва қизикарли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш;

умумтаълим мактаблари ўртасида ҳар бир туман (шаҳар)да доимий равишда йилига камида икки маротаба «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш;

«Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг

календарь режаларига ҳамда Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириш;

туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий футбол мактаблари ўртасида ёш тоифасидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрлар асосида «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш;

футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари ўртасида ёш тоифасидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрлар асосида «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш;

«Спорт мактаблари футбол лигаси» ва «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириш;

профессионал футбол билан шуғулланишни рағбатлантириш ва футбол нуфузини янада ошириш, иқтидорли болалар ва ўсмирлар учун профессионал футболчилар бўлишлари учун қулай шароитлар яратиш;

футболга етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни жалб этиш бўйича мақсадли дастурларни қабул қилиш ва амалга ошириш;

хусусий футбол мактаблари ва хусусий профессионал футбол мактаблари фаолиятини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш, шу жумладан уларни таниқли футболчиларнинг номлари билан аташ;

ҳар йили футболни оммалаштиришга оид қисқа метражли видеороликлар яратиш, ҳужжатли ва бадиий фильмларни суратга олиш ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

футболни оммавийлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларида аёллар футболли, фўтзал (мини-фўтбол) ва соҳил футболли гуруҳларини ташкил қилиш, улар ўртасида мунтазам равишда мусобақаларни ўтказиш;

туман (шаҳар), вилоят ва республика спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган мусобақаларда қатнашувчи барча футболчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

таниқли футболчилар ва тренерларни жалб қилган ҳолда ёш футболчилар учун учрашув ва мастер-класслар ўтказиб бориш;

футбол тренерларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш. Бунда тренерларга қўшимча пул мукофоти (ойликдан ташқари) миқдорини тарбияланган болалар ва ўсмирларнинг миллий терма жамоаси ва профессионал футбол клубларига аъзолигидан келиб чиқиб белгилаш механизмларини жорий қилиш;

туман (шаҳар)ларни футбол спорт турига ихтисослаштириш;

Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирокидаги ўйинларга барча ҳудудлардан фан-клуб аъзоларини марказлашган ҳолда жалб этиш чораларини кўриш ҳамда ватанпарварлик руҳидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини мунтазам олиб бориш.

## **§ 2. Профессионал футбол клублари фаолиятини янада ривожлантириш**

Профессионал футбол клублари фаолиятини янада ривожлантириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

барча профессионал футбол клублари таркибларини белгиланган жисмоний тайёргарлик талабларини бажарган спортчилардан шакллантириш;

иқтидорли футболчиларни тайёрлаш орқали Марказий Осиё, Россия, Хитой ва бошқа футболли ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига «футболчилар экспорти»ни амалга ошириш, хорижий футбол бозорларини эгаллаш;

профессионал футбол клубларини футболли ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига «футболчилар экспорти»ни амалга ошириш фаолиятини рағбатлантириш;

давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан профессионал футбол клублари фаолиятига ажратилаётган молиявий маблағларнинг самарали фойдаланилиши устидан мониторинг ўтказишни амалга ошириш;

профессионал футбол клубларида спортчи ва бошқа мутахассисларни рағбатлантирадиган тизимнинг шаффофлигини таъминлаш;

профессионал футбол клублари ҳузурида инновацион лабораториялар ташкил этиш, шу жумладан, футболчиларни жисмоний тайёргарлигини масофадан кузатиш қурилмалари ва замонавий имитация ускуналари билан таъминлаш;



футбол клубларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларга қўлланадиган солиқ ва божхона имтиёзларидан самарали фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш.

### **§ 3. Истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция), уларни профессионал даражада тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш**

Ўзбекистонда истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция), уларни профессионал даражада тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш тизими ўз ичига комплекс чора-тадбирларни қамраб олади.

Танлаш ва саралаб олиш (селекция) жараёнини шартли равишда ҳаваскор ва профессионал даражаларга ажратиш мумкин.

Ҳаваскор даражадаги танлаш ва саралаб олиш (селекция) асосан мактабдан ташқари таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари оммавий равишда футбол билан машғул бўлиш масалаларини ҳал қилади, холос. Мазкур даражадаги танлаш ва саралаб олиш (селекция) усули ва футбол гуруҳларини шакллантиришни ифодалайди, иштирокчилар орасидан келгусида профессионалларни тайёрлаш мақсадида қобилиятли ёшларни футболга жалб қилиш вазифасини бажаради.

Футбол бўйича профессионал даражадаги спортчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тўрт босқичда амалга оширилади:

биринчи, «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича иқтидорли ўқувчилар туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўлинмалари ҳамда хусусий футбол мактабларига саралаб олинади (селекция);

иккинчи, «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларига футболчилар саралаб олинади (селекция);

учинчи, «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича ҳудудий профессионал футбол клубларига футболчилар саралаб олинади (селекция);

тўртинчи, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясида футбол бўйича турли ёш тоифасидаги терма жамоалар тайёргарлик кўрадилар.

### **§ 4. Футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш**

Ўзбекистонда футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

футбол маҳорат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, спорт иншоотларини барпо этиш;

Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига жавоб берадиган замонавий футбол майдонларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш;

футболчиларни тайёрлаш ва ёшларни футболга жалб қилиш мақсадида республикада футбол майдонларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш. Бунда ушбу майдонлар қопламалари табиий чимдан бўлишини таъминлаш ва табиий чимни ишлаб чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш;

футбол ва мини-футбол майдонларини барпо этиш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида қурилишини назарда тутувчи «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастури ижросини таъминлаш. Футбол майдонлари ва мини-футбол майдончаларини барпо этишда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредит линияларини Ҳукумат кафолати асосида жалб қилиш;

ҳудудларда футзал (мини-футбол) бўйича мусобақалар ўтказишга мўлжалланган замонавий спорт заллари тармоғини барпо этиш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш;

хар бир ҳудудда соҳил футболлари билан шуғулланиш учун кумли майдончалар барпо этилишини таъминлаш;

футбол инфратузилма объектларини сифатли ва етарли даражада спорт инвентарлари билан таъминлаш;

профессионал футбол мусобақаларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳалар, хусусан VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимини жорий этиш.

### **§ 5. Давлат таълим муассасалари, шу жумладан туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар**

## **спорт мактаблари футбол бўлинмаларини футбол учун зарур бўлган анжомлар ва жиҳозлар билан таъминлаш**

Давлат таълим муассасалари, шу жумладан туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмаларини футбол учун зарур бўлган анжомлар ва жиҳозлар билан таъминлаш борасида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

давлат таълим муассасалари, шу жумладан туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмаларининг футбол учун зарур бўлган анжом ва жиҳозлар билан таъминланганлигини ўрганиш;

умумтаълим мактаблари ва туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмаларини футбол бўйича спорт анжомлари ҳамда жиҳозлари билан, шу жумладан футбол тўплари билан доимий равишда белгиланган меъёрлар доирасида таъминлаш;

футбол тўпларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммо ва камчиликларини бартараф қилишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида спорт анжомлари ва жиҳозлари билан белгиланган меъёрлар доирасида мунтазам равишда таъминлаш бўйича харажатлар моддасини алоҳида кўрсатиш.

### **§ 6. Футбол соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга инновацион ёндашув, илғор илмий-методик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш**

Ўзбекистонда футбол соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

футбол бўйича техник директор лавозимларига мутахассисларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

Осиё Футбол Конфедерацияси дастурлари бўйича (аёллар футболи, фўтзал (мини футбол), соҳил футболи, дарвозабонлар ва жисмоний тайёргарлик бўйича тренерлар) халқаро инструкторларни жалб қилган ҳолда халқаро тренерлик курсларини ўтказиш;

Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси, Европа Футбол Ассоциациялари Бирлашмаси ва Осиё Футбол Конфедерацияси мутахассисларини жалб қилган ҳолда тренерлик таълими бўйича инструкторларни тайёрлаш юзасидан ихтисослаштирилган курсларни ташкил этиш;

футболнинг турли йўналишлари — аёллар футболи, фўтзал (мини футбол), соҳил футболи бўйича тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислар учун Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерациясининг ихтисослаштирилган семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш;

футбол бўйича тренерларнинг хорижий мамлакатларда малака оширишини (стажировкасини) ташкил этиш;

юқори малакали тренер ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Футбол мутахассисларини тайёрлаш марказини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш;

футболчилар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб масалалари юзасидан етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда футбол бўйича илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар ўтказиб бориш;

Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси, Европа Футбол Ассоциациялари Бирлашмаси ва Осиё Футбол Конфедерациясининг тренерлар тайёрлаш бўйича етакчи хорижий марказларида Ўзбекистон футбол ассоциацияси вакиллариининг стажировкасини ташкил этиш;

футбол ўйинлари давомида мухлислар билан ишлаш ва локал хавфсизликни таъминлаш бўйича «стюард мухлис» тизимини ташкил этиш, кўнгилли ёшлар ва фан-клублар аъзолари учун ихтисослаштирилган семинарларни ташкил этиш;

Ўзбекистон футбол мутахассисларини халқаро футбол тузилмаларининг бошқарув бўғинларида фаолият юритишларини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриш.

### **§ 7. Футбол мусобақалари телевизион трансляцияси тизимини тубдан такомиллаштириш**

Футбол мусобақалари телевизион трансляцияси тизимини тубдан такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

ҳар бир ҳудуддаги халқаро мусобақалар ўтказишга мўлжалланган стадионларни HD телевизион студиялар ҳамда зарур мультимедиа жиҳозлари билан таъминлаш;

футбол мусобақалари телевизион трансляцияси медиа ҳуқуқларини ўрта ва узоқ муддатли шартларда хусусий секторга ўтказиш;

футбол соҳасини босқичма-босқич тижоратлаштириш орқали «спонсоршип» (титул ҳомийлик, реклама дистрибуцияси, ахборот ҳамкорлик ва бошқалар) тизимини ривожлантириш ҳамда учрашувларнинг телевизион трансляциясини телеканалларга сотиш механизминини йўлга қўйиш;

стадионлардан футбол мусобақаларининг тўғридан-тўғри трансляциясини ташкил этиш учун оптик толали алоқа линияларини ўтказиш;

футбол стадионларидан репортажларни онлайн тарзда тайёрлаш мақсадида юқори тезликдаги Интернет тизимини ташкил этиш.

## **§ 8. Футбол соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш**

Меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

профессионал футбол мусобақалари ўтказилишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар базасини халқаро тажрибанинг илғор жиҳатларини ўрганиб чиққан ҳолда янги таҳрирда ишлаб чиқиш;

футбол соҳасида илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда самарали бошқарув тизими (спорт менежмент)ини жорий қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ёш футболчиларни саралаб олиш, танлаш (селекция) ва уларни профессионал даражада тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда профессионал футбол клубларида иқтидорли ёшларнинг фаолият юритишини тизимли равишда қўллаб-қувватлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

спорт таълими ҳамда футболга ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилиш мезонларини такомиллаштиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

футболга ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасида футбол бўйича тренерлик таълими ва тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестациядан ўтиш тартиби тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасида футбол бўйича (шу жумладан терма жамоалар учун) тренерларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ҳакамларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

халқаро стандартлар асосида футбол спорт тури бўйича агентлар (воситачилар)нинг фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

халқаро тажрибадан келиб чиқиб, футболни янада ривожлантириш, инвестициявий жозибдорликни ошириш, қўшимча пул маблағларини жалб қилиш мақсадида Ўзбекистонда букмекерлик фаолиятини легаллаштириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

«спорт шифокори», «спорт психологи», «спорт фармакологи», «спорт диетологи», «спорт селекционери», «футбол таҳлилчиси», «спорт ҳуқуқшуноси», «техник директор» ва «футбол ҳаками» каби замонавий касбларни қонунчилик доирасида белгиловчи ва фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

футбол фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан букмекерлик фаолияти билан шуғулланиш, тотализатор ўйнаш, ўйинга ёки унинг натижасига таъсир ўтказиш мақсадида келишилган ўйинлар ўтказиш, уларда иштирок этиш юзасидан жавобгарликни белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш.

## **§ 9. Футболни молиялаштириш тизимини ривожлантириш ва тижоратлашув механизмларини жорий этиш**

Футболни молиялаштириш тизимини ривожлантириш ва тижоратлашув механизмларини жорий этишда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

профессионал футбол клублари бошқарув тизимини тижоратлаштириш, жумладан 2020 йилдан бошлаб ҳар бир клубнинг аниқ бизнес стратегияси ишлаб чиқилишини таъминлаш;

давлат улуши мавжуд бўлган йирик корхона ва ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган футбол клубларини босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиб бориш;

стадионларга футбол мухлисларини кенг жалб қилиш мақсадида замонавий чипта тизими (шу жумладан абонемент сотуви)ни жорий қилиш, қолаверса, стадионлар инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида «хоспиталити хизматлари» (хостел, овқатланиш, фитнес, спорт мактаблари ва бошқалар)ни ташкил этиш, клублар ва стадион музейлари фаолиятини йўлга қўйиш;

футбол соҳаси субъектлари фаолиятини тижоратлаштириш мақсадида «футбол мерчандайзинги» (клублар атрибутикаси, сувенир ва экипировкалар мажмуини яратиш, туристик саёҳат маршрутлари ва бошқалар)ни жорий қилиш;

таниқли хориж клублари ва футболчилари иштирокида спорт фестиваллари ҳамда спорт лотереялари ташкил этиш орқали стадионларга мухлисларни жалб қилиш механизмларини йўлга қўйиш;

букмекерлик фаолиятидан келиб тушадиган пул маблағларини шу жумладан футболни ривожлантириш учун йўналтириш, футболга ихтисослаштирилган спорт таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

#### **§ 10. Футбол бўйича терма жамоалар ва уларнинг захирасини шакллантиришда мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш**

Футбол бўйича терма жамоалар ва уларнинг захирасини шакллантиришда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот марказини ташкил этиш;

футбол бўйича терма жамоаларга иқтидорли футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

барча турдаги миллий ва олимпиа терма жамоалари таркибларини белгиланган жисмоний тайёргарлик талабларини бажарган спортчиларидан шакллантириш;

терма жамоа футболчиларини тикланиш воситалари билан таъминлаш, уларнинг овқатланиш ва витаминизация тизимини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш;

профессионал футбол клубларининг расмий мухлислар фан-клублари аъзолари учун миллий кадрият ва анъаналар асосида «Мухлислик кодекси» қоидалар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

футбол бўйича Ўзбекистоннинг ягона мадҳиясини яратиш.

#### **4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Мазкур Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

профессионал футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги кучаяди ва натижада ўйинлар сифати ошади;

хар бир профессионал футбол клуби «футбол таҳлилчиси», «спорт шифокори», «спорт психологи», «спорт фармакологи», «спорт селекционери», «спорт ҳуқуқшуноси», «техник директор» каби касблар бўйича малакали кадрлар билан тўлиқ таъминланишига эришилади;

республика бўйича футбол билан мунтазам шуғулланаётган барча спортчиларнинг фаолияти ва функционал диагностика натижаларининг ягона базаси яратилади;

2030 йилга келиб республикада футболнинг оммавийлигини ошириш ҳисобига футбол билан мунтазам шуғулланувчилар сони умумий аҳоли сонига нисбатан 5%га етказилади;

футбол соҳасига коррупцион схемаларнинг салбий таъсири ҳамда фаолият устидан шаффоф назорат тизими йўлга қўйилади ҳамда футбол мусобақаларининг адолат тамойиллари асосида ўтказилишига эришилади;

терма жамоаларни нуфузли халқаро мусобақаларда иштироки этиш имкониятлари яратилади, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг футбол оммавийлигини ошириш ва профессионал ривожлантириш борасидаги фаолияти самарадорлиги таъминланади;

профессионал футбол клубларини хусусий секторга ўтказиш ҳисобига ўзаро рақобатбардошлиги ортади, футбол ўйинлари томошабоплиги таъминланади;

худудларда футбол инфратузилмасининг такомиллаштирилиши натижасида халқаро ва маҳаллий футбол тадбирларини юқори даражада ўтказиш имконияти яратилади;

футбол клубларининг молиявий барқарорлиги ортишини инobatга олиб, ижтимоий юкламалар воситасида жойларда болалар футболни ривожлантириш, зарур инфратузилма (спорт майдонлари, инвентарлари ва бошқа зарур жиҳозлар) билан таъминлаш имконияти яратилади;

иқтидорли футболчиларни профессионал тайёрлаб бориш ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи клубларига трансфер қилиб боришнинг замонавий тизими яратилади;

спорт соҳасида букмекерлик фаолияти легаллаштирилиши натижасида қўшимча даромад маблағлари йўналтирилиши таъминланади;

замонавий маркетинг услублари воситасида футбол мухлислари аудиториясини кенгайтириш орқали ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларда ватанпарварлик туйғуларини қарор топтириш имконияти пайдо бўлади.

### 5-боб. Яқунловчи қондалар

Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, ўз навбатида илгари сурилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига ҳамда ҳар бир мутасаддининг ўз масъулиятини англаш даражасига боғлиқ.

Ватанамиз футболнинг замонавий қиёфаси жаҳон футоболида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун яратиб бериладиган шароитларга, ислохотларга ва албатта қандай натижаларга эришишимизга боғлиқ бўлади.

Бинобарин, устувор вазифаларнинг натижадорлигини халқ, биринчи навбатда ҳақиқий футбол ишқибозлари улкан тажрибаси билан адолатли баҳолаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
4 декабрдаги ПФ-5887-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

### Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқиш концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харита»

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш</b>				
1.	Маҳалла ёшлари ўртасида «Маҳаллада футбол», «Футболимиз келажаги», «Чарм-тўп» футбол мусобақаларини мунтазам ва юқори савияда ўтказиш тизимини йўлга қўйиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> ), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш. <i>Жавлонов</i> ), Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи (А. <i>Саъдуллаев</i> )
2.	Ҳудудлар кесимида барча корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари ходимлари ўртасида футбол бўйича «Бош вазир кубоги», «Ҳоким кубоги», «Раҳбар кубоги» каби тизим мусобақаларини кенг қамровда ва мунтазам ташкил этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )
3.	Мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларини футболга қизиқтириш учун футбол бўйича ўйин шаклида кўргазмаларни ташкил этиш. Мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ўртасида доимий тарзда футбол бўйича фестиваллар ва қизиқарли	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 апрелдан бошлаб	Мактабгача таълим вазирлиги (А. <i>Шин</i> ), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )

	кўнгилочар тадбирлар ўтказиш.			
4.	Умумтаълим мактаблари ўртасида ҳар бир туман (шаҳар)да доимий равишда йилига камида икки мартаба «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш. «Мактаблар футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича иқтидорли ўқувчиларни туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўлинмалари ҳамда хусусий футбол мактабларига саралаб олиш (селекция) тизимини йўлга қўйиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i> ), Халқ таълими вазирлиги (Ш. <i>Шерматов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	Туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий футбол мактаблари ўртасида ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш. «Спорт мактаблари футбол лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактаблари (кейинги ўринларда - футбол маҳорат мактаблари), хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларига футболчиларни саралаб олиш (селекция) тизимини йўлга қўйиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )
6.	Футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари ўртасида ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини ўтказиб бориш. «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича ҳудудий профессионал футбол клубларига футболчиларни саралаб олиш (селекция) тизимини йўлга қўйиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )
7.	Хусусий футбол мактаблари ва хусусий профессионал футбол мактаблари фаолиятини тартибга солиш ва янада ривожлантириш, шу жумладан улар тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 октябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> ), Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i> )
8.	Футболни оммалаштиришга оид қисқа метражли видеороликлар яратиш, ҳужжатли ва бадиий фильмларни суратга олиш ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	Миллий телерадиокомпания (А. <i>Хаджаев</i> ), «Ўзбеккино» МА (Ф. <i>Абдухаликов</i> ), Ўзбекистон футбол

				ассоциацияси (А. Азизов)
9.	Футболни оммавийлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларида аёллар футоболи, футзал (мини-футбол) ва соҳил футоболи гуруҳларини ташкил қилиш, улар ўртасида мунтазам равишда мусобақаларни ўтказиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
10.	Таниқли футболчилар ва тренерларни жалб қилган ҳолда ёш футболчилар учун учрашув ва мастер-класслар ўтказиб бориш.	Режага асосан	2019-2020 йиллар давомида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
11.	Футбол тренерларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш. Бунда тренерларга қўшимча пул мукофоти (ойликдан ташқари) миқдорини тарбияланган болалар ва ўсмирларнинг миллий терма жамоаси ва профессионал футбол клубларига аъзолигидан келиб чиқиб белгилаш механизмларини жорий қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 сентябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
12.	Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирокидаги ўйинларга барча ҳудудлардан фан-клублари аъзоларини марказлашган ҳолда жалб этиш чораларини кўриш ҳамда ватанпарварлик руҳидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини мунтазам олиб бориш.	Режага асосан	2019-2020 йиллар давомида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
<b>II. Профессионал футбол клублари фаолиятини янада ривожлантириш</b>				
13.	Профессионал футбол клублари ҳамда терма жамоалар таркибларини жисмоний тайёргарлиги яхши футболчилар орасидан шакллантириш мақсадида жисмоний тайёргарлик талабларини қайта кўриб чиқиш. Бунда профессионал футболчиларнинг жисмоний тайёргарлик талабларини мазкур Фармон билан тасдиқланаётган жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштирилган меъёрлари доирасида амалга ошириш.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси қарори	2020 йил 1 март	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
14.	Иқтидорли футболчиларни тайёрлаш орқали Марказий Осиё, Россия, Хитой ва бошқа футоболи ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига «футболчилар экспорти»ни амалга ошириш, хорижий футбол бозорларини эгаллаш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
15.	Профессионал футбол клубларини футоболи ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига «футболчилар экспорти»ни амалга ошириш фаолиятини рағбатлантириш.	Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	2020 йил 1 декабрь	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
16.	Профессионал футбол клублари ҳузурида инновацион лабораториялар ташкил этиш, шу жумладан, футболчиларни жисмоний тайёргарлигини масофадан кузатиш	Режага асосан	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Инновацион

	қурилмалари ва замонавий имитация ускуналари билан таъминлаш.			ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов)
17.	Футбол клубларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларга қўлланадиган солиқ ва божхона имтиёзларидан самарали фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 февраль	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
<b>III. Истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция), уларни профессионал даражада тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш</b>				
18.	Туман (шаҳар), вилоят ва республика спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган мусобақаларда қатнашувчи барча футболчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш. Республика бўйича футбол билан мунтазам шуғулланаётган барча спортчиларнинг функционал диагностика натижаларининг ягона базасини яратиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 январь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
19.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академияси фаолиятини ташкил этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
<b>IV. Футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш</b>				
20.	Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига жавоб берадиган замонавий футбол майдонларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2020 йил 15 февраль	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
21.	Футболчиларни тайёрлаш ва ёшларни футболга жалб қилиш мақсадида республикада футбол майдонларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2020 йил 15 февраль	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзаков), Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
22.	Худудларда футзал (мини-футбол) бўйича мусобақалар ўтказишга мўлжалланган замонавий спорт заллари тармоғини барпо этиш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш. Ҳар бир худудда соҳил футболни билан шуғулланиш учун қумли майдончалар барпо этилишини таъминлаш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2020 йил 1 август	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзаков), Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)



				<i>Азизов),</i> манфаатдор вазирликлар ва идоралар
23.	<p>Футбол майдонлари ва мини-футбол майдончаларини барпо этиш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида қурилишини назарда тутувчи «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш.</p> <p>Футбол майдонлари ва мини-футбол майдончаларини барпо этишда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредит линияларини Ҳукумат кафолати асосида жалб қилиш.</p>	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	<p>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (<i>Ш. Жавлонов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Зокиров</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>С. Умурзаков</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (<i>Д. Набиев</i>), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (<i>А. Азизов</i>)</p>
24.	Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига мувофиқ 2021 йилги футбол мавсумидан бошлаб Суперлига жамоалари ўртасидаги учрашувларда адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимини жорий этиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 декабрь	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Азизов</i> ), Миллий телерадиокомпания ( <i>А. Хаджаев</i> )
25.	VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимини 2020 йил август ойидан бошлаб Суперлига учрашувларида тажрибада қўлланиши (оффлайн режими) амалга оширилиши учун ҳар бир стадионда камида 6 та HD камера ўрнатилишини таъминлаш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 март	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (<i>Д. Набиев</i>), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (<i>А. Азизов</i>), манфаатдор вазирликлар ва идоралар</p>
26.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини жойлаштириш.	Ташкилий тадбирлар	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Азизов</i> ), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> )
27.	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғонида жойлашган Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Ўқув-соғломлаштириш базасини Футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Т. Ишметов</i> ),

	терма жамоаларнинг киска муддатли ўқув йигин машғулотларини ўтказиш учун реконструкция қилиш.			Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзаков), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
28.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Футбол бўйича республика спорт маҳоратини ошириш олий мактаби бино ва иншоотларини 2020 йилда замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2020 йил 15 февраль	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
<b>V. Давлат таълим муассасалари, шу жумладан спорт мактабларини футбол учун зарур бўлган анжомлар ва жиҳозлар билан таъминлаш</b>				
29.	Давлат таълим муассасалари, шу жумладан туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмаларини футбол учун зарур бўлган анжом ва жиҳозлар билан таъминланганлигини ўрганиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 январь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
30.	Умумтаълим мактаблари ва туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмаларини футбол бўйича спорт анжомлар ҳамда жиҳозлар билан, шу жумладан футбол тўплари доимий равишда белгиланган меъёрлар доирасида таъминлаш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
<b>VI. Футбол соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга инновацион ёндашув, илғор илмий-методик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш</b>				
31.	Футбол бўйича техник директор лавозимларига мутахассисларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси қарори	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
32.	Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси инструкторлари раҳбарлигида ҳакамлар учун назарий ва амалий ўқув семинарларини ташкил этиш.	Ташкилий тадбирлар	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
33.	Қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: футбол маҳорат мактаблари тренерлари ва мутахассисларининг профессионал даражасини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этиш; Осиё Футбол Конфедерацияси дастурлари бўйича (аёллар футбол, фўтзал (мини футбол), соҳил футбол, дарвозабонлар ва жисмоний тайёргарлик бўйича тренерлар) халқаро инструкторларни жалб қилган ҳолда халқаро тренерлик курсларини ўтказиш; Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси, Европа Футбол	Режага асосан	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)

	<p>Ассоциациялари Бирлашмаси ва Осиё Футбол Конфедерацияси мутахассисларини жалб қилган ҳолда тренерлик таълими бўйича инструкторларни тайёрлаш юзасидан ихтисослаштирилган курсларни ташкил этиш;</p> <p>футболнинг турли йўналишлари — аёллар футболу, фўтзал (мини футбол), соҳил футболу бўйича тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислар учун Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерациясининг ихтисослаштирилган семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш;</p> <p>футбол бўйича тренерларнинг хорижий мамлакатларда малака оширишини (стажировкасини) ташкил этиш;</p> <p>футбол селекционерлари ва таҳлилчилари учун ўқув курсларини жорий этиш ва мунтазам равишда ўтказиш.</p>			
34.	<p>Замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологияларидан фойдаланилган ҳолда тренер, селекционер (скаут), таҳлилчи, ҳакам, маркетинг ва футбол менежери йўналишлари бўйича юқори малакали футбол мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш орқали Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Футбол мутахассисларини тайёрлаш марказини ташкил этиш.</p> <p>Ўзбекистон Республикасида футбол бўйича ҳакамларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида танлаб олиш мезонларини қайта кўриб чиқиш.</p>	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 февраль	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
35.	<p>Футбол ўйинлари давомида мухлислар билан ишлаш ва локал хавфсизликни таъминлаш бўйича «стюард мухлис» тизимини ташкил этиш.</p>	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
36.	<p>Ўзбекистон футбол мутахассисларини халқаро футбол тузилмаларининг бошқарув бўғинларида фаолият юритишларини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриш.</p>	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камбаров), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
37.	<p>Худудларда клублар, болалар ва ўсмирлар, оммавий футболни ривожлантириш мақсадида чет эллик мутахассисларини жалб этган ҳолда уларнинг иш тажрибаларидан амалий фойдаланиш.</p>	Лойиҳалар доирасида	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
38.	<p>Футболда шарҳловчилик соҳасини кучайтириш, ушбу йўналишда истеъдодли кадрларни тайёрлаш, малака ошириш тизимини йўлга қўйиш.</p>	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)

39.	Футболни ёритувчи журналистлар, шарҳловчилар, техник гуруҳ, кўчма телевизион станциялари ходимларининг малака ошириб боришлари учун футбол мутахассислари билан семинар тренинглари ташкил этиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов), Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
40.	Футболи ривожланган Европа мамлакатларининг (Англия, Хорватия, Сербия, Россия ва бошқ.) болалар футбол тизими билан танишиш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг мутахассис ходимларига хориж сафарларини ташкил қилиш.	Ташкилий тадбирлар	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
<b>VII. Футбол мусобақалари телевизион трансляцияси тизимини тубдан такомиллаштириш</b>				
41.	Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда Ўзбекистон ички мусобақаларини ёритиш учун 2та кўчма телевизион станцияларни харид қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2020 йил 1 июль	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
42.	Футбол мусобақалари телевизион трансляцияси медиа ҳуқуқларини ўрта ва узоқ муддатли шартларда хусусий секторга ўтказиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
43.	Футбол стадионлардан футбол мусобақаларининг тўғридан-тўғри трансляциясини ташкил этиш учун оптик толали алоқа линияларини ўтказиш. Футбол стадионлардан репортажларни онлайн тарзда тайёрлаш мақсадида юқори тезликдаги Интернет тизимини ташкил этиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил давомида	Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиқов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
<b>VIII. Футбол соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш</b>				
44.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон қарорини янги таҳрирда қабул қилиш ва унда ҳудудий футбол ассоциацияларининг фаолиятини тартибга солувчи механизмларни назарда тутиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 февраль	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев)
45.	Футбол маҳорат мактабларига футболчиларни ягона тизимда қабул қилишни жорий қилиш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов)
46.	Халқаро талаблардан келиб чиқиб, футбол спорт тури бўйича (агентлар)нинг	Вазирлар Маҳкамаси	2020 йил 15	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.

	воситачилар фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш.	қарори	февраль	<i>Набиев</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Азизов</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Р. Давлетов</i> )
47.	Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан мазкур мактаблар тренерларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини босқичма-босқич ошириш, селекционер лавозими сонини кўпайтириш. Умумтаълим мактабларнинг моддий-техника базасидан келиб чиқиб ҳамда ўқувчилар қизиқишига кўра болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўйича тармоқ тўғарақларини ташкил этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 сентябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Т. Ишметов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Азизов</i> )
48.	«Спорт шифокори», «спорт психологи», «спорт фармакологи», «спорт диетологи», «спорт селекционери», «футбол таҳлилчиси», «спорт ҳуқуқшуноси», «техник директор» ва «футбол ҳаками» каби замонавий касбларни қонунчилик доирасида белгиловчи ва фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 15 февраль	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ( <i>Н. Хусанов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Азизов</i> )
49.	Футболда коррупцион схемалар бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар режаси	Режани тасдиқлаш — 2019 йил 1 декабрь Режани амалга ошириш — режага асосан	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Азизов</i> )
50.	Ҳуқуқшунослик соҳасида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларида спорт ҳуқуқи йўналишини ривожлантириш.	Ташкилий тадбирлар	2020/2021 ўқув йилидан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Р. Давлетов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>А. Камилов</i> ), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> )
51.	Худудий футбол ассоциациялари инфратузилмаси ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 март	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ( <i>А. Азизов</i> ), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ( <i>Д. Набиев</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>IX. Футболни молиялаштириш тизимини ривожлантириш ва тижоратлашув механизмларини жорий этиш</b>				

52.	Стадионларга футбол мухлисларини кенг жалб қилиш мақсадида замонавий чипта тизими (шу жумладан абонемент сотуви)ни жорий қилиш, қолаверса, стадионлар инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида «хоспиталити хизматлари» (хостел, овқатланиш, фитнес, спорт мактаблари ва бошқалар)ни ташкил этиш, клублар ва стадион музейлари фаолиятини йўлга қўйиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йилдан бошлаб	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> ), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
53.	Профессионал футбол клублари бошқарув тизимини тижоратлаштириш, жумладан 2020 йилдан бошлаб ҳар бир клубнинг аниқ йиллик бизнес-режаларини ишлаб чиқишлигини ва уларни Ўзбекистон футбол ассоциациясига тақдим этишни таъминлаш.	Бизнес-режалар	Ҳар йили 15 январга қадар	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )
54.	Футбол соҳаси субъектлари фаолиятини тижоратлаштириш мақсадида «футбол мерчандайзинги» (клублар атрибутикаси, сувенир ва экипировкалар мажмуини яратиш, туристик саёҳат маршрутлари ва бошқалар)ни жорий қилиш.	Ташкилий тадбирлар	2019-2020 йиллар давомида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> ), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. <i>Аккулов</i> )
<b>Х. Футбол бўйича терма жамоалар ва уларнинг захирасини шакллантиришда мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш</b>				
55.	Футбол бўйича терма жамоаларга иқтидорли футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси қарори	2020 йил 1 май	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )
56.	Терма жамоа тикланиш воситалари билан таъминлаш, уларнинг овқатланиш ва витаминизация тизимини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2020 йил 1 июль	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i> ), Миллий олимпия қўмитаси (Р. <i>Шаабдурахманов</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> ), спорт федерациялари ва ассоциациялари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
57.	Футбол клубларининг расмий мухлислар фан-клублари аъзолари учун миллий қадрият ва аънаналари асосида «Мухлис кодекси» қоидалар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	Қўшма қарор	2020 йил 1 август	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. <i>Набиев</i> ), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )
58.	Футбол бўйича Ўзбекистоннинг ягона мадҳиясини яратиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 сентябрь	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> )
59.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида функционал диагностика ва спортчиларни соғломлаштириш учун замонавий спорт	Ташкилий тадбирлар	2019-2020 йиллар давомида	Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. <i>Азизов</i> ),

	тиббий марказини ташкил қилиш.			Курилиш вазирлиги (Б. Зокиров)
60.	2020 йилнинг 14 — 31 октябрь кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтадиган 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичини юқори савияда ташкил қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2020 йил 1 март	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Изоҳлар:

1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига қараб қайта кўриб чиқилиши ёки бир ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин;

2) Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар икки йилда алоҳида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Йўл харита»си орқали босқичма-босқич амалга ошириб борилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
4 декабрдаги ПФ-5887-сон [Фармони](#)  
4-ИЛОВА**

**Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг  
мақсадли кўрсаткичлари**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида						2030 йилгача эришиладиган натижа*	Масъул ижрочилар
			2020	2021	2022	2023	2024	2025		
<b>I. Оммавий футболни ривожлантириш ва турли мусобақалар ўтказиш</b>										
1.	Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини футболга қизиқтириш учун футбол бўйича ўйин шаклида кўргазмаларни ташкил этилишини мунтазам йўлга қўйиш, фестиваллар ва қизиқарли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш	Фоизда (жами тарбияланувчилар сонига нисбатан)	0,5	1	1,5	2	2,5	3	6	Мактабгача таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси

2.	Маҳалла ёшлари орасида «Маҳаллада футбол», «Футболимиз келажаги», «Чарм тўп» футбол мусобақаларини доимий равишда ташкил этиб бориш	Фоизда (жами маҳалла ёшлари сонига нисбатан)	5	10	15	20	25	30	50	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
.	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Мактаблар футбол лигаси» футбол мусобақаларини доимий равишда ташкил этиб бориш	Фоизда (жами умумтаълим мактаблар ўқувчилари сонига нисбатан)	5	9	13	17	21	24	35	Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
4.	Ҳудудларда барча корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари ўртасида футбол, мини-футбол (футзал), аёллар футболи, жумладан «Бош вазир кубоги», «Ҳоким кубоги» «Раҳбар кубоги» каби мусобақаларни кенг қамровда ва мунтазам ташкил этиб бориш	Фоизда (жами ходимлар сонига нисбатан)	1	1,5	2	2,5	3	3,5	7	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси



5.	Аёллар футболу, мини-футбол (футзал), соҳил футболу мусобақаларини барча ҳудудларда тизимли ташкил қилиш	Фоизда (жами ҳудудлар сонига нисбатан)	1	2	3	4	5	6	11	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
6.	Машҳур маҳаллий футболчилар ва тренерларни жалб қилган ҳолда ёш футболчилар учун фестиваллар ва «мастер-класслар» ўтказиш	Тадбир сони	14	14	28	28	28	28	42	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси

7.	<p>Болалар-ўсмирларнинг футбол билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш мақсадида спорт мактаблари, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактаблари (кейинги ўринларда — футбол маҳорат мактаблари), профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари, умумтаълим мактабларини етарли даражада сифатли спорт инвентарлари билан жиҳозлаш</p>	<p>Фоизда (жами муассасалар сонига нисбатан)</p>	10	20	30	40	50	75	100	<p>Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси</p>
8.	<p>Республикада футболнинг оммавийлиги умумий аҳолига нисбатан футбол билан мунтазам шуғулланувчилар сонини ошириш</p>	<p>Фоизда</p>	1	1,5	2	2,5	3	3,5	5	<p>Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси</p>

9.	Футбол бўйича тренерлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар сони	Сони	1 900	2 100	2 300	2 500	2 700	2 900	3 900	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>II. Футбол инфратузилмасини мустаҳкамлаш</b>										
10.	Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига жавоб берадиган замонавий футбол майдонларини давлат-хусусий шерикчилик, тўғридан тўғри инвестициялар, ҳомийлар ва бошқа манбалар ҳисобидан барпо этиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш	Сони (йиллар кесимида янги қурилиш/реконструкция қилинадиган)	0/1	1/1	0/1	1/1	0/1	1/1	5/9	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар

11.	Футболчиларни тайёрлаш ва ёшларни футболга жалб қилиш мақсадида республикада давлат-хусусий шерикчилик асосида футбол майдонларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш	Сони (янги қурилиш/реконструкция)	10/20	15/25	20/30	25/35	30/40	35/45	365/375	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<b>III. Футбол соҳасида кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш</b>										
12.	Футбол маҳорат мактаблари тренерлари ва мутахассисларининг профессионал даражасини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этиш	Фоизда (жами футбол тренерлари ва мутахассислари сонига нисбатан)	10	20	30	40	50	60	100	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
13.	Футбол селекционерлари учун ўқув курсларини жорий этиш	Фоизда (жами футбол селекционерлари сонига нисбатан)	10	20	30	40	50	60	100	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
14.	Футбол маҳорат мактаблари тренерларининг халқаро стажировкаларини белгиланган тартибда ташкил этиш	Сони	3	5	7	10	12	15	20	«Эл-юрт умиди» жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси

15.	Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси инструкторлари раҳбарлигида ҳакамлар учун назарий ва амалий ўқув семинарларини ташкил этиш	Сони	4	6	8	10	15	25	30	Ўзбекистон футбол ассоциацияси
<b>IV. Футболни янада тижоратлаштириш</b>										
16.	Футбол стадионларини тижоратбоплигини ошириш мақсадида хоспиталити хизматлари, мерчандайзинг, клуб ва стадион музейларини яратиш, стадионларда пуллик хизматларни кўрсатиш (овқатланиш, фитнес ва бошқалар) (режа-график асосида)	Фоизда	10	20	30	40	50	75	100	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
17.	Футбол стадионларига кириш учун электрон чипта ва абонементлар сотишнинг ягона тизимини жорий қилиш (режа-график асосида)	Фоизда (жами футбол стадионлари сонига нисбатан)	10	20	30	40	50	75	100	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

18.	Суперлига ўйинларига футбол ятадионларини томошабинлар билан тўлдириш (чипта сотиш орқали)	Фоизда	20	30	40	50	60	70	100	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>V. Футболни илмий-методологик таъминлаш</b>										
19.	Футболчиларни тайёрлашнинг замонавий илмий-услубий ва тиббий таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Фоизда	20	30	40	50	60	80	100	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
20.	Футбол маҳорат мактабларида илғор илмий-услубий, тиббий ва биологик ишланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Фоизда	10	20	40	60	80	100	100	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<b>VI. Футбол маҳорат мактаблари тарбияланувчиларини халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш</b>										
21.	Футбол маҳорат мактаблари тарбияланувчиларининг халқаро мусобақаларда мунтазам равишда қатнашишини таъминлаш	Фоизда (жами тарбияланувчилари сонига нисбатан)	3	6	9	12	15	18	30	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

22.	Футбол маҳорат мактаблари тренер ва мутахассисларини халқаро тажриба алмашишини белгиланган тартибда таъминлаш	Фоизда (жами тренер ва мутахассислари сонига нисбатан)	3	6	9	12	15	18	30	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
23.	Ўзбекистонда Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси таснифига кирувчи чемпионатлар ва расмий халқаро турнирларни ташкил қилиш ва ўтказиш	Мусобақалар сони	1	2	3	4	5	6	12	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
24.	Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерациясининг Ўзбекистон миллий терма жамоалар рейтингдаги ўрни	Ўрин	81	78	75	72	69	66	50	Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
<b>VII. Профессионал футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштирилган меъёрлари</b>										
25.	30 мюгуриш	Секунд	4,25	4,24	4,23	4,22	4,21	4,20	4,18	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
26.	«Мокусимон» югуриш 7×50 м	Секунд	64	63	62	61	60	59	58	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси

27.	Жойдан сакраш	Сантими-метр	250	255	260	265	270	275	275	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
28.	«YO-YO» тест	Метр	1300	1350	1400	1450	1500	1550	1800	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
29.	Тўпни олиб қўйиш (хатолар)	Фоизда	55	50	45	42	40	35	30	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
30.	Тўпни узатиш (хатолар)	Фоизда	45	40	35	30	25	20	20	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
31.	Ҳаводаги яккакураш (хатолар)	Фоизда	55	50	45	40	35	30	30	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси
32.	Алдамчи ҳаракатлар (хатолар)	Фоизда	65	60	55	50	45	40	35	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси

Изоҳ: мақсадли кўрсаткич 2030 йилга қадар 100 фоизни ташкил этган тақдирда, ушбу кўрсаткич кейинги йилларда сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
4 декабрдаги ПФ-5887-сон [Фармони](#)  
5-ИЛОВА

**2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактабларини ташкил этиш, уларда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш  
ЖАДВАЛИ**



Т/р	Худудлар номи	Футбол маҳорат мактаблари*, жами	шундан		Йиллар кесимида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари амалга ошириладиган футбол маҳорат мактаблари сони				
			мавжуд футбол маҳорат мактаблари	қўшимча ташкил этиладиган футбол маҳорат мактаблари**	2021***	2022	2023	2024	2025
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2	1	1		1		1****	
2.	Анджон вилояти	3	1	2	1		1		1****
3.	Бухоро вилояти	2	1	1	1		1		
4.	Жиззах вилояти	1	1	0		1			
5.	Қашқадарё вилояти	2	1	1	1	1			
6.	Навоий вилояти	1	1	0		1			
7.	Наманган вилояти	3	1	2	1			1	1****
8.	Самарқанд вилояти	3	1	2	1		1	1****	
9.	Сурхондарё вилояти	3	1	2		1	1	1****	
10.	Сирдарё вилояти	1	1	0		1			
11.	Тошкент вилояти	2	1	1			1		1****
12.	Фарғона вилояти	3	1	2	1			1	1****
13.	Хоразм вилояти	2	1	1			1		1****
14.	Тошкент шаҳри	1	1					1	
15.	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академияси	1	1						1
<b>Жами</b>		<b>30</b>	<b>15</b>	<b>15</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>6</b>

Изоҳлар:

1) \* футбол маҳорат мактаблари этиб Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактаблари тушунилади;

2) \*\* объектларда қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари якунлангандан сўнг футбол маҳорат мактаблари фаолияти ташкил этилади;

3) \*\*\* профессионал футбол клублари ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар-ўсмирлар футбол мактаблари негизда ташкил этилади;

4) \*\*\*\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан футбол маҳорат мактаблари касб-ҳунар коллежларининг бино ва инфратузилмалари негизда ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
4 декабрдаги ПФ-5887-сон [Фармони](#)  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига  
ўтказиладиган профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат  
ва давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Профессионал футбол клублари	Таъсисчилар	Устав фондидаги улуши (фоизда)
1.	«Бунёдкор» ПФК	«Ўзтрансгаз» АЖ	61,8
		«Нефтгазмонтаж» ҚК МЧЖ	30,2
		«Кўкдумалок ГАЗ» ҚК МЧЖ	3
		«Ўзнефтмаҳсулот» АЖ	3
		«Гиссарнефтгаз» ҚК МЧЖ	2
2.	«Пахтакор» ПФК	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	20
3.	«Насаф» ПФК	«Шўртан газ кимё комплекси» МЧЖ ва унинг корхоналари	99,1
4.	«Олмалик» ПФК	«Олмалик КМК» АЖ	100
5.	«Бухоро» ПФК	«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ	80
		Бухоро шаҳар ҳокимлиги	20
6.	«Нефтчи» ПФК	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	97,5
		Фарғона вилояти ҳокимлиги	2
		Фарғона вилояти маданият бошқармаси	0,5
7.	«Локомотив» ПФК	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	20,9
		«Тошкент механика заводи» АЖ	58,2
		«Ўзтемирйўловчи» АЖ	20,9
8.	«Шўртан» ПФК	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	99,9
9.	«Динамо плюс» ПФК	Самарқанд вилояти ҳокимлиги	100
10.	«Металлург» ПФК	«Ўзметкомбинат» АЖ	100
11.	«Машғал» ПФК	«Ўзбекнефтгаз» АЖ («Муборакнефтгаз» МЧЖ)	48,8
		«Ўзбекнефтгаз» АЖ («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ)	51,2
12.	«Навбахор Лочинлари» ПФК	«Наманган вилояти ҳокимлиги бинолардан фойдаланиш дирекцияси» ДУК	100
13.	«Сурхон» ПФК	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	100

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
25.01.2020 й., 07/20/5924/0081-сон)

Республикада охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга қўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини ортиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар жисмоний тарбия ва спорт тизимини ислоҳ қилишнинг 2025 йилгача асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган аҳолининг умумий сонини 30 фоизгача, спорт ташкилот ва муассасаларида шуғулланаётган ёшларнинг умумий сонини 20 фоизгача ошириш;

давлат спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркиби, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич 80 фоизгача етказиш;

жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тўрт босқичли – ташкилот-туман (шаҳар)-худуд-республика тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт мактаблари ўқувчи-спортчилари ўртасида «Болалар спорт ўйинлари»ни ўтказиш орқали иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва ёшлар терма жамоаларига захира яратиш ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Талабалар спорт ўйинлари»ни ташкил этиш натижасида талабаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш;

аҳолининг кенг қатламлари, жумладан умумтаълим мактаби ўқувчилари, профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида жисмоний тарбияни оммалаштириш, улар орасида иқтидорлиларини аниқлаш мақсадида «Умумтаълим мактаб спорти» фестивали, «Жисмоний тайёргарлиги ривожланган муассаса» кўрик-танловини босқичма-босқич (туман/шаҳар, худуд, республика) ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва жисмоний тайёргарлик даражаси ривожланган энг яхши умумтаълим мактаби, профессионал ва олий таълим муассасаси номинациясини жорий этиш;

2020 йилдан бошлаб спорт соҳасида «Tashkent Marathon» халқаро марафони, «Save Aral» халқаро экомарафони, авторалли ва мотокросс спорт мусобақаларини тизимли ўтказиш орқали спорт туризмни ривожлантириш;

аҳолининг барча қатламлари ўртасида «Жисмоний тайёргарлик даражаси» синовларини ўтказишни жорий этиш;

спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчилари учун илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш, тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда спорт соҳасида самарали тиббий ва фармакологик таъминотни йўлга қўйиш;

спорт турлари бўйича 18 ёшгача бўлган худудий терма жамоа аъзоларини худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ўсмирлар бўлимларида ва ундан катта ёшдаги худудий терма жамоа аъзоларини туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб бориш механизминини жорий этиш;

2020 йил 1 февралдан бошлаб босқичма-босқич олимпия спорт турлари бўйича республика спорт мусобақаларида допинг-тест намуналарини олиш тизимини жорий этиш;

қишки Олимпия спорт турлари инфратузилмасини яратиш, ушбу спорт турларини оммавийлаштириш орқали профессионал спортчиларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

Ўзбекистон спорт делегацияларини нуфузли спорт мусобақаларига тизимли тайёрлаш бўйича Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида Олимпия тайёргарлик марказини ташкил этиш;

хорижлик спортчи ва мухлисларни кенг жалб қилиш ҳамда спорт инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида «хоспиталити хизматлари»ни йўлга қўйиш, «Sport Visa» қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визасини жорий этиш;

спорт соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш, шу жумладан спорт ташкилотларида давлат улушини камайтириш бўйича зарур чоралар белгилаш;

спорт лотереяларини ташкил этиш орқали спортни қўшимча молиялаштириш тизимини кенгайтириш;

хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Қуролли Кучлар тизимидаги таълим муассасалари, жумладан «Темурбеклар мактаби» ўқувчи-талабалари учун «Армия ўйинлари» дастурига киритилган спорт турлари бўйича факультатив машғулотлар ва тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт иншоотлари ва муассасаларининг бошқарув тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, жумладан «Sport.uz» ахборот тизими орқали спорт иншоотларининг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш;

миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш, уларни Осиё ва Олимпия ўйинлари дастурларига киритиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

## 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) [1-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари [2-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» [3-иловага](#) мувофиқ;

Республика туман (шаҳар)ларни устувор, истиқболдаги, ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштириш рўйхати [4-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепцияда назарда тутилган мақсадли кўрсаткичлар ва асосий йўналишлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан, шунингдек, ушбу тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Йўл харитаси» орқали босқичма-босқич амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ҳар йили 1 ноябрга қадар келгуси йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси (кейинги ўринларда — республика календарь режаси) спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан шакллантирилади ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади;

республика календарь режасида белгиланган харажатлар таркибида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)нинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, спортчиларни суғурталаш харажатлари назарда тутилади;

тасдиқланган республика календарь режасига асосан ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ҳар йили 1 декабрга қадар тасдиқланади;

спортчи ёшларни саралаш ва катта спортга иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция), спорт захирасини шакллантириш тизимини йўлга қўйиш, ёшлар орасида спортни оммалаштиришда юқори натижаларга эришиш мақсадида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хохиш-истакларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари олий таълим муассасалари камида биттадан устувор, истиқболдаги, ривожланаётган, шу жумладан миллий спорт турларига ихтисослаштирилади;

ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари бириктирилган ҳудудларда, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш бўйича масъул этиб белгиланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари:

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иншоотлари инфратузилмасини ривожлантириш;

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети, туман (шаҳар) бюджетлари даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағларни ҳудудий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини қўшимча молиялаштириш учун йўналтириш;

республика спорт федерациялари (уюшмалари) билан биргаликда олий таълим муассасаларини спорт турлари бўйича ихтисослаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, «Жисмоний тайёргарлик даражаси» синовларини ўтказиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ҳар чоракда муҳокама этиб бориш;

тегишли ҳудудда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича масъул ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар, ўз тасарруфида бўлган ёки тегишли ҳудудда жойлашган очиқ спорт объектлари (стадион, футбол майдони ва бошқа спорт объектлари) ҳамда истироҳат боғларида (хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли объектлар бундан мустасно) аҳолининг югуриш, юриш ва бадантарбия турлари билан бепул шуғулланиши учун шароит яратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:

вазирлик марказий аппарати тузилмасидаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармаси негизида Ички аудит ва молиявий назорат бошқармасини ташкил этиш;

спорт паспортини расмийлаштириш ва бериш учун йиғимни пул тўлови амалга оширилаётган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим муассасаларининг спорт иншоотларини, уларда реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятини олган ҳолда, ўқув машғулотларидан бўш вақтда тадбиркорлик субъектларига фойдаланишга бериш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда спорт лотереяларини ташкил этиш ва юридик шахслар томонидан спорт лотереяларини ўтказишдан олинган даромаднинг 10 фоизгача бўлган қисмини бюджетдан ташқари «Спорт» махсус ҳисоб рақами маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаси этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг туман ва шаҳар бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тизимдаги спорт мактаблари ва коллежлари ўқув синф ва лаборатория хоналари ҳамда ётоқхоналарини жиҳозлаш учун Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари «Спорт» махсус ҳисоб рақамига 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 50 миллиард сўм маблағ ажратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Миллий банк» АЖ жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун 200 миллион евро, шу жумладан 2020 йилда 50 миллион евро миқдорида халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит маблағларини (кейинги ўринларда — кредит маблағлари) жалб қилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, лойиҳа ташаббускорларига:

2020-2021 йилларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш учун ажратиладиган тижорат банкларининг суммаси 10 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган миллий валютадаги кредитлар учун — асосий ставкадан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу имтиёзлар учун зарур бўлган маблағларни Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига белгиланган тартибда ажратсин;

кредит маблағлари жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этишда инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан фойдаланишни назарда тутувчи намунавий лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда бир ой муддатда илғор хорижий давлатлар тажрибаси, таълим муассасалари ва бошқа объектларнинг қуввати ҳамда мазкур бандда кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, ҳар бир спорт турлари бўйича барпо этиладиган спорт объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

10. 2020 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредитлари ҳисобидан республика ҳудудларида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш бўйича истиқболли лойиҳаларнинг йиғма кўрсаткичлари [5-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги таркибидаги спорт таълими муассасаларининг штат бирликлари доирасида спорт диетологи, спорт психологи, спорт фармакологи, массажчи ва селекция бўйича тренер лавозимлари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактабларида ҳар бир спорт тури бўйича Бош тренер-селекционер лавозимини жорий этиш;

спорт муассасаларининг харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи-спортчининг спортдаги натижалари яхшиланганда ва у бошқа юқори даражадаги спорт таълими муассасасига ўтказилганда, уни тайёрлаган тренерга бир ойлик иш ҳақи миқдорида бир марталик мукофот пули тўлаш;

спорт мактаблари эришган натижаларига кўра улар мақомини қайта кўриб чиқиш ва белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 1 февралдан бошлаб спорт соҳасидаги ютуқларни муносиб равишда рағбатлантиришни назарда тутувчи қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охириги уч йилда ғолиб ва совриндор (1 - 3 ўрин) бўлган спортчи-ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларига (тиббиёт йўналишидан ташқари) қўшимча давлат гранти асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилиш;

б) «Болалар спорт ўйинлари»нинг жамоавий ўйин турлари бўйича республика босқичи:

ғолибларига (1-ўрин) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида соҳа бўйича мутахассислик фанидан максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи, уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилиш;

ғолиб ва совриндорларни (1 — 3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини республика календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан эгаллаган 1-ўрин учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг — 6 баравари, 2-ўрин учун — 4 баравари, 3-ўрин учун — 3 баравари миқдорида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирлаш;

в) умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия фан олимпиадасининг ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт таълим муассасаларининг тренерлари малака аттестациясига жалб этилмасдан, уларга:

туман (шаҳар) босқичи ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлагани учун — иккинчи малака тоифасини;

вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлагани учун — биринчи малака тоифасини;

республика ва халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлагани учун — олий малака тоифасини тўғридан-тўғри бериш;

г) олимпия спорт турлари бўйича республика (1-ўрин) ва халқаро мусобақаларда (Олимпия ва Паралимпия ўйинларида, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатида ва Осиё чемпионатида 1 — 3 ўринлар) ғолиб чиққан олий таълим муассасалари талабаларини тайёрлаган жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги кафедралар ўқитувчиларига навбатдаги илмий унвонларни (доцент, профессор) тўғридан-тўғри бериш.

13. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

спорт мактабларининг ўқув дастурларида ўқув машқлар соатини қисқартириш ҳисобига ушбу мактаблардаги тренер-ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаси ҳар ҳафтадаги бевосита ўқув-машқ ишларининг 24 академик соати учун белгилаш;

босқичма-босқич туман (шаҳар) болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги бош ҳисобчи лавозимлари ҳисобидан туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида марказлашган бухгалтерия хизматини жорий этиш ҳамда унга туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларини молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг ҳисобини юритишни юклаш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида, унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасига қўшимча 28 та бошқарув ходими штат бирликлари киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилига қадар олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва фан дастурларини такомиллаштирсин ҳамда битирувчиларга жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ихтисослашган спорт тури бўйича тренер квалификациясини бериш амалиётини жорий этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) билан биргаликда ҳудудларда ихтисослаш-тирилган туман (шаҳар), умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларини спорт йўналишлари бўйича зарур ўқув адабиётлар, методик қўлланмалар ва йўриқномалар билан таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Миллий банк» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий банклар томонидан ажратилаётган кредитлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлан-тириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2020 йилнинг 1 июнига қадар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида ягона электрон бошқарув тизимини жорий этишни назарда тутувчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, давлат бюджетидан спорт соҳаси учун, шунингдек, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика ва ҳудудий календарь режалари учун ажратиладиган маблағлар тақсимланиши ва ишлатилишининг тўлиқ назоратини амалга ошириш, улар бўйича ҳисоботларни

шакллантириш, спорт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини назорат қилиш ва ишлатилиши шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармон ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов — мазкур Фармон ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш, Концепция ва «Йўл харитаси»ни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, жисмоний тарбия ва спортни аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида оммалаштириш борасида спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) билан яқиндан ҳамкорлик қилсин, соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил этсин, мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Зокиров — инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан спорт заллари (бокс, кураш, фитнес, гимнастика), футбол, волейбол, баскетбол, бадминтон ва теннис майдонларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқилишини ҳамда ушбу соҳада мавжуд қурилиш норма ва стандартларини қайта кўриб чиқилишини таъминласин, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари — удудларни устувор, истиқболдаги ҳамда ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштириш бўйича ишларни самарали ташкил қилсин, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ ҳудудий спорт мусобақаларини тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ҳамда юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ишчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д. Хаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори в.б. К.И. Алламжонов — мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2020 йил 24 январь,

ПФ-5924-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

24 январдаги ПФ-5924-сон Фармониغا

1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия  
ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш  
концепцияси**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва узоқ муддатли ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб беради, жумладан:

2025 йилга келиб мамлакат аҳолисининг саломатлик даражасини яхшилашга эришиш;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари сонини ва спорт таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни молиявий таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;  
жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг умумий сонини ошириш;  
давлат органлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳамда аҳоли ўртасида турли оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали аҳолининг ҳафталик ҳаракат фаолиятини оширишга эришиш;  
Ўзбекистон спорт терма жамоаларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, жаҳон, қитъа спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш;  
спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич ошириш;  
ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда «таълим муассасалари — спорт мактаби — олий спорт» тамойилида узвийлик тизимини ҳамда машғулот ва иқтидорли спортчи-ёшларни саралаш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш;  
спорт соҳасида бошқа замонавий усуллар ва йўналишларни жорий этиш;  
давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига жисмоний тарбия ва спорт тизимида рақобат муҳитини яратиш;  
спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланиб келаётган ва спорт мусобақаларида доимий равишда иштирок этувчи спортчилар ягона маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида спорт паспортини жорий этиш ва мунтазам равишда юритиб бориш тизимини қўллаш;  
ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;  
жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида спорт таълими муассасалари мутахассис ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш.

## **2-боб. Жисмоний тарбия ва спорт тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар**

2. Республикадаги 12 мингдан ортиқ спорт иншоотларида ёшларнинг 30 фоизи қамраб олинди. «Ёшлар ҳафталиги», «Хотин-қизлар ҳафталиги», «Маҳалла ва нурунийлар ҳафталиги» ва «Таълим муассасалари ҳафталиги» каби шиорлар остида аҳолининг кенг қатламларини спортга жалб этишга қаратилган спорт мусобақаларини ўтказиш тизими яратилди.

Спортчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган республика спортчиларига умрбод ойлик тўловлар тўланиши ва уларнинг тренерларини бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш механизми жорий қилинди.

Соҳада малакали ва замонавий кадрлар тайёрлаш билан бирга спортда фан ва амалиётнинг бир-бири билан узвий алоқадорлигини таъминлаш учун бир қатор янги спорт олий таълим муассасалари ташкил этилди.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт таълими муассасаларида замонавий талаблар асосида машғулотлар олиб боришга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан:

а) жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизимида:

бошқарув вертикалини амалга ошириш механизми етарлича ривожланмаганлиги, туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ваколатлари чегараланганлиги улар ролининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлмоқда;

бошқарув тизими ва спорт таълими муассасалари раҳбарлари фаолиятининг очиқлик ва шаффофлик даражаси етарли эмаслиги, жамоатчилик назорати йўлга қўйилмаганлиги, айрим раҳбарларда зарур масъулият ва ташаббускорликнинг йўқлиги қўйилган вазифалар ҳамда мақсадли кўрсаткичлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

спорт таълими муассасаларига иқтидорли болаларни қабул қилиш, шунингдек, ўқув жараёнида турли шаклдаги коррупция элементларига барҳам бериш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш талаб этилмоқда;

ўқувчилар сони қувватига нисбатан кўп бўлган ҳудудларда ягона бўлган спорт мактабларида соғлом рақобат муҳити йўқлиги туфайли талаб даражасидаги спорт тайёргарлиги сифати таъминланмаяпти;

спорт муассасалари тренер ва ходимларни салоҳияти ўсишига тўсқинлик қилаётган мезонлар ва талабларнинг аниқ тавсифи бўйича стандартларнинг йўқлиги спорт муассасалари раҳбарларини тайинлаш тартибининг самарасиз бўлишига олиб келмоқда;



спорт муассасаларини бошқариш жараёнига ишни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион усуллари, илғор ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмаганлиги самарали бошқарув тизими яратилишига тўсқинлик қилмоқда;

спорт муассасалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилувчи ижро этувчи ҳокимият органлари ишининг очиқлик ва шаффофлик даражаси етарли эмаслиги, жамоатчилик назоратининг заифлиги, баъзан эса мутлақо мавжуд эмаслиги ҳаддан ташқари бюрократияга ва коррупциянинг ҳар хил шаклларда намоён бўлишига олиб келмоқда;

б) олий спорт ютуқлари ва миллий терма жамоалар тайёрлаш соҳасида:

спорт федерациялари (уюшмалари) ва ҳокимликлар томонидан Олимпия спорт терма жамоасини шакллантириш ва юқори натижаларни таъминлайдиган спортчилар учун шарт-шароитлар яратишга етарли даражада эътибор берилмаяпти;

турли даражадаги халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўришда спортчиларни саралаш (селекция), тайёрлаш ва мусобақаларда қатнашиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган;

спорт турларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, спортчиларни саралаш методологияси яратилмаган;

жойларда, айниқса, қишлоқ жойларда спорт мусобақаларини ташкил этиш талаб даражасида эмас;

спортчиларнинг мусобақаларда мунтазам қатнашмаслиги улар маҳоратини оширишга ва миллий терма жамоа таркибига маҳоратли спортчиларни саралаб олинishiга салбий таъсир кўрсатмоқда;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари спорт таълими муассасаларининг фаолиятини чуқур таҳлил қилмасдан, фақатгина улардан статистик ва бошқа маълумотларни тўплаш билан чегараланаётганлиги жойлардаги ҳаққоний ҳолатни аниқлашга тўсқинлик қилмоқда;

спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)нинг ўз спорт базасига эга эмаслиги, мавжудларида эса моддий-техника базаси бугунги талабларга жавоб бермаслиги олий спорт турларини ривожлантиришига тўсқинлик қилмоқда;

миллий терма жамоалар спортчиларининг халқаро спорт мусобақалари давридаги иштироки илмий жиҳатдан таҳлил қилинмайди;

спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар Бош тренерларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлиги таҳлил этилмайди;

спорт таълими муассасаларида истиқболдаги олимпия спорт турларининг сони ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб оширилмаяпти;

Олимпия ўйинлари ва йирик халқаро спорт мусобақаларига тизимли тайёргарлик кўриш учун ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида ягона марказлашган Олимпия тайёргарлик кўриш марказини барпо этиш зарурати мавжуд;

в) спорт тиббиёти ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар учун тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида:

спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахслар тиббий хизматдан тўлиқ фойдаланмаслиги ва тиббий хизматнинг сифати амалда таъминланмаганлиги аҳолини соғломлаштириш учун жисмоний тарбиянинг мавжуд имкониятларидан самарасиз фойдаланилаётганини кўрсатмоқда;

мусобақаларга тайёргарлик ва мусобақалар даврида катта жисмоний юклама остида ҳаракат қиладиган спортчиларни тезкорлик билан тиклаб олиш учун фармакологик кўмак бериш бўйича янги дори воситаларини яратиш, замонавий ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмаган;

спортчиларнинг ўз жисмоний ва руҳий тикланишини тезлаштирадиган, соғлигини ушлаб турадиган фармакологик моддалардан фойдаланишни билмаслиги натижасида ҳамда руҳий тайёргарлик даражаси паст бўлган спортчилар турли халқаро мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эриша олмаяпти;

республика Олимпия терма жамоалари аъзоларининг мусобақага тайёргарлиги ҳамда тикланиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича комплекс лабораториялар мавжуд эмас ва бу соҳада илғор ҳисобланган давлатлардан спорт психологияси ва диетологияси бўйича мутахассисларни жалб қилиш зарурати мавжудлигидан дарак беради;

г) жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассис кадрларни тайёрлаш соҳасида:

олий маълумотли мутахассисларнинг етишмаслиги соҳада олиб борилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда;

жамоавий ўйин спорт турлари бўйича республика ва халқаро спорт мусобақалари ғолибларини олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнида имтиёзлар чегараланган;

спорт таълими муассасаларида фаолият олиб бораётган 12 мингдан ортиқ тренерларнинг 49 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, 7 мингдан зиёд олий маълумотли тренерларга эҳтиёж мавжуд;

спорт таълими муассасаларида психолог, диетолог ва фармаколог каби тор мутахассисликлар бўйича штат бирликлари мавжуд эмас;

спорт турлари, жумладан олимпия спорт турлари бўйича ҳакамларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими жорий этилмаган;

спорт турлари бўйича халқаро федерациялар ва йирик спорт ташкилотлари билан алоқалар йўлга қўйилмаганлиги оқибатида терма жамоалар билан ишлайдиган тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг савияси ва билими бугунги кун талабларига жавоб бермайди;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда илғор инновацион технологиялар, методикалар ва спортнинг илмий ютуқлари жорий этилмаган;

д) спорт инфратузилмаси, анжомлар билан жиҳозлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида:

ҳозирда 3 мингдан зиёд умумтаълим мактабининг (32 фоиз) спорт заллари таъмирталаб ҳолатда бўлиб, қарийб 2,5 минг мактабда (25 фоиз) спорт заллари мавжуд эмас;

таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган спорт таълими муассасаларининг спорт инфратузилмасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлаш тизими йўлга қўйилмаган;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасига замонавий ахборот технологияларини ва мультимедиа маҳсулотларини жорий этишга етарли даражада эътибор берилмаяпти;

спорт муассасалари бир қисмининг моддий-техника базаси ҳолати, уларнинг ортиқча юкламага эга эканлиги, айрим ҳолларда фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган тегишли ускуналар, кўргазмалар қўлланмалар билан лозим даражада таъминланмаганлиги уларга юкланган вазифалар етарлича самарали бажарилмаслигига олиб келмоқда;

е) жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш соҳасида:

республика бўйича мавжуд 12 мингдан ортиқ спорт иншоотларининг (стадион, спорт зали, бассейн, манеж ва бошқалар) бир кунлик спорт машғулотларини ўтказиш қуввати қарийб 1,5 миллион кишини ташкил этиб, умумий аҳолининг сонига нисбатан спорт иншоотлари билан таъминланиш даражаси 4,5 фоиздан ошмайди;

олий таълим муассасаларидаги мавжуд спорт иншоотлари талабаларнинг қарийб 50 фоизини қамраб олиш имкониятига эга бўлса-да, амалда 21 фоиз талаба-ёшлар спорт тадбирларига қатнашмоқда;

аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, ўсиб келаётган авлодни жисмонан камол топтиришни таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш ишлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан етарлича ташкил қилинмаганлиги оқибатида жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиш истагини билдирган ёшлар етарлича қамраб олинмаяпти;

таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилмаган ва бу бўйича изчил тизим мавжуд эмас;

худудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларининг спорт иншоотлари ҳамда кадрлар салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаяпти;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия фанидан олимпиадаларни ташкил этиш ҳамда шу орқали ғолиб ўқувчиларни Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига саралаб олиш, селекция ишлари тизимли амалга оширилмаяпти;

мактабларда ўқувчиларни жамоавий спорт ўйин турларига жалб этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни оммалаштириш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасига инновацион технологиялар жорий этилмаяпти;

ж) жисмоний тарбия ўқитувчилари, тренерлар ва мутахассисларни рағбатлантириш соҳасида:

спорт муассасалари тренерлари ва ходимлари фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезонлар ва малака талабларининг аниқ тавсифи йўқлиги оқибатида спорт муассасалари фаолияти самарасиз бўлиб қолмоқда;

умумтаълим мактабларида оммавий спортни ривожлантириш бўйича самарадорликка эришаётган жисмоний тарбия ўқитувчиларини рағбатлантириш йўлга қўйилмаганлиги сабабли уларнинг ўз спорт тури бўйича қўшимча машғулотлар олиб бориш мотивацияси паст даражада қолмоқда;

жисмоний тарбия предметидан фан олимпиадаси жорий қилинмаганлиги ушбу фанга бўлган қизиқиш пасайишига олиб келмоқда;

болалар-ўсмирлар, олимпия захиралари ва олий спорт маҳорати мактаблари тренерларининг ойлик иш ҳақи умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига нисбатан номутаносиблиги малакали тренерларнинг ишдан бўшаб кетишига ва ёшларни тайёрлаш даражаси пасайишига сабаб бўлмоқда;

спорт мусобақаларида ғолиб бўлган ўқувчи-талабаларни тайёрлаган жисмоний тарбия ўқитувчиларини рағбатлантириш механизми жорий этилмаган;

з) жисмоний тарбия ва спорт тизимини молиялаштириш соҳасида:

жисмоний тарбия ва спорт тизимини молиялаштиришда маблағларни самарали ва шаффоф тизим асосида тақсимлаш ва фойдаланиш талаб этилмоқда;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг асосий қисми иш ҳақига сарфланиб, спорт тадбирлари календарь режаси, спорт жиҳозлари, бино ва иншоотларни таъмирлашга етарли маблағ ажратилмасдан келинмоқда;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаҳар ва туманларда календарь режа асосида ўтказиш учун белгиланган мусобақаларни молиялаштиришга маҳаллий бюджетдан маблағлар етарлича ажратилмаслиги оқибатида республика миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида вилоят жамоалари иштироки таъминланмаган.

### **3-боб. Жисмоний тарбия ва спорт тизимининг асосий мақсадлари ва ривожланиш йўналишлари**

4. Жисмоний тарбия ва спорт тизимининг ривожланиши мазкур Концепция иловасида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланади.

5. Жисмоний тарбия ва спорт тизимини ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларга асосан амалга оширилади:

5.1. Аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан кенг қамраб олиш:

миллий кадриятларимизни тиклаш, ёш авлодга етказиш мақсадида «Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари», «Улоқ», «Кўпқари» каби этнофестивалларни ташкил этиш ва ўтказиш;

«Tashkent Marathon» халқаро марафони, «Save Aral» халқаро экомарофонларини ўтказиш, спорт туризмини ривожлантириш;

тасарруфида очиқ спорт иншоотлари (стадион, футбол ва бошқа спорт майдонлари) мавжуд бўлган вазирлик, идоралар томонидан аҳолининг барча қатламлари учун жисмоний тарбия (югуриш, юриш ва бадантарбия) билан бепул шуғулланиши учун шароит яратилиши;

мавжуд маданият ва истироҳат боғларида аҳоли жисмоний тарбия билан бепул шуғулланиши учун «WorkOut» — маҳалла (кўча) фитнеси, «скандинавча юриш», юриш, югуришга шароит яратиш;

«Ёшлар ҳафталиги», «Хотин қизлар ҳафталиги», «Маҳалла ва нурунийлар ҳафталиги» оммавий жисмоний-тарбия тадбирларини ташкил этиш;

спорт таълими муассасаларида, таълим муассасаларининг спорт иншоотларида ҳамда жисмоний тарбия, спорт марказлари ва клубларида «очиқ эшиклар» кунларини ташкил этишни анъанага айлантириш;

қишлоқ жойларида спорт акциялари, ҳаваскорлик чемпионатлари, конкурслар ташкил этиш;

аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Жисмоний тайёргарлик даражаси» спорт синовларини жорий қилиш;

спорт синовларини аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида мусобақа, фестиваль тарзида ташкил этиш, спортни кундалик турмуш тарзига айлантириш;

меҳнат жамоаларида ходимларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши ва бунинг учун шарт-шароитлар яратиш масалаларини қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларига киритиш;

катта ёшдаги фуқаролар учун жисмоний тарбия ва соғломлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

турли тоифадаги аҳоли гуруҳларининг жисмоний фаоллигини ривожлантириш, янги спорт турлари, спорт туризми ва миллий спорт турлари билан шуғулланишига кўмаклашиш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш учун шарт-шароитлар яратадиган, шунингдек, ишчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиган иш берувчиларни рағбатлантириш;

аҳолининг турли ёш гуруҳлари қизиқишларини, қобилиятларини ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда соғлиғини мустаҳкамлаш, фаол ҳаракатланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларда ходимларнинг маданий савиясини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, жисмоний тарбия кўникмасини шакллантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ҳудудлар, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари фаолиятининг натижадорлигини муҳокама қилиш амалиётини жорий этиш; аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ишлари доирасида спорт муассасалари ҳамда давлат органлари ва жойларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг намунавий моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ишлаб чиқариш жисмоний тарбиясини меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилган тadbирлар тизимига киритиш, футбол, велоспорт, стол тенниси, бадминтон, енгил атлетика, волейбол, шахмат, шашка, арқон тортиш, баскетбол ва бошқалар бўйича спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш;

спорт юлдузлари иштирокида спорт тadbирлари ва оммавий жисмоний тарбия тadbирлари ўтказиш учун таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, спорт муассасаларининг спорт инфратузилмасидан фойдаланиш;

аҳолининг турли қатламларини қамраб олишни кенгайтиришга мўлжалланган «Спорт — ҳаёт тарзи» спорт ва жисмоний тарбия оммавий-мавзули тadbирларнинг турлари хилма-хил бўлиши ва тез-тез ўтказилишини таъминлаш;

хорижий етакчи спорт марказларида таълим олиш учун минтақалардан иқтидорли болаларни танлаш мақсадида спортнинг оммавий турлари бўйича спорт таълими муассасалари ўртасида мунтазам равишда минтақавий спорт мусобақаларини ўтказиш.

5.2. Жисмоний имконияти чекланган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш:

жисмоний имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш ҳамда Сурдлимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

имконияти чекланган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга шуғулланишлари учун жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида шароитлар яратиш ҳамда уларни махсус спорт жиҳозлари билан таъминлаш;

имконияти чекланган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг замонавий илмий асосланган усуллари, дастурлари ва технологияларини ишлаб чиқиш;

ихтисослаштирилган таълим муассасаларида имконияти чекланган шахсларга жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида имконияти чекланган болалар учун бўлинмалар ва махсус гуруҳларни ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

имконияти чекланган шахсларнинг жисмоний ва ижтимоий мослашуви ва интеграциясини дастурий-услубий таъминлаш;

имконияти чекланган шахсларни спорт-соғломлаштириш туризмига жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

жисмоний имконияти чекланган шахслар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини олиб боровчи кадрларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

5.3. Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида жисмоний тайёргарликнинг самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, техник ва амалий, ҳарбий-амалий, шунингдек, яккакураш спорт турларини ривожлантириш:

чақириққача ёшларни спорт ва техник тайёрлаш тизимини модернизация қилиш, шу жумладан техник ва амалий, ҳарбий-амалий, шунингдек, яккакураш спорт турларини молиявий таъминлашни ошириш;

махсус хизматни ўтаётганлар, ҳарбий хизматчилар ва шахсларнинг барча тоифалари ўртасида уларнинг қизиқиш ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия ва оммавий спорт ишларини олиб бориш;

ҳарбий хизматчилар ва махсус хизматни ўтаётган шахслар ўртасида оммавий спорт ишлари бўйича ҳар йили кўрик-танловлар ўтказиш;

спортнинг техник ва амалий, ҳарбий-амалий ҳамда яккакураш спорт турларини ривожлантириш дастурларини қабул қилиш;

спортнинг техник ва амалий, ҳарбий-амалий, шунингдек, яккакураш турлари бўйича идоралараро жисмоний тарбия ва спорт тadbирларини ўтказиш;

«Армия ўйинлари» дастурига киритилган ва регби спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш;

тизимдаги таълим муассасаларида «Армия ўйинлари» дастурига киритилган спорт турлари бўйича факультатив машғулотлар ва тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш;

спортнинг техник ва амалий, ҳарбий-амалий, шунингдек, яккакураш турлари бўйича замонавий асбоб-усқуналар ҳамда инвентарлар билан таъминлаш;

спортнинг техник ва амалий, ҳарбий-амалий, шунингдек, яккакураш турлари бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш.

5.4. Мактабгача, мактаб, профессионал ва олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш:

мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг инновацион усулларини такомиллаштириш ва қўллаш орқали болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ҳамда оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш;

кичик ёшдан болаларда спорт билан шуғулланишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда уларнинг муайян кўрсаткичлари асосида қайси спорт билан шуғулланишини аниқлаш, мустақил режалаштириш қобилиятини ривожлантириш;

соғломлаштириш ва бошланғич тайёрлов босқичларида болаларни биринчи навбатда умумий жисмоний ривожланиш ва бирор-бир спорт турига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, шуғулланувчиларнинг «жисмоний тарбия» фанини ўзлаштиришига кўмаклашиш;

спорт таълими муассасаларини бошқариш ва самарадорлигини таҳлил қилишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш;

жамоавий ўйин спорт турларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган синф ва мактабларни барпо этиш амалиётини кенгайтириш орқали умумтаълим мактабларида оммавий спортни ривожлантириш;

умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Мактаб спорти» фестиваллари ҳамда ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар, шу жумладан «Мактаб футбол лигалари»ни ташкил этиш ва ўтказиш;

жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг маълум бир спорт тури бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътиборини қаратган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

спорт машғулотлари ўтишнинг замонавий назарияларини ўзлаштириш, спорт психологиясини тушуниш, спорт тайёргарлиги даврида тиббий назоратни амалга ошириш нуқтаи назаридан тренерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш;

бўлажак тренер ва мутахассис кадрларда ўз фаолиятига мойиллик ва ижодкорлик қобилиятлари мавжудлигини аниқлаш ва баҳолаш имконини берувчи услубларни ишлаб чиқиш;

спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини, хусусан олий маълумотга (бакалавр, магистр) эга бўлганлар сонини босқичма-босқич ошириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини, шу жумладан спорт бошқаруви соҳасига ёш кадрлар кириб келишини рағбатлантириш;

аввало чекка ҳудудларда жойлашган, ўқувчи-спортчилар сони кам бўлган спорт мактаблари тренерларига кўшимча янги ихтисослик ва малакаларни ўзлаштириш имконини берадиган қайта тайёрлаш тизимини жорий қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича стандартлаштирилган дастур ишлаб чиқиш ҳамда «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув» йўналиши бўйича малака ошириш тизимини яратиш ва битирувчиларга спорт муассасаларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш имконини бериш;

спорт таълими муассасалари раҳбар ходимлари лавозимига номзодлар ўртасида танлов асосида саралаш амалиётини жорий қилиш ва уларни рағбатлантиришни кучайтириш;

тренер ва мутахассисларнинг масофавий малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими самарадорлигини яхшилаш ва қамровини кенгайтириш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш мазмуни ва методларини янгилаш, баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

олий таълим муассасаларининг спорт бўйича сиртқи таълим йўналишлари учун қабул квоталарини ошириш, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тавсияси асосида спорт мутахассисларига кучли эҳтиёж мавжуд бўлган чекка тоғли ва чўл ҳудудлардаги абитуриентлар учун имтиёзли қабул квоталарини белгилаш механизминини жорий этиш;

тренер ва спорт мутахассис ходимларининг янгиланган малака талабларини жорий қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт тизимидаги спорт таълими сифатини баҳолашни ташкил этиш мақсадида спортчиларнинг тайёргарлиги, муассаса самарадорлиги даражасини баҳолашга йўналтирилган мезонларни ишлаб чиқиш;

ёш тренер ва мутахассисларни касбий қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириш;

таълим муассасаларида болалар ва ўсмирлар спорт жисмоний тарбия жамоаларини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида бодибилдинг ва фитнес клублари тизимини ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзи тарғиботини йўлга қўйиш;

барча турдаги спорт таълими муассасаларида имконияти чекланган болалар учун жисмоний тарбия таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишда шуғулланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавфсизликни таъминлаш бўйича талабларни белгилаш.

5.5. Спорт турларини ривожлантириш, иқтидорли болалар ва ёшларни танлаш, юқори малакали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш, спортчилар ҳамда тренерларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш:

а) болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш, селекция ва сифатли спорт захирасини тайёрлаш тизимини ривожлантириш:

илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда спортчилар тайёрлаш методологиясини такомиллаштириш, спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибини сифатли тўлдириш учун спорт захирасини шакллантириш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлаш жараёнига инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

спорт мусобақаларини ўтказиш механизмларини қайта кўриб чиқиш ва энг қобилиятли спортчиларни аниқлашда шаффофликни таъминлаш, тегишли халқаро спорт федерациялар (уюшмалар) регламентларига мослаштириш;

болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини ҳамда уларнинг фаол спорт фаолиятига киришишларини таъминловчи асосий муассаса ҳисобланган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тармоғини кенгайтириш;

спорт турлари бўйича республика мусобақаларини мактаб жамоалари ўртасида ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

аҳоли сонидан ва қизиқишларидан келиб чиқиб болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сонини ошириш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактабларини ташкил этишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

замонавий спорт технологияларини ҳисобга олган ҳолда спорт турлари бўйича спорт мактабларининг ўқув-машғулот дастурларини ишлаб чиқиш;

иқтидорли спортчиларни аниқлаш учун спорт турлари бўйича минтақавий, республика саралаш мусобақалари, шу жумладан спорт мактаблари, таълим муассасалари ва спорт клублари ўртасида ўқув-машқ йиғинлари ўтказилишини таъминлаш;

спорт турлари бўйича республика Олий спорт маҳорати мактабларида иқтидорли спортчиларни аниқлаш, уларни миллий терма жамоаларга жалб этишга масъул Бош тренер-селекционер штатларини жорий этиш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорларининг жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш.

б) ёшлар, шу жумладан талабалар спортини ривожлантириш:

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун қўшимча шароитлар яратиш, киберспорт турини тизимли ривожлантириш;

«Болалар спорт ўйинлари»нинг жамоавий ўйин турлари бўйича республика босқичи ғолибларига (1-ўрин) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида мутахассислик фанларидан максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ёшлар жамоат ташкилотлари ва кўнгиллилар ҳаракатини ривожлантириш;

Ўзбекистонда талабалар спортини янада ривожлантириш, жумладан ҳар бир олий таълим муассасаларида спорт клубларини ташкил этиш ва уларни камида битта спорт турига ихтисослаштириш, шунингдек, «Универсиада» спорт мусобақаларининг барча босқичларини ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари битирувчиларига олий таълим муассасасининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишларига ўқишга киришда ўтказиладиган касбий (ижодий) имтиҳонларда қўшимча баллар кўринишида имтиёз беришни жорий этиш;

истеъдодли спортчиларни аниқлаш учун спорт турлари бўйича республика мусобақалари ўтказилиши, шу жумладан уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларининг барча босқичлари танқидий таҳлил қилинишини ва мониторинг олиб борилишини жорий этиш.

в) тренер ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни кучайтириш:

селекция бўйича тренер томонидан спорт мактабларига жалб қилинган спортчиларнинг натижаларига мувофиқ тренерларни базавий тариф ставкасининг уч бараваригача бўлган миқдорда рағбатлантириш;

мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия фан олимпиадаси, «Болалар спорт ўйинлари»нинг ғолибларини тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини ҳамда спорт таълими муассасалари тренерларини пул мукофотлари билан рағбатлантириш;

жисмоний тарбия фанидан олимпиада, мусобақалар ғолибларини тайёрлаган умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари, спорт таълими муассасаларининг тренерларини аттестацияга жалб этмаган ҳолда уларга малака тоифалари бериш;

г) олий спорт ютуқларини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш:

барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақаларни ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши чоралар кўриш;

барча турдаги спорт мактабларида селекция бўйича тренер, диетолог, психолог, фармаколог, массажчи лавозимларини жорий этиш;

худудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман (шаҳар) умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларини камида биттадан устувор (олимпия спорт турлари), истиқболдаги (спортнинг ўйин ҳамда миллий турлари), айниқса, турдош спорт турларига ихтисослаштириш;

келгусида олий таълим муассасалари базасида ихтисослаштирилган олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг спорт тайёргарлик марказларини ташкил этиш;

республикада барча турдаги мусобақаларни тўрт босқичда ўтказиш асосида терма жамоаларнинг захирасини шакллантириш;

спорт мактаблари эришган натижаларга қараб улар мақомини қайта кўриб чиқиш ва белгилаш тартибини жорий этиш;

спорт таълими муассасаларини, шу жумладан идоровий жисмоний тарбия ва спорт жамиятларини ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўшимча таълим тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шунингдек, секциялар ва спорт клубларини ташкил этиш;

спорт паспортини жорий этиш ва мунтазам равишда юритиб бориш тизимини жорий қилиш натижасида спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланиб келаётган ва спорт мусобақаларида доимий равишда иштирок этувчи спортчилар эришган натижалари, тренерлари ва қайси спорт ташкилотларда фаолият юритиб келаётганлиги бўйича ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

спорт захирасини тайёрлаш тизимининг назарий-услубий ва тиббий-биологик асослари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш;

тайёргарликнинг жисмоний ва техник хусусиятлари, жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолатини баҳолаш асосида иқтидорли ёш спортчиларни кўп йиллик саралаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини модернизация қилиш, шу жумладан тайёрлаш жараёнини бошқариш тизимини такомиллаштириш;

спортчиларни, шу жумладан имконияти чекланган шахсларни тайёрлашда ҳамда тиббий таъминлашда инновацион технологияларни жорий этиш;

республиканинг тоғли худудларида спорт терма жамоалари учун Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш марказини қуриш;

худудларда қишки олимпия спорт турлари инфратузилмасини яратиш, ушбу спорт турларини оммалаштириш орқали профессионал спортчиларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

худудлардаги етакчи тренерларнинг спорт турлари бўйича Ўзбекистон спорт терма жамоаларида, шунингдек, чет элда амалиёт ўташ (стажировка) тизимини яратиш;

спорт тиббиёти мутахассисларини, спорт ҳакамларини тайёрлаш ва малакасини ошириш;

спортда тақиқланган воситалар ва усулларни қўллайдиган шахсларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш (допингга қарши курашиш);

спортчилар ва мураббийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, шу жумладан тайёрлаган спортчиларини бошқа спорт таълими муассасаси ёки клубларга ўтказган тренерларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш.

5.6. Халқаро спорт сиёсати ва халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш:

халқаро спорт ташкилотларида Ўзбекистон спорт ташкилотлари вакилларининг сонини кўпайтириш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

Осиё ва жаҳон спорт ташкилотлари, шунингдек, бошқа етакчи мамлакатларнинг спорт ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш;

имконияти чекланган шахсларни бирлаштирган халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

спорт шоу-бизнес ташкилотларини республикага жалб этиш;

биринчи навбатда узоқ вақт давомида спорт ютуқларига эриша олмаётган спорт турлари бўйича республика спорт жамоалари билан ишлаш учун халқаро даражадаги етакчи хорижий тренерларни жалб этиш;

халқаро майдонда Ўзбекистон спорти ва спортчиларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

спорт туризмни (айниқса ички) ривожлантириш мақсадида йирик спорт объектларини мамлакатнинг оммалашган туристик йўналишлари хариталарига киритиш, ҳудудларнинг спорт брендларини шакллантириш;

спорт мухлисларини, жумладан хорижлик спортчи ва мухлисларни кенг жалб қилиш ҳамда спорт инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида «хоспиталити хизматлари»ни йўлга қўйиш ва «Sport Visa» қўшимча (электрон бўлмаган) кириш виза тизимини жорий этиш.

5.7. Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини кадрлар, илмий-услубий, тиббий-биологик ва антидопинг қўллаб-қувватлашни ривожлантириш:

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш бўйича турли ташкилотларнинг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш тизими ва мезонини жорий этиш;

барча даражадаги жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви тизимини такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ахборотлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни жорий қилиш ишларини ташкил этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг спорт соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

а) жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари ҳамда замонавий фикрлайдиган маъмурий кадрларни тайёрлаш:

жисмоний тарбия ва спорт бўйича юқори малакали тренерлар, ҳакамлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари ва методологиясини янгилаш, спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида интенсив малака ошириш платформасини яратиш;

жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мослаштирилган (адаптив) спорт бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш, замонавий воситалар ва усуллардан фойдаланган ҳолда касбий қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

«энг яхши жисмоний тарбия ўқитувчиси, тренер, спортчи, спорт шифокори, психологи ва диетологи» республика кўрик-танлови ўтказилишини ташкил этиш;

тренер-ўқитувчилар тайёрлашнинг узлуксиз, кўп босқичли тизимини шакллантириш;

хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларни, шунингдек, турли даражадаги спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш;

юқори малакали тренерлар, ҳакамлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари ва методологиясини янгилаш, спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш;

спорт тайёргарлиги энг муваффақиятли тизимга эга бўлган мамлакатлардан мутахассисларни жалб этган ҳолда, янги фикрлайдиган тренерлар ва маъмурий кадрларни тайёрлаш учун энг янги спорт технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги маъмурий кадрлар тайёрлаш жараёнига спортни бошқаришнинг махсус дастурларини жорий этиш;

соҳанинг бошқарув тизимидаги мутахассисларини Sport Management (спортни бошқариш), Sport Leadership (спортда раҳбарлик қилиш), Sport Administration (спорт маъмуриятчилиги) йўналишлари бўйича етакчи жаҳон спорт марказларида тажриба орттиришларини ташкил этиш;

спорт муассасалари раҳбарлари ўртасида тажриба алмашинувини рағбатлантириш, ривожлантириш бўйича дастурларда уларнинг тизимли иштирок этишини таъминлаш;

б) жисмоний тарбия ва спортни илмий-услубий, тиббий-биологик таъминлаш ва антидопинг чораларини ривожлантириш:

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-услубий таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва спортда юқори натижаларни қўлга киритиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш, мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда мамлакатимиз спорт терма жамоаларини илмий-методик таъминлаш мақсадида Фанлар Академияси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;



Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Республика спорт тиббиёти ва реабилитацияси илмий-амалий марказини ташкил этиш;

республиканинг спорт соҳасидаги олимларини халқаро илмий ва таълим дастурларида иштирок этишини таъминлаш;

спорт терма жамоалари ва спорт захираларини тиббий-биологик таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

олий спорт ютуқлари ва спорт захирасини тайёрлаш, антидопинг таъминотини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

допингдан фойдаланишга қарши курашиш масалалари бўйича Олимпия ва Паралимпия миллий терма жамоалари, ҳудудий терма жамоалар мураббийлари ва шифокорларини ўқитиш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жисмоний тарбия ва спортда допинг воситалари ва тақиқланган усуллардан фойдаланганлик учун спортчилар, мураббийлар ва тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини кучайтириш;

спорт мусобақаларини тиббий таъминлаш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

спорт фаолиятини тамомлаган спортчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан самарали реабилитациясини ташкил этиш мақсадида ҳар бир ҳудуддаги тиббиёт бирлашмаларида спорт реабилитацияси бўлинмалари фаолиятини йўлга қўйиш;

спорт турлари бўйича ҳудудий терма жамоа аъзоларини ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ўсмирлар бўлимларида мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб бориш механизминини жорий этиш;

спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчилари учун илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш, тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда спорт соҳасида самарали тиббий ва фармакологик таъминотни йўлга қўйиш;

олимпия спорт турлари бўйича республика спорт мусобақаларида босқичма-босқич допинг-тест намуналарини олишни йўлга қўйиш;

янгиланган ўқув режалари ва дастурлар талабларини, шунингдек, етакчи жаҳон спорт марказларининг илғор тажрибасини, инновацион ривожланишнинг тегишли устуворликларини ҳисобга олган ҳолда, сифати ва мазмунига кўра замонавий ўқув, ўқув-методик ва оммавий адабиётларни тайёрлаш ҳамда нашр этишни ташкиллаштириш;

спортнинг оммавий турлари бўйича электрон таълим ресурсларида турли тилларда машқ жараёнларини ўтказиш юзасидан методик тавсияларнинг республика очиқ маълумотлар базасини ташкил этиш;

тиббиёт соҳасидаги реабилитация қилувчи инновацион усуллар ва технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда спортда интенсив жисмоний юкламалардан, шунингдек, спортчилар ва аҳоли касалликни бошдан кечирганидан, жароҳатланганидан кейин тиклаш тадбирларини амалга оширишда сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишини тизимли асосда ташкил этиш;

соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида соғлом овқатланишнинг аҳамиятини аҳолига кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ва тарғиб қилишни кучайтириш;

алмаштириб бўлмайдиган компонентлар, спорт билан шуғулланувчилар учун махсус озик-овқат маҳсулотлари ва овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар билан бойитилган озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

5.8. Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш:

спорт соҳаси субъектлари фаолиятини монетизация қилиш мақсадида «спонсоршип» (титул ҳомийлик, реклама дистрибуцияси, ахборот ҳамкорлиги) тизимини йўлга қўйиш ҳамда телевизион трансляция медиа ҳуқуқларини ўрта ва узоқ муддатли шартларда аутсорсинг тузилмаларига ўтказиб бориш;

спорт соҳасида букмекерлик фаолиятини легаллаштириш ва спорт лотереяларини ташкил этиш орқали спортни қўшимча молиялаштириш чораларини кўриш;

халқаро илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларида илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларига таяниш;

спорт таълими муассасаларининг спорт иншоотларини замонавий спорт анжомлари, жиҳозлар, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникалари, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш;

спорт таълими муассасаларида пуллик хизматларни кўрсатиш, шунингдек, ҳомийлик ва хайрия маблағлари орқали бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш амалиётини жорий этиш;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан спорт заллари, ётоқхона, ўқув бинолари қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш;

замонавий энергия ва ресурсларни тежайдиган, инновацион қурилиш технологияларини фаол жорий этиш ва улардан фойдаланиш асосида спорт муассасалари инфратузилмаси бинолари ва объектларини, шунингдек, умумтаълим муассасаларининг спорт иншоотларини босқичма-босқич қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни давом эттириш;

жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш бўйича инвестиция, давлат ва бошқа манзилли дастурларни келишиш;

худудларнинг ўзига хос иқлим хусусиятларини ҳисобга олиб, таниқли хорижий компанияларнинг илғор тажрибаси асосида қурилиш материалларидан, замонавий энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда спорт объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

#### 5.9. Давлат-хусусий шериклик асосида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш:

нодавлат жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини қуриш учун бепул асосда аҳоли учун қулай бўлган худудлардан доимий фойдаланишга ер майдонлари тақдим этиш;

жойларда барпо этиладиган давлат-хусусий шериклик нодавлат жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари реестрини шакллантириш орқали уларнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

мавжуд давлат жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан нодавлат жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари объектларини қуриш учун бепул асосда ер майдонларини тақдим этиш;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган нодавлат жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини моддий-техник ва молиявий таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллий спорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ускуналар, спорт кийимлари тикиш, бренд ва имидж маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва оммалаштириш соҳасида ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали ёрдам кўрсатиш.

#### 5.10. Соғлом турмуш тарзининг энг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш ҳамда бу жараёнда юқори даражали ахборотлаштиришни ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланишни таъминлаш:

жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

оммавий ахборот воситаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш, етакчи телевизион каналларнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича ишлари сифатини ошириш;

соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кинематографик, босма ва кўргазмалар маҳсулотлар, телерадиодастурларни ҳамда Интернет-ресурсларни яратиш ва тарқатиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш;

жисмоний тарбия ва спортнинг маънавий қадриятларини, Олимпия ғояларини тарғиб қилиш;

«Спорт барча учун» ҳаракати доирасида радио эшиттиришлар ва телевидениеда ахборот-таҳлилий кўрсатувлар туркумини эфирга узатиб бориш;

жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш самарадорлигини баҳолаб бориш;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни ташкил этишда аҳолига ахборот ёрдамини кўрсатиш;

таълим муассасаларида, ишхоналарда, аҳолининг яшаш ва дам олиш жойларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни, айниқса, жисмоний соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда Интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш;

спорт тарғиботига етакчи спорт мутахассислари, спортчилар, сиёсатчилар, жамоат арбоблари, актёрларни фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзи ва спорт билан шуғулланишни тарғиб қилишда ижтимоий рекламадан фойдаланиш;

мамлакатда ва чет элда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва реклама қилишни такомиллаштириш;

аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш ва тарғиб қилиш бўйича илмий-услубий, ижтимоий-оммабоп материаллар ҳамда қўлланмаларни нашр этиш;

илғор хорижий тажриба асосида жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасида ахборот ва статистика маълумотларини тўплаш ҳамда уларни пухта ишлаш тизими ва усулларини такомиллаштириш.

#### 4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

6. Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини 2025 йилгача ривожлантиришда қуйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

мамлакат аҳолисининг саломатлик даражасини яхшилашга эришилади;

жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолининг умумий сони 30 фоизгача, ўқувчи ва талабаларнинг умумий сони 20 фоизгача оширилади;

олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлиги 60 фоизгача оширилади;

спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркиби, хусусан олий маълумотли ходимлар сони босқичма-босқич 51 фоиздан 80 фоизгача етказилади;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларидаги олий тоифали тренер-ўқитувчилар ҳиссаси 72 фоизгача оширилади;

Ўзбекистон спорт терма жамоасининг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, жаҳон, китъа ва Осиё спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиши таъминланади;

Ўзбекистонда Осиё, Жаҳон чемпионати, Осиё ва Жаҳон кубоги нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш кўрсаткичлари 34 тага оширилади;

спорт таълими ва тайёргарлиги тизимининг мазмуни сифат жиҳатидан яхшиланади, спорт мактабларида устувор олимпия спорт турлари бўйича бўлимларни очиш орқали спорт турлари улуши 32 тага оширилади;

иктидорли спортчи-ёшларни саралаш ва уларни миллий терма жамоаларга жалб этишгача бўлган жараён босқичма-босқич, тизимли амалга оширилади;

спортчилар фаолияти ва эришаётган спортдаги ютуқлари тўғрисида мунтазам янгиланиб бориладиган ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилади;

спорт таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва маблағ билан таъминлаш самарадорлиги оширилади, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълими тизимида соғлом рақобат муҳити яратилади;

ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда «таълим муассасаси-спорт мактаби ва олий спорт» тамойилида узвийлик тизими жорий этилади;

самарали фаолият кўрсатаётган спорт мактабларига олимпия захиралари спорт мактаблари макоми берилади;

соҳада фаолият кўрсатишнинг жозибадорлиги, спорт таълими муассасалари мутахассис ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражаси оширилади;

олий таълим муассасаларида «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил  
24 январдаги ПФ-5924-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

#### Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида					
			2020	2021	2022	2023	2024	2025
<b>I. Аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлигини ошириш</b>								
1.	Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолининг умумий сони	Фоизда	18	20	24	26	28	30
2.	Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ўқувчи ва талабаларнинг умумий сони	Фоизда (ўқувчи ва талабаларнинг умумий сонига нисбатан)	11	12	14	16	18	20

3.	Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини ошириш.	Фоизда (аҳолининг сонига нисбатан)	15	18	22	25	28	30
4.	Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Талабалар спорт ўйин-лари» ни ўтказиш.	Олий таълим муассасалари	25	30	35	40	45	50
		Иштирокчилар сони (минг)	65	78	91	104	147	130
5.	Аҳоли ўртасида «Ёшлар ҳафталиги», «Хотин қизлар ҳафталиги», «Маҳалла ва Нуронийлар ҳафталиги», «Таълим муассасалари ҳафталиги» тадбирларини ташкил этиш.	Мусобақалар сони	36000	38000	40000	42000	44000	46000
		Иштирокчилар сони (млн)	2,8	3	3,2	3,5	3,8	4
6.	«Армия ўйинлари» дастурига киритилган спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини ташкил этиш.	Мусобақалар сони	24	26	28	30	32	34
		Жалб этилганлар сони	1800	1950	2100	2250	2400	2550
7.	Олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш.	Фоизда (фойдаланиш даражаси)	37	40	45	50	55	60
<b>II. Спорт турларини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни танлаш, юқори малакали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш чораларини кўриш</b>								
8.	Спорт терма жамоаларини халқаро спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш.	Мусобақалар сони	230	235	240	245	250	255
9.	Ўзбекистонда Осиё, Жаҳон чемпионати, Осиё ва Жаҳон Кубоги нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш.	Мусобақалар сони	24	25	28	30	32	34
10.	Спорт турлари бўйича халқаро федерациялар ва йирик спорт ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, терма жамоалар билан ишлайдиган тренерлар ва бошқа мутахассислар малакасини ошириш ва амалиёт (стажировка) ўташларини ташкиллаштириш.	Малакасини оширганлар сони	10	15	20	25	33	40
11.	Спорт паспортини бериш орқали спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланиб келаётган ва спорт мусобақаларида доимий равишда иштирок этувчи спортчилар ягона маълумот базасини шакллантириш.	Фоизда (спортчилар сонига нисбатан)	10	20	35	55	75	100
12.	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларнинг республика календарь режасини молиялаштириш орқали мусобақалар сонини ошириш.	Мусобақалар сони	530	530	530	530	530	530
<b>III. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш</b>								
13.	Спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич ошириш.	Фоизда (жами тренерларсониганисбатан)	54	58	62	69	74	80
14.	Спорт таълими муассасаларида фаолият юритаётган спорт	Фоизда (жами)	3	4	5	6	7	8

	ҳакамларини тайёрлаш ва малакасини ошириш.	тренерларсониганисбатан)						
15.	Олий маълумотли жисмоний тарбия ва спорт кадрларга эҳтиёжни тўлдириш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалига қабул кўрсаткичларини ошириш.	Бакалавриат	1250	1300	1350	1400	1450	1500
Магистратура		100	120	120	120	120	120	
Сиртки		650	650	650	650	650	650	
Махсус сиртки		550	550	550	550	550	550	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил  
24 январдаги ПФ-5924-сон Фармонига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача  
ривожлантириш концепциясини 2020 йилда амалга ошириш бўйича  
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Худудларда спорт турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш</b>					
1.	Худудларда спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш.	Спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан: <b>1) кураш</b> бўйича эркалар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ( <i>Тошкент вилояти</i> ); <b>2) бадминтон</b> бўйича эркалар ва аёллар ўртасида шахсий-жамоавий Ўзбекистон чемпионати ( <i>Тошкент ва Бухоро шаҳарлари</i> ); <b>3) дзюдо</b> бўйича Ўзбекистон чемпионати ( <i>Бухоро вилояти</i> ); <b>4) бадий гимнастика</b> бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ( <i>Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятлари</i> ); <b>5) волейбол</b> бўйича эркалар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатларини ( <i>Бухоро, Наманган, Навоий, Самарқанд, Фаргона ва Тошкент шаҳарлари</i> ); <b>6) велоспорт</b> бўйича Ўзбекистон чемпионати ( <i>Тошкент шаҳри</i> ); <b>7) шахмат</b> бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон чемпионати (рапид, блиц ва стандарт) ( <i>Самарқанд шаҳри</i> ); <b>8) стол тенниси</b> бўйича эркалар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ( <i>Фаргона вилояти</i> ); <b>9) енгил атлетика</b> бўйича	Февраль Февраль Февраль Март Июль Сентябрь Октябрь Ноябрь Декабрь Декабрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерацияларига (уюшмаларига) ажратилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари)

		Ўзбекистон чемпионатлари (Урганч ва Тошкент шаҳарлари); <b>10) бокс бўйича</b> эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатлари (республика бўйича).			
2.	Ўзбекистон худудида халқаро оммавий спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этиш.	Халқаро спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан: <b>1) Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини</b> учун кураш бўйича «Захириддин Муҳаммад Бобур» хотирасига бағишланган <b>I Халқаро турнир</b> (Андижон вилояти); <b>2) «Tashkent Marathon»</b> халқаро марафони (Тошкент шаҳри); <b>3) шахмат бўйича «Қарши опен-2020»</b> халқаро турнири (Қарши шаҳри); <b>4) «Save Aral»</b> халқаро экомарафони (Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри); <b>5) дзюдо бўйича «Гран При»</b> халқаро турнири (Тошкент шаҳри).	Май Март Август  Октябрь Ноябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси, спорт федерацияларига (уюшмаларига) ажратилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар, Миллий Олимпия кўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари)
3.	Бешта муҳим ташаббус и амалиётга тўлиқ жорий этишни таъминлаш	1. Иккинчи ташаббус доирасида тизимли равишда « <b>Ёшлар ҳафталиги</b> », « <b>Маҳалла ва нурунийлар ҳафталиги</b> », « <b>Таълим муассасалари ҳафталиги</b> », « <b>Хотин-қизлар ҳафталиги</b> » мусобақаларининг календарь режасини тасдиқлаш. 2. Маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда аҳоли ўртасида <b>5 500 дан</b> ортиқ оммавий спорт мусобақалари ва тадбирларини тизимли равишда ўтказиш орқали аҳолининг кенг қатламларини оммавий жисмоний тарбия ва спортга жалб этилишини таъминлаш. Ўтказиладиган мусобақаларга аҳолининг <b>30 фоизини</b> қамраб олиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулладиган аҳолининг умумий сонини <b>18 фоизга</b>	Январь  Йил давомида	Ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар

		ётказиш.			
4.	Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда худудлардаги йирик корхоналар ва ташкилотларда ходимларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, жисмоний тарбия кўникмасини шакллантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Худудлар кесимида барча корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари ходимлари ўртасида спорт турлари бўйича <b>«Бош вазир кубоги»</b>, <b>«Ҳоким кубоги»</b>, <b>«Раҳбар кубоги»</b>, <b>«Дўстлик спартакиадаси»</b> спорт мусобақаларини ўтказиш.</p> <p>2. Тизимли равишда ҳар бир туман шаҳарда <b>«Мактаблар лигаси»</b>, <b>«Спорт мактаблари лигаси»</b>, <b>«Профессионал футбол мактаблари лигаси»</b>, маҳалла ёшлари ўртасида <b>«Маҳаллада футбол»</b>, <b>«Футболимиз келажаги»</b>, <b>«Чарм-тўп»</b> футбол мусобақаларини ўтказиш.</p> <p>3. Тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича худудлар, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари <b>фаолиятининг натижадорлигини ҳар чоракда бир марта муҳокама қилишни амалиётга жорий этиш.</b></p>	1 мартдан бошлаб  1 апрелдан бошлаб	Ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, хўжалик ирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар
5.	Жойлардаги урф-одат тусига кирган миллий халқ ўйинлари ҳамда миллий кадриятларни қайта тиклаш, аҳолининг кенг қатламини айниқса, ёшларни миллий спорт турлари ва халқ ўйинларига бўлган	<p>1. Мамлакатнинг байрам саналарида, жумладан, 21 март <b>«Наврўз»</b> умумхалқ байрами арафасида миллий ва халқ ўйинлари бўйича барча худудларда спорт мусобақалари ва фестивалларини ташкил этиш.</p> <p>2. Ёшлар ўртасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини кенг тарғиб қилиш мақсадида <b>миллий кураш, улоқ-кўпқари, чиллак, минди, ланка, бештош, варрак учирини</b> каби мусобақаларни ўтказиш.</p>	1 февралдан бошлаб  йил давомида	Ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари

	қизиқишларини ошириш.				
6.	<b>2021 йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари республика календарь режасини шакллантириш ва тасдиқлаш.</b>	<p>1. Спорт федерациялари (уюшмалари) ва жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тақдимномаларини умумлаштириш.</p> <p>2. Спорт федерациялари (уюшмалари) ва жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тақдимномалари бўйича 2021 йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари республика календарь режасини шакллантириш ва тасдиқлаш.</p>	1 ноябрга қадар  15 ноябрга қадар	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерацияларига (уюшмаларига) ажратилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги
7.	2021 йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари республика календарь режаси асосида <b>худудий ва туман (шаҳар) календарь режаларини тасдиқлаш.</b>	2021 йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари республика календарь режаси асосида худудий (вилоят, туман, шаҳар) календарь режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1 декабрга қадар	Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ва туман (шаҳар) бюджетларига ажратилган маблағлар доирасида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари
8.	Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи <b>«Жисмоний тайёргарлик даражаси»</b> синовларини жорий қилиш.	1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритиш. Бунда: жисмоний тайёргарлик даражасини аниқловчи мезонларни мураккаблик даражасини махсус жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган вазирлик ва идоралар учун алоҳида ҳамда аҳолининг барча қатламлари учун ёш тоифаларини инobatга олган ҳолда алоҳида белгилаш; аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларни соғлом бўлишга, уларнинг спорт билан чиниқишига, жисмоний тарбия ва спортни кундалик турмуш тарзига айлантириш; аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши бўйича билим ва кўникмаларни ошириш; республиканинг чекка худудларида соғломлаштириш ишларини ривожлантириш;	2020 йил 1 июнга қадар  Йил давомида	Ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар



		<p>ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига амал қилишини назарда тутиш.</p> <p>2. «<b>Жисмоний тайёргарлик даражаси</b>» жисмоний тайёргарлик синовларини ўтказишни жорий этиш орқали <b>4,9 млн</b> нафар (жами аҳоли сонига нисбатан <b>15 фоиз</b>) аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини ошириш.</p>			
9.	<p>Спортчи ёшларни саралаш ва иқтидорли <b>спортчиларни танлаб олиш, спорт захирасини шакллантириш тизимини йўлга қўйиш,</b> ёшлар орасида оммалаштириш, юқори натижаларга эришишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсадида <b>9 та</b> шаҳар, <b>26 та</b> чекка туман, қишлоқларда янгидан <b>36 та</b> болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этиш. Бунда, <b>540</b> нафар тренерларни иш билан таъминлаш, бир кунда қўшимча равишда <b>30 384</b> нафар ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб қилишни назарда тутиш.</p> <p>2. Спорт мактаблари эришган натижаларига кўра уларнинг мақомини қайта кўриб чиқиш ва белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>1 мартга қадар</p> <p>1 майга қадар</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги</p>
10.	<p>Маънавий баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, ватанпарвар инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш, Ватанига хизмат қилишга фидойи бўлган номзодлар</p>	<p>Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Қуролли Кучлар тизимидаги таълим муассасалари, жумладан, «<b>Темурбеклар мактаби</b>» ўқувчи-талабалари у?ун «<b>Армия ўйинла?и</b>» дастурига киритилган спорт турлари бўйича факультатив машғулотлар ва тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>1 декабрга қадар</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

	ни мақсадли ва тизимли равишда тайёрлашни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш.				
<b>II. Халқаро мусобақаларда спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш</b>					
11.	Токио шаҳрида (Япония) 2020 йилда ўтказилган <b>XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинлари</b> да спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш.	1. Спорт турлари бўйича федерациялар ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда спортчиларнинг Олимпиадага лицензияни қўлга киритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилишини қатъий назоратга олиш, бу борада режалаштирилган ҳар бир спорт тури бўйича лицензияларнинг олинishi жараёнини ҳар 15 кунда муҳокама қилиб бориш. 2. Ўзбекистон делегациясини Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида қатнашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритиш.	Ҳар 15 кунда  1 майга қадар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги
12.	Париж шаҳрида (Франция) 2024 йилда ўтказиладиган <b>XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинлари</b> га тайёргарлик кўриш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритиш. Бунда, шу жумладан Ўзбекистон спортчиларини Париж шаҳрида (Франция) 2024 йилда ўтказиладиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўрт йиллик дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1 декабрга қадар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги
13.	Туркияда бўлиб ўтадиган <b>Бутунжаҳон кўчманчи халқлар</b>	1. Ўзбекистон спорт терма жамоаси таркибини шакллантириш. 2. Ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш.	1 декабрга қадар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, спорт

	ўйинлари да спортчилар нинг муносиб иштироки ни таъминлаш				федерациялари (уюшмалари)
<b>III. Спорт инфратузилмасини ривожлантириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва рағбатлантириш</b>					
14.	Спорт <b>инфратузилмасини янада ривожлантириш.</b>	1. Бир кунда <b>23 920</b> нафар ёшларни қамраб олиш имкониятига эга бўлган <b>44 та</b> замонавий спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш ва халқаро талаблар асосида асбоб-ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш. 2. Бир кунда <b>6 600</b> нафар ўқувчиларни қамраб олиш имкониятига эга бўлган <b>55 та</b> умумтаълим мактабларида замонавий спорт заллари барпо этиш.	Йил давомида	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари
15.	Республикада спортнинг жамоавий ўйин турларини янада ривожлантириш, федерациялар ва унинг ҳудудий бўлимлари моддий-техника базасини ҳолатини янада мустаҳкамлаш ва замонавий инфратузилмани яратиш, спорт анжомлари ва ускуналар билан жиҳозлаш, спорт таълим муассасала	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритиш. Бунда: бошқарув тизимини такомиллаштириш; ривожлантиришга йўналтирилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш; мавжуд моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш, спорт туризмини ривожлантириш; кадрлар салоҳиятини янада ошириш, юқори малакали, чуқур касбий билимларга эга бўлган малакали тренерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларни илмий-услубий таъминлаш ва тиббий хизматни ривожлантириш назарда тутилади.	1 майга қадар	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

	рини спортнинг ўйин турлари бўйича малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш.				
16.	Спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланиб келган ва спорт мусобақаларида доимий равишда иштирок этувчи спортчиларнинг <b>ягона маълумот базасини шакллантириш мақсадида</b> спорт паспортини жорий этиш ва мунтазам равишда юритиб бориш тизимини жорий қилиш.	Спорт паспортини пластик карточка шаклида юритишни жорий этиш ва мунтазам равишда юритиб бориладиган электрон тизимни жорий қилиш.	1 апрелга қадар	Жисмоний ва юридик шахслар	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Сертификациялаш ва компьютерлаштириш маркази
17.	Таклифлар асосида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, <b>ҳар бир олий таълим муассасаларини маълум бир спорт</b>	1. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, ҳар бир олий таълим муассасаси ва умумтаълим мактабларини маълум бир спорт турига ихтисослаштириш. 2. Ихтисослаштирилган туман (шаҳар), умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларини спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) томонидан методик таъминлаш ва спорт	1 июнга қадар  1 августга қадар	Ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	<b>турига ихтисослаштириш.</b>	инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш.			
18.	Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши даги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва фан дастурларини такомиллаштириш.	Жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги бакалаврият ва магистратура мутахассисларига маълум бир спорт тури бўйича таълим бериш ва ихтисослиги бўйича диплом бериш амалиётини жорий этиш.	2020/2021 ўқув йилига қадар	—	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
19.	Спорт соҳасидаги ютуқларни муносиб равишда рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш.	1. Педагог кадрларга малака тоифалари бериш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш орқали такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритиш. Бунда, умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига улар тайёрлаган ўқувчиларнинг эришган амалий машғулотлари натижалари асосида малака тоифаларини бериш тизимини жорий этишни назарда тутиш. 2. Қуйидагиларни белгиланган тартибда амалиётга жорий этиш: Спорт соҳасидаги ютуқларни муносиб равишда рағбатлантириш мақсадида «Болалар спорт ўйинлари»нинг жамоавий ўйин турлари бўйича республика босқичи ғолибларига (1-ўрин) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида соҳа бўйича мутахассислик фанидан максимал балл олиш ҳуқуқини	1 апрелга қадар  Февраль ойидан бошлаб	—  Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги

		<p>берувчи, уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилиш.</p> <p>Ушбу мусобақа ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 бараваригача миқдорида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирлашни йўлга қўйиш;</p> <p>Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия фан олимпиадасининг ғолиб ва совриндорларини тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт таълим муассасаларининг тренерларини малака аттестациясига жалб этмасдан уларга навбатдаги малака тоифаларини тўғридан-тўғри бериш;</p> <p>Республика (1-ўрин) ва халқаро мусобақаларда (Олимпия ва Паралимпия ўйинларида, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатида ва Осиё чемпионатида 1 — 3-ўринлар) ғолиб чиққан олий таълим муассасалари талабаларини тайёрлаган жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги кафедралар ўқитувчиларига навбатдаги илмий унвонларни (доцент, профессор) тўғридан-тўғри бериш.</p>			
20.	<p>Илғор халқаро таълим стандартлари ва талабларини инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш ва</p>	<p>1. Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент фармацевтика институти ва бошқа шу йўналишлардаги олий таълим муассасаларида спорт тиббиёти, фармакологияси, реабилитологияси, психологияси ва диетологияси бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш.</p> <p>2. <b>Россия Федерациясининг П.Ф. Лесгафт номидаги Миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш университетининг</b> қўшма факультетини ташкил этиш ва</p>	<p>2020/2021 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>1 апрелга қадар</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги</p>

	сифатини ошириш.	<p>«спорт психологияси», «спортчиларни тайёрлаш» йўналишлари бўйича магистрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.</p> <p>3. Олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари битирувчиларига жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ихтисослашган спорт тури бўйича тренер квалификациясини бериш амалиётини жорий этиш.</p> <p>4. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва фан дастурларини такомиллаштириш.</p> <p>5. Спорт таълим муассасаларини олий маълумотли тренерлар билан таъминлаш даражасини <b>54 фойизга</b> етказиш.</p>			
21.	Совриндор спортчиларни тайёрлаганлиги учун тренерларни қўшимча моддий рағбатлантириш.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи-спортчининг спортдаги натижалари яхшиланганда ва у бошқа юқори даражадаги спорт таълими муассасасига ўтказилганда, уни тайёрлаган тренерга мукофот пули тўлаш; спортчини янги қабул қилинган спорт таълим муассасасидаги (янги) тренерларга унинг иштирокида эришган кейинги натижалари бўйича устамалар белгилашни назарда тутиш.</p>	1 февралдан бошлаб	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
22.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Республика спорт тиббиёти ва	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>2. Қарор лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	1 майга қадар	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

	реабилитацияси илмий-амалий марказини ташкил этиш.				
23.	Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш.	1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш. 2. Қарор лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	1 октябрга қадар	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
24.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт муассасалари ва спорт иншоотларида пуллик хизмат кўрсатиш тартибини такомиллаштириш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритиш. <b>Бунда, 2021 йили январь ойидан бошлаб давлат спорт муассасаларида:</b> абонемент ва унга тўланадиган маблағлар ҳисоби бўйича ягона маълумотлар ахборот тизимини ишлаб чиқиш; киришни қатъий электрон абонемент (QR-код ёки чип) асосида жорий этиш; кўрсатиладиган хизмат турлари ва нархларини белгилаш тартиби; кўрсатилган пуллик хизматлар учун тўланган тўловнинг тақсимланиши; кўрсатилган пуллик хизматлардан тушган маблағларнинг мақсадли сарфлаш бўйича: спорт анжомлари ва усқуналари билан таъминлаш; абонементлар тўловларини алоқасиз шаклда жорий этиш; абонементларни электрон шаклда олиш имкониятини яратиш; иншоотларга кириш ва ўтиш жойларида видеокузатув мосламалари ҳамда турнирлар ўрнатилишини таъминлаш назарда тутилади.	1 ноябрга қадар	Ўз маблағлари, ҳомийлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
25.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида <b>волонтер</b>	1. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ёшлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш;	1 ноябрга қадар	Ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ёшлар иттифоқи



	ик харакатин и ривожлант ириш.	2. Оммавий спорт тадбирларида волонтерлар томонидан амалга ошириладиган вазифалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; 3. Волонтерларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.		ҳисобидан	
26.	<b>Спорт лотереяси ни ташкил этиш</b> ва ўтказишни йўлга қўйиш.	Республикада «Спортлото» лотереяларини ўтказишни ташкил этиш. Бунда, лотерея ўйинлари ўтказиш орқали бюджетдан ташқари маблағлар шакллантирилади ва мазкур маблағлар: спортни янада ривожлантириш дастурларини амалга ошириш; вазирлик ва унинг тизимидаги ходимларини рағбатлантириш, хизмат сафарлари харажатларини тўлаб бериш; моддий-техник базани ривожлантириш харажатларни молиялаштириш; муассислигидаги муассасалар, корхоналар, ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.	15 ноябрга қадар	Ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
27.	Аҳолининг жисмоний тарбия билан бепул шуғуллани ши учун яратилган шарт- шароитлар устидан тизимли мониторин г олиб бориш.	1. Мониторинг олиб бориш тартибини белгилаш. 2. Мониторинг натижаларини ҳудудлар кесимида умумлаштириш ҳамда мониторинг натижаларини муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	1 февралда н бошлаб ҳар чоракда бир марта	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
28.	Спортни оммалашт ириш, спорт тадбирлар ининг кенг ёритилиши ни таъминлаш .	Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтириш, хусусан юқори натижаларга эришиб келаётган спортчиларимиз ҳаёти ва фаолиятини ёшларга намуна қилиб кўрсатишга қаратилган ойма-ой медиа- режани тасдиқлаш. Медиа-режада қуйидагиларни назарда тутиш: жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросига бағишланган	1 февралда н бошлаб	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий телерадиокомпани я, Миллий ахборот агентлиги

		<p>брифинг ва матбуот анжуманларини ўтказиш; юксак натижаларга эришиб келаётган спортчиларнинг шахсий ҳаёти (турмуш тарзи) ва спорт фаолиятига бағишлаб «Спортчининг бир куни» рукнидаги телекўрсатувларни эфирга бериш; миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари тарғиботини кучайтиришга қаратилган кўрсатувлар, ушбу йўналишдаги мусобақалар намоишини (телетрансляцияси)ни йўлга қўйиш;</p> <p>Ўзбекистонда спорт инвентарлари ва жиҳозларини ишлаб чиқараётган корхона ва ташкилотлар фаолиятини кенг ёритиб бориш (<b>Андижон, Наманган, Самарқанд ва Чирчиқ шаҳарлари мисолида</b>);</p> <p>ёшлар орасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари (миллий кураш, улоқ-кўпқари, чиллак, минди, ланка, бештош, варрак учириш ва ҳ.к.)ни кенг тарғиб қилишга қаратилган туркум ижтимоий видеороликлар тайёрлаш; Токио-2020 олимпиадасига спортчиларнинг тайёргарлик жараёни, бу борада уларга яратилаётган шароитлар тўғрисида кўрсатувларни эфирга бериш (Олимпия ва Паралимпия ўйинларига лицензияни қўлга киритган спортчилар тўғрисида).</p>			
29.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 йилда амалга ошириш бўйича бажарилган ишларни чуқур таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлил натижаларини инобатга олган ҳолда 2021 йил учун «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Лойиҳани тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	1 декабрга қадар	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
			5 декабрга қадар		
			10 декабрга қадар		

харитаси» ни тасдиқлаш				
------------------------------	--	--	--	--

Изоҳ: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметиға қараб қайта кўриб чиқилиши ёки бир ҳужжатға бирлаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармониға  
4-ИЛОВА

**Республика туман (шаҳар)ларини устувор, истиқболдаги,  
ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштириш  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Ихтисослаштириладиган спорт турлари		
		Устувор	Истиқболли	Ривожланаётган
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>				
1.	Нукус шаҳар	юнон-рум кураши	қиличбозлик, бадминтон	академик эшкак эшиш
2.	Амударё тумани	дзюдо	стол тенниси	футбол
3.	Беруний тумани	волейбол	оғир атлетика	кататэ WKF, бадминтон
4.	Бўзатов тумани	велоспорт	кататэ WKF	оғир атлетика
5.	Элликқалъа тумани	енгил атлетика	стол тенниси, бадминтон	футбол
6.	Кегейли тумани	оғир атлетика	бадминтон	бокс
7.	Мўйноқ тумани	волейбол	бокс	сузиш
8.	Нукус тумани	стол тенниси	футбол	таэквондо WTF, бадминтон
9.	Тахиатош тумани	оғир атлетика	шахмат	футбол
10.	Тахтақўпир тумани	гимнастика	футбол	бадминтон, волейбол
11.	Тўрткўл тумани	футбол	бокс	кататэ WKF
12.	Хўжайли тумани	бокс	эркин кураш ва аёллар кураши	футбол
13.	Чимбой тумани	таэквондо WTF	бокс	эркин кураш
14.	Шуманай тумани	баскетбол	футбол, бадминтон	таэквондо WTF
15.	Қонликўл тумани	футбол	теннис	гандбол, бадминтон
16.	Қораўзак тумани	волейбол	дзюдо, бадминтон	таэквондо WTF
17.	Қўнғирот тумани	бокс	дзюдо	бадий гимнастика
<b>Андижон вилояти</b>				
1.	Андижон шаҳар	бокс	футбол	бадминтон, стол тенниси
2.	Хонобод шаҳар	оғир атлетика	бокс	енгил атлетика
3.	Андижон тумани	кататэ WKF	волейбол	енгил атлетика
4.	Асака тумани	бокс	эркин ва юнон-рум кураши	бадминтон, футбол
5.	Балиқчи тумани	волейбол	белбоғли кураш, бадминтон	оғир атлетика
6.	Бўстон тумани	волейбол	футбол	бокс
7.	Булоқбоши тумани	волейбол	футбол	кататэ WKF, бадминтон
8.	Жалақудуқ тумани	енгил атлетика	кураш	стол тенниси
9.	Избоскан тумани	бокс	эркин ва юнон-рум кураши	футбол
10.	Марҳамат тумани	бадминтон	енгил атлетика, волейбол	бокс
11.	Олтинкўл тумани	белбоғли кураш	футбол	гандбол
12.	Пахтабод тумани	бокс	стол тенниси	шахмат
13.	Улуғнор тумани	бадий гимнастика	бадминтон, волейбол	аёллар футболи
14.	Хўжабод тумани	футбол	белбоғли кураш	енгил атлетика
15.	Шаҳрихон тумани	бокс	футбол	бадминтон, стол тенниси
16.	Қўрғонтепа тумани	гандбол	енгил атлетика,	футбол

		бадминтон		
<b>Бухоро вилояти</b>				
1.	Бухоро шаҳар	эркин кураш	бокс	юнон-рум кураши
2.	Когон шаҳар	бокс	мини футбол	баскетбол, бадминтон
3.	Бухоро тумани	кураш	самбо	дзюдо
4.	Вобкент тумани	оғир атлетика	юнон-рум кураши	бадминтон, баскетбол
5.	Жондор тумани	кураш	дзюдо	футбол
6.	Когон тумани	каратэ WKF	юнон-рум кураши	ўзбек жанг санъати
7.	Олот тумани	кураш	дзюдо	бокс
8.	Пешку тумани	кураш	эркин кураш	волейбол
9.	Ромитан тумани	кураш	бокс	бадминтон, гандбол
10.	Шофиркон тумани	волейбол	бадминтон, гандбол	кураш
11.	Қоракўл тумани	кураш	дзюдо	баскетбол
12.	Қоровулбозор тумани	бокс	баскетбол, бадминтон	дзюдо
13.	Ғиждувон тумани	каратэ WKF	бокс	дзюдо
<b>Жиззах вилояти</b>				
1.	Жиззах шаҳри	сузиш	бадий гимнастика, бадминтон	спорт гимнастикаси
2.	Арнасой тумани	футбол	кураш	велоспорт
3.	Бахмал тумани	гандбол	эркин кураш, бадминтон	аёллар футболи
4.	Дўстлик тумани	дзюдо	енгил атлетика	сузиш
5.	Зарбдор тумани	волейбол	кураш	бадминтон, футбол
6.	Зафаробод тумани	кураш	бокс	футбол, бадминтон
7.	Зомин тумани	таэквондо WTF	футбол	Бокс
8.	Мирзачўл тумани	юнон-рум кураши	каратэ WKF	футбол
9.	Пахтакор тумани	бокс	дзюдо	сузиш
10.	Фориш тумани	таэквондо WTF	волейбол, бадминтон	футбол
11.	Шароф Рашидов тумани	эркин кураш	стол тенниси	бокс
12.	Янгиобод тумани	кураш	енгил атлетика	футбол
13.	Ғаллаорол тумани	бокс	енгил атлетика	баскетбол, бадминтон
<b>Қашқадарё вилояти</b>				
1.	Қарши шаҳар	дзюдо	сузиш	каратэ WKF
2.	Шаҳрисабз шаҳар	эркин кураш	каратэ WKF	бадминтон, сузиш
3.	Деҳқонобод тумани	волейбол	кураш	стол тенниси, бадминтон
4.	Касби тумани	футбол	сузиш	бадминтон, волейбол
5.	Китоб тумани	кураш	дзюдо	теннис
6.	Косон тумани	кураш	дзюдо	футбол
7.	Миришкор тумани	кураш	стол тенниси	бадминтон, волейбол
8.	Муборак тумани	футбол	кураш	волейбол, бадминтон
9.	Нишон тумани	енгил атлетика	футбол	бадминтон, волейбол
10.	Чироқчи тумани	белбоғли кураш	шахмат	бадминтон, футбол
11.	Шаҳрисабз тумани	енгил атлетика	кураш	футбол
12.	Яккабоғ тумани	дзюдо	самбо	от спорти
13.	Қамаши тумани	оғир атлетика	футбол	бокс
14.	Қарши тумани	кураш	таэквондо WTF	бадминтон, волейбол
15.	Ғузур тумани	кураш	футбол	гандбол
<b>Навоий вилояти</b>				
1.	Навоий шаҳар	дзюдо	бадий гимнастика	бадминтон, эркин кураш
2.	Зарафшон шаҳар	волейбол	баскетбол	бадминтон, футбол
3.	Кармана тумани	футбол	бадий гимнастика	турон якка кураши
4.	Конимех тумани	бокс	футбол	бадминтон, волейбол
5.	Навбахор тумани	кураш	енгил атлетика	футбол

6.	Нурота тумани	кураш	дзюдо	белбоғли кураш
7.	Томди тумани	стол теннис	кураш	бадминтон, шахмат
8.	Учқудуқ тумани	сузиш	каратэ WKF	эркин кураш
9.	Хатирчи тумани	гандбол	шахмат	бадминтон, стол теннис
10.	Қизилтепа тумани	волейбол	бадий гимнастика	бадминтон, гандбол
<b>Наманган вилояти</b>				
1.	Наманган шаҳар	сув спорт турлари	енгил атлетика	бадий гимнастика, бадминтон
2.	Косонсой тумани	гандбол	футбол	бадминтон, баскетбол
3.	Мингбулоқ тумани	юнон-рум кураш	футбол	ўзбек жанг санъати
4.	Наманган тумани	каратэ WKF	бадминтон, волейбол	баскетбол
5.	Норин тумани	бокс	бадминтон, гандбол	юнон-рум кураши
6.	Поп тумани	дзюдо	бокс	юнон-рум кураши
7.	Тўрақўғон тумани	футбол	белбоғли кураш	дзюдо
8.	Уйчи тумани	эркин кураш	баскетбол	бадминтон, волейбол
9.	Учқўғон тумани	гандбол	эркин кураш	чим устида хоккей
10.	Чортоқ тумани	баскетбол	бокс	футбол
11.	Чуст тумани	бокс	стол теннис	таэквондо WTF
12.	Янгиқўғон тумани	оғир атлетика	волейбол	футбол
<b>Самарқанд вилояти</b>				
1.	Самарқанд шаҳар	дзюдо	бадий гимнастика	енгил атлетика
2.	Каттақўғон шаҳар	эркин ва юнон-рум кураши	бокс	енгил атлетика, бадминтон
3.	Булунғур тумани	эркин ва юнон-рум кураши	бадминтон, гандбол	волейбол
4.	Жомбой тумани	баскетбол	бадий гимнастика	шахмат
5.	Иштихон тумани	бокс	эркин ва юнон-рум кураши	гандбол
6.	Каттақўғон тумани	бокс	эркин ва юнон-рум кураши	бадий гимнастика
7.	Нарпай тумани	баскетбол	кураш	бадминтон, волейбол
8.	Нуробод тумани	дзюдо	кураш	шахмат
9.	Оқдарё тумани	эркин ва юнон-рум кураши	бадминтон, стол теннис	гандбол
10.	Пайариқ тумани	таэквондо WTF	эркин ва юнон-рум кураши	шахмат
11.	Пастдарғом тумани	дзюдо	енгил атлетика	баскетбол
12.	Пахтачи тумани	стол теннис	бадий гимнастика	бадминтон, волейбол
13.	Самарқанд тумани	эшкак эшиш турлари	дзюдо	велоспорт
14.	Тайлоқ тумани	эшкак эшиш турлари	кураш	волейбол
15.	Ургут тумани	волейбол	кураш	бадминтон, стол теннис
16.	Кўшрабод тумани	стол теннис	бадминтон	волейбол
<b>Сирдарё вилояти</b>				
1.	Гулистон шаҳар	эркин кураш	бокс	бадий гимнастика
2.	Ширин шаҳар	академик эшкак эшиш	енгил атлетика	бадминтон, стол теннис
3.	Янгиер шаҳар	футбол	баскетбол	каратэ WKF
4.	Боёвут тумани	белбоғли кураш	бадминтон, шахмат	волейбол
5.	Гулистон тумани	волейбол	футбол	гандбол
6.	Мирзаобод тумани	стол теннис	таэквондо WTF	кураш
7.	Оқолтин тумани	кураш	бокс	бадий гимнастика
8.	Сайхунобод тумани	шашка	дзюдо	чим устида хоккей

9.	Сардоба тумани	волейбол	эркин кураш	бадминтон, таэквондо WTF
10.	Сирдарё тумани	енгил атлетика	гандбол	юнон-рум кураши
11.	Ховос тумани	бадминтон	волейбол	баскетбол
<b>Сурхондарё вилояти</b>				
1.	Термиз шаҳар	енгил атлетика	бадий гимнастика	спорт гимнастикаси
2.	Ангор тумани	кураш	таэквондо WTF	кататэ WKF
3.	Бойсун тумани	кураш	стол тенниси	кататэ WKF
4.	Денов тумани	кататэ WKF	бадминтон, баскетбол	дзюдо
5.	Жарқўрғон тумани	эркин кураш	таэквондо WTF	юнон-рум кураши
6.	Музработ тумани	волейбол	кататэ WKF	оғир атлетика
7.	Олтинсой тумани	белбоғли кураш	турон якка кураши	кураш
8.	Сариосиё тумани	бокс	футбол	енгил атлетика
9.	Термиз тумани	дзюдо	бокс	кататэ WKF
10.	Узун тумани	юнон-рум кураши	оғир атлетика	таэквондо WTF
11.	Шеробод тумани	стол тенниси	волейбол	кураш
12.	Шўрчи тумани	волейбол	бадий гимнастика	бокс
13.	Қизирик тумани	баскетбол	футбол	дзюдо
14.	Қумқўрғон тумани	таэквондо WTF	гандбол	дзюдо
<b>Тошкент вилояти</b>				
1.	Ангрен шаҳар	таэквондо WTF	бокс	енгил атлетика
2.	Бекобод шаҳар	бокс	эркин кураш	академик эшкак эшиш
3.	Нурафшон шаҳар	футбол	бокс	юнон-рум кураши
4.	Олмалиқ шаҳар	гандбол	футбол	бадий гимнастика
5.	Оҳангарон шаҳар	волейбол	стол тенниси	бадий гимнастика
6.	Чирчиқ шаҳар	дзюдо	бадминтон, баскетбол	киличбозлик
7.	Янгийўл шаҳар	регби	бокс	бадминтон, баскетбол
8.	Бекобод тумани	гандбол	волейбол	академик эшкак эшиш
9.	Бўка тумани	футбол	кураш	стол тенниси
10.	Бўстонлик тумани	қишки спорт турлари	оғир атлетика	бокс
11.	Зангиота тумани	кататэ WKF	бокс	оғир атлетика
12.	Оққўрғон тумани	юнон-рум кураши	футбол	бокс
13.	Оҳангарон тумани	волейбол	бокс	кураш, бадминтон
14.	Паркент тумани	волейбол	белбоғли кураш	бадий гимнастика
15.	Пискент тумани	волейбол	белбоғли кураш	эркин кураш
16.	Тошкент тумани	эркин кураш	бадий гимнастика	кататэ WKF
17.	Чиноз тумани	оғир атлетика	бокс	дзюдо
18.	Юқоричирчиқ тумани	стол тенниси	футбол	бокс
19.	Янгийўл тумани	футбол	эркин кураш	таэквондо WTF
20.	Ўртачирчиқ тумани	волейбол	гандбол, бадминтон	футбол
21.	Қибрай тумани	волейбол	бокс	бадминтон, шахмат
22.	Куйичирчиқ тумани	енгил атлетика	волейбол	кураш
<b>Фарғона вилояти</b>				
1.	Фарғона шаҳар	бадминтон, теннис	гимнастика спорт турлари	сузиш
2.	Марғилон шаҳар	волейбол	футбол	бадминтон, бокс
3.	Кувасой шаҳар	енгил атлетика	бадминтон, волейбол	футбол
4.	Кўкон шаҳар	сузиш	футбол	бадминтон, дзюдо
5.	Бағдод тумани	стол тенниси	эркин кураш	белбоғли кураш
6.	Бешариқ тумани	юнон-рум кураши	белбоғли кураш	бокс
7.	Бувайда тумани	юнон-рум кураши	эркин кураш	белбоғли кураш
8.	Данғара тумани	енгил атлетика	бокс	бадминтон, гандбол

9.	Ёзёвон тумани	белбоғли кураш	чим устида хоккей	футбол
10.	Олтиариқ тумани	эркин кураш	кататэ WKF	футбол
11.	Риштон тумани	белбоғли кураш	футбол	ўзбек жанг санъати
12.	Сўх тумани	баскетбол	волейбол	бокс
13.	Тошлоқ тумани	эркин кураш	юнон-рум кураши	дзюдо
14.	Учкўприк тумани	бадий гимнастика	волейбол	футбол
15.	Фарғона тумани	бокс	бадминтон, волейбол	белбоғли кураш
16.	Фуркат тумани	бокс	кураш	футбол
17.	Ўзбекистон тумани	белбоғли кураш	байдарка ва каноода эшкак эшиш	волейбол
18.	Қува тумани	самбо	бадминтон, гандбол	акробатика
19.	Қўштепа тумани	чим устида хоккей	бадминтон, гандбол	футбол

**Хоразм вилояти**

1.	Урганч шаҳар	дзюдо	эркин кураш	бадминтон, гимнастика спорт турлари
2.	Хива шаҳар	оғир атлетика	бокс	бадминтон, пауэрлифтинг
3.	Боғот тумани	дзюдо	самбо	бадий гимнастика
4.	Гурлан тумани	велоспорт	юнон-рум кураши	бокс
5.	Ургенч туман	гандбол	баскетбол	бадминтон, кататэ WKF
6.	Хазорасп тумани	футбол	шахмат	таэквондо WTF
7.	Хива тумани	бокс	кататэ WKF	эркин кураш
8.	Хонқа тумани	дзюдо	футбол	таэквондо WTF
9.	Шовот тумани	енгил атлетика	кураш	эркин кураш
10.	Янгиариқ тумани	дзюдо	бадминтон	турон якка кураши
11.	Янгибозор тумани	кураш	баскетбол	белбоғли кураш, бадминтон
12.	Қўшкўпир тумани	волейбол	таэквондо WTF	бадминтон, бокс

**Тошкент шаҳри**

1.	Бектемир тумани	таэквондо WTF	эркин кураш	кураш
2.	Мирзо Улуғбек тумани	дзюдо	теннис	бадминтон, самбо
3.	Миробод тумани	волейбол	спорт гимнастика	бадминтон, футбол
4.	Олмазор тумани	сузиш	футбол	бадминтон, велоспорт
5.	Сергели тумани	юнон-рум кураши	сузиш	бадминтон, баскетбол
6.	Учтепа тумани	кататэ WKF	бокс	футбол
7.	Чилонзор тумани	бадий гимнастика	камондан отиш	бадминтон, гандбол
8.	Шайхонтохур тумани	футбол	бадминтон, стол тенниси	енгил атлетика
9.	Юнусобод тумани	баскетбол	бадий гимнастика	бадминтон, стол тенниси
10.	Яккасарой тумани	гандбол	сузиш	бадминтон, волейбол
11.	Яшнобод тумани	эркин кураш	сузиш	бадминтон, кураш

Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган таклифларига кўра, мазкур рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил  
24 январдаги ПФ-5924-сон Фармонига  
5-ИЛОВА

**2020 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли  
кредитлари ҳисобидан республика ҳудудларида жисмоний тарбия-соғломлаш-  
тириш ва спорт иншоотларини барпо этиш бўйича истиқболли лойиҳаларнинг  
йиғма кўрсаткичлари**

млрд сўмда

Т/р	Ҳудудлар	Лойи- халар	Ажрати- ладиган	Спорт зали (бокс, кураш,	Футбол, волейбол,	Теннис майдони ва бошқа спорт
-----	----------	----------------	--------------------	-----------------------------	----------------------	----------------------------------

		сони	кредит-лар лимити	фитнес, гимнастика)		баскетбол, бадминтон майдончалари	объектлари		
				лойиҳалар сони	миқдори		лойиҳалар сони	миқдори	миқдори
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	36	39,2	15	26,0	18	9,4	3	3,8
2.	Андижон вилояти	41	43,9	18	31,2	22	11,4	1	1,3
3.	Бухоро вилояти	29	28,4	11	19,1	18	9,4		
4.	Жиззах вилояти	28	27,7	9	15,6	16	8,3	3	3,8
5.	Қашқадарё вилояти	39	37,4	11	19,1	23	12,0	5	6,3
6.	Навоий вилояти	18	17,9	7	12,1	11	5,7		
7.	Наманган вилояти	30	34,1	14	24,3	14	7,3	2	2,5
8.	Самарқанд вилояти	46	46,3	16	27,7	26	13,5	4	5,1
9.	Сурхондарё вилояти	30	31,7	12	20,8	16	8,3	2	2,5
10.	Сирдарё вилояти	21	21,8	9	15,6	12	6,2		
11.	Тошкент вилояти	51	53,3	19	32,9	27	14,0	5	6,3
12.	Фарғона вилояти	50	44,2	15	26,0	35	18,2		
13.	Хоразм вилояти	22	22,6	8	13,9	12	6,2	2	2,5
14.	Тошкент шаҳри	38	40,5	14	24,3	19	9,9	5	6,3
<b>Жами</b>		<b>479</b>	<b>489,0</b>	<b>178</b>	<b>308,5</b>	<b>269</b>	<b>139,9</b>	<b>32</b>	<b>40,5</b>

Изоҳ: Лойиҳалар, уларнинг сони ва кредитлар лимитига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифларига асосан Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ҚИШКИ СПОРТ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
05.02.2020 й., 07/20/4583/01122-сон)

Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг қишки спорт турлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилма яратиш, мамлакат спортчиларининг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишларини таъминлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишки спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш борасида бир қатор қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурати вужудга келмоқда. Жумладан:

жойларда қишки спорт турлари бўйича мусобақаларнинг тизимли ўтказилишини йўлга қўйиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизимини яратиш, терма жамоалар таркибини сифатли шакллантириш учун юқори малакали спортчилар захираси тайёрланишини таъминлаш;

қишки спорт турларини ривожлантириш учун замонавий моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш;

қишки спорт турлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш;



давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қишки спорт турлари бўйича замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмани яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш.

Қишки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, Ўзбекистон спортчиларини халқаро спорт мусобақалари, шу жумладан, Пекин шаҳри (Хитой)да 2021 йилда бўлиб ўтадиган қишки Осиё ўйинлари ҳамда 2022 йилда ўтказиладиган XXIV қишки Олимпия ўйинларига тайёрлаш ва ушбу мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020 — 2023 йилларда ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида назарда тутилмаган маблағлар;  
спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилмаган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, жамғармалар, спорт федерациялари (уюшмалари), клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. 2023 йил 1 январга қадар Қишки спорт турлари ассоциацияси, Ўзбекистон хоккей федерацияси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, қишки спорт турлари бўйича профессионал клублари ва нодавлат болалар спорт мактаблари:

мол-мулк солиғи ҳамда жалб қилинган хорижий спортчилар ва мутахассисларнинг даромадларига ижтимоий солиқ ставкаларини 50 фоизга камайтирилган ҳолда тўлайди;

қишки спорт турлари бўйича спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари ва махсус профессионал спорт кийимлари, транспорт воситалари, шу жумладан махсус транспорт воситаларини олиб кирганлик учун божхона божи тўлашдан озод қилинади.

Белгилансинки, мазкур банднинг учинчи хатбошидаги имтиёз ва шартлар Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳам татбиқ этилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:

2020 — 2023 йилларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳудудларда халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий спорт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган енгил конструкцияли ёпиқ муз қопламали майдонларни қуриш;

қишки спорт турлари бўйича хорижий мутахассис ва тренерларни ишга жалб қилиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган тартибда хизмат уйлари сифатида уй-жой ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиладиган ёпиқ муз қопламали майдонларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари мажбурий тартибда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бакалаврият таълим йўналишига 2020/2021 ўқув йили учун ажратилган қабул параметрларини йўналишлар бўйича тақсимлашда қишки спорт турлари учун ўрин ажратилишини таъминласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида қишки спорт турлари кафедрасини ташкил қилсин;

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда 2020 йилнинг якунига қадар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги «Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази» давлат корхонасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган «Белдирсой» спорт базасида

халқаро ва республика даражасидаги мусобақаларни ўтказиш учун енгил конструкцияли бино ва иншоотлар барпо этиш, йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, дор йўлини замонавий анжом, асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш ишларини амалга оширсин;

Ўзбекистон қишки спорт турлари ассоциацияси ва Ўзбекистон хоккей федерацияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг хорижда таълим олиш, стажировкадан ўтиш ва малака ошириш дастурлари бўйича очик стипендия танловларида қишки спорт турлари бўйича профессор-ўқитувчилар ва тренерларнинг фаол иштирокини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган «Пахтакор» спорт базасини реконструкция қилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ 2020 - 2021 йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда зарур марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимити белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистонда қишки спорт турларини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳа учун малакали тренерларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган илмий-амалий лойиҳалар танловини ташкил қилсин.

8. Қишки спорт турлари ассоциацияси, Ўзбекистон хоккей федерацияси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, қишки спорт турлари бўйича профессионал клублар ва нодавлат болалар спорт мактабларига олти ойдан кўп бўлган муддатга тузилган шартномалар асосида жалб қилинган хорижий спортчилар ва мутахассислар Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти деб ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимидаги «Оромгоҳ» давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган иккита дор йўли ҳамда чанғида учиш трассасини тегишли ҳудуди билан биргаликда Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги иккита дор йўли ҳамда чанғида учиш трассасини белгиланган тартибда топширилишини, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қабул қилиб олинishi ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — қишки спорт турлари бўйича замонавий спорт иншоотларини барпо этиш ва инфратузилмани ривожлантириш чораларни кўрсин (шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида), ушбу қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш учун алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Ҳ. Набиев — Ўзбекистонда қишки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин, спортнинг мазкур турлари бўйича фаолият олиб бораётган нодавлат ташкилотлар (федерациялар, ассоциациялар ва бошқалар) билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйсин, Дастурда

белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари — маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларига, ташкилотларга жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда спорт иншоотларини қуриш учун ер участкалари белгиланган тартибда ажратсин, ҳудудларда қишки спорт турларини ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — Дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д. Хаджаев — қишки спорт турларини оммалаштиришга қаратилган мақолалар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2020 йил 4 февраль,

ПҚ-4583-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

4 февралдаги ПҚ-4583-сон қарорига

ИЛОВА

### Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020 — 2023 йилларда ривожлантириш дастури

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
<b>I. Спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, соҳада хусусий секторни ривожлантириш</b>				
1.	Спортнинг қишки ва мураккаб техник спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чимён қишлоғида жойлашган «Пахтакор» спорт базаси, унга туташ бўлган иккита дор йўли ҳамда чанғида учиш трассасини реконструкция қилиш ва замонавий спорт асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш.	2022 йил 1 декабрь	Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида, ижрочилар маблағлари	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги
2.	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилида халқаро стандартларга жавоб берадиган енгил конструкцияли ёпиқ муз қопламали майдон қуриш ҳамда замонавий спорт асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш.	2022 йил 1 август	Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида, ижрочилар маблағлари	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
3.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги «Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази» давлат корхонасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган «Белдирсой» спорт базасида халқаро ва республика даражасидаги мусобақаларни ўтказиш учун енгил конструкцияли бино ва иншоотлар барпо этиш, йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, дор йўлини замонавий анжом, асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш.	2021 йил 1 январь	Ижрочилар маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
4.	Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган енгил конструкцияли ёпиқ муз қопламали майдонларни қуриш ҳамда уларни замонавий спорт асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш.	2023 йил 1 октябрь	Хусусий шериклар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
5.	Спортнинг қишки ва мураккаб техник спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига 1 та махсус авто-транспорт (автобус) воситасини ажратиш ҳамда уни сақлашга лимит ажратилишини таъминлаш.	2020 йил 1 сентябрь	Ўзбекистон Республикаси республика бюджет маблағлари	Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
6.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим муассасаларини қишки спорт турлари бўйича эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан босқичма-босқич таъминлаш.	2021 — 2023 йиллар давомида	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
7.	Тадбиркорлик субъектлари, идора ва ташкилотларга белгиланган тартибда жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш мажмуалари ва спорт иншоотларини қуриш учун белгиланган тартибда бино ва ер ажратиш.	Мурожаатга мувофиқ	—	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
8.	Инвесторларни жалб қилган ҳолда	2021 йил	Инвесторлар	Инвестициялар ва ташқи

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Беруний шоҳ кўчаси 41-уйда жойлашган «Ўзкўргазмасавдо» биноси базасида қишки спорт турлари (фигурали учиш, шорт-трек, кёрлинг ва бошқа) бўйича мусобақалар ўтказиш, кўргазмалар ҳамда форумлар ташкил этишга мўлжалланган замонавий муз саройини ташкил этиш.	1 июль	маблағлари	савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
<b>II. Қишки спорт турлари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, давлат спорт таълим муассасаларини хорижий адабиётлар билан таъминлаш</b>				
9.	2020 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида қишки спорт турлари кафедрасини ташкил қилиш.	2020 йил 1 август	Университетга бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
10.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бакалаврият таълим йўналишига 2020/2021 ўқув йили учун ажратилган қабул параметрларини йўналишлар бўйича тақсимлашда қишки спорт турлари учун ўрин ажратилишини таъминлаш.	2020 йил 1 март	Университетга бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
11.	Ўзбекистонда қишки спорт турларини ривожлантириш ва бу соҳа учун малакали тренерларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган давлат илмий техник дастурлари доирасида илмий-амалий лойиҳалар танловини ташкил қилиш.	2020 йил 15 февралдан бошлаб ҳар йили	Ижрочилар маблағлари	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
12.	«Эл-юрт умиди» жамғармасининг стипендия танловларида иштирок этиб ғолиб бўлганларини хорижий таълим ва илмий муассасаларида таълим олиш, малака ошириш, стажировка ўташларини ташкил этиш.	2020 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар йили	«Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари	«Эл-юрт умиди» жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
13.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини қишки спорт турлари бўйича замонавий техник воситалар ва	2021 йил 1 декабрь	Инновацион ривожлантириш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	махсус лаборатория ускуналари (анжомлари) билан жиҳозлаш.			
<b>III. Юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни ўқув-машғулот жараёнларига кенг жалб қилишорқали спортчи ва тренерларкасбий тажрибасини орттириш</b>				
14.	Қишки спорттурларини ривожлантириш, ўқув-машғулот жараёнида илмий-услубий технологияларни такомиллаштириш, терма жамоаларни тайёрлашда юқори натижаларга эришган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш (Россия, Корея Республикаси, Япония, Германия, Франция, Швейцария, АҚШ, Канада давлатлари мисолида).	2020 йил 1 декабрь	Ўзбекистон Республикаси республика бюджет маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
15.	Ўқув-машғулот жараёнининг ўқув-услубий ва илмий-услубий комплексини ишлаб чиқиш учун олимлар, ўқитувчилар, шифокорлар, физиологлар, диетолог ва етакчи спорт мутахассисларидан таркиб топан комплекс илмий гуруҳларини тузиш.	2020 йил 1 апрель	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
16.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказига қишки спорт турлари бўйича нуфузли хорижий спорт-таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш, улар иштирокида анжуманлар, амалий маҳорат сабоқлари ва намунали ўқув дарсларини ўтказиш ҳамда ўқув, спорт ва илмий-тадқиқот ишлари юзасидан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш.	2020 йил 15 февралдан бошлаб ҳар йили	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
17.	Қишки спорт турлари бўйича турли даражадаги халқаро спорт мусобақаларида Ўзбекистон спорт делегацияси иштирокини таъминлаш.	Мусобақа ўтадиган даврларда	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қишки спорт турлари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
			маблағлар доирасида	бўйича федерациялар (уюшмалар)
18..	Пекин шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган IX қишки Осиё ўйинларива XXIV қишки Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг муваффақиятли иштирокини таъминлаш.	2022 йил 1 март	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
<b>IV. Қишки спорт турлари бўйича саралаш (селекция) ишларини ташкил этиш учун болалар, ўсмирлар ва ёшларни қишки спорттурлари билан мунтазам шуғулланиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзига жалб этишга йўналтирилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт ва тарбиявий ишларни олиб боришни ташкил этиш</b>				
19.	Мавжуд спорт инфратузилмасини инобатга олган ҳолда давлат спорт таълими муассасаларида спортнинг қишки турлари, айниқса конькида фигурали учуш, шорт-трек, кёрлинг, хоккей турлари бўйича бўлимларни ташкил этиш.	2023 йил 1 август	Муассасаларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
20.	Кўргазмали материаллар, мультислайдлар, фильмлар орқали аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ўсмир-ёшларга қишки спорт турлари ҳақида тушунчалар бериш, уларнинг ушбу спорт турларига бўлган қизиқишини орттириш.	2020 йил 1 октябрь	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
21.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қишки спорт турлари бўйича саралаш, селекция ишларини ташкил этиш учун болалар ва ўсмирлар юқори даражадаги иқтидорини аниқлашга имкон берувчи спорт тадбирларини ташкил этиш.	2020 йил 15 февралдан ҳар йили	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
22.	Қишки спорт турлари бўйича республика миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш:  1-босқич — туман (шаҳар) миқёсида;  2-босқич — ҳудудлар миқёсида;  3-босқич — республика миқёсида (финал).	2020 йил 15 февралдан бошлаб ҳар йили	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
23.	Давлат спорт таълими муассасалари спортчилари ўртасида қишки спорт турлари бўйича ҳудудий, республика ва халқаро ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш.	2020 йил 15 февралдан бошлаб ҳар йили	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар доирасида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)
24.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида турли давра суҳбатлари, шоулар, «онлайн» мулоқотлар, маҳорат сабоқлари ҳамда умумтаълим мактабларида давра суҳбатларини ўтказиш.	2021 йил 1 март	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
25.	Қишки спорт турлари бўйича ташкил этиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2020 йил 15 февралдан бошлаб ҳар йили	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайрия	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси
26.	2021 йил Хитойда бўлиб ўтадиган қишки Осиё ўйинларининг очилиш ва ёпилиш маросимини ҳамда Ўзбекистон спорт вакилларининг иштирокидаги намоёнларни тўғридан-тўғри Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» телеканали орқали ёритиш ҳуқуқи олинишини ташкил этиш.	Мусобақа ўтадиган даврларда	Ташкилотчилар, ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайрия	Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
27.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида таш-	2020 йил 15 февралдан	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,



Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	киллаштириладиган қишки спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини ижтимоий рекламани ахборот сифатида бепул жойлаштириш.	бошлаб ҳар йили		Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
28.	Ривожлантириладиган қишки спорт турларини кенг тарғиб қилиш мақсадида республика ва маҳаллий телерадиоканаллар, босма ва Интернет нашрлари орқали туркум кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда мақолалар чоп этиш.	2020 йил 15 февралдан бошлаб ҳар йили	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайрия	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари
29.	Мамлакатда ташкил этиладиган қишки спорт турлари бўйича рейтингли ва нуфузли халқаро мусобақалари иштирокчи совриндорлари гуғрисида туркум кўрсатувлар тайёрлаш ва онлайн тарзда аҳолига етказиш.	2020 йил 1 апрелдан бошлаб доимий	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайрия	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
30.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қишки спорт турларини тарғиб қилувчи ижтимоий роликлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, мақолалар яратиш ва уларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш, аҳоли яшайдиган жойларда тарғибот баннерларини жойлаштириш.	2020 йил 15 февралдан бошлаб доимий	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайрия	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси

**Учинчи бўлим.**  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спортни тартибга солишга оид қарорлари**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**СССР ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ КОРХОНА**  
**ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**  
**ЮРИСДИКЦИЯСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

СССР Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналари ва ташкилотларининг ҳамда уларнинг нормал фаолият кўрсатиши заруриятидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ихтиёрига берилсин:

«Спортлото» зонал корхонаси;

спорт қайиқлари экспериментал заводи, Самарқанд шаҳри;

ностандарт анжомлар ва жиҳозлар тажриба-экспериментал заводи, Қўқон шаҳри;

эшкакли қайиқда сузиш спорти бўйича бош спорт базаси, Самарқанд шаҳри.

Қабул қилиб олиш-топшириш белгиланган тартибда амалга оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт қўмитаси, Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив қўмитаси, «Ўзглавлегснабсбит» корхоналарнинг бир маромда ишлаши учун моддий-техника таъминоти масалаларини белгиланган тартибда кўриб чиқсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига берилган корхоналар ва ташкилотларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. МУТАЛОВ**

Тошкент ш.,

1992 йил 23 январь,

28-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУТБОЛНИ ЯНАДА**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистонда футболнинг оммавийлиги ва унга катта қизиқиш борлигини, унинг аҳоли соғлигини мустаҳкамлашдаги ва жисмоний тарбияни яхшилашдаги муҳим аҳамиятини, халқаро майдондаги спорт алоқаларини кенгайтиришдаги кенг имкониятларини эътиборга олиб ва уни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида:

1993 йил 10 майга қадар 2000 йилгача футболни ривожлантириш миллий дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига киритсинлар;

1993 йил 1 апрелга қадар республикада барча ёш гуруҳлари бўйича командалар иштирокида футбол мусобақаларини ўтказишнинг ягона тизимини ишлаб чиқсинлар. Оммавий футбол учрашувларини уюштиришга, қобилиятли спортчи ёшларни излашга ва тарбиялашга алоҳида эътибор берсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги билан, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари

Федерацияси Кенгаши билан биргаликда 1993 йилда «Пахтакор» командасининг, Ўзбекистондаги бошқа терма ва профессионал футбол командаларининг мақомини тасдиқласин.

3. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш фонди таъсис этилиб, унга Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан 100 миллион сўм ажратилсин. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, «Ўзмашпахтагазлама» давлат концернининг, «Ўздавнефт-маҳсулот» бирлашмасининг, «ГТЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фондни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги ташаббуси маъқуллансин ҳамда ажратилган маблағлар республикада футболни ривожлантиришнинг замонавий базасини вужудга келтиришни жадаллаштиришга, Ўзбекистоннинг соғлом ва баркамол фуқароларини тарбиялаб етиштиришдек олижаноб ишга қўмаклашади, деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ўн кун муддат ичида Республика футбол федерацияси билан биргаликда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш фонди низомини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Республика футбол федерацияси билан биргаликда «Пахтакор» командасининг анъаналарини тиклаш учун зарур чоратадбирларни кўрсин, командани юқори малакали мутахассислар ва умидбахш футболчилар билан мустаҳкамласин, «Қибрай» ўқув-машқ спорт комплекси асосий база қилиб белгилансин.

1993-1994 йилларда марказий «Пахтакор» стадионини, «Қибрай» ва «Чиғатой» спорт базаларини пухта таъмирлаш амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1993 йилда пухта таъмирлаш ишлари учун зарур маблағларни ажратсин ва 1994 йилда ҳам шундай ишни кўзда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, транспорт ва алоқа мажмуи (ўртоқ Тўлаганов) таъмирлаш ишларини амалга оширишда ёрдам берсин.

7. «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси спорт мақсадларига атаб ишлаб чиқариладиган товарларнинг, шу жумладан, футбол кийимлари, тўп ва пойабзалнинг сифати яхшиланишини ҳамда турлари кўпайтирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Республика футбол федерацияси ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда миллий терма футбол командалари учун кийим формасини ишлаб чиқиш, тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси:

Республика футбол бўйича олий спорт маҳорати мактабининг «Чиғатой» базасида республика ёшлар ва ўспиринлар командаларининг олимпиада ўйинларига тайёргарлик марказини ташкил этсин; республика чемпионати ва биринчилиги қатнашчилари — олий ҳамда биринчи уюшма футбол клублари ҳузурида болалар-ўсмирлар спорт мактабларини очсин.

10. Республиканинг барча минтақаларида футболни ривожлантиришга ва бунинг учун вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри футбол федерациялари раисларининг юксак масъулиятига катта аҳамият бериб, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг шу лавозимларга сайланишлари фахрли вазифа деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси терма командаларининг халқаро мусобақаларда, чемпионлар соврини, соврин эгаларининг соврини расмий мусобақаларида ва шу даражадаги бошқа беллашувларда қатнашишларига тайёргарлик кўришлари ва иштирок этишлари учун ҳар йили маблағ ажратишни, шу жумладан, эркин алмаштириладиган валюта ажратишни кўзда тутсинлар.

13. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси терма командалар учун ва халқаро футбол мусобақаларида қатнашувчи командалар учун авиация билетлари расмийлаштирилишини ва сотиб олинишини таъминласин. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг чет эллардаги ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг илтимосига биноан бу командаларни кутиб олишни ва уларнинг транзит қатновини уюштиришда ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги терма командаларнинг ва клуб командаларининг аъзолари, шунингдек, айрим мутахассислар, тренерлар ва футболчилар учун чет элга чиқиш рухсатномалари ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласин. Чет элга чиқишга

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан Республика Футбол федерациясининг белгиланган тартибдаги таклифлари асосида рухсатнома бериладиган бўлсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари футбол клубларини спорт соҳасига ихтисослашган малакали шифокорлар ва тиббий ходимлар билан, шунингдек, Ўзбекистон Футбол федерациясининг талабномаларига биноан зарур тиббий ашёлар ва дори-дармонлар билан таъминласинлар.

16. Оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш компанияси республикада футбол ҳаракатининг ривожланишини, энг яхши спорт клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, мутахассислар ва тренерларнинг фаолиятини мунтазам равишда батафсил ёритиб борсинлар, республикада футбол мусобақалари ҳақида юксак савияда шарҳлар тайёрласинлар, «Спорт» газетаси ҳузурида «Ўзбекистонда футбол» ҳафтаномасини чиқариш ташкил этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари футбол мусобақаларини ўтказиш пайтида жамоат тартибини, томошабинларнинг, мусобақа қатнашчиларининг, ҳакамлар гуруҳларининг хавфсизлигини сақлашни таъминлаш юзасидан қўшимча чораларни амалга оширсинлар.

18. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўртоқ А.М. Муталов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1993 йил 18 март,  
144-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, ватанимиз футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Давлат спорт қўмитаси (Ш. Тўлаганов), Футбол федерацияси раҳбарлари (Федерациянинг собиқ президенти А.Муталов), Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, жойларда ҳокимликлар томонидан республика Ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 18 мартдаги 144-сон қарори талаблари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши таъминланмаганлиги қайд этилсин.

Бош вазирнинг ўринбосари С.Саидқосимов Футбол федерацияси, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган қароридан келиб чиқувчи вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Қилинган иш натижалари тўғрисида 1996 йил 1 апрелгача ахборот берилсин.

2. Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Футбол федерациясининг футболни бундан буён янги ташкилий принциплар — клуб асосида ривожлантириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Давлат спорт қўмитаси Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда 10 кун муддатда Футбол клуби тўғрисидаги **Намунавий низомни** ишлаб чиқсин, тасдиқласин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

Намунавий Низомни ишлаб чиқишда куйидагилар назарда тутилсин:

клубни ташкил этиш унинг муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашда барча ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал этишга қодир бўлган маҳаллий ҳокимият органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек ҳомийлар — корпорациялар, фирмалар бошқа юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан амалга оширилади;

Бошқарув клубнинг коллегиял органи ҳисобланади, унинг таркибига клуб ва команда раҳбарияти, айрим футболчилар, ҳомий ташкилотлар вакиллари киради. Шаҳар (туман) ҳокими маҳаллий ҳокимият органи томонидан тузиладиган футбол клубининг президенти, идора ёки корхона раҳбари эса улар томонидан тузиладиган футбол клубининг президенти бўлиб ҳисобланади;

футбол клублари Намунавий низом асосида ўз клубларининг Уставини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва адлия органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши;

клубнинг молиявий фаолияти тўла ҳўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида амалга оширилади;

футбол командасининг номи ва унинг тегишли рамзлари Ўзбекистон футбол федерацияси билан келишиб олинади.

4. Ўзбекистон Футбол федерацияси ва Давлат спорт кўмитасининг Республикада олий ва I лигалар клуб футбол командаларини шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Бунда қуйидагилардан келиб чиқилсин:

мастерлар футбол командасига ўйинчилар қабул қилиш клуб раҳбарлари, спортчилар, тренерлар, тиббий ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи контрактлар асосида амалга оширилади;

контракт, халқаро стандартларга мувофиқ, бир йилдан уч йилгача муддатга тузилади ва у тренерлар ҳамда футболчиларни уларнинг спорт маҳорати даражасига, команда муваффақиятига ҳар бирининг қўшган ҳиссасига боғлиқ равишда моддий рағбатлантиришни, шунингдек контракт шартлари бузилган тақдирда тегишли жарима санкциялари солишни назарда тутди;

тренерни ва футболчини моддий рағбатлантириш ҳамда уларга жарима санкциялари солиш масалалари Клуб бошқаруви томонидан коллегиял ҳал этилади;

клуб ўз фаолиятига ватанимизнинг корхоналари ва ташкилотларини, қўшма ва хорижий фирмалар, корхоналар, ташкилотларни жалб қилиш мақсадида футбол мусобақалари ўтказилаётган вақтда, шунингдек спорт кийимида ва клуб белгиларида уларнинг турли реклама эмблемаларидан шартнома асосида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Футбол федерацияларининг президентлари ҳисобланадилар;

олий лигани тузиш чемпионатлар ва биринчиликларни ўтказиш регламентига мувофиқ спорт принципига кўра амалга оширилади. Ушбу клубда ўсмирлар ва болалар командалари мавжуд бўлиши команданинг олий лигага киришининг зарур шarti ҳисобланади;

I лига спорт ва ҳудудий принциплар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан камида биттадан командадан иборат этиб тузилади;

футбол командаларини шакллантириш 1996 йил 1 мартгача тугалланиши керак.

6. Клуб футбол командалари учун ўринбосарлар тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

1996-1997 йилларда барча мактабларни спорт майдонлари билан таъминласинлар;

1996-1997 йилларда вилоят марказларида ўсмирлар футбол мактаб-интернатлари очсинлар.

Юқорида айтиб ўтилган мактаблар ўртасидаги ҳар йилги мусобақалар ҳудудий (минтақа) принцип бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Футбол федерацияси, Давлат спорт кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Футбол бўйича спорт маҳорати республика мактабини «Пахтакор» футбол клубига бериш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

8. Футбол мавсуми якунлари бўйича йилнинг энг яхши футболчиси учун ва йилнинг энг яхши тренери учун журналистлардан сўров йўли билан аниқлаб топшириладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус соврини таъсис этилсин.

9. Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда, жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, футболни ривожлантиришга фаол кўмаклашаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун

солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар тизимини қўллаш юзасидан таклифларни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Давлат спорт қўмитаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида йирик стадионлар негизда очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этиш дастурини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Уларнинг устав сармоясини шакллантиришда акциялар пакетининг қуйидагича тақсимланиши назарда тутилсин:

давлатга — объект мол-мулкининг тенг қиймати;

бошқа муассисларга (юримдик ва жисмоний шахсларга) — ўзларининг улушларига мувофиқ.

1998 йилдан бошлаб республикадаги кўрсатиб ўтилган стадионлар тўлиқ ўзини ўзи маблағ билан таъминласин.

11. Футболни ривожлантиришнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда футбол клубларини тузиш ва ривожлантиришга ҳамда уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

Давлат спорт қўмитаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд стадионларни қайта рўйхатдан ўтказсин;

қайта рўйхатдан ўтказиш якунларига кўра 1996 йил 1 апрелгача футбол майдонларини реконструкция қилиш, 1996 йил 1 сентябргача эса Нукус шаҳрида ва вилоят марказларидаги стадионларнинг қолган объектларини жорий ва мукамал тузатиш зарур деб ҳисоблансин.

Шу мақсадларда:

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги — бош пудратчи ва бош лойиҳаловчи этиб, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси ҳамда Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги — субпудрат ташкилотлар этиб тасдиқлансинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Капитал қурилиш бош бошқармалари футбол майдонини реконструкция қилиш, стадионларни жорий ва мукамал тузатиш ҳамда обод қилиш бўйича буюртмачилар этиб белгилансинлар. Ишларни маблағ билан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҳамда ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин;

ушбу ишларнинг буюртмачилари бош пудратчилар ва бош лойиҳаловчиларни маблағ билан таъминласинлар ҳамда энергия таъминоти, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация объектлари бўйича тегишли техник шартларни берсинлар;

бош пудратчига лойиҳалашни ва алоҳида сметалар ва чизмалар бўйича қурилишни бир пайтда маблағ билан таъминлашга рухсат этилсин.

12. Молия вазирлиги Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига тузилган контрактлар ва уларнинг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва вакил қилинган банкларда экспертиза қилиниши асосида, футбол майдонларини комплекс реконструкция қилиш учун уруғлик, хорижий ускуналар, жиҳозлар ва бошқа зарур воситалар ва материаллар сотиб олишга тегишли равишда конвертация қилишни назарда тутган ҳолда сўмларда аванс ажратсин.

Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси, зарурат бўлганда, Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга маблағ қўядиган хорижий фирмаларга маблағларни Республика валюта биржасида конвертация қилишни назарда тутсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1996 йил 1 мартгача Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси, Футбол федерацияси ва Футболни ривожлантириш фондини жойлаштириш учун бино ажратиш масаласини ҳал қилсин.

14. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси икки ҳафта муддатда уюшма корхоналарида резина тўплар ва футбол тўплари учун резина камералар ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан таклиф тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 1996 йилда камида 500 минг дона резина тўплар ва камералар тайёрланишини таъминласин.

15. «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси 1996-1997 йилларда спорт товарлари ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалар билан биргаликда сифатли футбол анжомлари ва спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи кўшма корхоналар ташкил этсин. Бунда Халқ таълими вазирлиги ва «Ўзбексавдо» давлат уюшмасининг спорт анжомлари, футбол тўплари ва ўқувчилар учун спорт кийимлари ишлаб чиқариш бўйича буюртманомалари бажарилишини таъминласин.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси билан биргаликда «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси томонидан мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланишлари учун ишлаб чиқариладиган товарлар қийматига берилиши мумкин бўлган солиқ имтиёзлари ҳақидаги таклифларни 15 кун муддатда кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш давлат комиссияси малакали мутахассислар-тренерлар тайёрлаш учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтининг футбол бўлимига 1996 йилдан бошлаб ҳар йили 75 ўриндан иборат квота ажратсин.

17. Давлат спорт қўмитаси Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда:

икки ой муддатда футбол командалари тренерларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этсин, ушбу курсларни зарур моддий база билан таъминласин;

20 кун муддатда футбол клуби билан контракт тузиш ҳуқуқини берувчи Тренерларга қўйиладиган малака талаблари ҳақидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Тренер томонидан малака талаблари бажарилган тақдирдагина контракт тузиладиган ва тренернинг футбол командасига раҳбарлик қилишига йўл қўйиладиган тартиб белгилансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси 10 кун муддатда спорт мактаблари ва билим юртлари раҳбар ходимлари, тренер-ўқитувчиларининг, шунингдек инструктор-методистларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядларни умумтаълим мактабларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига мувофиқлаштириш юзасидан таклиф киритсинлар.

19. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари футбол клубларини спортга ихтисослашган малакали тиббий ходимлар ҳамда зарур дори-дармонлар билан таъминласинлар.

20. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Маҳаллий саноат» корпорацияси, Маданият ишлари вазирлиги ҳокимликлар билан биргаликда стадионларда футбол ўйинлари ўтказилаётган вақтда савдо қилишни ва маданий-томоша тадбирларини уюштирсинлар.

21. Оммавий ахборот воситалари мамлакатда оммавий футбол ҳаракати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, физкультура жамоалари, мутахассислар ва тренерларнинг фаолиятини мунтазам ва кенг ёритсинлар.

22. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари С. Саидқосимов ва Ўзбекистон Футбол федерацияси президенти З. Алматов зиммасига юклансин.

Қарорнинг бажарилиши 1996 йил апрель ва август ойларида, кейинчалик эса 1997-1998 йилларнинг ярим йилликлари бўйича кўриб чиқилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

1996 йил 17 январь,

27-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистонда Олимпия ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, оммавий жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга кўмаклашиш, ўсиб келаётган жисмонан соғлом ва гармоник ривожланган авлодни тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, шунингдек республика спорт жамоатчилигининг Тошкент шаҳрида Давлат

жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳузурида Олимпия шон-шухрати музейи ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Олимпия шон-шухрати музейи тўғрисидаги **Низом** (илова қилинади) тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси Маданият ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Рассомлар уюшмаси билан биргаликда Олимпия шон-шухрати музейини ташкил этишни таъминловчи ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Музей экспозицияларини шакллантириш мақсадида:

Маданият ишлари вазирлиги, Рассомлар уюшмаси спорт мавзуидаги экспонатларни Олимпия шон-шухрати музейида вақтинча сақлаш ва намойиш этиш учун ажратсинлар.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Олимпия шон-шухрати музейида намойиш этиш учун Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалардаги иштироки тўғрисида видеофильмлар яратсин.

Спорт мавзуидаги экспонатларга эга бўлган вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари уларнинг амалдаги тартибга биноан Олимпия шон-шухрати музейига берилишида қўмаклашсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги талабномаларига биноан музей фаолиятини таъминлаш (штатдаги ходимларни маблағ билан таъминлаш ҳам шунга киради) учун республика бюджетидан ҳар йили зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 6 июндаги 239-ф-сон фармойиши билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига Олимпия шон-шухрати музейи биносини реконструкция қилишни тугаллаш ҳамда уни 1996 йил 20 августгача фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бинони реконструкция қилиш ва мукамал тузатиш, музей атрофидаги ҳудудни ободонлаштириш ишларини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси буюртмачи, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси пудратчи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ назарда тутилган мақсадларга зарур маблағлар ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Олимпия шон-шухрати музейини бутлаш учун жўнатилган юкларни божхона пошлиналари тўлашдан озод этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1996 йил 14 август,  
284-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **«ДАМ ОЛИШ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО КОРПОРАЦИЯСИ» ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Хорижий инвестицияларни жалб этиш, Ўзбекистон Республикасида туризм, маданий дам олиш ва спортни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг устав сармойаси 2 млн АҚШ доллари миқдорида бўлган, Тошкент шаҳридаги Роҳат кўлида халқаро андозадаги гольф-клубни куриш ва кейинчалик фойдаланиш учун «Дам олиш ва спортни ривожлантириш халқаро корпорацияси» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

қўшма корхонани, устав сармойасидаги улуш тегишли равишда 20 ва 80 фоиз миқдорида тақсимланган ҳолда, Ўзбекистон томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Америка томонидан «Олден Стар Инк» компанияси таъсис этадилар;

«Олден Стар Инк» компаниясининг инвестицияси 6,5 млн АҚШ долларини ташкил этади;



Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қўшма корхона устав сармоясига улуши ердан фойдаланиш ҳуқуқи, мавжуд муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, ўтиш йўллари сифатида қўшилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўшма корxonани белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

4. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси Тошкент шаҳрининг Роҳат кўлидаги халқаро андозадаги гольф-клубни ташкил этишга доир лойиҳани Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Р.Р. Юнусов ва С.С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

1996 йил 19 сентябрь,

324-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕННИСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ Қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистонда тенниснинг оммавийлиги ва машҳурлигини, саломатликни мустаҳкамлашда унинг муҳим ўрин тутишини, халқаро майдонда спорт алоқаларини кенгайтиришдаги кенг имкониятларини ҳисобга олиб ва уни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси, республика Теннис федерацияси ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида унинг бўлимларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Теннисни ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхоналарда, ўқув юртларида ва мактабларда, спорт жамиятларида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида теннис билан шуғулланиш учун моддий-техника базани мустаҳкамлашга ҳар томонлама қўмаклашиш;

ёшлар, ишчилар, хизматчилар, талабалар, мактаб ўқувчилари аҳолининг бошқа тоифаларини спортнинг ушбу тури билан шуғулланишга жалб қилиш, саноат корхоналари, ўқув юртлари, спорт жамиятлари, ташкилотларда теннис билан шуғулланиш бўйича мусобақалар ташкил этиш, маҳаллий, минтақавий ва республика мусобақалари ўтказиш, етакчи ва истиқболли спортчиларни халқаро мусобақаларда фаол қатнаштириш;

иқтидорли болаларни болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг теннис бўлимларига қабул қилиш учун аниқ мақсадни кўзлаб излаш ва танлаш ҳамда энг истиқболли болаларни энг яхши халқаро теннис мактабларига юбориш;

захира ва халқаро турнирлар учун юқори классли теннисчилар тайёрлаш мактаблари ташкил этиш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Жамғарма юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, ўз фаолиятини мустақил амалга оширадиган, барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очик бўлган, уларнинг бадаллари ва бошқа пул тушумлари ҳисобига таъминланадиган, ўзини ўзи бошқарадиган, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган, Ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилоти ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқарувининг юқори органи конференция ҳисобланади;

конференциялар орасидаги даврда Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқаришни конференция томонидан сайланадиган кенгаш амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тузилмасига иловага мувофиқ розилик берилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Ўзбекистон Республикаси Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 50 млн. сўм ажратилсин.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, уюшмалари, концернлари, компаниялари, корхоналари, хўжаликлари ва ташкилотлари Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Уставда кўрсатилган ўз вазифаларини амалга оширишида унга молиявий ва амалий ёрдам кўрсатсинлар.

6. Адлия вазирлиги Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Уставини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

7. Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига нотижорат ташкилотлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ имтиёзлари татбиқ этилсин.

Теннис клубларини бюджетга тўланадиган солиқларнинг барча турларидан 5 йил муддатга озод қилинсин. Ушбу маблағ теннисни ривожлантиришга йўналтирилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Азизхўжаев, М.З. Усмонов ва Ўзбекистон Теннис федерацияси раиси Р.Р. Иноятов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1997 йил 25 август,  
414-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августдаги 414-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Теннисни ривожлантиришни  
қўллаб-қувватлаш жамғармасининг  
ТУЗИЛМАСИ**



(Ижро этувчи аппарат штати — 15 нафар)

## **ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИДА ТЕННИСНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасида теннисни янада ривожлантириш, теннис клубларининг фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий кафолатларни яратиш ҳамда уларнинг тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон теннис федерацияси ҳузурида амалга ошириши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Ўзбекистон теннис федерациясининг **иловага** мувофиқ ташкилий тузилмаси маъқулансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, теннис клублари теннис ҳаракати тизимида асосий бўғин ҳисобланади ҳамда республикада теннисни янада ривожлантириш клуб асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 1999 йил 1 январгача теннис стадионлари ва спорт комплекслари негизда теннис клублари ташкил этсинлар.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон теннис федерацияси унинг Уставига мувофиқ: халқаро олимпия ҳаракатининг ажралмас қисми каби теннисни ривожлантиришни мувофиқлаштиради, халқаро теннис майдонида Ўзбекистонни ифодалайди;

теннисни ривожлантириш, теннис тадбирларининг моддий асосини таъминлаш мақсадида корхоналар ташкил этиш учун маблағлар жалб қилади ва уларни тақсимлайди, теннис клубларига уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, молиявий маблағлар билан таъминлашда кўмаклашади, ажратиладиган маблағлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, кўчмас мулк объектлари самарали фойдаланилишини назорат қилади;

спортчиларни мусобақаларда қатнашишлари учун юборишда теннис клубларига кўмаклашади, маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

аҳоли ўртасида теннис тўғрисида кенг ахборот беради ва уни тарғиб қилади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, федерация ва унинг таркибий бўлинмалари аъзолик ва ҳомийлик бадаллари, бошқа маблағлар, ўз хўжалик фаолияти, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

5. Ўзбекистон теннис федерацияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жаҳон тажрибасини, мавжуд ва қурилаётган теннис базалари ва стадионлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш асосида улардан фойдаланишни такомиллаштириш юзасидан уч ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Теннис федерацияси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб мактабларда кичик теннисни жорий этиш ва янада ривожлантириш халқаро лойиҳаси асосида теннисни мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш дастурига киритиш бўйича эксперимент ўтказиш юзасидан икки ой муддатда таклиф тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш давлат комиссияси, 1999 йилдан бошлаб юқори малакали тренер-ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида теннис бўлими учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига ҳар йили белгиланган квотадан ортиқча 20 та ўрин ажратсин.

8. Давлат спорт кўмитаси ва Теннис федерацияси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан биргаликда клублар, спортчилар ва тренерлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида теннис клублари учун контракт тизимини такомиллаштириш тўғрисида бир ой муддатда таклиф тайёрласинлар.

9. Давлат спорт кўмитаси ва Теннис федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистонда болалар билан ишлайдиган тренерларни тайёрлаш бўйича теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар. Бунинг учун хорижий мамлакатлар кучлари ва тажрибаси жалб қилинсин.

10. Давлат спорт кўмитаси ва Теннис федерацияси Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия кўмитаси билан биргаликда энг яхши халқаро мактаблар ва теннис марказларида истиқболли теннисчилар, тренерлар ва ҳакамларнинг тажриба орттиришини ташкил этиш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар.

11. Ўзбекистон теннис федерацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда маҳаллий ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда теннис учун асбоб-ускуналар, жиҳозлар, спорт кийимларини ишлаб чиқариш бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш юзасидан уч ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва тақдим этсин.

12. Ўзбекистон теннис федерациясига ва федерация томонидан ташкил этиладиган корхоналарга 5 йил муддатга Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августдаги 414-сон қарорининг **7-бандида** теннис клублари учун белгиланган солиқ имтиёзлари жорий этилсин.

Ўзбекистон теннис федерацияси ва федерация томонидан ташкил этиладиган корхоналар импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, анжомлар, бошқа мол-мулк ва хизматлар бўйича импорт божларидан ва йиғимларидан, акциз солиғидан, кўшилган қиймат солиғидан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Бўшаб қоладиган маблағлар теннисни ривожлантиришга йўналтирилсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Федерациянинг офисини жойлаштириш учун Ульянов 1-тор кўчаси, 14-уйдаги бинони ажратсин.

14. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Федерацияни алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.


15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Азизхўжаев ва Ўзбекистон теннис федерацияси президенти Р. Р. Иноятов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1998 йил 11 сентябрь,  
392-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 сентябрдаги 392-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон теннис федерациясининг  
ТУЗИЛМАСИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги Фапмонини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури Концепцияси ва уни амалга оширишга доир тадбирлар 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

\* 2-илова берилмайди.

Маълумот учун қабул қилинсинки, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, спорт федерациялари, клублари, жамиятлари, ҳомийлар, хорижий инвесторлар маблағлари, шунингдек спорт ташкилотлари томонидан аҳолига пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда:

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

ҳар бир туманда қишлоқ спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этсинлар, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турларини ва халқ ўйинларини кенг жорий қилсинлар;

аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларига кенг жалб этишга йўналтирилган мунтазам оммавий-спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш тизимини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

мамлакат ҳудудидаги барча мавжуд спорт иншоотларини, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, хатловдан ўтказсинлар, шунингдек, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, оммавий мусобақаларни мунтазам ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи махсус тестларни ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали «Алпомиш» ва «Барчиной» нишонларини таъсис этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, спорт-соғломлаштириш клублари тўғрисидаги Намунавий низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, спорт-соғломлаштириш клублари, жамоат ташкилотлари сифатида, ўз фаолиятини муассисларнинг улушли маблағлари, аъзолик бадаллари, ҳомийлар маблағлари ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда Адлия вазирлиги билан биргаликда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда пойтахтда Республика боксни ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Тошкент отчопари негизида Республика миллий спорт турларини ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

умумхалқ «Спорт байрами»ни таъсис этиш тўғрисида ўн кун муддатда таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишга маблағлар лимитларини назарда тутсинлар.

6. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларининг спорт клублари, спорт мактаблари, мутахассислар ва мураббийлар фаолиятини ёритишни таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

## **Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури КОНЦЕПЦИЯСИ**

Ушбу Дастур Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган. Дастурда жисмоний тарбия ва спортга миллатнинг умумий маданиятининг ажралмас қисми, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг жисмоний ва ахлоқий камолотга етишини, касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишни таъминлашнинг асоси сифатида қаралади.

### **1. Дастурнинг асосий вазифалари**

Қуйидагилар Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ҳисобланади:

халқнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш ва ижодий фаолликни узайтириш, одамларнинг касалланиши даражасини пасайтириш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

аҳолининг ўз жисмоний ривожини масалаларига бўлган дунёқарашини ўзгартириш;

«Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишда жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг ролини кўтариш;

жинси ва ёшига кўра аҳолининг жисмоний тайёрлиги даражасининг мақсадли дастурлари ва меъёрий талабларини ишлаб чиқиш;

қишлоқда жисмоний тарбия-соғломлаштириш, касалликларнинг олдини олиш ва спорт ишларини яхшилаш;

миллий ўйинларни, спорт мусобақалари ва турларини аҳолини жисмоний тарбиялаш тизимига жорий этишни, мувофиқлаштирилган жисмоний тарбияни ривожлантиришни таъминлаш;

қишлоқ жойларда ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида миллий спорт турлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимида жисмоний тарбия-спорт омилини янги поғонага кўтариш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт клублари, шу жумладан уларнинг аҳолига пулли хизматлар кўрсатувчи шохобчаларини шакллантириш;

жисмоний тарбия ва спортни илмий жиҳатдан таъминлаш тизимини яратиш;

ўқув-машқ жараёнининг замонавий усулларини жорий этиш;

спорт захираларини тайёрлаш шохобчаларини кенгайтириш;

спорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорликни, маркетингни ҳамда жисмоний тарбия-спорт хизматлари кўрсатишни ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, уларнинг технологик, илмий-техникавий ва ахборот билан таъминланиш даражасини ошириш;

тармоқни ислоҳ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

аҳолида олимпия ҳаракати тўғрисидаги билимларни, кичик ёшидан бошлаб кексайгунигача жисмоний мукамалликка бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

мамлакат спортчиларини Олимпия ўйинларига, Осиё ўйинларига, Марказий Осиё ва Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларига тайёрлашни ҳамда уларнинг мазкур ўйинларда муваффақиятли қатнашишларини таъминлаш.

## **2. Жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш**

Жисмоний тарбия-спорт фаолиятини кадрлар билан таъминлаш мақсадида олимпия захиралари билим юртини коллежга айлантириш назарда тутилмоқда. Барча вилоят марказларида олимпия захиралари коллежлари очиш мўлжалланмоқда. Тизимни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасида вилоят, шаҳар ва туман спорт клублари, корхоналар, хўжаликлар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари тизимига эга бўлган республика тармоқ жисмоний тарбия-спорт клублари ташкил қилиш назарда тутилмоқда. Уларда халқ ўйинларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар пайдо бўлади.

Қишлоқда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини кучайтириш учун спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этиш назарда тутилмоқда. Улар соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга даъват этилган.

Фуқаролар турмушида жисмоний тарбия ва спорт мақомини ошириш мақсадида ҳар йили апрель ойининг учинчи шанбасида «Спорт байрами» умумхалқ байрамини ўтказиш назарда тутилмоқда. Ушбу байрамни, кенг аҳоли қатламларини жалб этган ҳолда, ёзги спорт мавсумининг очилиши тарзида ўтказиш мўлжалланмоқда.

Янги ташкил қилинган жисмоний тарбия ва спорт муассасалари даражаси ва турини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ аттестациядан ўтказиш асосида амалга оширилади.

Давлат, жамоат ва спорт ташкилотлари фаолиятидаги иш соҳалари ва йўналишларини аниқ белгилаб олиш йўналишида жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни давлат томонидан бошқаришни асосан қуйидагиларга қаратиш назарда тутилмоқда:

қонунчилик-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат, жамоат ва хусусий жисмоний тарбия-спорт муассасалари томонидан уларга риоя қилиш;

бюджет маблағлари ва жалб этилган маблағлардан терма командаларни Олимпия ва Осиё ўйинларига, жаҳон ва Осиё чемпионатларига тайёрлаш, спортнинг миллий турларини ривожлантириш мақсадли дастурларини амалга оширишда оқилона фойдаланиш;

аҳолининг турли жинс ва ёшдаги гуруҳларини жисмоний ривожлантиришнинг меъёрий стандартларини ишлаб чиқиш;

спортнинг миллий турларини, мусобақалар ва ўйинларни, ишлаб чиқаришда жисмоний тарбияни, мувофиқлаштирилган жисмоний тарбияни ва шу кабиларни ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жисмоний тарбия-спорт йўналишидаги муассасаларни сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш;

тармоқни илмий ва тиббий таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

мусобақаларнинг ягона спорт тақвимини ишлаб чиқиш.

## **3. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий-спорт ишларини ва спортнинг миллий турларини ривожлантириш**

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий-спорт ишларини ва спортнинг миллий турларини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

болаларнинг жисмоний қобилятларини ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний тарбия бўйича, уларнинг гавдаси, жуссасини нормал ривожлантириш бўйича кундалик машғулотларни барча болалар мактабгача муассасаларида жорий қилиш. Болалар мактабгача муассасаларида болаларни жисмоний тарбиялаш бўйича мутахассислар штатини жорий қилиш;

Жисмоний тарбияга доир ўқув дастурлари бўйича мажбурий дарс (машғулот)ларни ҳар ҳафтада 4 — 6 соатгача етказиш. Ўқув жараёнига олимпия таълимини, миллий ўйинлар ва мусобақаларни жорий этиш;



ўқувчилар ва талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлигини махсус тестлар бўйича текширишнинг умуммиллий ҳафтасини жорий қилиш, махсус тестларни муваффақиятли топширганлик учун халқ достони қаҳрамонлари шарафига «Алпомиш» ва «Барчиной» деб номланган уч даражали кўкрак нишонларини таъсис этиш. Талабаларнинг «Талаба» спорт уюшмасини ташкил қилиш;

янгидан ташкил этилган коллежлар ва лицейларда маънавий ва жисмоний ривожланган ёшларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт омилларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

«Коллеж спорти» ҳаракатини ташкил этиш, уни ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилишнинг асосий манбаига айлантириш;

соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда хотин-қизларни ҳомиладорлик даврида жисмоний тарбиялаш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ҳамма жойда хотин-қизлар спорт-соғломлаштириш клублари очиш;

аҳолининг меҳнат самарадорлигини ошириш ва меҳнат қилиш фаоллигини узайтириш мақсадида жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини меҳнат тартибига жорий қилиш ва бўш вақтларда оммавий жисмоний тарбия-спорт ишларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқаришда жисмоний тарбияни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари амалиётига соғлом турмуш тарзини ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини жорий этиш;

уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари даромадларидан ажратмалар, оталиқ қилувчилар, ҳомийлар, жамоат ташкилотлари, кооперативлар ва хусусий корхоналар маблағлари ҳисобига маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спорт жамғармаларини тузиш йўли билан уларда жисмоний тарбия усуллари ва шаклларини ишлаб чиқиш, барча боғларда ва дам олиш ҳудудларида аҳоли билан оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлаш;

қишлоқ меҳнатқашларида ва уларнинг оила аъзоларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни, уларнинг ўз жисмоний ривожини масалаларига муносабатларини ўзгартиришни, жисмоний тарбияни аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий қилишни, жисмоний тарбия воситалари билан касалликларнинг олдини олишни назарда тутувчи дастурни амалга оширувчи дастурнинг муҳим қисми сифатида қишлоқда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий ишларни ривожлантириш;

ҳамма жойда мавжуд умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар базасида қишлоқ аҳолиси билан жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб боровчи марказлар, қишлоқ жисмоний тарбия-соғломлаштириш клублари, қишлоқ спорти уюшмалари ташкил қилиш ҳамда спортнинг миллий турларини ва халқ ўйинларини жорий этишни таъминлаш.

Халқ анъаналари ва урф-одатларини сақлашга, маданий меросни авайлаб асрашга, шунингдек аҳолининг спортнинг миллий турларига ва халқ ўйинларига бўлган муҳаббатига муҳим аҳамият бериб, маҳалла, қишлоқ, туман ва вилоятларда спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари бўйича фестиваллар мунтазам ўтказилади, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортнинг миллий турлари бўйича бўлимлар очилади.

#### **4. Жисмоний тарбия ва спортни илмий-услубий ва тиббий таъминлаш**

Ушбу йўналишда қуйидагилар назарда тутилади:

жинси ва ёшига кўра аҳолининг жисмоний тайёргарлиги даражаси бўйича мақсадли дастурлар ва меъёрий талабларни ишлаб чиқиш;

жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва амалиётининг энг долзарб муаммолари бўйича илмий, услубий ва оммабоп адабиётларни нашр этиш дастурини тайёрлаш, фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича маълумотларнинг тармоқ банкини яратган ҳолда жисмоний тарбия ва спортни илмий-ахборот билан таъминлаш тизимини ташкил қилиш, илмий, услубий ва оммабоп адабиётларни нашр этишни таъминлаш, спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинларини илмий-ахборот билан таъминлаш тизимини ташкил этиш, «Фан спортга» илмий-спорт журналинини нашр этишни ташкил қилиш;

соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда, кейинчалик саломатликни мустаҳкамлаш учун жисмоний машқлардан фойдаланиш бўйича тавсияномалар берган ҳолда, аҳолининг барча ёш гуруҳларини ҳар йили диспансеризациядан ва профилактика кўригидан, жисмоний ривожланиш аҳволи даражасини текширишдан ўтказиш;

мамлакат терма командаларини тайёрлаш жараёнида спортчиларни мунтазам тиббий кузатувдан ўтказиб боришни, яқка тартибда даволаниш ва саломатликни тиклаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқишни таъминлаш, спортнинг барча турлари бўйича илмий жиҳатдан таъминлаш гуруҳларини шакллантириш;

врачлик-жисмоний тарбия диспансерлари ва врачлик назорати шохобчаларини кенгайтириш, касалхона ва санаторийларда жисмоний тарбия-саломатликни тиклаш марказлари очиш;

корхона, муассаса ва ташкилотларда соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва жисмоний тарбия мутахассисларини бирлаштирувчи ягона саломатлик хизматлари ташкил қилиш.

## **5. Жисмоний тарбия ва спорт тизими имкониятларини ривожлантириш**

Жисмоний тарбия ва спорт имкониятларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг спорт турлари бўйича тренер кадрлар, спортда менежмент ва маркетинг бўйича, спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари бўйича, даволаш жисмоний тарбияси бўйича мутахассислар тайёрлашдаги ролини ошириш назарда тутилмоқда.

Вилоятлардаги университетлар ва педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетларида мактаблар учун жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактабгача муассасалар учун йўриқчи-услубчилар тайёрлашни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Тармоқ кадрлари малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш, чет элларда тажриба орттиришга юбориш тизимини ишлаб чиқиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан мавжуд спорт иншоотларининг моддий-техника базасини жиддий яхшилаш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда. «Янгиобод» ва «Билдирсой» спорт базаларида спортнинг ёзги ва қишки турлари бўйича олимпия ўқув-машғулот марказлари ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Спорт товарлари ишлаб чиқариш бўйича хорижий инвесторлар иштирокидаги кичик ва қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳамда ушбу маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотиш ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигига жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш масалаларини мувофиқлаштириш, спорт объектларини лойиҳалаш ва куриш, спорт товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича корхона ва ташкилотлар ташкил қилишга кўмаклашиш юкланади.

## **6. Жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш**

Вақтли матбуотда, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришларда спорт мавзuidaги материалларни қуйидаги мақсадларда кенг ёритиш назарда тутилади:

аҳолида соғлом турмуш тарзига эҳтиёжни, ўзининг жисмоний ривожини тўғрисида қайғуриш истагини ва лаёқатини шакллантириш;

жисмоний тарбия ва спортнинг давлат олдида турган ижтимоий-иқтисодий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишдаги ролини тарғиб қилиш;

ишлаб чиқаришдаги жисмоний тарбиянинг меҳнатчиларнинг иш қобилиятини ошириш ва касб касалликларини камайтиришдаги имкониятларини намоён қилиш;

жисмоний тарбия ўқитувчиси ва тренерлик касбининг нуфузини ошириш;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг спорт тадбиркорлиги ва маркетингини, аҳолига пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантириш бўйича тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий олимпия кўмитаси томонидан оммавий ахборот воситаларида, адабиёт ва санъатда жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилганлик учун ҳар йилги мукофотларни таъсис этиш, ҳар йили спорт журналистлари ва спорт тарғиботчиларининг

семинар-кенгашларини ўтказиш, спортнинг миллий турлари, мусобақалар ва халқ ўйинларини ривожлантириш бўйича телерейдларни мунтазам ўтказиш, спортнинг миллий турлари, мусобақалар ва халқ ўйинларини тарғиб қилувчи мутахассислар иштирокида «Давра суҳбатлари» ташкил қилиш назарда тутилган.

Жисмоний тарбия-спорт мавзуидаги варақлама ва чўнтак тақвимлари, буклетлар, открыткалар, маълумотномалар, «спортга доир расмлар», «кичкинтойлар учун жисмоний тарбия» кабиларни бўйлаб учун болалар китобчаларини кўп нусхада нашр этиш ва Олимпия шон-шуҳрати музейининг спортчилар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ролини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

## **7. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, нодавлат секторини ривожлантириш**

Миллатни соғломлаштириш ва спортда юксак натижаларга эришиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириладиган маблағ билан таъминлаш манбаи сифатида давлат томонидан маблағ билан таъминлаш билан бир қаторда, ўз ходимларини ва уларнинг оила аъзоларини юқори даражада соғлом ва жисмоний ривожланган ҳолатда тутишдан манфаатдор бўлган касаба уюшмалари ташкилотлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар маблағларини жалб этиш назарда тутилади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда маблағ билан таъминлашнинг янги манбаларидан фойдаланиш вазифасини кўяди, улардан қуйидагилар мўлжалланган:

- спорт маркетингини ривожлантириш;
- спорт клублари қатнашчиларининг аъзолик бадаллари;
- ҳомийликни кенгайтириш;
- рекламада спортдан фойдаланиш;
- аҳолига спорт хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш;
- мамлакатимиз спорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- спорт федерациялари ва клубларининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши;
- «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Футбол жамғармаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа жамғармалар самарадорлигини ошириш;
- хорижий инвестициялардан, халқаро жамғармалар ва ташкилотлар маблағларидан фойдаланиш;
- телевидениеда реклама-спорт кўрсатувларини кенгайтириш;
- спортшоу ташкил қилиш, профессионал спортдан тушадиган фойдадан фойдаланиш;
- спорт лотереялари ўтказишдан тушадиган маблағлардан кенг фойдаланиш.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда нодавлат сектори ва спорт хизматлари кўрсатиш маркетинги тобора катта аҳамиятга эга бўлади. Шу мақсадда қуйидагилар назарда тутилмоқда:

хусусий жисмоний тарбия-спорт муассасалари ташкил этиш, уларни аккредитация қилиш ва сертификатлаштириш шартлари, хизматлар сифати стандартлари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

нодавлат сектори муассасаларига давлат ташкилотларидаги бинолар ва спорт иншоотларини уларга имтиёзли шартларда узоқ муддатли ижарага бериш орқали ёрдам кўрсатиш.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОКСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида**

Республикада бокснинг оммавийлигини янада ривожлантириш ва омма орасига ёйиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасининг Ўзбекистон Бокс федерацияси ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

спорт клублари, корхоналар ва ўқув муассасаларида бокс билан шуғулланиш учун уларнинг моддий-техника базаларини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш;

мамлакатнинг жисмоний тарбия-спорт ташкилотларига бокс бўйича ҳудудий, минтақавий ва республика мусобақаларини ўтказишда кўмаклашиш;

етақчи ва ёш истиқболли спортчиларни тайёрлаш ва уларни халқаро мусобақаларда қатнашишлари учун моддий жиҳатдан таъминлаш;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг бокс бўлимига қабул қилиш учун истеъдодли болаларни аниқ мақсадни кўзлаб излаш ва танлаш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, Жамғарма юридик шахс ҳуқуқига эга, барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ бўлган, ўзини ўзи бошқарадиган, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Қуйидагилар Жамғарма мол-мулкининг шакллантириш манбалари ҳисобланади:

муассислардан, қатнашчилардан бир йўла ва мунтазам равишда тушадиган тушумлар;

кўнгилли мулкий бадаллар ва хайр-эҳсонлар;

Жамғарма таъсис этилган корхоналар даромади (фойдаси)дан дивидендлар ва бошқа ажратмалар;

конун ҳужжатлари тақиқламаган бошқа тушумлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилмасига **иловага** мувофиқ розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Уставини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

6. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Вазирлар Маҳкамаси захира фондидан 5 млн сўм ажратилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳудудий бўлимларини ташкил этишда жамғармага кўмаклашсинлар.

7. Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Жамғарма моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашаётган хўжалик ҳисобидаги спорт клублари олиб келинаётган спорт анжомлари ва жиҳозлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно) 3 йил муддатга озод этилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини жойлаштириш учун бино ажратиш масаласини 1999 йил 1 июлгача ҳал қилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,


1999 йил 1 июнь,

279-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 279-сон қарорига

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси  
ТУЗИЛМАСИ**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИДА ГОЛЬФНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда аҳоли дам олишини уюштириш ва саломатлигини мустаҳкамлашнинг янги шакли сифатида гольфни ривожлантириш ва оммалаштириш, республика миллий жамоасини тайёрлаш ҳамда халқаро майдонда спорт алоқаларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Дам олиш ва спортни ривожлантириш халқаро корпорацияси» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 19 сентябрдаги 324-сон қарори асосида Тошкент шаҳридаги Роҳат кўли ҳудудида, халқаро даражада мусобақалар ўтказиш имконини берадиган, халқаро андозадаги Тошкент гольф клуби қурилиши тугалланганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳамда «Дам олиш ва спортни ривожлантириш халқаро корпорацияси» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Ўзбекистон гольф уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, гольф уюшмаси ўзини ўзи бошқарадиган, ўзини ўзи маблағ билан таъминланадиган, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширадиган, барча юридик ва жисмоний шахслар учун очик бўлган, Ҳукуматига қарашли бўлмаган жамоат ташкилоти ҳисобланади.

3. Ўзбекистон гольф уюшмасини ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита белгиланган тартибда бир ой муддатда Ўзбекистон гольф уюшмаси таъсис конференцияси ўтказилишини унинг раҳбар органлари шакллантирилишини ва устави тасдиқланишини таъминласин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар Ўзбекистон гольф уюшмасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли кенг қатламларини спортнинг ушбу тури билан шуғулланишга жалб этиш;

ташкил этиладиган гольф клубларида гольф билан шуғулланиш учун моддий-техник базани мустаҳкамлашга кенг доирада қўмаклашиш;

Ўзбекистонда гольфни ривожлантиришни мувофиқлаштириб бориш ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан вакиллик қилиш;

Ўзбекистон гольф уюшмасининг Осиё ва Жаҳон гольф уюшмалари томонидан тан олиншини таъминлаш учун тадбирлар комплексини амалга ошириш;

гольфни ривожлантириш учун маблағларни жалб этиш ва тақсимлаш, гольф клубларига уларни асбоб-анжомлар, жиҳозлар билан таъминлашда қўмаклашиш ҳамда улардан самарали фойдаланилишини назорат қилиб бориш.

5. Белгилансинки, Уюшма ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш аъзолик ва ҳомийлик бадаллари, ўтказиладиган тадбирлардан тушган даромадлар, шунингдек, амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон гольф уюшмаси ва унинг таркибига қирувчи гольф клублари Маҳаллий солиқларнинг барча турларини тўлашдан беш йил муддатга озод қилинсин, ушбу маблағлар гольфни ривожлантиришга йўналтирилсин;

«Дам олиш ва спортни ривожлантириш халқаро корпорацияси» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар ва материаллар бўйича қўшилган қиймати солиғи тўлашдан (2000 йил 1 январдан бошлаб) 3 йил муддатга истисно тариқасида озод қилинсин,

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон гольф уюшмаси буюртманомаларига биноан, гринларга қараю бўйича хорижий мутахассисларга, гольф инструкторларига ва майдонларга қараш учун ихтисослаштирилган техникани ишлатиш ва таъминлаш бўйича механикларга визалар беришни ва уларнинг муддатини узайтиришни, уларни яшаш жойлари бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни ва рўйхатдан ўтганлик муддатини узайтиришни таъминласин.

9. Ўзбекистон гольф уюшмаси масалалари бўйича ишлаш учун келувчи гринларга қараш бўйича хорижий мутахассисларга гольф инструкторларига ва майдонларга қараш учун ихтисослаштирилган техникани ишлатиш ва таъмирлаш бўйича механикларга республика ҳудудида яшаш ва транспортнинг барча турларида юриш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига назарда тутилган тарифлар бўйича ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2000 йил 26 май,

204-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН» ДАВЛАТ ТЕННИС КЛУБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

В целях дальнейшего развития тенниса и водных видов спорта в Республике Узбекистан, укрепления связей с зарубежными странами, воспитания здорового поколения и вовлечения молодежи в занятия спортом Кабинет Министров постановляет:

1. Принять предложения акционерной компании «Узбексавдо», государственно-акционерной компании «Узозиковкаттаъминот» о создании с 1 января 2001 года государственного теннисного клуба «Узбекистон» на базе крытого теннисного корта, выделив его из состава государственного теннисного клуба «Юнусобод-теннис».

2. После завершения строительства открытого плавательного бассейна на территории государственного теннисного клуба «Юнусобод-теннис» передать его на баланс вновь созданного государственного теннисного клуба «Узбекистон».

5. Контроль за выполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра М.З. Усманова.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,

2000 йил 29 декабрь,

512-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ОТ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Республикада от спортини ривожлантириш ва унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинларини оммавийлаштириш, шахснинг ҳар томонлама ва уйғун камол топишида жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси От спорти федерациясининг «Toshkent-Otchopari» республика давлат от спорти комплексини Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда 2001 йил 1 ноябрғача бўлган муддатда «Toshkent-Otchopari» республика давлат от спорти комплексини очик акциядорлик жамиятига айлантирсин.

«Toshkent-Otchopari» очик акциядорлик жамияти акциялари пакетларини жойлаштиришнинг куйидаги тартиби белгилансин:

давлат мулки — 51 фоиз;

эркин сотишга, шу жумладан хорижий инвесторга сотишга — 49 фоиз.

3. Белгилансинки, «Toshkent-Otchopari» очик акциядорлик жамияти акцияларини сотишдан тушган маблағлар қурилишни тугаллашга ва жамият балансидаги бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга мақсадли йўналтирилган ҳолда истисно тариқасида жамият ихтиёрида қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда «Toshkent-Otchopari» очик акциядорлик жамиятининг таъсис йиғилиши ўтказилишини, белгиланган тартибда унинг раҳбар органлари шакллантирилиши ва устави тасдиқланишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов ва Тошкент шаҳар ҳокими К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2001 йил 17 август,  
345-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **БОЛАЛАР СПОРТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ВА БОЛАЛАР УЧУН СПОРТ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Болалар спортини янада тарғиб қилиш, болалар учун ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари турларини кўпайтириш ҳамда минтақалар, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва «Маҳалла» худудий жамғармаларининг спорт товарларига эҳтиёжини ўрганиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг республика ҳудудларида спорт кийимлари ва анжомларини намойиш қилиш ва сотиш бўйича доимий ишлайдиган кўргазмалар ташкил этиш тўғрисидаги таклифи **иловага мувофиқ** қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига ижара ҳақи тўловидан озод қилган ҳолда спорт кийимлари, пойабзаллари ва анжомларининг ихтисослаштирилган кўргазмаларини ташкил этиш учун иловага мувофиқ бинолар ажратсинлар.

3. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ихтисослаштирилган кўргазмалар учун ажратилаётган биноларда таъмирлаш ишларини, шу жумладан сотиладиган товарлар намуналари намойиш қилиш учун витриналарни жиҳозлашни амалга оширсин;

ихтисослаштирилган кўргазмалар негизида спорт товарларини ҳар ойда намойиш қилишни (кўрсатишни), уларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг реклама қилган ҳолда ташкил этсин;

ихтисослаштирилган кўргазмаларда буюртмаларни ҳисобга олишни, аҳолининг спорт кийимлари, пойабзаллари ва анжомларига талабини ўрганишни амалга оширсинлар, тегишли тавсияномаларни маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказсин.

4. «Ўзбекчармпойабзали» (Холмуродов), «Ўзбек ипаги» (Аҳмадалиев), уюшмалари, «Файз» холдинг компанияси (Азимова), «Совпластитал» (Мелкумов) кўшма корхонаси, «Стеклопластик» (Саидмуродов) акциядорлик жамияти, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти (Кучеров), «Ўзбекнефтгаз» (Мажидов), компанияси, корхоналарида спорт кийимлари ва анжомлари ишлаб чиқарадиган бошқа вазирликлар ва идоралар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан келишилган миқдорда ва турларда, спорт товарлари турларининг вақти-вақти билан янгиланиб турилишини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган кўргазмаларга етказиб берилишини таъминласинлар.

5. «Ўзтелерадио» компанияси (Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Шоғуломов) телевидение, радио орқали ва матбуотда спорт товарлари кўргазмаларининг кенг ёритилишини, реклама қилинишини ташкил этсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 18 июль,  
318-сон



**Спорт кийимлари ва анжомларини намоиш қилиш  
ва сотиш бўйича доимий ишлайдиган кўргазмаларнинг  
ЖОЙЛАШИШИ**

<b>Т/р</b>	<b>Худудлар номи</b>	<b>Кўргазмаларнинг жойлашиши</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, «Айдинйўл» савдо комплекси
2.	Анджон вилояти	Анджон шаҳри, Чўлпон кўчаси, Марказий универсам
3.	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри, П.Неруда кўчаси, 3Б, «Семурғ» спорт комплекси
4.	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, «Наврўз» супермаркети
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 184, «Болалар дунёси» супермаркети
6.	Навоий вилояти	Навоий шаҳри, А.Темур кўчаси, 32, товар-хом ашё биржаси биноси
7.	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, «Исфархон» супермаркети
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, «Сўғдиёна» спорт комплекси
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри, Гулистон кўчаси, «Алпомиш» спорт комплекси
10.	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 1, «Истиклол» супермаркети
11.	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК биноси
12.	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, Қамбаров кўчаси, 29, «Голливуд» савдо комплекси
13.	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30, марказий биржа биноси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ОММАВИЙ СПОРТ ТАРҒИБОТИНИ ЯНАДА  
КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 й., 21-сон, 205-модда)

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос мухташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётганини, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаётганини таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бундай ҳолат ва камчиликларнинг сабаблари аввало матбуот соҳасида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, хусусан, спорт журналистларининг профессионал савияси пастлиги, юртимизнинг айрим жойларида ота-оналар, мутасадди раҳбарлар ўртасида спорт соҳасига лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжудлиги, бу масала бўйича жамоатчилик фикри сушт шаклланаётгани билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ўзбекистон телевидениесининг 4-«Халқаро» телеканалини махсус «Спорт» телеканалига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Спорт» телеканалини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бўйича «Ўзтелерадио» компанияси тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан тегишли маблағларни ажратсин;

2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Спорт» телеканалини ва радио эшиттиришларни давлат бюджетидан молиялаштиришни «Ўзтелерадио» компаниясининг йиллик харажатлари доирасида ҳисобга олсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги «Спорт» телеканали фаолиятини ташкил этиш, унинг дастурини мамлакат ҳудудига эфир орқали узатиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, мавзуга оид китоб, альбом, плакат ва буклетларни мунтазам ва режали асосда нашр этиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига Молия вазирлиги билан биргаликда ўз тасарруфидаги нашрларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодий жамоаларга малакали спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш учун қўйидаги миқдорда йиллик мукофотлар таъсис этсин:

1- мукофот — энг кам иш ҳақининг 20 баробари;

2- мукофот — энг кам иш ҳақининг 15 баробари;

3- мукофот — энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

Мукофотлар тўғрисидаги низом бир ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин.

Мукофотланганлар рўйхатини 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 27 июнь — «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида эълон қилиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига оммавий ахборот воситалари учун спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Жаҳон тиллари университетига истиқболли йўналишларни ҳисобга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклансин.

2003/2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари магистратурасида «Спорт журналистикаси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилгани маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбеккино» компанияси, «Маънавий ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадий академияга инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотида оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётини мисоллар орқали акс эттирувчи бадий асарлар яратиш бўйича маърифий, ижодий ишлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Азизхўжаев ва Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 4 ноябрь,  
484-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА ТРЕНЕРЛАР ВА СПОРТ ҲАКАМЛАРИ ТАЙЁРЛАШ  
РЕСПУБЛИКА МАКТАБИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 й., 34 -35-сон, 345-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги ПҚ-338-сон қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида спорт ўқув-методик муассаси бўлган ҳамда ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида амалга оширувчи Футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамлари тайёрлаш республика мактаби ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабининг таклиф этилаётган тузилмаси **иловага** мувофиқ маъқуллансин.

3. Қуйидагилар Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактаби фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

спорт терма жамоалари ва профессионал футбол клублари учун бош мураббийлар ва катта мураббийлар, шунингдек футбол бўйича мактаб-интернатлар профессионал футбол клублари хузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари учун бош мураббийлар тайёрлаш;

футбол бўйича республика мусобақалари ва халқаро спорт мусобақаларида юқори сифатли ҳакамликни таъминлаш учун малакали спорт ҳакамлари тайёрлаш.

4. Белгилаб кўйилсинки, Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабининг тингловчилари сифатида:

ўқиш муддати 6 ой бўлган тренерлик бўлимига — миллий чемпионатларда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари таркибида ўйин тажрибасига, тегишли тренерлик стажига, Осиё футбол конфедерациясининг «С» тренерлик лицензиясига, камида ўрта махсус маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий давлатлар фуқаролари;

ўқиш муддати 3 ой бўлган ҳакамлик бўлимига — футбол бўйича спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш тажрибасига, ФИФА тавсияларига жавоб берувчи антрометрик кўрсаткичларга эга бўлган, ёши 35 ёшдан катта бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий давлатлар фуқаролари қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон футбол федерацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабининг уставини тасдиқласин ва Мактабнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга давлат талабларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

таълим жараёнини зарур даражада ташкил этиш мақсадида Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабини малакали мутахассислар билан бутлаш, зарур ўқув-методик адабиётларни танлаган ҳолда ўқув аудиторияларини жиҳозлаш чора-тадбирларини таъминласин;

футбол назарияси ва методикаси, спорт ҳакамлари тайёрлаш бўйича ўқув ва илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқсин ва нашрга тайёрласин;

Футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамлари тайёрлаш республика мактабининг футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича илғор хорижий таълим ва илмий марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабига ўқишга юбориладиган тинловчиларни танлаб олиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин ҳамда минтақавий футбол федерацияларига, футбол клублари, мактабларига ва бошқа ташкилотларга уларнинг вакилларини ўқишга юборишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

6. Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабида ўқиш учун жалб қилинаётган тинловчиларга ўқиш даврида уларнинг асосий иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолиниши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

футбол бўйича тренерлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури бўйича давлат талабларини бажарган тинловчиларга давлат намунасидаги сертификат берилади;

футбол бўйича спорт ҳакамларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури бўйича давлат талабларини бажарган тинловчиларга футбол бўйича халқаро спорт мусобақаларига ва республика спорт мусобақаларига хизмат кўрсатиш учун тегишли спорт ҳакамининг малака тоифасини олиш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги сертификат берилади;

8. Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Банклараро спорт-соғломлаштириш маркази базасида жойлаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Банклараро спорт-соғломлаштириш маркази Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини шартнома асосида мактаб маъмуриятининг ишлаши, спорт ускуналари, жиҳозлари ва формаларини сақлаш учун зарур бинолар, назарий машғулотлар ўтказиш учун аудиториялар ҳамда амалий машғулотлар ўтказиш учун спорт иншоотлари, ёрдамчи бинолар ва бошқа бинолар билан таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2006 йил 18 август,

176-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 августдаги 176-сон қарорига  
ИЛОВА

**Футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамлари республика мактабининг тузилмаси**



Изоҳ: Футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамлари республика мактаби учун ходимларнинг энг кам сони 12 киши назарда тутилмоқда.

Футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамлари республика мактаби тингловчилари билан ўқув машғулотлари ўтказиш учун шартнома асосида мамлакатимиз олий ўқув юртларидан, хориждан ва Ўзбекистон футбол федерациясидан амалиётчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар жалб қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**  
**ФУТБОЛ БЎЙИЧА БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИНИНГ**  
**ФАОЛИЯТИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ**  
**ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2007 й., 4 - 6-сон, 44-модда)

Иқтидорли ёшларни спортга жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда болалар-ўсмирлар футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш футболчиларнинг маҳорати ошишини ва спорт соҳасидаги ютуқлари кўпайишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини, уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, олий лиганинг **иловага** мувофиқ 16 та профессионал клублари ихтиёрига бир ой муддатда, белгиланган тартибда ўтказсин.

Белгилаб қўйилсинки, профессионал клуб тугатилган тақдирда болалар-ўсмирлар спорт мактаби, кейинчалик уни бошқа профессионал футбол клубига берган ҳолда Ўзбекистон Футбол федерацияси ихтиёрига белгиланган тартибда берилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон Футбол ассоциацияси билан биргаликда мунтазам равишда олий ва биринчи лига ўйинларидан олдин болалар ва ўсмирлар жамоалари ўртасида футбол учрашувларини ўтказсин. Ҳар йили ҳар бир спорт мавсуми якунларига кўра энг яхши футболчиларни ва футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари билан ишлайдиган энг яхши тренерларни аниқласин;

бир ой муддатда:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятига оид норматив ҳужжатларни;

Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари учун Ягона ўқув дастурини;

Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базасига талабларни, ушбу мактаблар жамоалари ўртасида республика мусобақаларини ўтказиш тизимини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

республиканинг барча спорт базаларида футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ўқув-тренировка машғулотлари ва мусобақалар ўтказиш учун спорт иншоотларини имтиёзли асосда, ижара тўлови ундирмасдан берсинлар.

4. Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг:

футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спортчилари ва тренерларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида футбол грантлари;

«Футбол бўйича энг яхши болалар-ўсмирлар спорт мактаби», «Футбол бўйича йилнинг энг яхши болалар тренери» ва «Йилнинг энг яхши ёш футболчиси» номинациялари бўйича ҳар йилги мукофот таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2007 йил 31 январь,

23-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 январдаги 23-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан  
олий лига профессионал футбол клубларига берилаётган  
футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари рўйхати**

Т/Р	Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	Футбол клублари
<b>Андижон вилояти</b>		
1.	Андижон шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби	«Андижон ЎзДЭУ-авто» (Андижон шаҳри)
<b>Бухоро вилояти</b>		
2.	Бухоро шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби	«Бухоро» (Бухоро шаҳри)
3.	28-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Вобкент» (Вобкент тумани)
<b>Қашқадарё вилояти</b>		

4.	Нишон туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Насаф» (Қарши шаҳри)
5.	Шаҳрисабз туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Шўртан» (Ғуздор шаҳри)
6.	Касби туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Машъал» (Муборак шаҳри)
<b>Навоий вилояти</b>		
7.	Навоий шаҳридаги 2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Қизилқум» (Зарафшон шаҳри)
<b>Наманган вилояти</b>		
8.	Наманган шаҳридаги 17-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Навбахор-Наманган» (Наманган шаҳри)
<b>Самарқанд вилояти</b>		
9.	Самарқанд шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби	«Самарқанд-Динамо» (Самарқанд шаҳри)
<b>Сурхондарё вилояти</b>		
10.	Узун туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Сариосиё» (Сариосиё тумани)
<b>Тошкент вилояти</b>		
11.	Қибрай туманидаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби	«Металлург» (Бекобод шаҳри)
<b>Фарғона вилояти</b>		
12.	Фарғона шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби	«Нефтчи» (Фарғона шаҳри)
<b>Тошкент шаҳри</b>		
13.	16-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Пахтакор» (Тошкент шаҳри )
14.	24-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Трактор» (Тошкент шаҳри)
15.	23-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Локомотив» (Тошкент шаҳри )
16.	2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби	«Қурувчи» (Тошкент шаҳри)

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2007 й., 31-32-сон, 321-модда)

Мутахассислар ҳамда кенг спорт жамоатчилиги фикрини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек Ўзбекистонда гимнастикани жадал ривожлантириш ва мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори малакали спортчиларни тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг:

Спортнинг оммавий турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабини унинг мавжуд қувватлари ва штатдаги ходимлари сони негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига айлантириш тўғрисидаги;

Спортнинг қишки турлари бўйича олимпия захиралари республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактабини Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига айлантириш, унинг таркибига Спортнинг оммавий турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабидан велоспорт, ўқ отиш (ўқ отиш ва стенда ўқ отиш) ҳамда триатлон бўлимларини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Гимнастикани спорт гимнастikasi, бадий гимнастика, трамполин ва акробатика каби спорт турлари бўйича юқори натижаларга эришиш спорти сифатида ривожлантириш Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар:

гимнастлар томонидан Олимпия ва Осиё ўйинларида, Жаҳон, Осиё чемпионатлари ва кубокларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда эришилган натижалар;

мактаб тренер-ўқитувчилар таркибининг малака даражаси Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби фаолиятини баҳолаш мезонлари этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда:

молиялаштиришнинг амалдаги нормативлари асосида, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли ўқув юртлари учун 2007 йилда республика бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби таъминоти учун бюджетдан маблағлар ажратишни назарда тутсин;

2008 йилдан бошлаб Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби таъминоти ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган қўшимча бюджет маблағлари ажратишни назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 1 август,  
161-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА - ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 24-25-сон, 226-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-848-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби (кейинги ўринларда Республика олимпия захиралари теннис мактаби деб аталади) интернатга эга бўлган, ўқувчилари турар жой, кунига тўрт марта овқатланиш, спорт анжомлари, формаси, асбоб-ускуналар ва инвентарь билан таъминланадиган мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади;

Республика олимпия захиралари теннис мактабига ҳар йили 12 нафаргача иқтидорли, қоидага кўра, 11-12 ёшдаги спортчилар 7 йил муддатга ўқиш учун қабул қилинади, спортчиларнинг умумий контингенти 84 нафар.

Республика олимпия захиралари теннис мактаби спортчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқитиш яқин-атрофда жойлашган умумтаълим мактабларида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган «Умид» спорт комплексини белгиланган тартибда бепул асосда Республика олимпия захиралари теннис мактаби балансига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Умид» спорт комплексини белгиланган тартибда Республика олимпия захиралари теннис мактаби балансига ўтказсинлар.

Республика олимпия захиралари теннис мактаби «Умид» спорт комплексининг спорт майдончалари ва иншоотларидан аҳоли фойдаланишининг амалдаги тартибини сақлаб қолсин.

3. «Тошкент теннис маркази» ОАЖ спорт комплексининг Республика олимпия захиралари теннис мактаби балансига ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг «Тошкент теннис маркази» ОАЖни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Қуйидагилар:



Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Республика олимпия захиралари теннис мактабига ўқувчиларни танлов асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Республика олимпия захиралари теннис мактаби ўқувчиларини турар жой ва овқатланиш, спорт анжомлари ва форма билан таъминлаш нормативлари 4 ва 5-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда Республика олимпия захиралари теннис мактабининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

ўқув йили бошлангунга қадар теннисчилар тайёрлашнинг кенг жаҳон тажрибасини ҳисобга олувчи теннисчилар тайёрлаш дастурларини тасдиқласин;

ўқув-тренировка жараёнини зарур даражада ташкил этиш мақсадида Республика олимпия захиралари теннис мактабини малакали мутахассислар билан таъминлаш, зарур ўқув-методик адабиётларни танлаб олган ҳолда ўқув хоналарини жиҳозлаш чора-тадбирларини кўрсин;

белгиланган тартибда зарур спорт анжомлари, формаси, инвентарь ва асбоб-ускуналар харид қилинишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили Республика олимпия захиралари теннис мактабига ўқишга юбориладиган иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш тадбирлари режасини тасдиқласин;

спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан даврий мониторинг олиб борсин, зарурат бўлганда, Республика олимпия захиралари теннис мактабининг Ҳомийлик кенгашига ўқув-тренировка жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Узлуксиз мажбурий умумий ўрта таълимнинг таъминланиши ҳамда Республика олимпия захиралари теннис мактаби битирувчиларининг устун даражада касб-ҳунар таълими муассасаларига бириктирилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказига ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юклансин.

7. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда:

Халқаро теннис федерацияси (ITF)нинг тренерларни ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда Республика олимпия захиралари теннис мактабининг тренерлари малакасини ошириш курсларини ташкил этишни;

институтнинг кадрлар ва илмий-методик салоҳиятидан Республика олимпия захиралари теннис мактабининг ўқув-тренировка жараёнида фойдаланилишини назарда тутсин.

8. Республика олимпия захиралари теннис мактаби Ҳомийлик кенгашининг 2008-2009 ўқув йили бошлангунга қадар Республика олимпия захиралари теннис мактабини ҳомийлар маблағлари ҳисобига 6-иловага\* мувофиқ зарур ўқув, тренировка ва маиший асбоб-ускуналар, замонавий компьютер техникаси ва ахборот-ресурс маркази билан жиҳозлаш бўйича таклифига розилик берилсин.

9. Ўқувчининг Республика олимпия захиралари теннис мактабида ўқиш учун ҳар ойлик бадали миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида белгилансин.

Белгилансинки, ўқувчиларнинг бадаллари сифатидаги тушумлар ушбу мақсадларга ажратиладиган бюджет маблағлари билан бир қаторда мақсадли тарзда ўқувчиларни овқатлантиришни яхшилашга йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика олимпия захиралари теннис мактабининг ташкил этилиши ҳамда «Умид» спорт комплексининг унинг балансига ўтказилиши муносабати билан республика бюджети ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 июнь,  
132-сон

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2009 й., 49-сон, 524-модда)

Футболни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, унинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний маданиятини юксалтиришдаги ролини ошириш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий футбол ассоциациялари футболни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалаларидаги фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий футбол ассоциацияларига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

футболнинг барча турларини, шу жумладан ҳаваскорлик футболни ва профессионал футболни ривожлантиришнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

футбол клублари ва жамоаларига уларнинг футбол бўйича ҳудудий, республика ва халқаро мусобақаларга тайёрланишида ва уларда қатнашишида ҳар томонлама кўмаклашиш;

аҳоли кенг қатламлари ўртасида футбол бўйича мусобақалар ўтказишни ташкил этиш;

Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларига номзодлар тайёрлаш учун жавоб берадиган асосий футбол клублари сифатида уларнинг ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш ҳамда футбол клублари учун резерв тайёрлаш мониторингини амалга ошириш;

футболчилар, тренерлар ва ҳакамлар, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

футболни, шу жумладан халқаро аренада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ҳудудий футбол ассоциациялари аъзоларини, футболчилар, тренерлар ва ҳакамларни, футбол фахрийлари ва бошқа мутахассисларни ахборотлар билан, илмий-методик ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан ишлаб чиқилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий футбол ассоциациялари тўғрисидаги Намунавий низом иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларига Ўзбекистон Футбол федерацияси билан келишган ҳолда Намунавий низомга мувофиқ ўз уставларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқиш ва адлия органларига давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда тақдим этиш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларининг уставларини давлат рўйхатидан ўтказишда кўмаклашсин.

3. Тегишли ҳудудлар ҳудудий футбол ассоциацияларининг президентлари ҳисобланадиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий футбол ассоциацияларининг молиявий ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, тегишли ҳудудда

футболни ривожлантириш учун ҳомийлар топишда, шунингдек уларни жойлаштириш учун бинолар ажратишда кўмаклашиш;

профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ривожланишини доимий назорат қилиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўмаклашиш;

тегишли ҳудудда профессионал футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш.

4. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий футбол ассоциациялари иш ҳақи фондларини молиялаштириш Ўзбекистон Футбол ассоциациясининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича янги болалар-ўсмирлар спорт мактабларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун 2010 йилда тенг улушларда 8 млрд сўм миқдоридида маблағ ажратишни назарда тутсинлар;

профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш учун тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари бир ой муддатда тайёрланишини таъминласинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

6. Фарғона (Х. Неъматов), Наманган (Б. Юсупов) ва Самарқанд (Ў. Барноев) вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда:

«Фарғона» (Фарғона шаҳри), «Навбахор» (Наманган шаҳри), «Динамо» (Самарқанд шаҳри) марказий стадионларини мукамал таъмирлаш юзасидан тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланишини бир ой муддатда таъминласинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсинлар;

7. Ўзбекистон Футбол ассоциациясига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий футбол ассоциацияларининг раҳбар ва штатдаги ходимларига нисбатан талабларни, уларнинг малакасини, ишбилармонлик, касбий ва бошқа сифатларини, малакасини ошириш даврийлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида оммавий футбол ҳаракатининг ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, футбол бўйича тренерлар ва бошқа мутахассислар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсинлар, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб ва реклама қилсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2009 йил 3 декабрь

304-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОИ**

### **ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СУВ СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 8-сон, 63-модда)

Олимпия захираси спорт салоҳиятини янада ривожлантириш, спортнинг сув турлари бўйича республика терма жамоаларини босқичма-босқич тайёрлашни зарур даражада ташкил этишни ҳамда жамоаларнинг 2012 йилда XXX ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳузуридаги Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказини Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига бериш;

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Университет кўчасида жойлашган Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказининг бинолари ва иншоотларини Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси балансидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги балансига бепул бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказини, шунингдек унинг бинолари ва иншоотларини белгиланган тартибда қабул қилиш-топшириш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширсин;

бир ой муддатда Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказининг янгиланган уставини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика маркази таъминоти харажатларини молиялаштирасин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказининг марказнинг барча спорт объектларидан сифатли ва замонавий даражада фойдаланишни таъминлайдиган янги штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 сентябрдаги 453-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 22 февраль,  
31-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **СПОРТ МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲАМДА СПОРТ МАКТАБЛАРИ ТРЕНЕРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ МЕҲНАТИНИ МОДДИЙ РАҒБАТ- ЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 38-сон, 331-модда)

Болалар ва ёшларнинг мактабдан ташқари спорт таълими тизимини янада такомиллаштириш, спорт захираси ва юксак маҳоратли спортчилар тайёрлаш, тренерлар ва мутахассислар меҳнатини уларнинг тарбияланувчилари юқори спорт натижаларга эришганлиги учун рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига ва Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПҚ-1332-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасидаги спорт мактаблари асосий фаолияти болалар, ўсмирлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этишга, спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган мактабдан ташқари спорт-таълим муассасалари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, жамоат ташкилотлари ва спорт федерацияларининг республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) тегишли моддий-техника базасига эга бўлган, спорт турлари бўйича юқори малакали тренерлар ва мутахассислар билан бутланган камида битта спорт мактаби фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси куйидагиларни таъминласинлар:

2010 йил 1 ноябрғача, идоравий мансублигидан қатъи назар, республикада фаолият кўрсатаётган Давлат бюджетидан молиялаштириладиган мактабдан ташқари барча типдаги спорт-таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ва тегишли тренер кадрлар билан бутланганлигини хатловдан ўтказиш;

спортчилар тайёрлашни янада самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида 2010 йил 1 декабрғача спорт объектлари ва мактабларини қайта ташкил этиш йўли билан спорт мактаблари тармоғини мақбуллаштириш ва фаолиятини тартибга солиш;

спорт мактабларини спорт бўйича тайёргарликнинг замонавий методикалари ва технологияларини эгаллаган малакали тренер кадрлар ва мутахассислар билан босқичма-босқич бутлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги 2010 йил 15 декабрғача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

мактабдан ташқари спорт-таълим муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни;

спорт мактаблари, биринчи навбатда, зарур моддий-техника базасига эга бўлмаган қишлоқ туманларидаги спорт мактаблари учун спорт объектлари ва иншоотлар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашни кейинги йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг манзилли дастурларига киритишга доир таклифларни киритсинлар.

5. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин, Низом 2011 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, белгиланган тартибда, икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда спорт мактабларининг намунавий штатларини ҳамда Спорт мактабларининг ўқувчи-спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларини моддий таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни;

спорт-таълим муассасалари ходимларининг малака тавсифларини ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини, шунингдек Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва инструктор-методистларига малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни;

спорт-таълим муассасаларида спортчилар тайёрлаш ўқув дастурларининг намунавий режасини тасдиқласинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари ва ўқув юртлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни мувофиқлаштириш тўғрисида» 1996 йил 19 февралдаги 65-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, белгиланган тартибда, бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2010 йил 23 сентябрь,

211-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАСДАН ШУҒУЛЛАНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2011 й., 1-2-сон, 8-модда)

Юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Фаолиятнинг ушбу турларини амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни ёллаш ҳуқуқига эга.

2. Белгилансинки, жисмоний шахслар 2011 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланган Рўйхатга киритилмаган фаолият турларини амалга ошириши мумкин эмас.

3. Давлат хизматлари марказлари фаолият турлари бўйича хусусий тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда ушбу қарор билан тасдиқланган Рўйхатга қатъий амал қилсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарор билан тасдиқланган Рўйхатни кенгайтириш ёки ундан фаолият турларини чиқариб ташлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2011 йил 7 январь,

6-сон

**Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан  
шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари**

## РЎЙХАТИ

Т/р	Фаолият турининг номи
IV.	Фаолиятнинг бошқа турлари:
58.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шейпинг, аэробика, спорт секциялари, саломатлик гуруҳлари), тренерлик хизматлари

Ушбу рўйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу рўйхат доирасида ўз фаолиятини амалга оширадиган хусусий тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### ТЕРМА ЖАМОАЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ЗАХИРАСИНИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ТАЙЁРЛАШНИ, ШУНИНГ ДЕК УЛАРНИ МОДДИЙ ЖИХАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2011 й., 17-сон, 172-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида» 2009 йил 5 январдаги ПҚ-1029-сон қарорини бажариш юзасидан, спортчиларни республика ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишга сифатли тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

Терма жамоалар ҳамда уларнинг захираси спортчилари ва тренерларининг энергия сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул (молиявий) маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ҳамда улар иштирокчиларининг моддий таъминоти нормаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

1<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази уч йилда бир маротаба «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари дастурларига киритилган асосий спорт турларини ҳар бир таълим муассасасида белгиласин ва тасдиқласин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2011 йил 27 апрель,

121-сон

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### СПОРТ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ҲАМДА СПОРТ ВА ОММАВИЙ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТАДБИРЛАРИНИНГ КАЛЕНДАРЬ РЕЖАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2012 й., 23-24-сон, 267-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада

ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида» 2009 йил 5 январдаги ПҚ-1029-сон қарорини бажариш юзасидан, спорт терма жамоаларини ташкил этиш ва спорт тадбирларини ўтказиш режасини шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2012 йил 14 июнь,

173-сон

## **ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

### **О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ УКРЕПЛЕНИЮ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ БАЗЫ ГРЕБНЫХ ВИДОВ СПОРТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

(Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г. № 45, ст.515)

В целях организации и качественного проведения международных соревнований, чемпионатов Азии по академической гребле и гребле на байдарках и каноэ в 2012-2013 годах, а также дальнейшего совершенствования инфраструктуры гребных видов спорта в Республике Узбекистан Кабинет Министров постановляет:

1. Принять к сведению, что:

Азиатскими спортивными организациями по гребным видам спорта приняты решения о проведении в 2013 году чемпионатов Азии по академической гребле и гребле на байдарках и каноэ в Республике Узбекистан на базе гребного канала в Самаркандской области;

спортивное оборудование, инвентарь, старто-финишная автоматическая система в комплекте марки «IMAS» для академической гребли и гребли на байдарках и каноэ, водные маломерные суда приобретаются за счет средств Федерации Узбекистана «ROWING & CANOE» и благотворителей.

2. Освободить от таможенных платежей (кроме сборов за таможенное оформление) не производимые в Республике Узбекистан, ввозимые в рамках проведения международных соревнований, чемпионатов Азии по академической гребле и гребле на байдарках и каноэ в 2012-2013 годах спортивное оборудование, инвентарь, старто-финишную автоматическую систему в комплекте марки «IMAS» для академической гребли и гребли на байдарках и каноэ, водные маломерные суда по перечню согласно приложению.

Установить, что, в случае нецелевого использования ввезенных спортивного оборудования, инвентаря, старто-финишной автоматической системы в комплекте марки «IMAS» для академической гребли и гребли на байдарках и каноэ, водных маломерных судов, высвобождаемые средства взыскиваются в Государственный бюджет Республики Узбекистан с применением штрафных санкций, предусмотренных законодательством.

3. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан А.И. Икрамова.

**Премьер-министр Республики Узбекистан Ш. МИРЗИЁЕВ**

г. Ташкент,

7 ноября 2012 г.,

№ 318



**ПРИЛОЖЕНИЕ**  
к постановлению Кабинета Министров от 7 ноября 2012 г. № 318

**ПЕРЕЧЕНЬ**

**спортивного оборудования, инвентаря, старто-финишной автоматической системы в комплекте марки «IMAS» для академической гребли и гребли на байдарках и каноэ, водных маломерных судов, не производимых в Республике Узбекистан, ввозимых в рамках проведения международных соревнований и чемпионатов Азии по гребле на байдарках и каноэ, академической гребле в 2012-2013 годах**

№	Наименование	Количество	Код ТН ВЭД
<b>Спортивное оборудование и инвентарь</b>			
<b>Компания «Plastex»</b>			
1.	Байдарка-одиночка (К-1)	30 шт.	8903 99 100 0
2.	Байдарка-одиночка (К-1)	30 шт.	8903 99 100 0
3.	Каноэ-одиночка (С-1)	20 шт.	8903 99 100 0
4.	Каноэ-одиночка (С-1)	60 шт.	8903 99 100 0
5.	Байдарка-двойка (К-2)	30 шт.	8903 99 100 0
6.	Каноэ-двойка (С-2)	30 шт.	8903 99 100 0
7.	Байдарка-четверка (К-4)	12 шт.	8903 99 100 0
8.	Каноэ-четверка (С-4)	6 шт.	8903 99 100 0
9.	Пара-каноэ (С)	6 шт.	8903 99 100 0
<b>Компания «Hangzhou Flying Eagle Boat Co., Ltd»</b>			
10.	Лодка академическая одиночка (1X)	30 шт.	8903 99 100 0
11.	Лодка академическая двойка (парная распашная) (2X/-)	30 шт.	8903 99 100 0
12.	Лодка академическая четверка (парная распашная) (4X/-)	22 шт.	8903 99 100 0
13.	Лодка академическая восьмерка (8+)	6 шт.	8903 99 100 0
<b>Компания «Composite Costar Khazr Co., Ltd» (Иран)</b>			
14.	Весла байдарочные тренировочные	150 шт.	9506 29 000 0
15.	Весла байдарочные соревновательные	70 шт.	9506 29 000 0
16.	Весла каноэ тренировочные	50 шт.	9506 29 000 0
17.	Весла каноэ соревновательные	30 шт.	9506 29 000 0
<b>Компания «Braco-Sport» (Литва)</b>			
18.	Весла каноэ соревновательные	20 шт.	9506 29 000 0
19.	Весла байдарочные соревновательные	30 шт.	9506 29 000 0
20.	Весла академические распашные (372-376)	50 шт.	9506 29 000 0
21.	Весла академические парные (288-289)	70 шт.	9506 29 000 0
<b>Компания «Reem Style Travel &amp; Tourism» LLC (Объединенные Арабские Эмираты)</b>			
22.	Специальная спортивная форма	100 компл.	6114 30 000 0
23.	Спец. автомашина с прицепом конструкции для перевозки спортивных лодок	2 шт.	8704 21 310 0
24.	Комплект для замера спортивных лодок	2 компл.	9017 80 100 0
25.	Электромобили 4- и 8-местные	4 шт.	8703 90 109 0
<b>Компания «Metter-Toledo Instruments Ltd» (Швейцария)</b>			
26.	Весы электронные, для взвешивания спортивных судов	2 компл.	8423 82 900 0
<b>Старто-финишная автоматическая система в комплекте марки «IMAS» для академической гребли и гребли на байдарках и каноэ Компания «IMAS Sportsystems» (Германия)</b>			
№1	Электронная система старта и хронометража для гребли/Time-System		
<i>Startbereich/Стартовая зона</i>			
<b>imas 1.001</b>	Ampeln rot/ grün— Светофоры красные/зеленые	9 ст/шт.	8530 80 000 0
<b>imas 1.002</b>	Kabel von Bahn zu Bahn und zu Multidesk/ Кабель от дорожки до дорожки и к мультидеску	9 ст/шт.	8544 42 900 9
<b>imas 003</b>	Ampeln rot/weiss mit 4 meter Kabel — светофоры красные/белые с кабелем 4 м	2 ст/шт.	8530 80 000 0

imas 004	IMAS Multidesk als Basis für den Startbereich,Software insalliert <b>IMAS Мультидеск как базис для старт. зоны, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	2 st/шт.	8537 10 910 9
imas 005	Lautsprecher 20W,Wassergeschützt— <b>Громкоговорители 20В, водостойкие</b>	10 st/шт.	8518 21 000 0
imas 007	Netzwerkkabel zwischen Alinger-Starter < 100meter <b>сетевой кабель между боковым стартером &lt; 100м</b>	1 st/шт.	8544 42 900 8
imas 008	IMAS Fehstart Kamera mit Stativ und Kamerahalter <b>IMAS фальстарт-камера со штативом и держателем</b>	1 st/шт.	8525 80 300 0??
imas 009	Display HDMI 24 «for starter or aligner/ <b>Дисплей HDMI 24» для стартера и бокового судьи</b>	1 st/шт.	8528 72 4000
imas 012	Fehlstart-Foto für Rudern,Film für Kanu,Software insalliert <b>Фальстарт-фото для гребли акад., фильм для каноэ, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	1 st/шт.	8525 80 300 0
imas 013	Halter für Ampeln und Lautsprecher/ <b>Держатель для светофора и громкоговорителя</b>	9 st/шт.	8302 49 000 9
imas 014	länge 50 meter oder länger / <b>Кабель длиной 50м или более</b>	1 st/шт.	8544 42 900 9
<b>IMAS Zwischenzeit — Промежуточное время</b>			
imas 001	IMAS Kamera,Netzteil, Software installiert <b>IMAS камера, сетевые детали, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	3 st/шт.	8525 80 190 0
imas 002	Stativ und Kammerahalter/ <b>Штатив и держатель для камеры</b>	3 st/шт.	8529 90 920 9
<b>Zielbereich — Финишная зона</b>			
imas 2.001	IMAS Kamera,Netzteil( Redundant),Software insalliert <b>IMAS камера, сетевые детали (Redundant), программное обеспечение, проинсталлировано</b>	2 st/шт.	8525 80 190 0
imas 2.002	Stativ und Kamerahalter/ <b>Штатив и держатель для камеры</b>	2 st/шт.	8529 90 870 0
imas 3.001	Laptop für Zwischenzeiten, Software installiert <b>Ноутбук для промежуточного времени, программное обеспечение,проинсталлировано</b>	3 st/шт.	8471 30 000 0
imas 3.002	Laptop für Endzeiten,Software installiert <b>Ноутбук для конечного времени, программное обеспечение,проинсталлировано</b>	1 st/шт.	8471 30 000 0
imas 3.003	Laptop für Regattamanager,Software installiert <b>Ноутбук для Регата-менеджер программы, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	1 st/шт.	8471 30 000 0
imas 3.005	Laptop für Server,Software installiert/ <b>Сервер, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	1 st/шт.	8471 50 000 0
imas 3.006	Laptop für Hauptkamfrichter,Fotofinish,Software insalliert <b>Ноутбук для главного судьи, фотофиниша, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	1 st/шт.	8471 30 000 0
imas 3.007	Laptop für Anzeigetafel,HDMI oder VGA,Software installiert <b>Ноутбук для табло, HDMI или VGA, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	1 st/шт.	8471 30 000 0
imas 3.008	Laptop für teamleadermeeting,Software installiert/ <b>Ноутбук Тимлидер-митинг, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	1 st/шт.	8471 30 000 0
imas 3.009	Wetterstation,USB,Software installiert <b>Метеорологическая станция, USB, программное обеспечение, проинсталлировано</b>	1 st/шт.	9015 80 110 0
imas 3.010	16 Port switch/ <b>16-сетевой распределитель</b>	1 st/шт.	8517 62 000 1
imas 011	Satz Netzwerkkabel,Verteiler/ <b>Комплект сетевого кабеля</b>	1 s./к-кт	8544 42 900 8
	Verteiler/ <b>Распределитель</b>		8517 62 000 1
imas 3.012	LWL/ Netwerk Konverter Box — <b>Световод/сетевой конвертер</b>	1 st/шт.	8517 62 000 1
№ 2	<b>IMAS Дисплей спортивный светодиодный / Sportdisplay (Anzeigetafel)</b>	1 st/шт.	8517 62 000 1
№ 3	<b>Система прямой видеотрансляции/ Video-Live-Übertragungssystem</b>		
	мини DV камера, тип «Canon»	3 шт.	8525 80 190 0

	видеоштатив, тип «Manfrotto»	3 шт.	8529 90 920 9
	аккумулятор для камеры	12 шт.	8507 80 000 0
	зарядное устройство для камеры	6 шт.	8504 40 550 9
	кабель для подключения видеопередатчика	3 шт.	8544 42 900 8
	аккумулятор для мобильного видеопередатчика	9 шт.	8507 80 800 0
	зарядное устройство для аккумулятора	6 шт.	8504 40 55 09
	Intercom (коммуникация на дистанции), Headset	4 шт.	8518 30 950 0
	защитный козырек от дождя для камеры	3 шт.	8529 90 920 9
	видеомикшер	1 шт.	8543 70 900 0
	монитор	1 шт.	8528 59 400 9
	канал видеоприемника	2 шт.	8517 62 000 9
	блок питания от сети и кабель	1 шт.	8504 40 820 9
	расширительный модуль приема 3 видеосигналов на одном видеоприемнике с антенной	1 шт.	8517 62 000 9
	ноутбук с видеопрограммным обеспечением для передачи	1 шт.	8471 30 000 0
<b>№ 4</b>	<b>Автом. старт. система для гребли на байдарках и каноэ состоит из: Automatische Startanlage für Kanu/Kajak besteht aus:</b>		
04.1.	Основной плавучий модуль (каajak,каноэ) 9 м с плечом рычага и старт. наконечником Modul für Kanu 9m шт in komplett mit Hebelarm und Startschuh	9 шт./9St	8479 89 970 9
04.2.	Буи со стальным тросом/ Bojen mit Drahtseile	20 шт./9St	8907 90 000 0
04.3.	Опоры для буев длиной 3м/Bojenträger 3m	10 шт./10St	7326 90 980 9
04.4.	Воздушный компрессор/Kompressor	1 шт./1St	8414 80 220 9
04.5.	Громкоговоритель с держателем /Lautsprecher mit Halterung	5 шт./5St	8518 21 000 0
<b>№ 5</b>	<b>Автом. старт. система для гребли на байдарках и каноэ, гребли академической состоит из: Automatische Startanlage für Kanu/Kajak und Rudern besteht aus:</b>		
05.1.	Основной плавучий модуль (каajak,каноэ) 9 м с плечом рычага и старт. наконечником Modul für Kanu 9m шт in komplett mit Hebelarm und Startschuh	9 шт./9St	8479 89 970 9
05.2.	Буи со стальным тросом/ Bojen mit Drahtseile	20 шт./9St	8907 90 000 0
05.3.	Опоры для буев длиной 3м/Bojenträger 3m	10 шт./10St	7326 90 980 9
05.4.	Воздушный компрессор/ Kompressor	1 шт./1St	8414 80 220 9
05.5.	Громкоговоритель с держателем / Lautsprecher mit Halterung	5 шт./5St	8518 21 000 0
05.6.	Ролики для монтажа/Transportrollen	3 шт./3St	8302 49 000 9
05.7.	Тележка для монтажа для основного плавучего модуля/Transporthilfe	1 шт./1St	8716 80 000 0
05.8.	Модули расширения для гребли академ-й. 4,5 м /Module Erweiterung Rudern 4,5m	7 шт./7St	8479 89 970 9
05.9.	Модули расширения для гребли академ-й 2,25 м/Module Erweiterung Rudern 2,25m	2 шт./2St	8479 89 970 9
05.10.	Стартовые наконечники для гребли академич-й/ Startschuhe Rudern	8 шт./8St	7616 99 900 9
<b>№ 4 и № 5</b>	<b>Принадлежности для автоматической стартовой системы для гребли академ., байдарок и каноэ для автоматической стартовой системы для байдарок и каноэ/Zugehörigkeit</b>		
	Микрофон с подставкой /Mikrofon mit Ständer	2 шт./2St	8518 10 950 0
	Кабели, болты / Kabel, Bolzen,	2к-т /2Set	8544 42 900 8
	Пневмошланг/Schlauch	2к-т /2Set	3917 32 000 9
	Бокс с запчастями и соединительными элементами (гайки, инструмент)	2к-т /2Set	7318 16 300 9
	Box mit Kleinteile und Ersatzteile (набор инструментов)		8206 00 000 0
<b>№ 6</b>	<b>Комплект эстафет для гребли на байдарках и каноэ/Stafel für Kanu/Kajak 9 Bahnen</b>		1к-т /1Set
	специальные блоки управления для эстафет (подобные мультидескам) на 9 дорожек	2 шт.	8537 10 910 9
	маленьк. блоки с кнопками	18 шт.	
	специальный кабель для эстафет	1 комп-т	8479 89 970 9
<b>№ 7</b>	<b>Альбано-система (система разметки дистанции) на 9 дорожек Albano-System für Kanu, Kajak, Rudern 9 Bahnen</b>		
07.1.	Круглопрядный трос из высококачественной стали, диаметр 5 мм, Edelstahlseil, Durchmesser 5mm	22000 m	7312 10 200 0

07.2.	Буи для разделения дорожек/Bahnbegrenzungsbojen, Durchmesser 20cm	2000 St/шт.	8907 90 000 0
07.3.	Спецбуи/Sonderbojen, Durchmesser 500mm	30 St/шт.	8907 90 000 0
07.4.	Обводные ролики из высококачественной стали/Umlenkrollen Edelstahl	40 St/шт.	8302 49 000 9
07.5.	Лебедки (цинков.) для старта и финиша в комплекте с опорой и платой для вкручивания в бетон; 15 шт 45° для стартовой зоны, 15 шт 90° для финишной зоны/ /Seilwinden für Start u. Ziel, Verzinkt Komplett mit Stütze und Fußplatte zum anschrauben auf Beton, Winkel der Fußpl	30 St/шт.	8425 39 000 9
07.6.	Лебедки (цинков.) для поперечных растяжек/Seilwinden für Querverspannung Verzinkt	10 St/шт.	8425 39 000 9
07.7.	Крепежный материал: клеммы для крепления буйперов/Befestigungsmaterial:	1 Set/1к-т	7326 90 980 9
	Klemmen für Bojen-Seil Befestigung		7326 90 980 9
	Клеммы для крепления/Befestigungsklemme		7326 90 980 9
	Полиэфирный трос для буюв/Polyester Seil für Bojen		5607 50 110 0
	Нержавеющие клеммы для крепления буюв/ Rostfreie Klemme für Bojenbefestigung		7326 90 980 9
	Соединительные элементы, скобы/ Verbindungsmittel , Schäkkel		7317 00 900 9
07.8.	Крепежный материал: / Befestigungsmaterial ,Dübel, Bohrer, Kleinmaterial:	1 Set/1к-т	
	Дюбель		7317 00 610 0
	Сверло		8207 50 600 0
	<u>мелкий материал:</u>		
	Винты из коррозионной стали		7318 14 100 0
	Болты из коррозионной стали		7318 15 700 9
	Гайки		7318 16 300 9
07.9.	белые буи с номерами дорожекweiße Markierungsbojen mit Bahn Nummern	10 St/шт.	8907 90 000 0
<b>Водные маломерные судаКомпания «Reem Style Travel&amp; Tourism» LLC (Объединенные Арабские Эмираты)</b>			
<b>1.</b>	Лодки моторные	10 шт.	8903 92 910 0

Примечание: коды ТН ВЭД будут дополнительно уточняться при поступлении товаров на таможенную территорию Республики Узбекистан.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДАЧИЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2013 й., 14-сон, 181-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги ПҚ-1923-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги ПҚ-1923-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш назарда тутилганлиги, шунингдек Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг мақсадлари ва унинг даромадларини шакллантириш манбалари белгиланганлиги;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг Бош ассамблеяси томонидан Жамғармани нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, унинг устави

тасдиқланганлиги ва Жамғарма Васийлик кенгашининг таркиби сайланганлиги, Васийлик кенгаши томонидан 2013 йил 25 мартдаги мажлисда (1-сон баённома) Жамғарманинг тузилмаси маъқулланганлиги ва унинг бошқарув органлари шакллантирилганлиги;

Жамғарманинг дастлабки маблағларини шакллантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги 98-ф-сон фармойишига мувофиқ амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси икки ҳафта муддатда Жамғармани давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2013 йил 2 апрель,

92-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 апрелдаги 92-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон  
олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тузилмаси**



Ижро этувчи аппарат ходимларининг штатдаги чекланган сони — 7 нафар.

Изоҳ: васийлик кенгаши Жамғарманинг тузилмасига ва ходимларнинг штатдаги сонига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **СПОРТНИНГ ЭШКАК ЭШИШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ СПОРТ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами  
2013 й., 20-сон, 258-модда)

Олимпия захираларининг спорт салоҳиятини янада ривожлантириш, спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини тайёрлашни босқичма-босқич зарур даражада ташкил этиш, иқтидорли болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб

қилиш, улардан Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг ишончли захирасини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини, Кониғил қишлоғида жойлашган Самарқанд вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳузуридаги спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидаги Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширувчи мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади;

республика ва минтақалар стажёрлар ва асосий терма жамоалар таркибларини тўлдиришга қодир бўлган юқори малакали спортчиларни тайёрлаш, спортнинг эшкак эшиш турларини – академик эшкак эшиш ва байдарка ва каноэда эшкак эшиш турларини ривожлантириш Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари мактаби фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади;

Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш спорт мактаблари ва клубларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, спортнинг эшкак эшиш турлари билан шуғулланиш учун спорт кўрсаткичларига ва юқори классли спортчининг тегишли салоҳиятига эга бўлган иқтидорли болалар орасидан амалга оширилади;

спорт мактабида ўқув йили 2 сентябрда бошланади. Ўқув йилининг давомийлиги спорт турининг хусусиятига, спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига, спорт тайёргарлигини даврийлаштиришга боғлиқ бўлади ҳамда спорт мактабининг раҳбарияти томонидан спортнинг ҳар бир тури учун яқка тартибда белгиланиши мумкин;

Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг ўқувчи-спортчилари умумтаълим дастурлари бўйича яқин жойлашган умумтаълим мактабларида ўқитилади.

3. Қуйидагилар Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республиканинг барча минтақаларидан спортнинг эшкак эшиш турлари билан шуғулланиш учун зарур спорт кўрсаткичларига, спорт салоҳиятига, спортнинг танланган тури бўйича профессионал кўникмаларга ва маҳоратга эга бўлган иқтидорли ва истиқболли болаларни пухта танлаб олиш;

спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича энг янги илмий-методик тавсиялар ва ютуқлар асосида спорт захираларини ва Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоалари учун юқори классли спортчиларни тайёрлаш учун ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш;

юқори классли спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган замонавий моддий-техника базасини ва малакали тренерлар таркибини яратиш;

назарий тайёргарликни ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, эшкакчиларнинг профессионал сифатларини ривожлантириш, шунингдек спортнинг эшкак эшиш турларини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

спортчилар ва тренерлар таркибининг касб маҳоратини ошириш юзасидан тажриба алмашиш соҳасида спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича хорижий мактаблар, академиялар ва клублар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

бир ой муддатда Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон «Rowing & Canoe» федерацияси билан биргаликда Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини малакали мутахассислар билан таъминлаш, ўқув-машқ жараёнини зарур даражада ташкил этиш учун зарур бўлган ўқув-методик адабиётларни танлаб олган ҳолда ўқув биноларини жиҳозлаш чоратадбирларини таъминласин, шунингдек хорижий спортчилар ўқув-машқ йиғинларини, республика ва халқаро мусобақаларни, регаталар ҳамда турнирларни тайёрлаш ва ўтказиш учун Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг моддий-техника базасидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби ўқувчи-спортчиларини тайёрлаш сифати устидан тизимли мониторингни ҳамда, зарурият бўлганда, ўқув-машқ жараёнини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар киритилишини таъминласин.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон «Rowing & Canoe» Федерацияси томонидан «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси маблағлари ҳисобига Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида олимпия спорт мусобақаларини ўтказиш талабларига мувофиқ йирик халқаро мусобақалар, регаталар, турнирлар ўтказиш учун 1 020 000 (бир миллион йигирма минг) евро қийматидаги «Старт-Финиш» электрон ахборот тизими сотиб олинганлиги ва ўрнатилганлиги;

ўрнатилган «Старт-Финиш» электрон ахборот тизими Ўзбекистон «Rowing & Canoe» Федерацияси балансидан Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби балансига бепул ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон «Rowing & Canoe» Федерацияси хайрия эҳсонлари маблағларини жалб этган ҳолда:

Жаҳон каноэ федерацияси стандартларига мувофиқ Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби объектларининг қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларининг 2013 йил III чорагигача тугалланишини;

Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини 4 та автотранспорт воситаси, шу жумладан 1 та хизмат ва 3 та махсус автотранспорт билан таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш сифати юзасидан назорат ўрнатсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари;

мактаб фаолияти соҳаси бўйича пулли хизматларни амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, нодавлат ноижорат ташкилотларининг хайрия эҳсонлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2013 йил учун Самарқанд вилояти бюджети ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатлар параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин, шунингдек 2014 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишда Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби таъминоти учун «Таълим» соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

4 та автотранспорт воситасини, шу жумладан 1 та хизмат ва 3 та махсус автотранспортни сақлаш учун лимит ажратсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 15 май,  
132-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 майдаги 132-сон қарорига

ИЛОВА

**Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган  
болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг  
ТУЗИЛМАСИ**



\* Тренер-ўқитувчилар таркиби сони Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабига ўқувчилар танлаб олингандан кейин аниқланади.

\*\* Фойдаланиш-хўжалик хизмати ходимлари сони қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ белгиланади.

Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби ходимларининг чекланган сони (тренер-ўқитувчилар таркиби ва Фойдаланиш-хўжалик хизмати ходимларидан ташқари) 16 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари – 9 нафар.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2013 й., 34-сон, 452-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси хузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида»



2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сон қарорининг 4-бандини бажариш юзасидан ҳамда спорт тиббиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда унинг самарали фаолиятини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар комплекси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази учун бино қурилиши тугаллангандан ва фойдаланишга қабул қилингандан кейин бир ой муддатда Марказнинг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилансинки, Спорт тиббиёти маркази фаолиятини молиялаштириш ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида ўз маблағлари ҳисобига, зарурат бўлганда эса, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2013 йил 15 август,

226-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА БОЛАЛАР СПОРТИ УЧУН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2014 й., 19-сон, 213-модда)

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг талаб юқори бўлган ва замонавий сифат стандартларига жавоб берадиган спорт кийим-кечаклари, пойабзали, буюмлари ва анжомларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир фаолиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг валюта маблағларини жалб этган ҳолда болалар спорти учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янгидан қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларни тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) валюта маблағларини жалб этган ҳолда болалар спорти учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янгидан қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш:

лойиҳа умумий қийматининг 40 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми Жамғарманинг валюта маблағлари ҳисобига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки, «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки орқали қайта молиялаштириш йўли билан кредитлар тарзида;

камида 60 фоизи — ташаббускорларнинг ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига:

спорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни янгидан қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, талаб юқори бўлган ва замонавий сифат стандартларига жавоб берадиган спорт кийим-кечаклари, пойабзали, буюмлари ва анжомларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини ҳар йили танлаб олсин;

маъқулланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда маҳсулотларнинг замонавий талабларга мувофиқлиги юзасидан назоратни таъминласин, кейинчалик унинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 5 май,  
114-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2014 й., 32-сон, 398-модда)

Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, уларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

оммавий тадбирлар ташкилотчилари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ички ишлар органлари билан мажбурий тартибда шартномалар тузилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш, шунингдек уларнинг тегишли рухсатномалар олмасдан ўтказилиши ҳолатларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўрсин;

вазирликлар ва идораларнинг оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш давомида хавфсизликни таъминлашга жалб қилинадиган бўлинмалари хатти-ҳаракатлари мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда — ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини аҳолининг кенг қатламлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тушунтириш тадбирлари ўтказилишини;

икки ой муддатда — ҳар бир оммавий тадбирни ўтказиш объекти бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи йўриқномалар, оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш комиссиялари таркиби ва уларнинг иш тартиби тасдиқланишини;

уч ой муддатда — оммавий тадбирлар ўтказиш объектларини паспортлаштириш, ёндош ҳудудларнинг аниқ чегараларини белгилаш тугалланишини, мавжуд бинолар, иншоотлар ва

иморатлар, муҳандислик-техник, коммуникация, ёнғинга қарши, эвакуация иншоотлари, кириш йўллари ва транспорт воситаларининг тўхташ жойлари, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари, техник асбоб-ускуналар, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган махсус воситаларнинг ҳисоблаб чиқилган захираси ва номенклатурасининг техник ҳолати таҳлили ўтказилишини;

оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг ишончилигини ва қурилиш конструкцияларининг барқарорлигини, уларнинг коммуникация, ёнғинга қарши, эвакуация ва бошқа муҳандислик-техник воситалар ҳамда оммавий тадбирлар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозланганлигини аниқлаш мақсадида улар техник ҳолатининг мунтазам мониторинги амалга оширилишини, аниқланган камчиликларнинг объектлар маъмурияти томонидан ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

бир ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда оммавий тадбирлар ўтказиш объектлари маъмуриятлари ва техник хизматлар раҳбарлари билан оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда қонунчиликка, қурилиш, ёнғинга қарши, экология ҳамда санитария-гигиена нормалари ва талабларига риоя этиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳаракат қилиш масалалари бўйича инструктаж ўтказилишини ташкил этсин;

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан ушбу қарор талабларига риоя этилишини назорат қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

5. Вазирликлар ва идоралар икки ой муддатда ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2014 йил 29 июль,

205-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **СПОРТ МАКТАБЛАРИНИ МАЛАКАЛИ ТРЕНЕР КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2014 й., 42-сон, 519-модда)

Спорт мактабларини малакали тренер кадрлар билан таъминлаш, тренерлик фаолиятини амалга оширувчи шахсларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган спорт мактаблари тўғрисидаги низомга мувофиқ спорт мактабларининг тренер-ўқитувчилар таркиби олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар жисмоний тарбия маълумотига ҳамда спорт бўйича тренерлар ёки тренер-ўқитувчилар сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсатномага эга бўлган мутахассислардан бутланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2014/2015-2017/2018 ўқув йиллари даврида спорт мактабларида тренерлик фаолиятини амалга ошираётган ва тегишли жисмоний тарбия маълумотиغا эга бўлмаган шахсларни педагогика ва спорт коллежларида жисмоний тарбия ва спорт мутахассисликлари бўйича пулли-контракт асосида ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб спорт мактабларида тренерлик фаолиятини амалга ошираётган ва тегишли жисмоний тарбия маълумотиغا эга бўлмаган шахсларни ўрта махсус, касб-хунар таълим дастурларига мувофиқ жисмоний тарбия ва спорт мутахассисликлари бўйича пулли-контракт асосида ўқитишни белгиланган тартибда ташкил этсин (ўқиш 1 йил 10 ой (22 ой) давом этади).

4. Олий ёки ўрта махсус, касб-хунар жисмоний тарбия маълумотиغا эга бўлмаган ва жисмоний тарбия ва спорт мутахассисликлари бўйича касб-хунар коллежларида ёки олий таълим муассасаларида ўқиётган шахсларга тренер-йўриқчи сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишга берилган рухсатнома асосида спорт мактабларида тренерлар ёки тренер-ўқитувчилар лавозимларида ишлашга 2018 йил 1 сентябргача истисно тариқасида рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда 2014 йил 10 октябргача республика ҳудудлари бўйича жисмоний тарбия ва спорт соҳасида иккинчи мутахассисликка эга бўлиш хоҳишини билдирган шахслар рўйхатини тузсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда педагогика ва спорт коллежларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида иккинчи мутахассислик бўйича спорт турлари бўйича табақалаштирилган таълим жараёнининг илмий-методик асослари, ўқув-методик ҳужжатлари ва уни бирхиллаштириш механизмлари, ўқув режалари ва ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида иккинчи мутахассислик бўйича таълим олаётганларга тегишли тарқатма материаллар (дастурлар, ўқув кўлланмалари, маърузалар матнлари ва шу кабилар) берилишини, уларни, зарурият бўлганда, талабалар яшаш жойларига жойлаштиришни назарда тутган ҳолда уларга таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида пулли-контракт асосида ўқитиш учун тўлов миқдорларини белгиласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2014 йил 10 октябрь,

284-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА СПОРТНИНГ МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2015 й., 9-сон, 101-модда)

Сурхондарё вилоятида спортнинг миллий кураш турини янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни миллий кураш билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда шу асосда мамлакатимиз терма жамоалари учун ишончли захирани шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2015/2016 ўқув йилидан бошлаб Бойсун туманида собиқ 20-сон умумтаълим мактаби негизида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернат (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар мактаб-интернатнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

курашчиларни миллий кураш соҳасидаги энг янги илмий-методик тавсияномалар асосида тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини юқори даражада ташкил қилиш;

ўқувчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, уларда спортчиларга хос профессионал фазилатларни шакллантириш;

ўқувчиларни тарбиялаш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш фаолиятини ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мактаб-интернат юридик шахс ҳисобланади, муассис — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан давлат таълим муассасаси сифатида ташкил этилади;

мактаб-интернат қобилиятли ёш курашчиларни танлаб олувчи ва тайёрловчи мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади;

мактаб-интернатнинг умумий контингенти 140 нафар 5 — 11-синф ўқувчиларини ташкил этади. Мактаб-интернат жисмоний жиҳатдан тайёрланган, спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, миллий кураш билан шуғулланишда зарур спорт кўникмасига эга бўлган, умумтаълим мактабининг 4-синфини тугатган (10-11 ёш) ва танлов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилардан тўлдирилади;

мактаб-интернатга ҳар йили танлов асосида 20 нафар қобилиятли ўқувчилар 5-синфга қабул қилинади;

мактаб-интернатга қабул қилинган ўқувчиларнинг умумтаълим дастурлари бўйича таълим олиши яқин атрофдаги умумтаълим мактабида амалга оширилади;

мактаб-интернат ўқувчиларининг овқатланиши учун ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ўқувчиларининг суткалик озиқ-овқат нормаси татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги уч ой муддатда:

мактаб-интернатнинг устави тасдиқланишини, шунингдек унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда ўқув-машғулотлар режаси, ўқувчиларни мактаб-интернатга танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мактаб-интернат ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, спорт анжомлари ва жиҳозлари, шунингдек спорт кийим-боши билан таъминлаш нормативлари ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

мактаб-интернат юқори малакали мутахассислар билан бутланишини, зарур ўқув-методик адабиётлар ва ўқув-машғулот хоналари спорт инвентарлари билан жиҳозланишини таъминласин.

5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 2015 йил 1 апрелга қадар мактаб-интернат биносида ўқувчиларнинг яшаши ва овқатланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида тегишли реконструкция ишларини амалга ошириш манбалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ота-оналар тўловлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар мактаб-интернат фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида «Таълим» соҳасига ажратилган маблағлар доирасида 2015 йилда мактаб-интернатнинг таъминоти учун зарур маблағларни ажратсин, 2016 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида уларни назарда тутсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2015 йил 3 март,

41-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2015 й., 18-сон, 219-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва қулайлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сон қарорига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар комплексининг 10, 11 ва 13-бандларига мувофиқ:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй манзилида янги бино қурилиши тугалланганлиги, бино кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси балансига қабул қилиниши, унда Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини (кейинги ўринларда Спорт тиббиёти маркази деб аталади) жойлаштириш назарда тутилаётганлиги;

Спорт тиббиёти марказининг сотиб олинган замонавий юқори технологияли ва инновацион тиббиёт, ихтисослаштирилган лаборатория асбоб-ускуналари ва инвентарини монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш ишлари тугалланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази шўъба корхона шаклида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Янги бино қурилиши тугалланганлиги ва унда Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасининг ижроия аппарати жойлаштирилиши муносабати билан, шунингдек спорт федерацияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 15/1 манзилида жойлашган бинолар ва иншоотларни туташ ҳудуди билан бирга Ўзбекистон Оғир атлетика федерацияси балансига бепул бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Спорт тиббиёти маркази 2015 йил 1 майдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш асосида ихтисосли фаолиятини ва ўз ишини бошлаши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Спорт тиббиёти марказига:

бириктирилган контингент билан бир қаторда спортчилар ва спорт жамоаларига, шунингдек республика аҳолисига ва хорижий фуқароларга белгиланган тарифларга мувофиқ пулли асосда диагностика ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига риоя қилиш шarti билан тиббий ёрдамнинг барча турларини, шу жумладан диагностик ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш хизматларини кўрсатиш;

Спорт тиббиёти марказининг тиббиёт, фармацевтика ходимлари ва бошқа ходимларининг иш хақи ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида мустақил белгилаш;

илмий-амалий ва тадқиқот ишлари учун хорижий мутахассисларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Спорт тиббиёти марказининг спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини ва барча ёш тоифаларида уларнинг захирасини тиббий-биологик таъминлаш, шу жумладан улар профилактикаси, диагностикаси, уларни даволаш ва реабилитация қилиш хизматлари (кейинги ўринларда терма жамоалар аъзоларини тиббий таъминлаш деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда спорт турлари бўйича Ўзбекистон федерациялари (уюшмалари) маблағлари ҳисобига қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва жисмоний тарбия — оммавий тадбирлар республика календарь режасида назарда тутилган бюджет маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари доирасида терма жамоалар аъзоларига тиббий хизмат кўрсатишга Спорт тиббиёти маркази билан тегишли йилга танлов (тендер) савдолари ўтказмасдан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Спорт тиббиёти марказининг буюртманомалари бўйича юқори малакали хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек спорт тиббиёти соҳасида илмий-амалий ва тадқиқот ишлари учун жалб этиладиган хорижий фуқароларга тўлов ундирмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Спорт тиббиёти марказининг буюртманомалари бўйича спорт тиббиёти соҳасида илмий-амалий ва тадқиқот ишлари учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консулик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Спорт тиббиёти марказининг буюртманомалари бўйича спорт тиббиёти соҳасида илмий-амалий ва тадқиқот ишлари учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи тўланмасдан кўп марталик кириш визалари белгиланган тартибда берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек улар вақтинча яшайдиган жойда вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 15 августдаги 226-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 56-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 1 май,  
109-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

## **СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2015 й., 20-сон, 258-модда)

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг спорт объектларини, шу жумладан болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли дастурларини шакллантириш жараёнини такомиллаштириш, улардан самарали фойдаланиш, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялаш, шунингдек юқори малакали спортчиларни тайёрлаш юзасидан 2015 йил 25 февралдаги топшириқларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Спорт объектларидан фойдаланишни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳлар (кейинги ўринларда Эксперт гуруҳлар деб аталади) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Эксперт гуруҳлар спорт объектларини қуриш жойларини танлаш тартиботларига, шунингдек қурилиши ва реконструкция қилиниши тугалланган спорт объектларини, шу жумладан болалар спорти объектларини фойдаланишга қабул қилишга мажбурий тартибда жалб этилади.

3. Қуйидагилар Эксперт гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

спорт иншоотларига уларнинг типлари бўйича реал эҳтиёжни, тегишли ҳудудда муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қурилиш учун энг қулай ва гавжум жойларни танлаш, хусусан, спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли дастурларини шакллантиришга доир таклифлар ҳамда хулосалар ишлаб чиқиш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш;

қурилиши тугалланган спорт объектларининг, шу жумладан болалар спорти объектларининг давлат қабули жараёнида иштирок этиш;

спорт объектларининг, шу жумладан, болалар спорти объектларидан самарали фойдаланилишини ўрганиш;

фуқароларни, нодавлат ноижорат ташкилотларини, ташкилотларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини спорт объектларини, шу жумладан болалар спорти объектларини қуриш соҳасидаги масалаларни муҳокама қилишга жалб этиш.

4. Спорт объектларидан фойдаланишни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳ тўғрисидаги низом ҳамда унинг Намунавий таркиби 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги — Эксперт гуруҳларнинг мувофиқлаштирувчи органи;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари — Эксперт гуруҳларнинг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда Эксперт гуруҳларнинг шахсий таркибини тасдиқласинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, стадионлар ва балансда сақловчиси бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари бўлган йирик спорт объектларининг директорлари лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда тайинланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари



билан биргаликда бир ой муддатда спорт объектларининг фаолият кўрсатиши ҳолатини пухта ва синчиклаб таҳлил қилиш асосида спорт объектларидан, шу жумладан болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқсинлар, бунда қуйидаги масалаларнинг ҳал этилишига асосий эътибор қаратилсин:

умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг спорт билан оммавий равишда шуғулланишларини таъминлаш;

спорт иншоотларини, белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, замонавий спорт асбоб-ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозлаш;

спорт иншоотларини юқори малакали, касбий жиҳатдан тайёрланган тренер кадрлар, шу жумладан аёл тренерлар билан таъминлаш;

спорт ва спорт тадбирларининг ҳар хил турлари бўйича ўтказиладиган мунтазам машғулотлар сонини кўпайтириш йўли билан спорт объектларининг бандлигини таъминлаш;

болалар ва ёш спортчилардан, шунингдек Ўзбекистон терма жамоалари ва уларнинг резервдаги аъзоларидан республика ва халқаро мусобақаларда совриндорлар тайёрлаш ҳисобига спорт билан шуғулланиш натижадорлигини ошириш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ўз ҳудудида ташкил этилган спорт объектларининг, шу жумладан болалар спорти объектларининг белгиланган мақсаддан ташқари ва паст самарали ишлари юзасидан шахсий жавобгарлигини кучайтириш.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 20 май,  
130-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2015 й., 50-сон, 625-модда)

Болалар спорти объектларини барпо этиш, жойлаштириш ва уларнинг фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан фойдаланиш даражасини ва улар фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир таклифларни ишлаб чиқиш, уларни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, истиқболли ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши ҳузурида Болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ҳолатини ва уларнинг моддий-техника базасидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш бўйича 1-иловага\* мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

2. Комиссия (Ш.М. Мирзиёев) икки ой муддатда:

республика минтақаларига чиқиб танлаб текширишлар асосида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини танкидий ўргансин, спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигига, улардан фойдаланиш даражасига, моддий-техника базанинг ҳолатига, спорт анжомлари ва ускуналари, ўқув-методик қўлланмалар ва машқ бажариладиган кўргазмали материал билан жиҳозланганлиги даражасига, касбий тайёрланган тренер-ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлигига алоҳида эътиборни қаратсин;

амалга оширилган таҳлил асосида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, болалар спорти объектларидан амалда фойдаланишни ва улардан

фойдаланиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларни мақбул ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Болалар спортининг ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши мажлисида ахборот берилсин.

3. Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари самарали фаолият кўрсатиши, улардан ўқувчиларнинг тўлиқ фойдаланишини таъминлаш ҳамда улар моддий-техник база ва тренер-ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлиги, ўқув-машқ жараёнининг сифати устидан назорат қилиниши, спорт машғулотлари мунтазам ўтказилиши ва ўқувчилар қатнови даражаси мониторингини тизимли асосда олиб бориш учун шахсий масъулият Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

мослаштирилган биноларда жойлаштирилган 2-иловага\* мувофиқ 280 та болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ва ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабларини тугатишни, уларнинг мол-мулки, спорт анжомлари ва тренер кадрларини ташкил этиладиган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлашга йўналтиришни;

намунавий болалар спорт иншоотлари негизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида 3-иловага\* мувофиқ 225 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилишини;

тўртта йўналиш — спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика, спортнинг сув турлари, спорт якка кураши ва гимнастика бўйича Қорақалпоғистон Республикасида, ҳар бир вилоятда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 4-иловага\* мувофиқ 56 та ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилишини назарда тутувчи республикада ишлаб турган болалар спорти объектларини мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Белгилансинки, паст самарали болалар спорт мактабларини мақбуллаштириш ва улар ходимларини қисқартириш натижасида бўшаб қоладиган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва ҳудудий молия бошқармалари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхатларга мувофиқ моддий-техника базани янада мустаҳкамлашга, энг аввало, ташкил этиладиган болалар-ўсмирлар спорт мактабларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлашга мақсадли тартибда йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ишдан бўшайдиган ходимларини ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2015 йил 11 декабрь,

356-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ОЛИЙ МАҲОРАТ СПОРТ МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2016 й., 4-сон, 37-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2438-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Олий маҳорат спорт мактаблари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Олий маҳорат спорт мактаблари спортчиларини яшаш учун жиҳозлар, овқат, спорт кийим-боши ва анжомлари, форма билан таъминлаш нормативлари 2-иловага мувофиқ;

Олий маҳорат спорт мактабларининг Миллий олимпия кўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Олий маҳорат спорт мактабларига спортчиларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

спортчиларни олий маҳорат спорт мактабларига қабул қилиш спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг асосий таркиби аъзолари ва захирасидан, шунингдек болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, олимпия захираси ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва коллежларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, спортнинг муайян тури билан шуғулланиш учун зарур спорт кўрсаткичларига ва юқори маҳоратли спортчилар салоҳиятига эга бўлган истиқболли спортчилар орасидан танлов асосида амалга оширилади;

ҳар бир олий маҳорат спорт мактабининг умумий контингенти 100 нафаргача спортчини ташкил этади, улар ўқиш даврида бепул яшаб, тўрт маҳал овқат ҳамда спорт анжомлари ва формаси билан таъминланадилар;

Тошкент шаҳри олий маҳорат спорт мактабида спортчилар контингенти спорт федерациялари (уюшмалари)нинг тақдимномалари асосида кўпайтирилиши мумкин.

Олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, мактаблар фаолияти ихтисослиги бўйича пулли хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг хайрия эҳсонлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларига олий маҳорат спорт мактабларини қуриш ва мукамал реконструкция қилишни таъминлаш бўйича буюртмачи функциялари юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари олий маҳорат спорт мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2016 йил учун Жамғарманинг тасдиқланган даромадлари ва харажатлари параметрлари доирасида олий маҳорат спорт мактабларини қуриш ва реконструкция қилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қуриш ҳамда реконструкция қилишни бошлашга зарур маблағлар ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2438-сон қарори билан тасдиқланган 2016 — 2020 йилларда ташкил этиладиган олий маҳорат спорт мактаблари **рўйхати**га мувофиқ олий маҳорат спорт мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғармага маблағлар ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси:

спорт объектларини барпо этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида ҳар йили лойиҳа ташкилотлари ўртасида олий маҳорат спорт мактабларининг спорт турлари бўйича ихтисослашувини ва жойлаштиришнинг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда олий маҳорат спорт мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш муддатлари билан боғлиқ ҳолда уларнинг аниқ лойиҳаларини ишлаб чиқишга танловлар ўтказсин;

олий маҳорат спорт мактабларини куриш ва реконструкция қилишга лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ва курилиш-монтаж ишлари бажарилиши сифати юзасидан зарур даражадаги давлат архитектура-курилиш назоратини ўрнатсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

олий маҳорат спорт мактабларининг маъқулланган лойиҳалари асосида спорт мактабларининг мавжуд бинолари ва ишноотларини ҳисобга олган ҳолда, олий маҳорат спорт мактабларини куриш ва реконструкция қилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилишини, фойдаланишга тайёр шартларида курилиш-монтаж ишлари бажарилишига танлов (тендер) савдолари ўтказилишини ва объектларнинг белгиланган муддатларда топширилишини таъминласинлар;

ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатларга мувофиқ олий маҳорат спорт мактабларини куриш ва реконструкция қилиш параметрларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласинлар, ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига параметрлар бажарилиши тўғрисидаги ахборотни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда олий маҳорат спорт мактабларининг спорт турлари бўйича ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни халқаро талабларга жавоб берадиган энг янги спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари, шунингдек мебель ва ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш нормативларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2016 йил 28 январь,

18-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАХИРАСИ СПОРТ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2016 й., 46-сон, 532-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 7 ноябрдаги ПҚ-2654-сон қарорига мувофиқ ҳамда гимнастикани янада ривожлантириш ва спортнинг гимнастика турларини оммалаштириш спорт базаларининг моддий-техника ҳолатини мустаҳкамлаш, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, гимнастика бўйича терма жамоаларда ўқув-тренировка жараёнининг юқори сифатини таъминлаш, гимнастикачи спортчилар, тренерлар ва ҳакамларнинг маҳорат даражаси ҳамда малакасини доимий ошириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек республика аҳолиси кенг қатламлари ўртасида спортнинг гимнастика турларини фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ маъқуллансин, Дастур куйидагиларни назарда тутади:

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ишлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

ўқув-тренировка жараёнини ўтказишнинг хавфсизлик талабларига мувофиқ спортнинг гимнастика турлари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолият кўрсатаётган спорт иншоотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш, халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган зарур махсус ускуналар ва анжомлар билан жиҳозлаш, шунингдек зарур замонавий инфратузилма яратиш;

ўқув-тренировка жараёнига тўлақонли илмий-методик раҳбарликни ва унинг юқори сифатини, халқаро майдонларда юқори кўрсаткичларга эришиш учун спортнинг гимнастика турларини ривожлантиришда изчилликни таъминлаш юкланадиган малакали тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерациясининг:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида (кейинги ўринларда Гимнастика бўйича БЎИРОЗСМ деб аталади) спорт гимнастикаси ва трамполин бўлимларини очиш;

тренировка жараёнини ўтказишда қўйиладиган барча хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда Гимнастика бўйича БЎИРОЗСМда ихтисослаштирилган спорт гимнастикаси залини қуриш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Ихтисослаштирилган спорт гимнастикаси залини қуриш бўйича:

Тошкент шаҳри ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи;

«Ўзоғирсаноатлойиҳа» АЖ — бош лойиҳалаш ташкилоти;

«ТошИЭСқурилиш» УК — пудрат ташкилоти этиб белгилансин.

5. Тошкент шаҳри ҳокимлиги ихтисослаштирилган спорт гимнастикаси залини қуриш учун Гимнастика бўйича БЎИРОЗСМга белгиланган тартибда зарур ер участкаси ажратсин.

6. Ўзбекистон гимнастика федерациясига бир ой муддатда Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳузуридаги Спортнинг гимнастика турлари бўйича республика тренерлар ва ҳакамлар мактабининг уставини тасдиқлаш, шунингдек белгиланган тартибда уни давлат рўйхатидан ўтказиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерациясининг Гимнастика бўйича БЎИРОЗСМнинг Тошкент шаҳри, Х.Юсупов кўчаси, 103а-уй манзилида жойлашган биносини Ўзбекистон гимнастика федерациясига текин фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига кўрсатиб ўтилган бинонинг берилишини, Ўзбекистон гимнастика федерацияси эса бинонинг белгиланган тартибда қабул қилиб олинишини ҳамда ундан самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда — республикада спортнинг гимнастика турларини ривожлантириш ва оммалаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва тизимли равишда фаол ёритилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.И. Икрамов ва У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2016 йил 18 ноябрь,  
388-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 ноябрдаги 388-сон қарорига

ИЛОВА

**Спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар
<b>I. Спортнинг гимнастика турларини оммалаштирувчи болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ишлари самарадорлигини ошириш</b>				
1.	Гимнастикачилар тайёрлашнинг илмий-методик ва тиббий таъминотининг замонавий тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, уларни бутун тренировка ва мусобақалар даври давомида қўшимча комплекс гуруҳлар (хореограф, акробат, постановкачи тренер, массаж-чи, врач) билан таъминлаш.	2017 йил	-	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гимнастика федерацияси
2.	Илғор илмий, конструкторлик, илмий-методик, тиббий-биологик ишланмаларни ишлаб чиқиш ва спортнинг гимнастика турларини оммалаштирувчи спорт мактабларининг ишлаш амалиётига жорий этиш.	2017 йил	-	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.	Истикболли спорт резервини излаш ва танлаб олиш, спорт илм-фани ва спорт тиббиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда юқори классли спортчиларни тайёрлаш.	Доимий равишда	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт уни-верситети, Халқ таълими вазирлиги, Гимнастика федерацияси
4.	Республиканинг гимнастика бўйича спортчиларини тизимлаштириш ва ҳисобга олиш учун ягона ахборот-таҳлил базасини яратиш.	2017 йил	Ўзбекистон гимнастика федерацияси	Ўзбекистон гимнастика федерацияси
5.	Спортнинг гимнастика турларини оммалаштирувчи болалар-ўсмирлар спорт мактаблари тренерлари ва мутахассисларининг касб даражасини ошириш.	Доимий равишда	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Гимнастика федерацияси
6.	Спортчиларни - болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг спорт маҳоратини такомиллаштириш ва олий спорт маҳорати гуруҳларида шуғулланаётган ўқувчиларини Халқаро гимнастика федерацияси томонидан сертификатланган спорт кийим-боши, спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш.	Доимий равишда	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси
7.	Болалар ва ёшларни спортнинг гимнастика турлари билан шуғулланишга кенг жалб этиш учун республика аҳолисининг	Доимий равишда	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон гимнастика федерацияси

	кенг қатламлари ўртасида спорт-нинг гимнастика турларини доимий ра-вишда фаол тарғиб қилиш ва оммалаш-тириш.			
<b>II. Спортнинг гимнастика турлари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мавжуд спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш</b>				
1.	Идоравий мансублигидан қатъи назар, республика спорт-таълим муассасаларида спортнинг гимнастика турлари бўйича бўлимларни хатловдан ўтказиш.	2016 йил декабрь	-	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси
2.	Гимнастика бўйича БЎИРОЗСМ учун тренировка жараёнини ўтказишда барча хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда спорт гимнастикаси ихтисослаш-тирилган залини қуриш ва жиҳозлаш.	2017 йил	Тошкент шаҳри ҳокимлиги, ҳомийлар ва Гимнастика федерацияси маблағлари	Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Гимнастика федерацияси
3.	Андижон шаҳрида гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган спорт мактабида: тренировка жараёнини ўтказишда қўйиладиган барча хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда трамполин учун ихтисослаштирилган зални қуриш ва жиҳозлаш; спорт гимнастикаси бўйича мавжуд залларни ва хореография залини спорт иншоотларидаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена норматив маиший шароитларига, шунингдек тренировка жараёни хавфсизлиги бўйича талабларга мувофиқлаштириш.	2017 йил декабрь	Андижон вилояти ҳокимлиги, Гимнастика федерацияси ва ҳомийлар маблағлари	Андижон вилояти ҳокимлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси
4.	Ихтисослаштирилган Республика олимпия захиралари мактаб-интернатининг; Наманган ва Фарғона Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг; Бухоро шаҳридаги 1-болалар-ўсмирлар спорт мактабининг; Тошкент шаҳридаги гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган спорт мактабининг спорт залларини тегишли халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бўлган замонавий гимнастика ускуналари билан жиҳозлаш ва қўшимча жиҳозлаш.	2016 - 2019 йиллар	Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Бухоро вилоятлари ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Гимнастика федерацияси маблағлари	Наманган, Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
5.	Наманган шаҳридаги гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган спорт мактабини мукамал таъмирлаш ва қўшимча жиҳозлаш.	2017 йил	Наманган вилояти ҳокимлиги маблағлари	Наманган вилояти ҳокимлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси
6.	Наманган ва Фарғона олимпия захираси коллежларининг спорт залларини иситиш ва шамоллатишнинг энергиядан самарали фойдаланиладиган тизими билан жиҳозлаш.	2016-2017 йиллар	Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари ҳамда ҳомийлар маблағлари	Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси
7.	Фарғона шаҳридаги гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган	2018 йил	Фарғона вилояти	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Жисмоний

	спорт мактабини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш.		хокимлиги маблаглари	тарбия ва спорт вазирлиги, Гимнастика федерацияси
8.	Республика олимпия захираси коллежининг спорт гимнастика залини мукамал таъмирлаш.	2017 йил июнь	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Тошкент шаҳри хокимлиги, Гимнастика федерацияси
<b>III. Малакали кадрлар — тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислар тайёрлаш</b>				
1.	Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳузурида Спортнинг гимнастика турлари бўйича республика тренерлар ва ҳакамлар мактабини ташкил этиш.	2017 йил март	Гимнастика федерацияси ва ҳомийлар маблаглари	Гимнастика федерацияси
2.	Осиё гимнастика уюшмаси (AGU), Халқаро гимнастика федерацияси (FIG), Халқаро гимнастика академияси томонидан ташкил этиладиган курслар, семинарлар ва маҳорат сабоқларида спортнинг гимнастика турлари бўйича тренерлар ва ҳакамлар ва бошқа мутахассислар малакасини ошириш.	доимий равишда	Спортнинг гимнастика турлари бўйича республика тренерлар ва ҳакамлар мактаби, Гимнастика федерацияси ва ҳомийлар маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Гимнастика федерацияси
3.	Спортнинг гимнастика турлари бўйича тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислар учун, шунингдек спортнинг олимпия турлари бўйича терма командаларни тайёрлашда бевосита қатнашиш учун семинарлар, лекциялар, консультациялар ўтказишга етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш.	доимий равишда	Спортнинг гимнастика турлари бўйича республика тренерлар ва ҳакамлар мактаби, Гимнастика федерацияси ва ҳомийлар маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Гимнастика федерацияси

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMACI SINING ҚАРОРИ

### ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАМДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
31.03.2018 й., 09/18/248/0969-сон)

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадбиркорликни ҳамда хусусий секторни янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган спорт-соғломлаштириш хизматлари сифатини яхшилаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг тижорат ташкилотлари томонидан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, шу жумладан бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган иншоотлари, шунингдек, сузиш ҳавзалари (кейинги ўринларда спорт иншоотлари деб аталади) базасида жисмоний тарбия-спорт ҳамда соғломлаштириш хизматларини (кейинги ўринларда



соғломлаштириш хизматлари деб аталади) давлат-хусусий шериклик асосида кўрсатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Куйидагилар соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш бўйича давлат-хусусий шерик-ликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

иктидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш орқали жисмо-ний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг юқори сифатини таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратиш;

соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий хизматлар билан бир қаторда, сифатли ва оммабоп соғломлаштириш хизматларидан фойдаланишнинг муқобил имкониятларини тақдим этиш бўйича пулли соғломлаштириш хизматлари бозорини жадал ривожлантириш;

илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун инновацион шакллар, услублар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида самарадорлик ва натижадорликни ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

а) давлат-хусусий шериклик субъектларининг фаолиятини янада ривожлантиришга оид асо-сий йўналишлар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда пулли спорт тўғараклари, секциялари ва бошқа спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш орқали Спорт иншоотларидан самара-ли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда тас-диқласин;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда, давлат-хусусий шериклик асосида тақдим этиладиган спорт иншоотлари тўғрисида манфаатдор жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг кенг хабардор қилинишини таъминласин;

б) икки ой муддатда:

спорт иншоотларининг намунавий штатларини;

спорт иншоотларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари ставкаларини ҳисоб-китоб қилиш методикаси тўғрисида, жумладан, биринчи навбатда, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган субъектларга муайян имтиёзлар бериш назарда тутилган низомни;

ўн олти ёшгача бўлган болалар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига имтиёзли шартлар асосида ёки бепул хизматлар кўрсатиш назарда тутилган спорт иншоотларида аҳолига соғломлаштириш хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга давлат мулки бўлган ва фойдаланилмаётган бинолар, объектлар ҳамда иншоотларнинг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, белгиланган тартибда сотилишини таъминласин.

5. Соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда:

болаларда спортга муҳаббат ҳиссини, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланишнинг муҳимлиги, соғлом турмуш тарзини юритиш, маънавий ва жисмоний комилликка интилиш тушунчасини шакллантириш, уларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш ва зарарли одатлардан халос қилиш, болаларда қатъий феъл-атвор, Ватанга муҳаббат ва ўз мамлакати билан фахрланиш туйғуларини қарор топтириш;

жисмоний тарбия-спорт жараёнини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда спорт кўникмаларини чуқур ўрганиш йўналишида ташкил этиш;

жисмоний тарбия-спорт жараёнига машғулотлар ўтказиш учун хорижий тренерлар ва мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, илғор тажрибани жорий қилиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари янги ташкил этилаётган ва ўз фаолиятини кенгайтираётган нодавлат спорт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тақдим этиладиган манзилли рўйхат-лар

асосида тадбиркорларга спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда замонавий спорт ускуналарини харид қилиш учун белгиланган тартибда кредитлар бериш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари барпо этиладиган ва реконструкция қилинадиган нодавлат спорт ҳамда спорт-соғломлаштириш иншоотларини барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва бошқалар) билан белгиланган тартибда таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси аҳолини, айниқса, уюлмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида соғломлаштириш хизматлари кўрсатувчи ташкил этилаётган ташкилотларни қўллаб-қувватлашга доир амалий чора-тадбирларни мунтазам амалга оширсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К.В. Акмалов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исроилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 28 март,

248-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАКИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
22.05.2018 й., 09/18/369/1252-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исроилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 18 май,

369-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ МАКТАБ- ИНТЕРНАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3610-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, футболни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёш иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт захирасини тайёрлаш, давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг:

а) Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Республика болалар-ўсмирлар футбол академиясини (кейинги ўринларда республика академияси деб аталади) ташкил этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) тизимидаги 1-иловага мувофиқ футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари негизида уларнинг амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида болалар-ўсмирлар футбол академияларини (кейинги ўринларда ҳудудий академиялар деб аталади) ташкил этиш;

в) Вазирлик тизимидаги 2-иловага мувофиқ футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларини олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари (кейинги ўринларда мактаб-интернатлар деб аталади) этиб қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар республика академияси ва ҳудудий академияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

футбол бўйича юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни саралаб олиш (селекция) тизимини йўлга қўйиш, уларни ўқитиш, тарбиялаш ва индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, футбол соҳасидаги спорт қобилиятини шакллантириш;

болалар-ўсмирлар футболчини ривожлантириш учун ишончли захирани шакллантириш, истеъдодли ва иқтидорли болаларни футболга жалб этиш ва футбол бўйича салоҳиятини доимий равишда ўстириб бориш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни уйғотиш;

профессионал футболчиларни тайёрлаш тизимини ташкил этиш, мамлакат футболчини футболни ривожланган мамлакатлар билан халқаро даражада рақобат қиладиган даражага етказиш, турли ёш тоифасидаги республика терма жамоаларга ва профессионал футбол жамоаларига етук футболчиларни тайёрлаш;

футбол ривожланган халқаро мамлакатларда ўтказиладиган мусобақалар ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиш орқали республика ва ҳудудий академиялар ўқувчиларининг профессионал савиясини ошириб бориш.

3. Қуйидагилар мактаб-интернатларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олимпия ва миллий спорт турлари бўйича янги илмий-методик тавсиялар ва ютуқлар асосида спорт захираларини, терма жамоаларга юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш;

давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари талаблари асосида ўқувчиларнинг таълим тайёргарлигини таъминлаш;

зарур ҳолларда олимпия спорт турлари бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда илғор илмий-методик тавсиялар асосида ёш спортчиларни тайёрлаш борасида ўқув-машқ жараёнларини юқори даражада ташкил этиш;

ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек спортни ривожлантириш халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон миллий терма жамоалари захирасини тайёрлаш даражасини ошириш;

ўқувчи-спортчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун хорижий спорт мактаблари ва клублари билан тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) республика академияси ва ҳудудий академиялар қобилиятли ёш футболчиларни танлаб олувчи ва тайёрловчи, мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади;

республика академияси ўқувчиларининг умумий контингенти 132 нафар, ҳар бир ҳудудий академиянинг умумий контингенти 154 нафарни ташкил этади;

республика академиясига ҳудудий академияларнинг ўқувчилари орасидан энг иқтидорли ва белгиланган синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 7-синфга қабул қилинади;

ҳудудий академияларга белгиланган синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган иқтидорли ўқувчилар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 5-синфга қабул қилинади;

республика академияси ва ҳудудий академиялар ўқувчиларининг таълим олиши тегишлича мазкур академияларга яқин жойдаги умумтаълим мактабларида умумтаълим дастури бўйича амалга оширилади;

ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган республика академияси ва ҳудудий академияларнинг 11-синфлари битирувчиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат намунасидаги диплом берилади;

республика академияси ва ҳудудий академияларни битирганлик тўғрисидаги диплом берилган мутахассислик бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ёки ўқишнинг келгуси босқичида таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини беради;

республика академияси ва ҳудудий академияларнинг раҳбар ва педагог ходимларига ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

б) мактаб-интернат ўқувчиларининг умумий контингенти 350 нафардан кўп бўлмаган ўқувчидан иборат этиб шакллантирилади;

мактаб-интернатларга олимпия ва миллий спорт турлари, шу жумладан спортнинг ўйин турлари бўйича белгиланган синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 5-синфга қабул қилинади;

мактаб-интернатлар ўқувчиларининг овқатланиши учун ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ўқувчиларининг суткалик озиқ-овқат нормаси татбиқ этилади;

мактаб-интернатлар директорлари, директорларнинг ўринбосарлари, ўқувчиларни чақириққа тайёрлаш раҳбари, тренер-ўқитувчилар, умумтаълим фанлари ўқитувчилари, тарбиячилар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда мактаб-интернатлар директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ўқувчиларни чақириққа тайёрлаш раҳбари, умумтаълим фанлари ўқитувчилари, тарбиячилар меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига, мактаб-интернатлар директорлари, директорларнинг спорт ишлари бўйича ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорига, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

##### 5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

а) Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда бир ой муддатда республика академияси ва ҳудудий академиялар ҳамда мактаб-интернатларнинг намунавий штат жадвалларини, республика академияси ва ҳудудий академиялар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

##### б) Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда бир ой муддатда:

республика академияси ва ҳудудий академиялар ҳамда мактаб-интернатларнинг уставлари тасдиқланишини, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

республика академияси ва ҳудудий академиялар ҳамда мактаб-интернатларни замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар, шу жумладан, футбол бўйича халқаро сертификат (диплом) га эга бўлган тренерлар билан тўлдириш юзасидан зарур чоратadbирлар белгиласин;

в) Молия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда:

республика академияси ва ҳудудий академияга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни;

республика ва ҳудудий академияларнинг ўқув-машғулот режалари ва футболчиларни босқичма-босқич тайёрлаш дастурини;

мактаб-интернатларнинг ўқув режалари ва дастурларини;

республика академияси, ҳудудий академиялар ҳамда мактаб-интернатлар ўқувчилари учун жиҳозлар, спорт анжомлари ва инвентарлар, шунингдек, спорт кийим-боши билан таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда бир ой муддатда республика академияси ва ҳудудий академиялар ўқувчиларининг овқатланиши учун суткалик озиқ-овқат меъёрини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

7. Қуйидагилар Республика академияси, ҳудудий академиялар ва мактаб-интернатларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси:

бир ой муддатда ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ мактаб-интернатларнинг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ҳамда бошқа мол-мулклари мулк ҳуқуқи асосида ҳудудий академияларга бепул берилишини таъминласинлар;

Касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш республика комиссияси билан биргаликда уч ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилоятларида келгусида фаолияти тугатилиши режалаштирилаётган касб-ҳунар коллежлари бино ва иншоотлари тегишли ер майдони билан биргаликда ушбу коллежлар ўз фаолиятини тугатганидан сўнг текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ҳудудий академияларга берилишини таъминласинлар;

мактаб-интернатларнинг бўшайдиган бино ва иншоотларини белгиланган тартибда ҳудуддаги ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ўтказиш чораларини кўрсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарордан келиб чиқиб 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида зарур бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда уч ой муддатда ҳудудий академиялар ва мактаб-интернатларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни босқичма-босқич амалга ошириш юзасидан дастур тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг ишдан бўшайдиган ходимларини ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

12. Республика академияси Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 47-уй манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Андижон шаҳридаги футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчи-футболчилари таъминоти нормативларини ҳамда уни жиҳозлаш учун мол-мулк рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2010 йил 16 августдаги 179-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2010 й., 33-сон, 277-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исроилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июнь,  
410-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 410-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида ташкил  
этилаётган болалар-ўсмирлар футбол академиялари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ташкил этилаётган болалар-ўсмирлар футбол академиялари	Негизида болалар-ўсмирлар футбол академиялари ташкил этилаётган Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси болалар-ўсмирлар футбол академияси	Нукус шаҳар футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
2.	Андижон вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Андижон шаҳридаги футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати
3.	Бухоро вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Шофиркон тумани 18-сонли футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати Қорақўл тумани 5-сон ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернати
4.	Жиззах вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Жиззах вилояти футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
5.	Қашқадарё вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Ғузор тумани 76-сонли футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
6.	Навоий вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Навоий вилояти футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат
7.	Наманган вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Наманган шаҳар 15-футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
8.	Самарқанд вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Самарқанд вилояти футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
9.	Сирдарё вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Янгиер шаҳар футбол мактаб-интернати
10.	Сурхондарё вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Термиз шаҳар 1-сон футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
11.	Тошкент вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Тошкент вилояти футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
12.	Фарғона вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Фарғона вилояти футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
13.	Хоразм вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси	Янгибозор тумани 9-сон футбол мактаб-интернати
14.	Тошкент шаҳар болалар-ўсмирлар футбол академияси	Тошкент шаҳар футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати

**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида  
қайта ихтисослаштирилаётган олимпия ва миллий спорт турлари бўйича  
давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари</b>	<b>Қайта ихтисослаштирилаётган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари</b>
1.	Андижон шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Андижон шаҳар футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати
2.	Шаҳрихон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Шаҳрихон туман 33-сон футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати
3.	Олот тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Олот тумани 7-олимпия ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернати
4.	Бухоро шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Бухоро шаҳар 12-сонли олимпия ўринбосарлари спорт мактаб-интернати
5.	Ромитан тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Ромитан тумани 42-сонли футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
6.	Ғиждувон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Ғиждувон тумани 66-сонли иқтидорли болалар спорт мактаб-интернати
7.	Бухоро тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Бухоро тумани спорт мактаб-интернати
8.	Пешку тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Пешку тумани давлат ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернат
9.	Қарши шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Қарши шаҳар футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
10.	Учқўрғон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Учқўрғон тумани 20-футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
11.	Денов тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Денов тумани 2-сон давлат ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернати
12.	Боғот тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Боғот тумани 1-сон футбол мактаб-интернати
13.	Урганч шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Урганч шаҳар 5-сон футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати
14.	Хива тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Хива тумани 12-сон футбол мактаб-интернати

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ СПОРТЧИЛАРНИНГ ОЛИМПИА ТАЙЁРГАРЛИГИ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
29.06.2018 й., 09/18/485/1413-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, юқори маҳоратли спортчиларни комплекс, шу жумладан олимпия спорт турлари бўйича юқори даражада тайёрлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармонига мувофиқ:

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида миллий терма жамоаларнинг универсал олимпия тайёргарлиги маркази;

Жиззах вилояти Зомин туманида гимнастика бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Наманган вилояти Чортоқ туманида спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида спорт яккакурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази (кейинги ўринларда марказлар деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда давлат мулки объектлари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига беғараз муддатсиз фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига юқорида кўрсатилган давлат мулки объектларини кейинчалик марказларга мақсадли фойдаланиш ва хўжалик фаолияти юритиш учун беғараз фойдаланиш (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) учун беришга рухсат этилсин.

2. Қуйидагилар марказларнинг асосий вазифалари деб белгилансин:

жаҳон ва Осиё чемпионатларида, Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинларида, Универсиадалар, бошқа халқаро ва минтақавий мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир халқаро тоифадаги спортчиларни, терма жамоалар аъзоларини тайёрлаш учун зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланган замонавий, халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техника ҳамда ўқув-машғулот базасини ташкил этиш;

спортнинг олимпия турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари (кейинги ўринларда терма жамоалар деб аталади) спортчиларини марказлаштирилган тартибда тайёргарлик кўришини таъминлаш;

олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларни, спорт захирасини тайёрлаш мақсадида ўз фаолиятини таъминлаш учун ўзининг моддий-техника базасини ривожлантириш;

спортчилар, терма жамоалар аъзоларининг ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, халқаро тоифадаги спортчиларни тайёрлаш учун юқори малакали тренер-мутахассислар, психологлар ва методистларни, шу жумладан хориждан кенг жалб қилиш ҳисобига ўқув-машғулот жараёнига илғор халқаро тажриба инobatга олинган ҳолда янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш орқали уларнинг назарий ҳамда техник-тактик тайёргарлиги сифатини мунтазам ошириш;

тренерлар ва спортчиларнинг профессионал даражасини ошириш, шу жумладан хорижий спортчилар ва тренерлар учун пулли асосда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш мақсадида тажриба алмашиш бўйича хорижий спорт мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни кучайтириш.

3. Белгилансинки, марказларнинг моддий-техника базасини жорий таъминлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг маблағлари, марказларнинг хизматлар кўрсатишдан тушадиган даромадлари, хайрия маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.



4. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси хориждан етакчи мутахассисларни албатта жалб этган ҳолда, марказларни юқори малакали мутахассислар ва тренерлар билан тўлдириш бўйича зарур чоралар кўрсин.

5. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг:

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш марказини қуриш;

Жиззах вилоятининг Зомин туманида гимнастика бўйича олимпия тайёргарлиги маркази, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида спорт яккакурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази, Наманган вилоятининг Чортоқ туманида спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида миллий терма жамоалар учун универсал олимпия тайёргарлиги марказини (кейинги ўринларда объектлар деб аталади) реконструкция қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Объектларни қуриш ва реконструкция қилиш доирасида:

тегишли ҳокимликлар ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари - буюртмачи;

тендер савдолари яқунлари бўйича белгиланган тартибда аниқланган ташкилотлар - бош лойиҳа ва пудратчи ташкилотлар этиб белгилансин.

7. Қуйидагилар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, шунингдек, объектларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш ҳамда уларни ускуналар билан жиҳозлаш борасидаги харажатларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

а) лойиҳа-қидирув ҳужжатларини ишлаб чиқиш, объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва худудларни ободонлаштириш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

б) моддий-техника базани такомиллаштириш, спорт ускуналари, анжомлари ва кийимлари билан таъминлаш бўйича — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг маблағлари, хайрия маблағлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) уларнинг белгиланган стандартларга мувофиқ узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳисобга олиниб, ташқи электр, газ таъминоти ва алоқа тармоқларини қуриш ва кўчириш бўйича — тегишли вилоятларнинг маҳаллий бюджети маблағлари.

8. Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани ҳокимлиги Самарқанд вилояти Инжиниринг компаниясига «Конирил агротехсервис» МЧЖ агрофирмаси худудидан универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш марказини барпо этиш учун умумий майдони 15,0 гектар бўлган ер участкасини белгиланган тартибда ажратгани маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ва техник масалаларни ҳал этсин;

бош лойиҳа ташкилоти билан биргаликда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва уларни ваколатли давлат экспертиза органлари билан келишишни таъминласин;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, буюртмачи ва бош пудратчи ташкилот билан биргаликда олимпия тайёргарлиги марказларини ташкил этиш тадбирларининг **иловага** мувофиқ асосий босқичлари асосида объектларни 2020 йилнинг охиригача фойдаланишга топширсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги объектларда қурилиш-монтаж ишларининг сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Бош вазир ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исроилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 27 июнь,  
485-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 июндаги 485-сон қарорига  
ИЛОВА

**Олимпия тайёргарлиги марказларини ташкил этиш тадбирларининг  
АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

Босқичлар	Асос	Объектлар	Чоралар	Бажариш муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони	Самарқанд вилояти универсал олимпия тайёргарлиги маркази. Тошкент вилояти универсал олимпия тайёргарлиги маркази. Жиззах вилояти олимпия тайёргарлиги маркази. Наманган вилояти олимпия тайёргарлиги маркази. Қашқадарё вилояти олимпия тайёргарлиги маркази.	Олимпия тайёргарлиги марказларини ташкил этиш тадбирлари	Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингандан кейин бир ой муддатда	Миллий олимпия қўмитаси, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари
		Олимпия тайёргарлиги марказларини қуриш, реконструкция қилиш, моддий-техник жиҳозлашни молиялаштириш учун инвесторлар ва салоҳиятли манбаларни жалб этиш	2018 йил 31 декабргача	Миллий олимпия қўмитаси	
2-босқич	Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қарорлари	Самарқанд вилояти универсал олимпия тайёргарлиги маркази	Универсал спорт зали, спорт ўйинлар учун майдончалар, маъмурият биноси, 150 ўринли ётоқхона ва овқатланиш пунктини қуриш	2020 йил 1 ноябргача	Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
		Тошкент вилояти универсал олимпия тайёргарлиги маркази	Ётоқхонада 150 ўринли ва овқатланиш пунктига эга меҳмонхона биносини реконструкция қилиш, универсал спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, спорт ўйинлар учун майдончалар ва маъмурий бинони қуриш	2020 йил 1 ноябргача	
		Жиззах вилояти олимпия тайёргарлиги маркази. Наманган вилояти олимпия тайёргарлиги маркази. Қашқадарё вилояти олимпия тайёргарлиги маркази.	Ихтисослаштирилган спорт заллари, спорт ўйинлар учун майдончалар, маъмурият биноси, 100 ўринли ётоқхона ва овқатланиш пунктини қуриш	2020 йил 1 декабргача	
3-босқич	Миллий олимпия қўмитаси қарори	Барча Олимпия тайёргарлиги марказлари	Зарур мебель, компьютер ва бошқа техника, спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш	Объект фойдаланишга тошirilгандан сўнг икки ой муддатда	Миллий олимпия қўмитаси
4-босқич	Миллий олимпия қўмитаси қарори	Барча Олимпия тайёргарлиги марказлари	Универсал олимпия тайёргарлиги марказларини юқори малакали тренерлар ва мутахассислар билан тўлдирish	Объект фойдаланишга тошirilгандан сўнг икки ой муддатда	Миллий олимпия қўмитаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ  
ХУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
06.07.2018 й., 09/18/507/1465-сон)

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш тизимини самарали шакллантириш, замонавий спорт инфратузилмасини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари негизда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмалари ташкил этилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарори билан

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестациядан ўтказиш ва рухсатномалар бериш, шунингдек, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштириш ҳисобидан тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаларидан бири ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг моддий базасини шакллантириш учун зарур маблағлар ва моддий воситаларни жамлаш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тадбирларини, шунингдек, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни, жумладан, ушбу мақсадларда тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар қопланишини кафолатлаш йўли билан молиялаштириш;

туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари фаолиятини молиялаштириш;

ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар, инвесторлар, ҳомийлар ва донорларнинг, шу жумладан чет эллик ҳомийлар ва донорлар маблағларини жалб қилиш;

спортчилар, тренерлар ва спорт соҳасининг бошқа мутахассислари иштирок этадиган спорт тадбирларини молиялаштириш;

спорт таълим муассасалари ва ташкилотларини жаҳон стандартлари ҳамда халқаро спорт ташкилотлари талабларига жавоб берадиган профессионал спорт анжомлари ва ускуналари, шунингдек, спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш;

спорт таълим муассасалари ва ташкилотларини, бошқа таълим муассасаларини спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда қўшимча жиҳозлаш ишларини ташкил этиш;

истеъдодли ёш спортчиларни, тренерлар ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;

қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришда иштирок этиш;

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт объектларини қуришда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва республика ҳудудларида қуриладиган объектлар лойиҳаларига татбиқ этиш, шунингдек, спорт объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Жамғарма ҳамда қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг малакали мутахассисларини хорижий давлатларга юборишни ҳамда тажриба алмашиш учун хориждан мутахассисларни жалб этишни ташкил этиш;

спорт таълим муассасалари ва ташкилотлари, бошқа таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Жамғарма маблағларини йўналтириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, спорт кадрларини тайёрлашнинг ўқув-машғулот жараёнини такомиллаштириш масалаларида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида мутахассисларнинг (тренерлар, олимлар, ўқитувчилар, шифокорлар, физиологлар, диетологлар ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассислар) хорижий давлатларга ташрифларини ташкил этишга қўмаклашиш;

Ўзбекистон футбол ассоциациясининг фаолиятини ва унга юкланган вазифаларни амалга оширишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларини моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга маблағларни мақсадли ажратиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом [1-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси Кузатув кенгашининг таркиби [2-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 20 нафар бўлган тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳудудий бўлинмаларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари паспортини расмийлаштириш ва бериш учун аризани кўриб чиқиш, шунингдек, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари паспортини расмийлаштириш ва бериш учун тўловлар миқдорлари 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирига Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси тузилмасига бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

#### 4. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчи ташкилотларнинг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ёки спорт иншоотлари паспортини бериш учун аризасини кўриб чиқиш, ушбу паспортни расмийлаштириш ва бериш 100 фоиз олдиндан тўлаш шarti билан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси хузуридаги қайта ташкил этилаётган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларининг барча мол-мулки, шу жумладан маблағлари тегишли равишда Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилади;

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Жамғарманинг ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги юзасидан доимий мониторинг олиб боради.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуриладиган объектларда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ушбу объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Жамғарма Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси ҳамда ҳудудий бўлинмаларини малакали мутахассислар билан тўлдиришни, шунингдек, Жамғарма фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳал этилиши таъминлансин.

7. Жамғарма Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уйда жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исроилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 5 июль,

507-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲУЗУРИДА СПОРТ  
КЛУБЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
14.08.2018 й., 09/18/658/1705-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши тизимини такомиллаштириш, истеъдодли ёшларни саралаб олиш ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар захирасини шакллантириш, шунингдек, спортчиларни тиббий таъминлаш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Ўзбекистон талабалар спорти ассоциациясининг:

а) умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини (кейинги ўринларда спорт клублари деб аталади) ташкил этиш;

б) ташкил этилаётган:

умумтаълим мактаблари ҳузуридаги спорт клубларини — Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг (кейинги ўринларда спорт жамияти деб аталади) бюджетдан ташқари маблағлари;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари ҳузуридаги спорт клубларини - Ўзбекистон талабалар спорти ассоциациясининг (кейинги ўринларда Ассоциация деб аталади) маблағлари ҳисобига молиялаштириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

спорт клублари тегишлича спорт жамияти ҳамда Ассоциациянинг таълим муассасаларидаги филиали ҳисобланади ҳамда мазкур спорт жамияти ҳамда Ассоциациянинг мақсад ва вазифаларини тегишли давлат таълим муассасаларида амалга оширишга қўмаклашади;

спорт клублари раҳбари этиб жамоатчилик асосида спорт клуби ташкил этилган давлат таълим муассасаси раҳбари (директор, ректор) тавсия этилади ва спорт клубларининг тўлиқ ва самарали фаолият юритишига масъул ҳисобланади;

спорт клублари аъзолари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлича спорт жамиятининг ҳамда Ассоциациянинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишлилиги бўйича давлат таълим муассасаларида спорт клубларининг фаолияти ривожланишига қўмаклашади ва тегишли шарт-шароитлар яратади.

3. Қуйидагилар спорт клубларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўқувчилар ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш, уларнинг мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчилар ва талабалар ўртасида спорт турлари бўйича жамоалар ташкил этиш, улар ўртасида турли спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини, хусусан «мактаб лигаси», «талабалар лигаси» ташкил этиш орқали истеъдодли ёш спортчиларни аниқлаш;

умумтаълим мактабларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича ҳафтасига камида 4 соатдан синфдан ташқари спорт тўғрақлари машғулотларини ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича ҳафтасига камида 6 соатдан спорт тўғарақлари машғулотларини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида — истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича ҳафтасига камида 6 соатдан спорт тўғарақлари машғулотларини ташкил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт жараёнига машғулотлар ўтказиш учун малакали тренерлар ва мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, илғор тажрибани жорий қилиш.

4. Давлат таълим муассасалари ҳузуридаги спорт клублари тўғрисидаги **низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Куйидагилар спорт клубларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

спорт жамиятининг бюджетдан ташқари маблағлари (умумтаълим мактаблари ҳузурида ташкил қилинган спорт клублари учун);

Ассоциация маблағлари (ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил қилинган спорт клублари учун);

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

хорижий ва халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда спорт клубларининг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техник база ва тренер-ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлиги, ўқув-машқ жараёнининг сифати устидан назорат қилиниши, спорт машғулотлари мунтазам ўтказилиши ва ўқувчилар ҳамда талабалар қатнови даражаси мониторингини тизимли асосда олиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда спорт клубларида шуғулланадиган ўқувчилар ва талабаларнинг мусобақаларга тайёргарлик кўришда ва ўқув-тайёргарлик машқлари давомида функционал ҳолати диагностикасини ташкил этиш, маслаҳат-диагностика ҳамда даволаш-профилактика ишларини такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказларида бир йилда икки мартаба тиббий кўриқдан ўтказсин;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси билан биргаликда доимий равишда спорт турлари бўйича халқаро спорт мусобақалари ва уларга тайёргарлик машғулотлари давомида спортчиларни тиббий ходимлар (врач, массажчи, психолог) билан таъминлашни ташкил этиш ва кузатиб боришни таъминласин;

уч ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг спорт тиббиёти бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исроилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 16 июль,

542-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ  
ҲУЗУРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ  
ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
14.08.2018 й., 09/18/658/1705-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон **Фармони** ижросини таъминлаш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфига берилганлиги, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида унинг филиаллари (кейинги ўринларда филиаллар деб аталади) ташкил қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 28 нафардан иборат тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Нукус, Самарқанд ва Фарғона филиалларининг тузилмаси **2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази тўғрисида низом **3-иловага** мувофиқ;

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, зарурат бўлганда, Марказ ва унинг фил

ллари тузилмаларига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат мактабгача таълим муассасалари жисмоний тарбия инструкторлари, умумтаълим мактаблари ва академик лицейларнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг кафедра мудирлари ҳамда жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, спорт фаолияти йўналишлари бўйича раҳбар ва педагог кадрларни, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари, спорт мактабларининг раҳбар кадрларини, инструктор-методистлари ва тренерларини ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни (кейинги ўринларда жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар деб аталади) қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

давлат таълим стандартлари ҳамда касбга доир билим ва кўникмаларга қўйилган талаблар асосида меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, касбий маълумотга эга бўлмаган спорт таълим муассасалари ходимлари учун қўшимча ихтисослик бўйича пулли асосда қайта тайёрлаш ва қисқа муддатли махсус курсларни ташкил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни касбий, маънавий-ахлоқий савиясини ошириш, спорт таълим тизимини илмий-методик таъминлаш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш;

ўқув-машғулот жараёнига, хусусан, спорт таълим муассасалари амалиётига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

спорт таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда илмий-методик ишларни ташкил этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, хорижий спорт таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ юридик шахс мақомига эга бўлган, спортчиларни тайёрлашнинг барча даражаларида ўқув-машғулот жараёнини илмий-методик таъминлашни, жисмоний тарбия ва спорт фаолияти бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослаштирилган илмий-методик ва таълим муассасаси ҳисобланади;

филиаллар Марказнинг юридик шахс мақомидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади;

Марказ ва филиаллар фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, хўжалик фаолиятдан ва шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотларининг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳар йили 15 ноябрга қадар таълим муассасаларида фаолият юритаётган жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг эгаллаб турган лавозимига кўра малака ошириш курсларидан ўтиши бўйича белгиланган даврийликни инобатга олган ҳолда кейинги календарь йилда малака ошириш курсларига ўқишга юбориладиган тингловчилар контингентини шакллантириб Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига тақдим этиб борсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълим маркази Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш республика комиссияси билан биргаликда икки ой муддатда келгусида фаолияти тугатилиши режалаштирилаётган касб-ҳунар коллежларининг бино ва иншоотлари, моддий-техник воситалари, ўқув ускуналари ва бошқа мулклари билан бирга оператив бошқариш ҳуқуқи билан Марказнинг Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарлари филиалларига бепул берилишини таъминласин.

#### 7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги икки ой муддатда:

филиалларнинг уставлари тасдиқланиши ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

танлов асосида Марказ ва филиалларни юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Марказ ва филиалларда таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, профессор-ўқитувчиларга педагогик юклама ҳажмини белгиланган тартибда тасдиқласин.

#### 8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йил учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Марказ ва филиаллар фаолияти ҳамда уларга юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ харажатларнинг «Таълим» соҳасига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминласин, 2019 йилдан бошлаб эса ушбу харажатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларини шакллантиришда назарда тутсин;



Марказга 3 та, шу жумладан 1 та хизмат, 1 та навбатчи ва 1 та махсус автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмония тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда Марказ ва филиалларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини 2019 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилиши бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари **5-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 август,  
658-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
16.08.2018 й., 09/18/660/1762-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон, «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон фармонларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 3 февралдаги ПК-3504-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек спортнинг олимпия ва миллий турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун спорт захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати тўғрисида низом **1-иловага**;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳамда олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ўқишини кўчириш тартиби тўғрисида низом **2-иловага**;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳамда олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисида низом **3-иловага**;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг айрим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низом **4-иловага**;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлар жадвали **5-иловага**;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормаси **6-иловага**;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳузуридаги олимпия захиралари марказлари тўғрисида низом **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасининг ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳузурида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш ва уларда ўқув-машқ жараёнини 2020/2021 ўқув йилидан амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг 2018/2019 ва 2019/2020 ўқув йили учун ўқувчилар сони 600 нафар, Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг ўқувчилар сони 750 нафар этиб белгилансин.

4. Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг 6-синфга ўқишга қабул қилиш 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **8-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 август,  
660-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН РЕСПУБЛИКА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
25.10.2018 й., 09/18/864/2101-сон)

Ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ёш иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт захирасини тайёрлаш, ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга қаратилган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

а) умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг финал босқичини ҳар уч йилда бир марта Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида, вилоят марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказиш;

б) касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод», олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Универсиада» спорт мусобақаларининг республика финал босқичини ҳар йили спорт турлари бўйича навбатма-навбат республиканинг барча ҳудудларида ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш схемаси **1, 2** ва **3-иловаларга**;

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларида ўтказиладиган спорт турлари рўйхати **4-иловага**;

«Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларининг спорт турлари бўйича республика финал босқичини ҳудудларда ўтказиш режаси **5, 6** ва **7-иловаларга**;

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларини финал босқичини ўтказиш бўйича ташкилий қўмиталар таркиблари 8 ва 9-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита раиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда спорт мусобақаларини ўтказиш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

а) спорт мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти уюшмаси, Ўзбекистон «Ёшлик» Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашларига жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, шунингдек ҳомийлик хайриялари ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этган ҳолда ўтказилиши, ғолибликни қўлга киритган иштирокчиларни 1, 2 ва 3-даражали диплом, медаль, кубок, эсдалик совғалари билан тақдирлаш шунингдек, мусобақаларнинг финал босқичида ғолиб бўлган жамоаларга «Президент совғаси» сифатида республикада ишлаб чиқарилган энгил автомобиль совға қилиш;

б) спорт мусобақаларининг республика финал босқичлари бўлиб ўтадиган ҳудудлар ва у ерда жойлашган инфратузилма объектларини ҳомийлик хайриялари ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни жалб этган ҳолда талаб даражасида тайёрлаш ва замонавий асосда жиҳозлаш;

в) спорт мусобақалари давомида ҳар бир иштирокчининг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтириш, буюк аждодларимизнинг мардлик ва жасурлик анъаналарини муносиб давом эттиришга қодир инсонлар бўлиб етишишига хизмат қиладиган маданий-маърифий тадбирлар дастурини амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) уч ой муддатда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) спорт мусобақаларининг барча босқичларини, айниқса, қуйи (таълим муассасаси, туман (шаҳар) босқичлари) босқичлари тўлиқ ва сифатли ўтказилишини қатъий назоратга олсин;

в) мусобақаларнинг барча босқичлари натижаларини таҳлил қилсин ва тизимли мониторингини олиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги спорт мусобақалари ўтказиладиган, иштирокчилар жойлашадиган, овқатланадиган, ташриф буюрадиган жойларда ва уларнинг атроф ҳудудларида жамоат тартиби сақланишини, йўл ҳаракати, ёнғин ва фуқаролар хавфсизлигини ҳамда ҳаракатланиш йўналишларида йўл-патруль хизмати патруль автомашиналари ёрдамида кузатиб борилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги спорт мусобақалари ўтадиган жойларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлишини, иштирокчиларга юқори савияда тиббий хизмат кўрсатилишини, меҳмонхоналарда ва ушбу турнир ўтадиган жойларда зарур тиббий анжомлар, дори воситалари ҳамда тез ёрдам автомашиналари навбатчилиги ташкил этилишини таъминласин.

7. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташкилий қўмиталар буюртманомаларига биноан спорт мусобақалари иштирокчилари ва ижодий гуруҳ аъзоларини белгиланган тартибда имтиёзли нархлар асосида чипталар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига спорт мусобақаларининг реклама роликларини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда мавжуд техника воситалари орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиш тавсия этилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмиталар ҳамда манфаатдор вазирлик ва

ташкilotлар буюртманомаларига биноан «Ўзбекистон талабалар спорти» ассоциацияси ва Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва ташкилий ишлар сарф-харажатлари Ташкилий қўмиталар қабул қилган қарорларга асосан молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 10-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Р. Сариев, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 25 октябрь,

864-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказиш  
СХЕМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Баркамол авлод» спорт мусобақаларини ўтказиш  
СХЕМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**«Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш  
СХЕМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада»  
спорт мусобақаларида ўтказиладиган спорт турлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига киритилган спорт турлари номи</b>	<b>«Баркамол авлод» спорт мусобақаларига киритилган спорт турлари номи</b>	<b>«Универсиада» спорт мусобақаларига киритилган спорт турлари номи</b>
1.	Футбол ва гандбол	Футбол ва гандбол	Футбол ва гандбол
2.	Волейбол ва мини-футбол	Волейбол ва мини-футбол	Волейбол ва мини-футбол
3.	Баскетбол ва стритбол	Баскетбол ва стритбол	Баскетбол ва стритбол

4.	Дзюдо ва ушу	Дзюдо ва самбо	Дзюдо ва самбо
5.	Бадминтон ва теннис	Бадминтон ва теннис	Бадминтон ва теннис
6.	Енгил атлетика ва велоспорт	Енгил атлетика ва велоспорт	Енгил атлетика ва велоспорт
7.	Сузиш ва стол тенниси	Сузиш ва стол тенниси	Сузиш ва стол тенниси
8.	Спорт ва бадий гимнастикаси	Спорт ва бадий гимнастикаси	Спорт ва бадий гимнастикаси
9.	Бокс ва оғир атлетика	Бокс ва оғир атлетика	Бокс ва оғир атлетика
10.	Шахмат ва армрестлинг	Шахмат ва армрестлинг	Шахмат ва армрестлинг
11.	Каратэ ва таэквондо	Каратэ ва таэквондо	Каратэ ва таэквондо
12.	Турон ва белбоғли кураш	Турон ва белбоғли кураш	Турон ва белбоғли кураш
13.	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Кураш ва ўзбек жанг санъати
14.	Эркин ва юнон-рум курашлари	Эркин ва юнон-рум курашлари	Эркин ва юнон-рум курашлари

Изоҳ: Уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмиталар қабул қилган қарорларига асосан қўшимча оммавий спорт турларини жорий этиш ва Республика ҳудудларида мусобақаларнинг барча босқичларини ўтказиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг спорт турлари  
бўйича республика финал босқичини ҳудудларда ўтказиш  
РЕЖАСИ**

Худудлар номи	Йиллар													
	2020	2023	2026	2029	2032	2035	2038	2041	2044	2047	2050	2053	2056	2059
	Спорт турлари номи													
Қорақалпоғистон Республикаси	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт
Андижон вилояти	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис
Бухоро вилояти	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо



Жиззах вилояти	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол
Қашқадарё вилояти	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол
Навоий вилояти	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати
Наманган вилояти	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси
Самарқанд вилояти	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу
Сирдарё вилояти	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси
Сурхондарё вилояти	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари
Тошкент вилояти	Шахмат ва армрестлинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадминтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш
Фарғо	Бокс	Баскет	Енгил	Бадми	Каратэ	Волей	Футбол	Кураш	Спорт	Дзюдо	Сузиш	Эркин	Турон	Шахм

на вилояти	ва оғир атлетика	бол ва стритбол	атлетика ва велоспорт	нтон ва теннис	ва таэквондо	бол ва мини-футбол	л ва гандбол	ва ўзбек жанг санъати	ва бадий гимнастикаси	ва ушу	ва стол тенниси	ва юнон-рум курашлари	ва белбоғли кураш	ат ва армреслинг
Хоразм вилояти	Баскетбол ва стритбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадми нтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армреслинг	Бокс ва оғир атлетика
Тошкент шаҳри	Енгил атлетика ва велоспорт	Бадми нтон ва теннис	Каратэ ва таэквондо	Волейбол ва мини-футбол	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва ушу	Сузиш ва стол тенниси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Турон ва белбоғли кураш	Шахмат ва армреслинг	Бокс ва оғир атлетика	Баскетбол ва стритбол

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон қарорига  
6-ИЛОВА**

**«Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг спорт турлари бўйича республика финал  
босқичини ҳудудларда ўтказиш**

**РЕЖАСИ**

Худудлар номи	Йиллар													
	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030	2031	2032
	Спорт турлари номи													
Қорақалпоғистон Республикаси	Эркин ва юнон-рум курашлари	Каратэ ва таэквондо	Бокс ва оғир атлетика	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва самбо	Баскетбол ва стритбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Футбол ва гандбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Сузиш ва стол тенниси	Турон ва белбоғли кураш	Бадми нтон ва теннис	Шахмат ва армреслинг	Волейбол ва мини-футбол
Андижон вилояти	Каратэ ва таэквондо	Бокс ва оғир атлетика	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва самбо	Баскетбол ва стритбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Футбол ва гандбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Сузиш ва стол тенниси	Турон ва белбоғли кураш	Бадми нтон ва теннис	Шахмат ва армреслинг	Волейбол ва мини-футбол	Эркин ва юнон-рум курашлари
Бухоро вилояти	Бокс ва оғир атлетика	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва самбо	Баскетбол ва стритбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Футбол ва гандбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Сузиш ва стол тенниси	Турон ва белбоғли кураш	Бадми нтон ва теннис	Шахмат ва армреслинг	Волейбол ва мини-футбол	Эркин ва юнон-рум курашлари	Каратэ ва таэквондо
Жиззах вилояти	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва самбо	Баскетбол ва стритбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Футбол ва гандбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Сузиш ва стол тенниси	Турон ва белбоғли кураш	Бадми нтон ва теннис	Шахмат ва армреслинг	Волейбол ва мини-футбол	Эркин ва юнон-рум курашлари	Каратэ ва таэквондо	Бокс ва оғир атлетика



		л	кураш лари		ка	гимна стикас и			санъат и		орт	си	кураш	с
Тошкент шаҳри	Волейбол ва мини-футбол	Эркин ва юнон-рум курашлари	Каратэ ва таэквондо	Бокс ва оғир атлетика	Спорт ва бадий гимнастикаси	Дзюдо ва самбо	Баскетбол ва стритбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Футбол ва гандбол	Енгил атлетика ва велоспорт	Сузиш ва стол теннис	Турон ва белбоғли кураш	Бадминтон ва теннис	Шахмат ва армрестлинг

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон қарорига  
7-ИЛОВА**

**«Универсиада» спорт мусобақаларининг спорт турлари  
бўйича республика финал босқичини ҳудудларда ўтказиш  
РЕЖАСИ**

Ҳудудлар номи	Йиллар													
	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030	2031	2032
	Спорт турлари номи													
Қорақалпоғистон Республикаси	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнон-рум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис
Андижон вилояти	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнон-рум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш
Бухоро вилояти	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнон-рум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол
Жиззах вилояти	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнон-рум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо
Қашқадарё вилояти	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнон-рум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол
Навоий вилояти	Эркин ва юнон-рум кураш	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъат

	лари				стикас и										и
Наманган вилояти	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	
Самарқанд вилояти	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	
Сирдарё вилояти	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	
Сурхондарё вилояти	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	
Тошкент вилояти	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	
Фарғона вилояти	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	
Хоразм вилояти	Каратэ ва таэквондо	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	
Тошкент шаҳри	Бадминтон ва теннис	Турон ва белбоғли кураш	Баскетбол ва стритбол	Дзюдо ва самбо	Футбол ва гандбол	Кураш ва ўзбек жанг санъати	Эркин ва юнорум курашлари	Бокс ва оғир атлетика	Сузиш ва стол теннис	Шахмат ва армрестлинг	Спорт ва бадий гимнастикаси	Енгил атлетика ва велоспорт	Волейбол ва мини-футбол	Каратэ ва таэквондо	

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ  
ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИЛАН МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНИШИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
07.01.2019 й., 09/19/6/2429-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон **Фармони**га мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканлигини тарғиб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширганлиги учун ушбу ташкилотлар раҳбарларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширганлиги учун ушбу ташкилотлар раҳбарларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом **илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул ҳисобланади;

танлов ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига бир ой муддатда: танловнинг ўтказилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаш; танлов ғолибларига топшириладиган сертификат намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифалари юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига танловнинг мазмун ва моҳияти, шунингдек, уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2019 йил 7 январь,

6-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ  
СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА**

## ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
17.01.2019 й., 09/19/38/2491-сон)

Мамлакатимизда олимпия спорт турларидан бири бўлган спорт курашини янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда шу асосда мамлакатимиз терма жамоалари учун ишончли захирани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 24 сентябрдаги ПҚ-1822-сон қарорига асосан Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида спорт-соғломлаштириш муассасаси сифатида ташкил қилинганлиги ҳамда унинг асосий вазифалари ва молиялаштириш манбалари белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибига берилганлиги ва спорт мактаби Миллий гвардиянинг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, «Динамо» стадионида жойлаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

### 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ходимларининг чекланган умумий сони 115 нафар (шу жумладан 60 нафар спортчи штати)дан иборат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчи-спортчилари учун зарур анжомлар, спорт экипировкаси ва формали кийим-бош билан таъминлаш нормативлари 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини жиҳозлаш учун зарур спорт ўқув-машқ ва тиббиёт анжомлари, шунингдек, техника ва транспорт воситалари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонига Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби (кейинги ўринларда спорт мактаби деб аталади) тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

спорт мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори асосида ташкил этади;

спорт мактабида ўқувчи-спортчиларнинг контингенти, уларнинг вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, 60 нафардан иборат этиб белгиланади ҳамда таълим олиш муддати ўқувчи-спортчи Ўзбекистон Республикаси терма жамоасининг асосий (ёки захира) таркибида бўлган давр мобайнида давом этади;

спортчи лавозимига спорт мактаби ўқувчи-спортчиларининг контингенти орасидан қабул қилинади;

спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш умумий контингентдан келиб чиққан ҳолда йил давомида амалга ошириб борилади;

спорт мактабида ўқув-машқ жараёнининг давомийлиги ва даврийлиги спорт мусобақалари тақвими ва ўқувчи-спортчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун яқка тартибда спорт тайёргарлиги даврлари ҳисобга олинган ҳолда спорт мактаби раҳбарияти томонидан белгиланади;

спорт мактаби ўқувчи-спортчиларини озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларининг ҳар кунлик нормаси ҳар йили тегишли молия йилининг 1 январида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан фоизларда, лекин Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Республика кенгаши ҳузуридаги турғун овқатланиш шохобчасининг кўшимча харажатларини қоплашни ҳисобга олган ҳолда 30 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

спорт мактаби белгиланган контингентининг вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда номзодларни танлаб олиш ва ўқувчи-спортчилар сафига қабул қилишни;

спорт мактабининг турли даражадаги мусобақалар ва ўқув-машқ йиғинлари спорт тадбирлари тақвим режасини белгиланган муддатларда тасдиқлашни;

спорт мактабининг ўқув-машқ жараёнида спорт курашлари бўйича юқори малакали кадрлардан ҳамда уларнинг илмий-методик салоҳиятидан унумли фойдаланишни;

тренерлар таркиби ва ўқувчи-спортчиларнинг спорт курашлари бўйича етакчи хорижий марказлар ва мактабларда стажировкадан ўтишини тизимли асосда ташкил этишни;

эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлашда илғор халқаро тажрибаларнинг ҳисобга олиншини;

ўқув-машқ жараёнини зарур даражада ташкил этиш мақсадида спорт мактабини малакали мутахассислар билан тўлдириш, ўқув хоналарини зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари кўрилишини;

спорт мактаби ўқувчи-спортчилари тайёргарлигининг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилишини ва зарур ҳолатларда тайёргарлик жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

5. Спорт мактабига белгиланган тартибда тасдиқланадиган спорт мактаби спорт тадбирларининг тақвим режаси ҳамда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида ўқувчи-спортчилар ва тренерларни халқаро мусобақаларда ва хорижда ўтказиладиган ўқув-машқ йиғинларида қатнашиш учун юбориш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг [5-иловага](#) мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Б.Х. Ташматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,


2019 йил 16 январь,

38-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 38-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Спорт курашлари  
бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби  
ТУЗИЛМАСИ**





Ходимларнинг чекланган умумий сони — 115 нафар, шу жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг асосий таркибидаги спортчилари — 60 нафар, бошқарув ходимлари — 9 нафар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТГА ЖАЛБ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
30.01.2019 й., 09/19/65/2549-сон)

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли одатлардан асраш ҳамда ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва бошқаларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини самарали ташкил этиш тизимини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг аҳолининг ёшига қараб, умумий жисмоний тайёргарлигини белгиловчи спорт меъёрларини ўз ичига олган «Алпомиш» ва «Барчиной» тестларининг аҳолининг кенг қатламлари ўртасида мусобақа тарзида доимий равишда ўтказилишини ташкил қилиш ҳамда ғолиб ва совриндорларнинг III, II, ва I даражали кўкрак нишонлари билан рағбатлантирилишига доир тақлифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини қабул қилиш ва мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом **1-иловага** мувофиқ;

«Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари тўғрисида низом **2-иловага** мувофиқ;

«Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларининг тавсифи **3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистонда спортнинг оммавийлигини янада ошириш мақсадида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури **4-иловага** мувофиқ;

Спортнинг ўйин турларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги аҳолининг умумий жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини мусобақа шаклида қабул қилиш, «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларини тайёрлаш ҳамда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаб бориш чораларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларини тайёрлаш учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан биргаликда 2019 йилнинг 10 февралдан бошлаб барча телеканаллар эфирида ҳар куни уч марта (эрталаб, кундузги ва кечки) 3 — 5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотлари видеороликлари намоёнишини жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар иш вақти давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланишлари ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғини кенг жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини мунтазам равишда, ҳар томонлама ёритиш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2019 йил 29 январь,

65-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОИ**

### **ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ СПОРТ ИНШОТЛАРИДА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
02.02.2019 й., 09/19/78/2559-сон)

Давлат таълим муассасаларининг спорт иншоотларида пуллик хизмат кўрсатувчи спорт тўғарақларини ташкил этиш орқали спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ва уларнинг бу

соҳага бўлган эҳтиёжини қондириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва тренерларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, 2019 йил 1 февралдан бошлаб:

ушбу қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ жисмоний тарбия соатларидан бўш вақтларида спорт иншоотларида тренерлар томонидан аҳолига, шу жумладан, ўқувчи-ёшлар ва талабаларга кўрсатиладиган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт хизматлари пуллик асосда амалга оширилади;

давлат таълим муассасаларининг спорт иншоотларида тренерлар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тушган тўловнинг 20 фоизи коммунал хизматлар харажатларига йўналтирилади, қолган қисми давлат таълим муассасаси ва тренерлар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

2. Давлат таълим муассасаларининг спорт иншоотларида пуллик хизмат кўрсатувчи спорт тўғаракларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда спорт турлари, энг аввало, оммавий спорт турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳларни ташкил этиш ҳисобига спорт иншоотларидан фойдаланиш даражасини ошириш чораларини кўрсин;

пуллик хизмат кўрсатиладиган спорт иншоотларининг манзили, иш вақти, кўрсатиладиган хизмат турлари ва нархлари ҳақидаги маълумотлар Интернет жаҳон ахборот тармоғида доимий равишда кенг ёритилишини йўлга қўйсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2019 йил 1 февраль,

78-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
02.03.2019 й., 09/19/184/2694-сон)

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат мулки бўлган бўш турган спорт объектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда спорт иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва тренер кадрларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг:

давлат мулки бўлган бўш турган спорт объектларини инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шarti билан белгиланган тартибда хусусий инвесторларга бериш;

хусусий шерикнинг мулки негизда ташкил қилинган спорт объектларининг ҳолатини яхшилашга кўмаклашишни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида давлат шериги ҳисобланади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра тузилади.

### 3. Қуйидагилар:

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий инвесторларга бериладиган фойдаланилмаётган ва бўш турган спорт иншоотлари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида давлат мулки бўлган бўш турган спорт объектларидан фойдаланиш ва кейинчалик уларнинг фаолиятини ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

ташаббускорларнинг маблағлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

### 5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги уч ой муддатда:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни тузиш бўйича танловларни ўтказиш комиссиясини (кейинги ўринларда танлов комиссиялари деб аталади) шакллантирсин ва уларга қуйидаги вазифалар юклансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш, маъқуллаш, рад қилиш ёки қайта ишлаш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

давлат-хусусий шериклик битими лойиҳасини, зарур ҳужжатлар тўпламини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) тақдим қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини Агентлик билан биргаликда кейинчалик танлов комиссиясига киритиш мақсадида баҳолаш;

танлов комиссияси томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси маъқулланганидан сўнг барча молиявий ва иқтисодий тавсифлари киритилган ҳолда лойиҳани амалга ошириш ҳақида тегишли қарор қабул қилсин;

белгиланган тартибда танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, танловни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг яқунлари бўйича хусусий шерик билан тегишли давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш чораларини кўрсин;

Агентлик билан биргаликда давлат-хусусий шериклик лойиҳаси, уни тайёрлаш ва амалга ошириш ҳамда хусусий шерикларни танлаш ҳақидаги маълумотнинг Агентликнинг бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, давлат-хусусий шериклик шартларида инвесторларга топширилган объектларда нодавлат жисмоний тарбия ва спорт ташкилотининг фаолияти ташкил этилган кундан бошлаб, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг муддатлари давомида уни қайта ихтисослаштириш тақиқланади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар:

уч ой муддатда ўзларига тегишли бўш турган спорт объектлари, шунингдек, реконструкция қилиниши ва мукамал таъмирланиши зарур бўлган давлат жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига тақдим этсин;

ҳар йили 1 мартга қадар давлат-хусусий шериклик шартларида нодавлат жисмоний тарбия ва спорт ташкилотининг биноларини қуриш учун ажратилиши мумкин бўлган ер участкаларини ҳамда ўзларига тегишли бўш турган спорт объектлари, шунингдек, реконструкция қилиниши ва мукамал таъмирланиши зарур бўлган давлат жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотларини аниқлаб, уларнинг рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига доимий равишда тақдим этиб борилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда нодавлат жисмоний тарбия ва спорт ташкилотини ташкил этиш учун ер участкаси ажратилишини, шунингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган тегишли рўйхатларни умумлаштирган ҳолда, хусусий шерикларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бериладиган ер участкалари ва спорт объектларининг ягона рўйхатини шакллантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асослантилган таклифларни киритиб борсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмуни ва аҳамияти кенг ёритилишини ҳамда аҳолига етказилишини ташкил этиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 1 март,  
184-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЁЗГИ ОСИЁ ҲАММАЖАМА ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
15.05.2019 й., 09/19/401/3130-сон)

Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёти, жаҳон миқёсидаги ўрни ва етарли салоҳияти сабабли спорт соҳасида юқори натижаларга эришилиб келинмоқда.

Хусусан, 2018 йилнинг 14 август — 3 сентябрь кунлари Индонезияда бўлиб ўтган 18-ёзги Осие Ҳаммажамма ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси 231 нафар спортчи билан спортнинг 30 та тури бўйича иштирок этиб, 70 та медални (21 та олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза) қўлга киритган ҳолда, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллади (2014 йилда 9 та олтин медал билан 11-ўринни эгаллаган).

2018 йилнинг 6 — 13 октябрь кунлари Индонезияда 17 та спорт тури бўйича бўлиб ўтган 3-Параосие Ҳаммажамма ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси 54 нафар спортчи билан спортнинг 5 та тури бўйича иштирок этиб, 77 та медални (35 та олтин, 24 та кумуш, 18 та бронза) қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида 42 та давлат ичида 6-ўринни эгаллади (2014 йилда 22 та олтин медал билан 5-ўринни эгаллаган).

Осие Олимпия Кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ навбатдаги XIX ёзги Осие Ҳаммажамма ўйинлари 2022 йил Ханчоу шаҳрида (Хитой), XX ёзги Осие Ҳаммажамма ўйинлари 2026 йил Нагоя шаҳрида (Япония) бўлиб ўтиши белгиланган бўлиб, 2030 йил XXI ёзги Осие Ҳаммажамма ўйинлари ўтказилиши жойи белгиланмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси даъвогар сифатида Осие Олимпия Кенгашига буюртма бериш имкони мавжуд.

Ўзбекистонда ёзги Осие Ҳаммажамма ўйинларини ўтказиш орқали мамлакатнинг обрўси, бренд сифатида мамлакат тўғрисидаги маълумотлар орқали меҳмонларнинг хабардорлигини ошириш, мамлакат инфратузилмасини ривожлантириш, туризмни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, нафақат пойтахт, балки мамлакат ҳудудлари қиёфасини яхшилаш натижасида мамлакатнинг ички қиёфасига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган спорт инфратузилмасини яратиш борасида мамлакатнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хусусан:

биринчидан, мустақилликка эришилгандан сўнг шу кунга қадар халқаро талабларга жавоб бера оладиган спорт инфратузилмаси (шу жумладан, олимпия шаҳарчаси) яратилмаган;

иккинчидан, йирик халқаро комплекс мусобақа ўтказиш учун халқаро талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган логистика, транспорт инфратузилмаси мавжуд эмаслиги боис, ёзги Осиё ва Олимпия ўйинлари Ўзбекистонда шу кунга қадар ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикасида йирик нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказишга тайёргарлик кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказишни ташкил этиш учун муносиб инфратузилмани яратишга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказишни ташкил этиш учун муносиб инфратузилмани яратишга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади) таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

#### 2. Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини (кейинги ўринларда мусобақалар деб аталади) ўтказиш бўйича ташкилий масалаларни амалга ошириш;

мусобақаларни ўтказиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш;

мусобақаларни ўтказиш бўйича республикада мавжуд бўлган спорт иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмаларини ўрганиш ҳамда янгиларини барпо этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

#### 3. Ишчи гуруҳ (А.А. Абдухакимов):

мусобақаларни ўтказиш бўйича ташкилий масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этсин;

Дастурда назарда тутилган барча тадбирлар тўлиқ амалга оширилиши юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштирсин;

ўрганилган халқаро тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва мусобақаларни ўтказишни ташкил этишда самарали фойдалансин;

мавжуд инфратузилмалар қувватини таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш, қўшимча инфратузилмаларни яратишга бўлган сарф-харажатларни, шунингдек, тақдим этилган маълумотлар, таклифлар ва ҳисоб-китобларни комплекс таҳлил қилиш асосида таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда 2020 йил 10 январга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

#### 4. Қуйидагилар:

мусобақаларни ўтказиш бўйича ташкилий масалалар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси маблағлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

мусобақаларни ўтказиш учун танловга буюртма бериш, бадал пули, кафолат депозити ҳамда Ўзбекистонда мусобақаларни тарғибот (реклама) қилиш учун маблағларни Осиё Олимпия Кенгашига ўтказиб бериш Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва хорижий инвесторларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инobatга олинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг буюртманомаларига мувофиқ спорт турлари бўйича халқаро федерациялар (уюшмалар), Осиё федерациялари (уюшмалари) ва Осиё Олимпия Кенгаши вакилларига визаларни консуллик ва бошқа йиғимлар ундирмасдан, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида расмийлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 14 май,  
401-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 майдаги 401-сон қарорига  
1-ИЛОВА**

**Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказишни ташкил этиш учун  
муносиб инфратузилмани яратишга мўлжалланган чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш бўйича ташкилий масалалар</b>					
1.	Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш учун тегишли кўргазмали материаллар илова қилинган ҳолда белгиланган тартибда тегишли буюртманома билан Осиё Олимпия Кенгашига мурожаат қилиш.	1. Ўзбекистонда Осиё ўйинларини ўтказиш учун тегишли кўргазмали материалларни тайёрлаш. 2. Осиё Олимпия Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номидан тегишли буюртманомани тайёрлаш ва имзолаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Имзоланган мурожаат хатини Осиё Олимпия Кенгашига юбориш.	2019 йил 20 июнь 2019 йил 25 июнь 2019 йил 30 июнга қадар	—	Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
	Халқаро олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши ҳамда халқаро ва Осиё федерациялари вакилларининг Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этиш.	1. Халқаро олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши ҳамда халқаро ва Осиё федерациялари вакилларининг Ўзбекистонга ташрифи бўйича музокаралар олиб бориш. 2. Халқаро олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши ҳамда халқаро ва Осиё федерациялари вакилларининг Ўзбекистонга ташрифи бўйича кутиб олиш дастурини тайёрлаш. 3. Халқаро олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши ҳамда халқаро ва Осиё федерациялари вакилларининг ташрифи билан боғлиқ барча харажатларни, шу жумладан, авиачипталар, ички транспорт, яшаш ва овқатланиш харажатларини	2019 йил июнь Келишувга мувофиқ	Миллий олимпия қўмитаси маблағлари, спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) маблағлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари	Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)

		қоплаш.			
	Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси хузурида Ўзбекистонда халқаро нуфузли мусобақаларни, шу жумладан, ёзги Осиё ўйинларини юқори савияда ўтказиш бўйича жамғарма ташкил этиш.	Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш ва Ўзбекистонда турли даражадаги халқаро нуфузли мусобақаларни ўтказишни ўз ичига олган жамғармани ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2019 йил июль	—	Миллий олимпия кўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
<b>II. Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш</b>					
	2017-2018 йилларда ўтказилган ёзги Осиё ўйинлари тажрибасини ўрганиш, шу жумладан: 2017 йил 12 - 28 сентябрь кунлари Ашхобод шаҳрида (Туркменистон) ёпиқ спорт иншоотларида бўлиб ўтган жанг санъатлари ва V Осиё ўйинлари; 2018 йил 14 август - 3 сентябрь кунлари Жакарта ва Палембанг шаҳарларида (Индонезия) бўлиб ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинлари.	1. Осиё ўйинларини ўтказиш тажрибасини ўрганиш бўйича вазирлик ва идоралараро ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади) таркибини шакллантириш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш. 2. Ўрганилган тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва Ўзбекистон Республикасида Осиё ўйинларини ўтказишда самарали фойдаланиш.	2019 йил июль-август ойлари	—	Миллий олимпия кўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар), тегишли вазирликлар ва идоралар
<b>III. Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш бўйича республикада мавжуд бўлган спорт иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмаларини ўрганиш ва янгиларини барпо этиш бўйича таклифлар тайёрлаш</b>					
5.	Ёзги Осиё ўйинларини оммавий ахборот воситалари орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиш.	Ишчи гуруҳ томонидан ёзги Осиё ўйинларини тўғридан-тўғри оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш масалаларини ўрганиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2019 йил июль	—	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
6.	Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари марказий кўчалари ва Тошкент — Самарқанд йўналиши автомагистрал йўлларини таъмирлаш.	Ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш харажатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2019 йил август	—	Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
7.	Республикада мавжуд бўлган спорт иншоотлари, логистика, транспорт, меҳмонхона инфратузилмалари қувватларини таҳлил қилиш ва чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда йирик нуфузли халқаро комплекс мусобақаларни ўтказиш учун	Ишчи гуруҳ томонидан мавжуд инфратузилмалар қувватини ўрганиш таҳлили асосида қўшимча инфратузилмалар ва уларни яратишга харажатлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2019 йил сентябрь	—	Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси,



	талаб этиладиган тегишли қўшимча инфратузилмалар ва объектлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг қурилиши ҳажмлари ва қийматларини аниқлаш ҳамда эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда объектларни таъмирлаш ва қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш.				Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
8.	Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинлари иштирокчиларини (30 000 нафар) қабул қилиш, маиший шарт-шароитларни ўз ичига олган Олимпия шаҳарчаларини Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қуриш.	Ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларга аниқлик киритиш ва уларнинг сарф-харажатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2019 йил сентябрь	—	Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
9.	Ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган маълумотлар, таклифлар ва ҳисоб-китобларни таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда йирик нуфузли халқаро комплекс мусобақаларни ўтказиш учун спорт инфратузилмани яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган маълумотлар, таклифлар ва ҳисоб-китобларни комплекс таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил апрель	—	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, тегишли вазирликлар ва идоралар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ» ЯГОНА АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
03.06.2019 й., 09/19/454/3233-сон)

Вазирлар Маҳкамасининг «2019 — 2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 13 февралдаги 118-сон қарорига мувофиқ спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари) ҳақидаги маълумотлар, таълим ташкилотлари ўқувчилари ва талабаларининг спорт фанлари бўйича топширган синов имтиҳонлари натижаларини тизимлаштириш, шунингдек, республикадаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги маълумотларнинг тизимли мониторингини олиб бориш, бундай маълумотлар билан алмашиш ва уларни таҳлил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тасарруфида таълим ташкилотлари ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари бўлган вазирликлар ва идораларнинг спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари) ҳақидаги маълумотлар, таълим

ташкilotлари ўқувчилари ва талабларининг спорт фанлари бўйича синов имтиҳонларининг тизимлаштирилган натижалари, шунингдек, республикадаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган «Жисмоний тарбия ва спорт» ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда Ягона тизим деб аталади) яратиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

## 2. Қуйидагилар:

Ягона тизим идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат ва нодавлат мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими, олий таълим ташкilotларида, шунингдек, мактабдан ташқари спорт таълими ташкilotларида (кейинги ўринларда таълим ташкilotлари деб аталади) жорий қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг «Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази» давлат корхонаси (кейинги ўринларда Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази деб аталади) томонидан спортчиларни рўйхатга ва уларнинг фаолиятини ҳисобга олиш бўйича «Skм sportsmen», тренерлар ҳақидаги маълумотлар базаси юритилишини таъминловчи «Skм trener» ҳамда республикадаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштиришни таъминловчи «Skм sportinshoot» кичик ахборот тизимларини ўз ичига олган «Skм тизим» ахборот тизими (кейинги ўринларда АТ деб аталади) ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

## 3. Қуйидагилар Ягона тизимнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

спортчилар, тренерлар, таълим ташкilotларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари), шунингдек, республикадаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари ҳақидаги маълумотларнинг тизимли мониторингини олиб бориш, бундай маълумотлар билан алмашиш ва уларнинг таҳлил қилинишини таъминлаш;

таълим ташкilotлари ўқувчилари ва талабаларининг спорт фанлари бўйича синов имтиҳонларини топшириш натижаларини таҳлил қилиш;

спортчилар, тренерлар ва республикадаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт иншоотларини рўйхатга ва фаолиятини ҳисобга олиш;

www.sport.uz ягона маълумотлар порталида жойлаштирилаётган спортчилар, тренерлар, таълим ташкilotларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари) ҳамда республикадаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш, шунингдек, маълумотлар Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталига жойлаштирилишини таъминлаш.

## 4. Қуйидагилар Ягона тизимни яратиш ва жорий қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг 150,0 млн сўм миқдоридаги маблағлари;

Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш марказининг ўз маблағлари;

ўз тасарруфида таълим ташкilotлари бўлган вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

тегишли таълим ташкilotларининг маблағлари;

хайрия маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

## 5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

тегишли вазирлик ва идораларнинг таълим ташкilotлари контингенти тўғрисидаги мавжуд маълумотлар базалари билан интеграциялаштириш ҳамда маълумотлар алмашиш ҳисобга олинган ҳолда, Ягона тизимни яратиш бўйича техник топшириқлар ва технологик хусусиятларни, шунингдек, Ягона тизимнинг фаолият кўрсатиш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ягона тизимни тасдиқланган техник топшириқларга мувофиқ 2019 йил 1 сентябрга қадар жорий қилсин ва ишга туширсин;

Интернет тармоғидан доимий фойдаланиш ва маълумотларнинг белгиланган квоталар доирасида ахборот ҳимоясини таъминлаган ҳолда, www.sport.uz ягона ахборот порталини бир ой муддатда

«Uzinfocom» МЧЖнинг Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор сервер майдонида жойлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК билан биргаликда яратилаётган Ягона тизимни икки ой муддатда «Электрон ҳукумат» тизимининг фойдаланилувчиларини идентификация қилиш ягона ахборот тизими, жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базалари билан интеграциялаштиришни таъминласин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги — Ягона ахборот тизимининг юритилиши, ушбу тизимга маълумотлар мунтазам киритилиши ва уларнинг долзарблиги таъминланиши мониторингини амалга оширадиган давлат органи;

Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази — Ягона тизимни ишлаб чиқувчи ва оператор этиб белгилансин.

Ягона тизимни ишлаб чиқишда:

спортчилар, тренерлар ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт иншоотлари ҳақидаги маълумотлар бўйича «Skm tizim» АТ билан автоматлаштирилган ҳолда маълумотлар алмашинуви таъминлансин;

республика таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари) ҳақидаги маълумотлар базасини, шунингдек, таълим ташкилотлари ўқувчилари ва талабаларининг спорт фанлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларининг таҳлилини ўз ичига олган алоҳида кичик тизим яратилсин;

республика таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари) томонидан таълим ташкилотлари ўқувчилари ва талабаларининг спорт фанлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларини, шунингдек, спорт мусобақалари ташкилотчилари томонидан спортчиларнинг мусобақаларда эришган спорт натижаларини [www.sport.uz](http://www.sport.uz) ахборот портали орқали киритиш имконияти инобатга олинсин;

спорт мактаблари ўқувчи-спортчиларининг бевосита тренер-ўқитувчиларига қонунчиликда белгиланган тартибда устамалар белгилаш ҳуқуқини берадиган спортдаги натижаларини [www.sport.uz](http://www.sport.uz) ягона ахборот порталида ҳисобга олиш ва улар билан танишиш имконияти таъминлансин;

спортчилар, тренерлар, таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари), республикадаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари ҳақидаги маълумотлар [www.sport.uz](http://www.sport.uz) ягона ахборот порталида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталида жойлаштирилиши таъминлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар:

вазирликлар ва идоралар, шунингдек, таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари) ҳақидаги маълумотлар ҳамда ўқувчиларнинг (талабалар) спорт фанлари бўйича синов имтиҳонлари натижаларини Ягона тизимга киритиш учун масъул бўлган тегишли мутахассислари учун семинарлар ташкил этилишини;

Ягона тизимга маълумотларни киритишга масъул бўлган жисмоний тарбия ўқитувчилари (йўриқчилари) ва спорт тадбирлари ташкилотчилари тегишли шахсларининг шахсий жавобгарлиги белгиланишини;

Ягона тизимдаги маълумотларни мунтазам равишда янгилаб бориш учун ўқитувчилар (йўриқчилар) ва масъул шахсларнинг Интернет тармоғи, тегишли усқуналар ва компьютер техникасидан фойдаланиш шароитларини;

Ягона тизимнинг узлуксиз ишлашини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари ўтказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 3 июнь,  
454-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI**

### **ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРКИБИДА ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда республика таълим хизматлари соҳаси ва реал сектори тармоқлари учун юқори малакали, Халқаро миқёсда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Беларусь Республикасининг Беларусь давлат жисмоний тарбия университети ҳамда Россия Федерациясининг П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университетининг Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (кейинги ўринларда университет деб аталади) таркибида:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) билан ҳамкорликдаги қўшма жисмоний тарбия, спорт ва туризм факультетини;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети (Россия Федерацияси) билан ҳамкорликда қўшма жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик факультетини (кейинги ўринларда қўшма факультетлар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўшма факультетларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик соҳаларида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ташкил этиш ҳамда таълим бериш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун турли даражалардаги педагог кадрлар, тренерлар, ҳакамлар жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик соҳаларида магистрантлар ва докторантларни мақсадли тайёрлашни амалга ошириш ҳамда ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш;

юқори малакали мутахассислар ҳамда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги тамойиллари, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига интеграциялашиш асосида ривожлантириш;

жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик соҳаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

қўшма факультетлар кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар, илмий-педагог кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган университет таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

қўшма факультетларда талабаларни ўқитиш тўлов-контракт асосида рус тилида, кундузги таълим шаклида Ўзбекистон Республикаси олий таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари инобатга олинган ҳолда тегишлича Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) ҳамда П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети (Россия Федерацияси) билан қўшма таълим дастурлари асосида амалга оширилади;

қўшма факультетларга абитуриентларни талабаликка қабул қилиш ва қўшма факультетлар битирувчиларининг аттестацияси тегишлича Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) ҳамда П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университетида (Россия Федерацияси) белгиланган тартиб, талаблар ва муддатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади;

қўшма факультетларда бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квотаси мавжуд талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, университет ва тегишлича Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) ҳамда П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети (Россия Федерацияси) томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади;

қўшма факультетларда ўқиш учун тўлов-контракт маблағлари миқдори миллий валютада тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг базавий тўлов-контракт сўммасида кам бўлмаган миқдорда университет ва тегишлича Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) ҳамда П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети (Россия Федерацияси) томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади;

қўшма факультетларда таълим олувчи талабалар ўқув жараёнида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг спорт иншоотлари, базалар, лабораториялар ҳамда ахборот-ресурс марказларидан текин фойдаланади;

қўшма факультетлар битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси ҳамда тегишлича Беларусь Республикасида ёки Россия Федерациясида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган, ўзаро келишув асосида икки томонлама эътироф этиладиган университет ва тегишлича Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) ҳамда П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети (Россия Федерацияси) дипломлари берилади;

қўшма факультетлар фаолиятини молиялаштириш университетга талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, тегишли шартномалар асосида манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган грантлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

4. Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) ҳамда П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети (Россия Федерацияси) жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва хизмат сафари харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, Беларусь давлат жисмоний тарбия университети (Беларусь Республикаси) ҳамда П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний тарбия,

спорт ва саломатлик университети (Россия Федерацияси) билан келишгаи ҳолда ўқув жараёни бошлангунига қадар:

қўшма факультетларга университет ҳудудидаги бинолардан мос жой ажратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш;

қўшма факультетлар профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари таркибини юқори малакали маҳаллий ҳамда хорижий илмий-педагог кадрлар ҳисобига тўлдириш;

қўшма факультетларга тегишли бўлган низом, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишлари амалга оширилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг буюртмаларига асосан белгиланган тартибда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида мавжуд бўлмаган мутахассисликлар бўйича) хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатномалар берилиши (амал қилиш муддати узайтирилиши)ни, шунингдек, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилиши (амал қилиш муддати узайтирилиши)ни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 3 майдаги 331-сон қарорига 1-илованинг матни иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 12 июль,  
574-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **«ҚОРАҚЎЛ ТУМАНИ ОЛИМПИА ВА МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ- ИНТЕРНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
03.07.2019 й., 09/19/454/3233-сон)

Спортнинг олимпия ва миллий турларини янада ривожлантириш ҳамда мамлакат миллий терма жамоаларининг ишончли захираларини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бухоровилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Бухоро вилояти Қорақул тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатини (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қуйилсинки:

мактаб-интернат ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг "Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2018 йил 2 июндаги 410-сон қарори асосида амалга оширувчи олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳисобланади;

мактаб-интернатга ўқувчиларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан 5-синфдан бошлаб ташкил этилади.

3. Мактаб-интернатнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

олимпия ва миллий спорт турлари бўйича янги илмий-методик тавсиялар ва ютуқлар асосида спорт захираларини, терма жамоаларга юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш;

давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари талаблари асосида ўқувчиларнинг таълим тайёргарлигини таъминлаш;

зарур ҳолларда олимпия спорт турлари бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда илғор илмий-методик тавсиялар асосида ёш спортчиларни тайёрлаш борасида ўқув-машқ жараёнларини юқори даражада ташкил этиш;

ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек спортни ривожлантириш халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон миллий терма жамоалари захирасини тайёрлаш даражасини ошириш;

ўқувчи-спортчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун хорижий спорт мактаблари ва клублари билан тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш.

4. Бухоро вилояти ҳокимлиги Қорақўл тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатини Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, "Тожиқент" МФЙ, Тожиқент қишлоғида жойлашган Бухоро вилояти болалар-ўсмирлар футбол академиясининг бўш турган бино ва иншоотларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

бир ой муддатда мактаб-интернатнинг устави тасдиқланиши, шунингдек, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши;

мактаб-интернатни замонавий педагогик технологияларини эгаллаган малакали педагог кадрлар ҳамда тренерлар билан тўлдириш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2020-2025 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари доирасида мактаб-интернатнинг бино ва иншоотларини босқичма-босқич реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2019 йилда мактаб-интернатни таъминлаш харажатлари учун "Таълим" соҳасига ажратилган маблағлар доирасида ажратилишини таъминласин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 12 июль,  
576-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ГОЛЬФ ИНДУСТРИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
28.08.2019 й., 09/19/721/3658-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида» 2019 йил 3 январдаги ПФ-5609-сон [Фармони](#)ни ижро этиш ва «Илғор худуд» синов-тажриба лойиҳасини амалга ошириш доирасида, шунингдек, республикада туристик хизматларни янада диверсификациялаш ва умумэтироф этилган жаҳон стандартларига мувофиқ гольф индустриясини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг:

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида зарур маданий-кўнгилочар инфратузилмани, жумладан, бизнес-класс коттежлар шаҳарчасини, меҳмонхоналар, кўнгилочар объектлар ва дам олиш — соғломлаштириш марказини ўз ичига олган, гольф бўйича профессионал ва ҳаваскорлар турнирларини ўтказиш учун мўлжалланган, шунингдек, гольф ўйнашга аҳоли ва туристларни фаол жалб қилишни кўзда тутувчи жаҳон стандартларига мувофиқ бўлган гольф мажмуасини ташкил этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) амалга ошириш;

«Mirasmanda Golf Resort» масъулияти чекланган жамиятни (кейинги ўринларда «Mirasmanda Golf Resort» МЧЖ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

«Mirasmanda Golf Resort» МЧЖнинг дастлабки устав фонди «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодий ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг улуши ҳисобига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) кейинчалик улушнинг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш йўли билан шакллантирилиши;

истиқболли участкаларни ўрганиш асосида «SongHo Golf Design» компанияси (Корея Республикаси) томонидан ер участкалари чегаралари аниқланган ҳолда гольф мажмуаси жойлашувининг бирламчи дизайни тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Mirasmanda Golf Resort» МЧЖга, истисно тариқасида:

лойиҳанинг бош режасини, техник-иқтисодий асосини ва бошқа лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқишга «SongHo Golf Design» компанияси билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга;

лойиҳани амалга ошириш доирасида товарлар (ишлар, хизматлар)ни тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаш орқали харид қилишга рухсат берилсин.

4. Жиззах вилоят ҳокимлиги:

Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани худудида «Mirasmanda Golf Resort» МЧЖга лойиҳани амалга ошириш учун 200 гектар ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан белгиланган тартибда ажратилишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг лойиҳани амалга ошириш худудида жойлашган ер участкалари олиб қўйилиши, шу жумладан, экилган қишлоқ хўжалиги экинларига етказилган зарар билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобига қопланишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда кўрсатилган харажатлар кейинчалик лойиҳа қийматига қўшилади ва лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи инвесторлар томонидан Жамғармага қоплаб берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «Ҳарбийлойиҳа» лойиҳалаш институти» давлат корхонаси зарурат бўлганда лойиҳа доирасида ишларни бажариш учун талаб этиладиган масштабда контур хариталарини ишлаб чиқишда «SongHo Golf Design» компаниясига қўмаклашсин.

6. Лойиҳани амалга ошириш доирасида «Mirasmanda Golf Resort» МЧЖ, лойиҳа ташкилоти, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлар 2022 йил 1 июнга қадар:

ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловларни;

лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўловни;

лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарларни, шу жумладан «вақтинча олиб кириш» божхона режимида олиб киришда божхона тўловлари (қўшимча қиймат солиғи ва божхона йиғимлари бундан мустасно);



ишлар, хизматлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан олинадиган қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентликнинг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Жиззах вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК билан биргаликда лойиҳа бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари шартларига мувофиқ қурилиш объектлари муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларига (электр энергияси, газ, сув таъминоти, канализация, телефон алоқаси ва шу кабилар) ўтказилишини ўрнатилган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агентликнинг буюртманомаларига бўйича, лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда қўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилиши, шунингдек, улар яшайдиган жойда вақтинчалик прописка қилиниши ва прописка муддати узайтирилишини давлат божини ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Mirasmanda Golf Resort» МЧЖнинг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномаларнинг белгиланган тартибда берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, жалб этиладиган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган тасдиқномаларнинг берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Жиззах вилояти ҳокими А.Э. Салиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
721-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
20.11.2019 й., 09/19/916/4034-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 августдаги ПФ-5787-сон [Фармони](#) ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 августдаги ПФ-5787-сон [Фармонига](#) асосан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда спорт инвентарлари билан жиҳозлаш лойиҳаларини амалга оширишда буюртмачи функциясини бажарувчи давлат унитар корхонаси шаклидаги Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш

бўйича инжиниринг компанияси (кейинги ўринларда Инжиниринг компанияси деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Инжиниринг компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги барча ташкилотларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлаш;

спорт иншоотлари қурилишида белгиланган тартибда пудратчи ва лойиҳа ташкилотларини танлаш, пудрат шартномаларини тузиш, қурилиш-тиклаш ишларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

спорт иншоотларининг белгиланган истиқболли режаларда назарда тутилган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлаш;

лойиҳа ечимларининг самарадорлигини, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда архитектура талабларига мос келишини таъминлаш;

спорт объектларини спорт инвентарлари билан жиҳозлаш;

халқаро федерациялар (уюшмалар) талабларига жавоб берадиган спорт иншоотларини барпо этиш мақсадида хорижий мутахассисларни (дизайнерлар, конструкторлар, спорт йўналишлари бўйича бошқа мутахассислар), пудратчи ва лойиҳа ташкилотларини шартнома асосида жалб қилиш;

амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларини, спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини такомиллаштириш мақсадида хорижий тажрибани ўрганган ҳолда энергиятежамкор ҳамда бино ва иншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини оширадиган технологиялар ва қурилиш материалларини қўллаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

3. Қуйидагилар Инжиниринг компанияси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт объектларини, жисмоний тарбия ва спорт тизимининг маъмурий биноларини ва бошқа иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш қийматидан ажратмалар;

халқаро ва хорижий молия институтлари, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Инжиниринг компаниясига спорт объектларини халқаро федерациялар (уюшмалар) стандартларига ҳамда халқаро мусобақалар ўтказиш талабларига жавоб берадиган иншоотлар қурилишини таъминлаш мақсадида, зарурат бўлганда, спорт объектларининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда хорижий мутахассисларни, жумладан, пудратчи ва лойиҳа ташкилотларини белгиланган тартибда жалб қилишга рухсат берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт объектларини жиҳозлаш бўйича манзилли дастури лойиҳасини ҳар йили 1 декабрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, мазкур мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида шакллантиради ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгиланган тартибда 2019 йил 1 декабрга қадар 2020 йил Инвестиция дастурига киритилган спорт объектларида лойиҳа-смета ҳужжатлари, қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари юзасидан тузилган шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг Инжиниринг компаниясига топширилишини таъминласин.

7. Инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Тошкент шаҳар, А. Қодирий кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

бир ой муддатда Инжиниринг компаниясининг тузилмаси ва уставини тасдиқласин;  
Инжиниринг компаниясини малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин;  
манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 ноябрь,  
916-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРЕНЕРЛИК ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,  
20.11.2019 й., 09/19/918/4038-сон)

Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома бериш механизмини соддалаштириш, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Миллий гвардия тасарруфидаги спорт мактабларининг директорлари, директор ўринбосарлари, тренер, инструктор-методистларининг базавий тариф ставкалари миқдорини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий гвардия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг:

2019 йил 1 декабрдан бошлаб республикада фаолият юритаётган тренерларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда унинг филиаллари (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) базасида ҳар 5 йилда аттестациядан ўтказиш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий маҳорат спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби, республика олий спорт маҳорати мактаблари (кейинги ўринларда спорт мактаблари деб аталади) директорлари, директор ўринбосарлари, тренер, инструктор-методистлари ҳамда олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатларининг тренер, инструктор-методистлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича таклифлари маъқуллансин.

2. Тренерларни аттестациядан ўтказиш ва уларга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Миллий гвардия тасарруфидаги спорт мактабларининг директорлари, директор ўринбосарлари, тренер, инструктор-методистлари ҳамда олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатларининг тренер, инструктор-методистларининг базавий тариф ставкалари 2020 йил 1 январдан ўртача 1,35 бараварга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 14 августдаги 658-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2019 йил 19 ноябрь,

918-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон спортчиларининг 2020 йилда Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига, нуфузли жаҳон ва қитъа спорт мусобақаларига пухта тайёргарлик кўриши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, спорт соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда илғор технологияларни спорт тайёргарлик жараёнига кенг татбиқ қилиш ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Илмий-тадқиқот ва инновация марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Марказ Ўзбекистон Республикаси спортчиларини олимпия ва паралимпия ўйинларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиши учун тайёрлашга кўмаклашувчи, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ва жисмоний ҳолатини қайта тиклаш ишларини илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий таъминлаш ҳамда илмий-услубий кузатиб бориш фаолиятини амалга оширувчи ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг мусобақа ва машғулотларни режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда спортчининг индивидуал спорт жисмоний юкламасини гекшириш ва макбуллаштириш;

спортнинг тегишли тури бўйича республика спорт федерация (уюшма)лари спортчиларининг халқаро мусобақаларда қатнашишга психологик тайёргарлигини, шунингдек, зарур психологик коррекциясини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари спортчиларининг машғулот юкламаларини таҳлил қилиш, кутилаётган спорт натижаларига эришишга қаратилган спорт тайёргарлигини режалаштириш ва дастурлаш;

спорт терма жамоалари аъзоларини спорт мусобақаларига, хусусан олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш амалиётига машқ ва мусобақалар самарадорлиги ҳамда спортчиларда спорт

маҳоратининг ўсишига хизмат қилувчи замонавий инновация технологиялари ва услубларини жорий этиш;

спорт тайёргарлиги давомида спортчиларнинг функционал ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиш ҳамда спорт мусобақаларида иштирок этиш натижаларини жамоавий ва шахсий жиҳатдан баҳолаш тизимини яратиш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқиш;

спортчиларнинг техник-тактик, психофизиологик ҳолатини ва уларнинг жисмоний тайёргарлигини ўрганиш, спорт соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш;

спорт соҳасидаги долзарб илмий муаммоларга бағишланган илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ташкил этиш.

3. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлардан олинadиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

халқаро молия ва бошқа институтлар кредитлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Марказ қуйидаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун ўз маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги инобатга олинсин:

Марказ ходимларининг иш ҳақи ва уларни моддий рағбатлантириш, малакали хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб этиш, шу жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб этиш, Марказ раҳбарияти ва ходимларини хорижга хизмат сафарларига юбориш харажатларини коплаш;

Марказ ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

замонавий ахборот ва инновацион технологияларни жорий этиш, Марказнинг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказга юкланган вазифаларни ҳал этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Марказнинг фан, технология ва инновация орқали спортда юксак натижаларга эришиш, спортчиларнинг техник-тактик, психофизиологик ҳолатини ва уларнинг жисмоний тайёргарлигини ўрганиш, спорт соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш учун ҳар йили давлат буюртмасини тасдиқлашда ушбу лойиҳаларга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилишини назарда тутсин,

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Марказни жойлаштириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига мустақил экспертларни жалб этиш орқали ишчи гуруҳ тузган ҳолда икки ой муддатда белгиланган тартибда:

Марказ уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Марказ таркибида спортчиларни спорт мусобақаларига тайёрлаш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш, спортчиларнинг тайёргарлигини (жисмоний, техник-тактик, функционал, психологик) ўрганиш бўйича илмий-комплекс лабораториялар ва ахборот-таҳлилий бўлимларни назарда тутган ҳолда унинг тузилмаси ҳамда штатлар жадвалини тасдиқлаш;

Марказни юкланган вазифаларни бажариш учун зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш;

Марказни халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари, ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, мебель ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2020 йил 5 февраль,

62-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **СПОРТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Спорт-таълим муассасаларидан фойдаланиш даражасини ва улар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббусида белгиланган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 1-иловага мувофиқ 2020-2024 йилларда:

босқичма-босқич қуриладиган спорт иншоотларида 23 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини;

етарли спорт иншоотларига эга 68 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**биринчи** - спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш тартибини белгилаш;

**иккинчи** — спорт-таълим муассасаларининг фаолияти даражаси ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш;

**учинчи** - спорт-таълим муассасаларида спорт разрядлари ва унвонларига эга бўлган спортчилар сонини кўпайтириш натижаларига кўра иқтидорли спортчиларни танлаш, тайёрлаш, селекция қилиш (саралаш) ишларини ташкил қилиш;

**тўртинчи** — спорт-таълим муассасаларида фаолият юритаётган тренерлар, методистлар, шифокорларнинг салоҳиятини оширишга эришиш;

**бешинчи** -тегишли рейтинг индикатори бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган спорт-таълим муассасаларини аниқлаш;

**олтинчи** - рейтинг натижаларини ҳар йили оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йилда ташкил этилиши режалаштирилаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини сақлаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2021 йилдан бошлаб эса - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида назарда тутилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

5. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда ушбу қарорга мувофиқ ташкил этиладиган спорт объектлари белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

янгидан ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари уставларини белгиланган тартибда тасдиқласин ва уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

янгидан ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари филиалларини юқори малакали бошқарув кадрлари ва тренерлар билан таъминлаш чораларини курсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 апрелгача болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг намунавий штатлар меъёрларини қайта кўриб чиқиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,

2020 йил 17 февраль,

90-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 90-сон қарорига**

**1-илова**

**2020-2024 йилларда босқичма-босқич ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг филиаллари РҲҲАТИ**

Т/р	Ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва филиалларн номи	Ташкил этиш муддати
<b>1. Ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари</b>		
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>		
1.	Нукус шаҳри 3-сонли БЎСМ	2021 йил
2.	Элликқабла тумани 2-сонли БЎСМ	2022 йил
<b>Андижон вилояти</b>		
3.	Пахтабод тумани 2-сонли БЎСМ	2021 йил
4.	Қўрғонтепа тумани 3-сонли БЎСМ	2024 йил
<b>Бухоро вилояти</b>		
5.	Жондор тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
6.	Пешку тумани 2-сонли БЎСМ	2021 йил
<b>Жиззах вилояти</b>		
7.	Ғаллаорол тумани 2-соили БЎСМ	2023 йил
8.	Фориш тумани 2-сонли БЎСМ	2024 йил
<b>Навоий вилояти</b>		
9.	Навбаҳор тумани 2-сонли БЎСМ	2022 йил
<b>Наманган вилояти</b>		

10.	Поп тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
<b>Самарқанд вилояти</b>		
11.	Боёвут тумани 2-сонли БЎСМ	2022 йил
<b>Сирдарё вилояти</b>		
12.	Ховос тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
<b>Тошкент вилояти</b>		
13.	Ангрен шаҳар 2-сонли БЎСМ	2020 йил
14.	Зангиота тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
15.	Янгийўл тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
16.	Қуйи Чирчиқ тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
<b>Фарғона вилояти</b>		
17.	Қувасой шаҳар 2-сонли БЎСМ	2023 йил
<b>Хоразм вилояти</b>		
18.	Шовот тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
<b>Қашқадарё вилояти</b>		
19.	Қамаши тумани 2-сонли БЎСМ	2021 йил



20.	Китоб тумани 2-сонли БЎСМ	2021 йил
21.	Косон тумани 2-сонли БЎСМ	2022 йил
<b>Тошкент шаҳар</b>		
22.	Сергели тумани 2-сонли БЎСМ	2020 йил
23.	Учтепа тумани 3-сонли БЎСМ	2021 йил
<b>II. Ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари филиаллари</b>		
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>		
24.	Нукус шаҳри 4-сонли БЎСМ (Нукус шаҳри 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
25.	Чимбой тумани 2-сонли БЎСМ (Чимбой тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
26.	Нукус шаҳри 5-сонли БЎСМ (Нукус шаҳри 2-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
27.	Кегейли тумани 2-сонли БЎСМ (Кегейли тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
28.	Амударё тумани 2-сонли БЎСМ (Амударё тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
29.	Қўнғирот тумани 2-сонли БЎСМ (Қўнғирот тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
30.	Мўйноқ тумани 2-сонли БЎСМ (Мўйноқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
<b>Андижон вилояти</b>		
31.	Избоскан тумани 2-сонли БЎСМ (Избоскан тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
32.	Андижон шаҳри 3-сонли БЎСМ (Андижон шаҳри 2-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
33.	Асака тумани 2-сонли БЎСМ (Асака тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
34.	Мархамат тумани 2-сонли БЎСМ (Мархамат тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
<b>Бухоро вилояти</b>		
35.	Бухоро тумани 2-сонли БЎСМ (Бухоро шаҳар БЎСМ филиали, отчопар)	2020 йил
36.	Ғиждувон тумани 2-сонли БЎСМ (Ғиждувон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
37.	Қоракул тумани 2-сонли БЎСМ (Қоракўл тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
38.	Ромитан тумани 2-сонли БЎСМ (Ромитан тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
39.	Вобкент тумани 2-сонли БЎСМ (Вобкент тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
<b>Жиззах вилояти</b>		

40.	Шароф Рашидов тумани 2-сонли БЎСМ (Шароф Рашидов тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
41.	Бахмал тумани 2-сонли БЎСМ (Бахмал тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
42.	Зомин тумани 2-сонли БЎСМ (Зомин тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2024 йил
<b>Навоий вилояти</b>		
43.	Кармана тумани 2-сонли БЎСМ (Кармана тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
44.	Навоий шаҳар 3-сонли БЎСМ (Навоий шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
45.	Навоий шаҳар 5-сонли БЎСМ (Навоий шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
46.	Кармана тумани 3-сонли БЎСМ (Кармана тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
47.	Хатирчи тумани 2-сонли БЎСМ (Хатирчи тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
48.	Қизилтепа тумани 1 -сонли БЎСМ Қизилтепа тумани 2-сонли БЎСМ (Қизилтепа тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
49.	Нурота тумани 2-сонли БЎСМ (Нурота тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
50.	Нурота тумани 3-сонли БЎСМ (Нурота тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
51.	Навоий шаҳар 4-сонли БЎСМ (Навоий шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали)	2024 йил
<b>Наманган вилояти</b>		
52.	Учқўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Учқўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
53.	Наманган шаҳар 4-сонли БЎСМ (Наманган шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
54.	Тўрақўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Тўрақўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
55.	Наманган шаҳар 3-сонли БЎСМ (Наманган шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
56.	Косонсой тумани 2-сонли БЎСМ (Косонсой тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
57.	Наманган тумани 2-сонли БЎСМ (Наманган тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
58.	Чуст тумани 2-сонли БЎСМ (Чуст тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2024 йил
<b>Самарқанд вилояти</b>		
59.	Булунғур тумани 2-сонли БЎСМ (Булунғур тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
60.	Самарқанд шаҳар 3-сонли БЎСМ (Самарқанд шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил

	БЎСМ филиали)	
61.	Самарқанд шаҳар 4-сонли БЎСМ (Самарқанд шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
62.	Самарқанд шаҳар 5-сонли БЎСМ (Самарқанд шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
63.	Иштихон тумани 2-сонли БЎСМ (Иштихон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
64.	Пахтачи тумани 2-сонли БЎСМ (Пахтачи тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
<b>Сирдарё вилояти</b>		
65.	Гулистон тумани 2-сонли БЎСМ (Гулистон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
66.	Гулистон тумани 3-сонли БЎСМ (Гулистон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
67.	Сирдарё тумани 2-сонли БЎСМ (Сирдарё тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
<b>Сурхондарё вилояти</b>		
68.	Сариосиё тумани 2-сонли БЎСМ (Сариосиё тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
69.	Шўрчи тумани 2-сонли БЎСМ (Шўрчи тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
70.	Денов тумани 1-сонли БЎСМ (Денов тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
71.	Жарқўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Жарқўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
72.	Кумқўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Кумқўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
<b>Тошкент вилояти</b>		
73.	Тошкент тумани 2-БЎСМ (Тошкент тумани БЎСМ филиали)	2020 йил
74.	Бўстонлиқ тумани 2-сонли БЎСМ (Бўстонлиқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
<b>Фарғона вилояти</b>		
75.	Боғдод тумани 2-сонли БЎСМ (Боғдод тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
76.	Бешариқ тумани 2-сонли БЎСМ (Бешариқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
77.	Фарғона шаҳар 3-сонли БЎСМ (Фарғона шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали)	2020 йил
78.	Олтиариқ тумани 2-сонли БЎСМ (Олтиариқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
79.	Риштон тумани 2-сонли БЎСМ (Риштон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
80.	Сўх тумани 2-сонли БЎСМ (Сўх тумани 1-сонли	2021 йил

	БЎСМ филиали)	
81.	Фарғона шаҳар 4-сонли БЎСМ (Фарғона шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
82.	Данғара тумани 2-сонли БЎСМ (Данғара тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
83.	Ёзёвон тумани 2-сонли БЎСМ (Ёзёвон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
<b>Хоразм вилояти</b>		
84.	Хонқа тумани 2-сонли БЎСМ (Хонқа тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2021 йил
85.	Янгибозор тумани 2-сонли БЎСМ (Янгибозор тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
86.	Урганч тумани 2-сонли БЎСМ (Урганч тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
87.	Хазорасп тумани 3-сонли БЎСМ (Хазорасп тумани 2-сонли БЎСМ филиали)	2024 йил
<b>Қашқадарё вилояти</b>		
88.	Шаҳрисабз тумани 2-сонли БЎСМ (Шаҳрисабз тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил
89.	Косон тумани 3-сонли БЎСМ (Косон тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
90.	Миришкор тумани 2-сонли БЎСМ (Миришкор тумани 1-сонли БЎСМ филиали)	2023 йил
<b>Тошкент шаҳар</b>		
91.	Олмазор тумани 3-сонли БЎСМ (Олмазор тумани 2-сонли БЎСМ филиали)	2022 йил

Изоҳ. Ўзбекистан Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирига зарур ҳолларда ҳудудий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда 2020-2024 йилларда босқичма-босқич ташиқил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг филиаллари рўйхатиға умумий сони доирасида манзили бўйича ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳуқуқи берилади.